ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАНБАШУНОСЛИК ВА МАХСУС ТАРИХ
ФАНЛАРИ” КАФЕДРАСИ

# МУЗЕЙШУНОСЛИК ФАНИДАН

# МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

**Тузувчи: Жўраев З.**

**Тошкент-2014**

**Музей – халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари – келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак. Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.**

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

## КИРИШ. ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

**РЕЖА**.

1. Фаннинг предмети.
2. Асосий тушунчалар.
3. Музейшунослик услублари.

Музейшунослик — музейларнинг тарихи ва ижтимоий вазифалари, музей ишининг назарияси ва методикаси масалаларини урганувчи фан хисобланади. Музейшунослик музей иши назарияси, музей иши тарихи, музей манбашунослиги, музеишуносликнинг илмий методикаси каби тармокларга булинади. Музейшуносликда музейларнинг табиат ва жамиятни урганиш билан узвий богтищ булган манбаларни тулдириш, музей буюмларини илмий хужжатлаштириш, урганиш ва саклаш:, экспозиция ва кургазмалар ташкил этиш, илмий — маърифатпарварлик фаолияти ва бошкаларда намоён буладиган социал функциялари устида тадкикотлар олиб борилади. Шунингдек музейларни тулдириш, ёдгорликларни хисобга олиш, саклаш ва реставрация қилишнинг илмий принципларини урганади.

Музейшунослик деганда одатда «музей иши хакидаги фан», «музейлар хакидаги фан» ёки киска килиб айтганда «музей назарияси» тушунилади. Лекин бу юзаки тасаввур булиб, хозирги кунда шу билан кифояланиб булмайди. Шундай экан музейшунослик тушунчасининг хал килувчи аникловчи белгиси ва формулирокасини аниклаш вазифаси пайдо булади. Ягона ва хамма тан оладиган илмий таъриф хозирча мавжуд эмас. Бундай мураккаблик факат музейшуносликки хос булмасдан, янги пайдо булган куплаб фанларда хам мавжуд.

Музейшунослик (камида 16 асрдан бошлаб) тажрибаларни умумлаштириш ва материалларни тизимлаштиришнинг узо^ йули оркали узининг назарий тизимини, услубини ва фанлар ичидаги узининг урнини аниклай бошлади. Лекин факат кейинги ун йилликларда асосий тушунчаларнинг шаклланиши, фаннинг умумий назарий элементларининг яратилиши музеишуносликнинг ривожланишини белгилаб берди. Музейшуносликка оид адабиётларда илмий фан бўлган музейшунослик бир хилда тадқиқ қилинмайди. Кўплаб мамлакатларда музейшуносликка мустақил фан сифатида қаралади, лекин унинг характерли белгиларини аниқлашда айрим тафовутлар, келишмовчиликлар мавжуд.

Бундан ташқари айрим мамлакатлардаги олимлар музейшуносликнинг махсус фан сифатида шаклланиши мумкинлигини бутунлай рад қилишади. Шуларга қарамасдан ҳозирги кунда музейшунослик музейларнинг Халқаро Кенгаши (ИКОМ) томонидан тўла тан олинди. Шундай қилиб, музейшуносликка таъриф берадиган бўлсак, Музейшунослик — бу ижтимоий фан бўлиб, социал информацияларни тўплаш,

сақлаш жараёнларини, билимларни ва ҳиссиётни билиш ва музей предметлари орқали етказиб беришни, музей ишини, ижтимоий институт сифатида музейни, унинг социал функцияларини ва турли ижтимоий иқтисодий шароитларда уларнинг амалга ошириш формаларини ўрганади.

Лекин ўрганишнинг предмети, ўрганишнинг объектидан фарқ қилиб, доимо ўзига хос хусусиятларга эга бўлиши керак ва ана шу ўзига хослик мустақил илмий фаннинг мухим белгиси ҳисобланади. Уни топиш ва лойиҳалаш керак бўлади. Ҳозиргача олиб борилган илмий изланишларга таяниб, музейшуносликнинг предметини қуйидагича белгилаш мумкин: Музейшуносликнинг предмети — социал ахборотларни тўплаш ва сақлаш жараёнларининг, билимларни, анъаналарни, тасаввурларни ва ҳиссиётини англаш ва музей предметлари орқали етказиб беришнинг, музейнинг, музей ишининг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ижтимоий доирасини ўрганишдан иборатдир.

Энди музей предмети тушунчасига аниқлик киритиш керак. Бу масалага олимлар XVII асрдаёқ аниқлик киритишга ҳаракат қилишган. И. Д. Майорнинг уринишлари бунга мисол бўла олади. У музейда сақаланадиган предметларга реал, тўла, ҳаққоний, қудратли ва узоқ вақт сақланадиган нарсалар сифатида қараган.

XIX асрга келиб фаннинг ихтисослашуви шунга олиб келдики, музейларда сақланаёттан предметларга кўпроқ турли фанларнинг манбалари сифатида санъат асарлари, табиат парчалари сифатида қарала бошланди. Буларнинг барчасини умумлаштирувчи «коллекцион предмет» деган тушунча пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда музей предмети деганда асл нусхадаги ҳужжат ахамиятига эга бўлган ва музей соҳасига мос тушадиган инсон фаолиятининг натижаси ёки табиат ҳаёти тушунилади.

Ҳозиргача фан тўплаган маълумотларга асосланиб музей предмети — бу реал воқеликдан ажратиб олинган, музей аҳамиятига эга бўлган, музей тўпламига киритилган ва узоқ вақт сақланиши мумкин бўлган предметдир. У ижтимоий ёки табиий-илмий ахборотларни ташувчи — билимлар ва рухий кечинмаларнинг асл манбаи, маданий — тарихий бойлик — миллий мулкнинг бир бўлаги хисобланади.

Айтилганлардан хулоса қилиб музейга қуйидагича таъриф бериш мумкин. Музей — бу социал ахборотларнинг тарихан ўзаро боғловчи кўп функцияли институт бўлиб, маданий — тарихий ва табиий — илмий бойликларни сақлашга, ахборотларни тўплашга ва музей предметлари орқали тарқатишга мўлжаллангандир. Музей турли жараёнларни, табиат ва жамият ҳодисаларини хужжатлаштиради, музей предметларининг коллекциясини тўлдиради, сақлайди, ўрганади, шунингдек улардан илмий, ташвиқотчилик ва маърифий — тарбиявий мақсадларида фойдаланилади.

Музейшуносликда қўлланиладиган услублар:

1. Музей предметларини тадқиқ қилишда, музей коммуникациясини амалга оширишда ижтимоий ва табиий фанларнинг ҳар хил услублари қўлланилади. Жумладан, махсус ва ёрдамчи тарих фанларининг, санъатшунослик ва адабиётшуносликнинг услублари кенг қўлланилади. Музей экспозициясини ва кўргазмасини тайёрлашда, музейга келувчиларни ўрганишда ва турли формадаги таълим-тарбиявий фаолиятини амалга оширишда педагогика ва психологиянинг услубларидан ҳам фойдаланилади. Музей предметларини реставрация ва консервация қилишда табиий фанларнинг услублари — рентгенография, спектография ва бошқа услублар қўлланилади. Кўплаб табиий ва ижтимоий фанларда мавжуд бўлган дала тадқиқотлари услубидан фойдаланилади. Бу услуб мавжуд бўлган ва амал қилинаёттан тизимларни ўрганишда қўлланилади. Жамият ҳаётини бевосита кузатиб бориш услубидир.

2.Экспозиция соҳасидаги тадқиқот, уни ўзлаштириш, консервацияга оид иш, музей предметларини реставрация қилиш экспрементал услубни қўллашни талаб қилади. Бу услубларнинг барчаси музейшуносликда ўрганиш предметининг хусусиятига қараб бир ҳолатдан бошқа холатга ўтиб туради. Музейшуносликда қўлланиладиган илмий услублар ҳозирча ана шулардан иборат. Албатта фаннинг

ривожланиши билан у қўлланадиган услублар ҳам кўпая бораверади. Музейлар кўп асрлик тарихга эга.

Мисол тариқасида қадимги Юнон музейларини келтириш мумкин. Музейларнинг дастлабки ватани Юнонистондир. Юнонистонда Геликон тоғи атрофида музаларга бағишлаб ҳар беш йилда бир марта байрамлар ўтказилиб.унда шоирлар, рассомлар, ва ҳайкалтарошларнинг ўзаро мусобақалари бўлиб турган.

Музейлар айниқса Европада Уйғониш даврида ривожланган. 15 асрда Италияда илк маротаба оммавий музей очилган. Лондондаги Британия музейи (1753), Париждаги Лувр музейи (1793) ва бошқалар ҳам Европадаги илк оммавий музейлардан ҳисобланади.

Ўрта Осиё, хусусан Ўзбекистон музейлари ҳақида гапириладиган бўлса, санъат асарлари, бадиий бойликлар, одамлар сиғинадиган ҳайвонлар, худоларнинг ҳайкаллари ва ёзувлари қадрланган ва йиғиб борилган, аммо оммавий музейлар юртимизда рус босқинидан кейин пайдо бўлган.

## 2. МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙ ИШИ ТАРИХИ. ТУРКИСТОНДА ДАСТЛАБКИ МУЗЕЙЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ.

### РЕЖА.

1. Музейларнинг шаклланиш тарихи.
2. Рус босқини даврида музей иши.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Яқин Шарқ ва Ғарб давлатлари, яъни Урарту, Миср, Греция, Бобил, Рим кабилар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатганлар. Ўрта Осиё заминида ўтган машҳур «Буюк ипак йўли» Шарқий Осиё ва Ҳиндистонни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғлар эди.

Бундай жозибали ўлка барча давлатларда чет эл истилочиларининг диққат марказида бўлган. Шу сабабли тақдир тақазоси билан Ўрта Осиёнинг тарихий қисмати жуда оғир кечди. Босқинчилик урушлари, ҳукмрон доираларнинг ўзаро ички зиддиятлари туфайли тўс — тўполонлар ҳам тез — тез юз бериб турган.

Доимий қирғинлар туфайли бетакрор саройлар, гўзал шахарлар, ноёб иншоотлар вайронага айланиб, йиғилган бебаҳо маданий бойликлар ғолиблар ўлжаси бўларди.

Муаррих Мухаммад Наршаҳийнинг гувохлик беришича, араблар Пойкант жангларидан ҳисобсиз тилло, кумуш буюмлар, қурол аслаҳалар, қимматбаҳо кийим — кечаклардан иборат катта ўлжа билан қайтганлар. Араб истилоси даврида хазина тўплаш, маданий бойлик жамғариш ишларида дурустроқ силжиш юз бермади.

Ўрта Осиёда мустақил Сомонийлар давлатининг (IX — Хасрлар) барпо бўлиши бу борада тубдан ўзгариш қилди. Бу даврда сарой бойликларидан ташқари, катта кутубхоналар, архивлар ташкил этилди.

Тарих гувохлигича, X асрдаги Бухоро ва Шероз амирликлари кутубхоналарида инсоният яратган кўплаб нодир китоблар бўлган. Ғазнавий сулоласининг асосчиси Мухаммад Ғазнавий ҳам жуда кўп китоблар тўплаган. Хоразмшоҳ Мухаммад мамлакатнинг равнақи йўлида катта ишлар қилди. Гўзал саройлар, қасрлар, мақбаралар қурди. Нодир моддий — маънавий бойликлар тўпланди, аммо бу бетакрор санъат ва маданият ёдгорликлари, бутун шаҳар мўғул босқинчилари истилоси туфайли йўқотилди. Кутубхоналар ёндирилди, маданий ҳаёт 100 йиллар орқага чекинди.

Орадан 150 йил ўтгандан сўнг Ўрта Осиёда фан ва маданият қайта куртаклай бошлади. Айниқса, Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтахт қилиниши катта бойликларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Меъморий ёдгорликлар, мақбаралар, масжид — мадрасалар, саройлар қурилди.

Амир Темур забт этган мамлакатлардан қадимий қўлёзмалар, хон, амирларга тегишли ёзишма ва элчилик ҳужжатлари, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиш «Усмон

Қуръони»нинг асл нусхасини Самарқандга келтирди. Дунёга машҳур Темур кутубхонасини барпо этди. Темурнинг севикли набираси, Шарқнинг буюк астроном олими Мирзо Улуғбек бу кутубхонани янада бойитди.

Темурий ҳукмдорларнинг ҳаммаси маданиятни ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг жуда катта, нодир, қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Бехзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланганлар.

Бухоро-Хива хонликларида ҳам нодир қўлёзмалар коллекциясини тўплаб сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиш одат бўлган эди.

Хива хони Мухаммад Рахим II, (Феруз таҳаллуси билан машҳур шоир 1865—1910) кутубхона барпо этиб уни дунёнинг ҳар чеккасидан келтирилган нодир қўлёзмалар билан бойитиб боради. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб Хивада литография ташкил қилиб, ноширлик санъатини ривожлантирилади.

XIX асрда Хива хонлиги ўзининг китоб хазинаси билан дунёга машҳур бўлади. Бу ерда араб, форс —тожик тилларидаги қўлёзмалар ўзбек тилига таржима қилинган.

Қўқон хонлигида ҳам бой кутубхона бўлиб, нодир қўлёзмаларга эга **эди.** Бу даврда Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарлари Фарғона, Бухоро, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарларда китоб ихлосмандлари бўлиб, улар жуда катта маблағ сарфлаб нодир қўлёзмаларни йиққанлар. Масалан: Тошкентда Жўрабекнинг шахсий қўлёзмалар коллекцияси машҳур эди. (1906 йилда ўлдирилган.), Боқижон бой, Қози Мухиддин, Андижондаги Дукчи Эшон кутубхоналари, Бухорода яшаган Қози Шарифжон Махзун Зиёнинг кутубхонаси ва ундаги қўлёзмалар ўзининг нодирлиги ва қадимийлиги билан машҳур эди.

Шундай қилиб, юқоридаги фактлар асосида шундай хулосага келиш мумкинки, Ўрта Осиё диёрида моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш асрий анъана бўлиб, миллий хусусиятларга, ислом дини урф одатларга риоя қилган ҳолда амалга оширилган.

Ўрта Осиёлик буюк алломаларнинг қомусий, шох асарлари XII асрдан Оврупа мамлакатларида лотин тилига таржима қилиниши, дунё фани ривожига катта ҳисса қўшди. Шарк, мамлакатларида эса, бу шоҳ асарлар кутубхоналарнинг олтин фондига айланди.

Қадимдан Оврўполик олимлар, хукмрон доиралар Ўрта Осиё халқларининг тарихи, маданияти ва маданий ёдгорликларини эгаллашга ҳаракат қилардилар. Кейинги даврга келиб, Ўрта Осиёдан фақат ерли муаллифларнинг қўлёзмалари эмас, балки Шарқдаги буюк мутаффаккирларнинг фақат номларигина маълум, аммо ўзи топилмаган асарлари ҳам худди шу ердан чиқиш мумкин деган мулоҳазада бўлдилар.

Дарҳақиқат, уларнинг тахминлари тўғри чиқди ва изчил олиб борилган ҳаракатлари натижасида Ўрта Осиёнинг маънавий ҳазиналари Оврўпо — Осиё давлатларининг мулкига айланди. Бу ишлар хилма —хил йўллар билан амалга оширилди: бу бойликлар хонликларга келган элчиларга совға сифатида берилди, савдогарлар, атайлаб келган сайёхларнинг ҳаракатлари, ўртададаги воситачилар орқали ва босқинчилик ҳаракатлари туфайли хорижий мамлакатларга чиқа бошлади. Масалан: 1740 йили Эрон шоҳи Нодиршоҳ Ўрта Осиёни босиб олади ва Амир Темур мақбарасидан кўп ёдгорликларни олади: Темур қабри устидан нефрит тоши, соҳибқироннинг мақбарага қўйилган олтин сопли қиличи ва қалқонлари, қабр устига қўйилган Қуръон Самарқанддан босиб олинган бехисоб ўлжалар ичида олиб кетилади. Аммо Темур қабри тошини йўлда синиб қолгани учун тезикда қайтаради.

1831 — 1833 йилларда Ост —Индия компаниясининг лейтенанти Александр Бёрнс Бухорода яшаб, қадимий тилла ва кумуш тангаларни йиғади ва 200 дан ортиқ нодир нумизматика коллекциясини барпо этиб, Британия музейига тақдим этади. Ҳозир бу коллекция бебахо ҳисобланади. АхММО бу борада Рус империяси алоҳида кенг кўламда «изланиш» ишларини олиб борди.

Бу жараён айниқса XIX асрга келиб жуда авж олди.

Петербургдаги Осиё музейининг директори, шарқшунос олим Х. Д. Френ 1834 йил Ўрта Осиёдан излаб топилиши мумкин бўлган Шарқ муаллифларига мансуб «Юз асарнинг хронологик рўйхати» ни тузиб чиқди.

Оренбург божхонасига савдогарларни жўнатиш ва кўрсатилган қўлёзмаларни Петербургга юбориш ҳақида фармойиш берилди, бу вазифа буюрганидан ҳам аъло даражада бажарилиб, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи географиясига доир қимматли қўлёзмалар Петербургга оқиб кела бошлади. Бу Ўрта Осиё моддий ва маънавий ёдгорликларининг олиб келинишининг биринчи босқичи эди.

Шу даврдаёқ Оврўпо давлатлари ва Русиянинг подшо саройлари кутубхоналарида Туркистон ёдгорликлари пайдо бўла бошлади. 1853 йили рус қўшинлари томонидан Оқ масжид қалъасининг қўлга киритилиши пайтида моддий ва маънавий хазиналаримиз рус қўшини томонидан вахшийларча таланди.

1869 йилдан режали ўлжа йиғиш чоралари ишлаб чиқилди. Солдат — офицерлар қўлларига Петербургда ёзилган тавсиянома берилиб қандай нарсаларга аҳамият беришликлари кўрсатилган эди. Асосий мақсад: Туркистон шаҳарлари ва хонликлардан қўлёзмалар, ҳужжатлар, танга, мухр, амалий санъат намуналари, осори — атиқалар, маҳаллий ҳунармандларнинг ижод махсулотлари, гиламлар, мис ўймакорлиги буюмлари, нодир эгар — жабдуқлар, заргарлик буюмлари, айниқса, соплари дур, гавхар тошлари билан безатилган қимматбаҳо металлардан ясалган қилич, ханжар, пичоқлар ва бошқа буюмлар Петербургдаги музей хамда кутубхоналарга жўнатилиши керак эди.

Ҳарбий бошлиқлар ва амалдорлар бу қимматбаҳо ёдгорликлардан ўзларига коллекция тўплашни ҳам унутмадилар.

1869 йили Самарқандда Туркистонннинг биринчи генерал —губернатори К. П. Фон Кауфман (1867—1882Й) мусулмон дунёсининг муқаддас китоби VII аср Куфа қўлёзма ёдгорлиги «Усмон Қуръони»ни Петербург императорига жўнатди.

1870 йили Бухоро амири фуқаролари қўзғолонини бостириш баҳонасидаги ҳарбий юришда Шаҳрисабз ва Китоб бекларига қарашли жойлардан 97 жилд қадимий қўлёзмалар тортиб олинди.

Маданий ва маънавий ёдгорликларни илмий асосда йиғиш 1873 йили Хива хонлигига юриш олдидан жуда мукаммал ташкил қилинди. Бу ишга Петербургдаги рус география жамияти бош қош бўлди. Йирик шарқшунос олим П. И. Лерх хонликда нималарга эътибор бериш ва йиғиш ҳақида мукаммал дастур ишлаб чиқиб Туркистонга юборди. Дастур, яъни «Кўрсатма» типография йўли билан нашр қилиниб солдат ва офицерларга тарқатилди.

«Кўрсатманинг» махсус бўлимида архив ҳужжатлари, тилла, кумуш тангалар ва қўлёзма китобларни йиғиш алоҳида қайд этилди. Яна кўрсатиладики, юқоридаги ёдгорликлар, қозихоналар, масжид — мадраса ва хонадонлардан олинсин. Бу ерларда Абу Райхон Беруний, А. Навоий ва бошқа мутаффаккирларнинг қўлёзмалари бўлиши шартлиги кўрсатилади. Ёзилган қўлёзма ва осори — атиқа буюмларини Петербургга жўнатиш Туркистон генерал — губернаторининг фахрий маслаҳатчиси шарқшунос олим А. Л. Кун зиммасига маъмурий йўл билан юклатилади. Солдат ва офицерларни рағбатлантириш йўллари кўрсатилади.

Бу пайтда Хива хони шошилинч равишда қочган бўлиб, сарой босқиичилар ихтиёрида қолган эди. Хон саройи ва ундаги хазиналар талон —тарож этилди, қўлёзмалар ва ҳужжатлар Петербург императори кутубхонасига (ҳозирда С. Шедрин номидаги Петербург давлат кутубхонаси) жўнатилди. Хива хони тахти эса 1874 йилда Москвадаги қурол аслаҳа палатасига топширилди. Бу тахтни илмий тавсиф этган рус олими В. В. Стасов: «Бу тахт Хива ҳунарманд усталарининг маҳорат чўққиси, яъни металлга гул солиш ҳунарининг бетакрор маҳсули» дейди. Хон саройидан олинган қимматли ўлжалар ичида 200 та пул ясайдиган қолиплар, 25 пуд тилла ва кумуш, хон муҳри, 200 дан ортиқ қадимий тангалар, беҳисоб қимматли тошлар ва тиллодан ясалаган

заргарлик буюмлари ва кийим — кечаклар бор эди. Бу нарсалар Петербург ва Москва музейларига Эрмитаж, Царскосельский арсенал, Москва политехника музейи, этнография музейи ва бошқа жойларга жўнатилди. Булар бутун дунёдан келтирилган санъат дурдоналари эди. Беҳисоб Хитой чинни идишлари, Эрон, туркман ипак гиламлари, Кашмир рўмоллари, ажойиб чопон ва қурол аслаҳалардан, беҳисоб заргарлик буюмларидан иборат эди. Фақат XVII —XVIII —XIX асрга оид Хитой чиннисидан ясалган буюмлар 1000 дан ортиқ бўлиб бу нарсалар рус офицерларига ўлжа бўлди.

1875—1876 йили Қўқонга юриш бўлди, хонлик тугатилиб, хонлик хазинаси, ундаги қўлёзмалар қимматли мис, тилла, кумуш буюмлар, қурол аслахалр Петербургга жўнатилди. Қўқондан олинган мисгарлик, заргарлик буюмлари шу вақтгача йирик музейлар — Эрмитаж, Британ музейи ва бошқа музейларнинг кўргазмаларида кўрсатилмоқда. Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг тўкилган қонлари ҳисобига Туркистон ерида 5 та маъмурий вилоят: Сирдарё, Зарафшон (Самарқанд), Фарғона, Каспий орти вилояти, Еттисув тузилиб генерал — губернаторга қарам бўлди ва Россиянинг тўла маънодаги колониясига айланди.

Бухоро билан Хива рус империясининг тобе хонликлари бўлиб қолди. Ўлкада ярим подшо Туркистон генерал — губернатор бўлиб, у чекланмаган ваколатга эга эди.

Энди янги вазифа Ўрта Осиёнинг улкан территориясини ўзлаштириш, уни чоризмнинг Шарқдаги истеҳкомига, бойиш манбаига айлантириш, ўлкани мукаммал ўрганиш, яъни ўлкани ер ости ва ер усти бойликларини ўсимлик ва ҳайвонот оламини, тарихини, этнографиясини ўрганиш зарур эди.

Бу борада катта дастур ишлаб чиқилди: унда Туркистоннинг қадимги тарихи, моддий ва маънавий ёдгорликлари, географияси, ер ости ва ер усти бойликлари, табиати, ҳайвонот дунёси, урф одатлари, ҳаёт тарзини кенг кўламда ўрганиш ва ўзлаштириш мўлжалланган эди.

Шу мақсадда генерал — губернатор хузурида фахрий маслахатчилар штати барпо этилди ва бу лавозимларга шарқ тарихи билимдонлари жалб этилди.

Петербургдан шарқшунос олимлар Ўрта Осиёга доимий ва узоқ муддатли командировкаларга келиб маҳаллий коллекционерлар ва шарқшунослар ёрдамида ҳар тарафлама текшириш ўтказар эдилар. Улар ишни археологик қазилмалар ва бетакрор мақбара ва мадрасалардан бошлар эдилар. Бу ишларнинг атижаси ўларок, улар ихтиёрида қадимий нодир ёдгорликлар, қимматли манбалар тўпланарди. Бу ноёб манбалар Петербург музей ва кутубхоналарига жўнатилади. Улар Петербургнинг ҳамма шаҳарларига генерал губернатор ваколати билан бориб хон саройлари, мадрасалар, масжидлар, қозихона ва савдогарларнинг шахсий коллекцияларини, моддий ва маданий ёдгорликларни, қадимий нодир қўлёзмаларни изчил равишда қўлга киритиб, саралаб Петербургдаги археоглогия комиссиясига, Осиё музейига ва Император кутубхонасига узлуксиз жўнатиб турдилар. Булардан ташқари шу мақсад йўлида 1867 йилдан то 1917 йилгача Туркистонда 15 тадан ортиқ илмий жамият ва тўгараклар ишлаб турган.

1895 йилда Тошкентда археолог, этнограф ва антропологлар тўгараги ташкил этилиб, унга Николай Петрович Остроумов бошчилик қилди. Тўгаракнинг асосий вазифаси — ўлканинг бой маданияти ва тарихини ўзида мужассамлаштирган ёдгорликларни тўплаш ҳамда ўрганиш бўлди. Бу ишда Петербургдаги император археологлар жамияти билан ҳамкорлик йўлга қўйилган эди. Тўгарак тўпланган ёдгорликлар ҳақида марказга ахборот бериб турар ва марказдагиларнинг тавсияси билан қўлга киритилган ёдгорликларни Петербургга жўнатар эдилар. 1898 йилда Андижон қўзғолонининг сардори Дукчи Эшон кутубхонаси мусодара қилинди. Ундаги 194 нодир қўлёзма тезликда Петербургга жўнатилди. Туркистон хазиналарини марказга юборишда жонбозлик кўрсатган яна 3 чи бир гуруҳ бор эдики, улар маҳаллий ҳаваскор ёдгорликлар мухлислари эдилар. Улар ўлка зиёлилари, рус маъмуриятининг расмий ходимлари ва катта кичик ҳарбий амалдорлар эдилар. Рус тарихининг намояндалари ўзларининг Туркистонда олиб борган илмий ва ёдгорликларни тўплаш

ишларида маҳаллий мухлисларга таяндилар. Масалан: самарқандлик Мирза Қосимов, тошкентлик савдогар Акром Асқаров, самарқандлик Мирза Абдулла Бухорий, этнограф Шохимардон Иброҳимов, самарқандлик Абу Саид Махсум, археолог Олим Турди Мирғиёсов ва бошқалар. Булардан ташқари, яна Петербург, Москва музейларидан беҳисоб мутахассислар тез — тез ўлкага келдилар ва ҳисобсиз ёдгорликларни олиб кетдилар. Шундай қилиб, бундай жозибали, афсонавий ўлка рус ҳукмдорларини шошилтириб қўйди. Ўлкада ҳар тарафлама «илмий текшириш» ишлари ривожланиб кетди. Чор ҳукумати Туркистон ўлкаси халқ оммасига миллий жиҳатдан ўзини англаш учун имкон бермас, чунки улар орасида тарихий билимларни кенг ташвиқот қилиш ва улар эътиборини қадимги ёдгорликлар қимматига жалб этиш чоризмнинг мустамлака сиёсатига путур етказади, деб ҳисоблардилар. Лекин Ўрта Осиёни ўз мустамлака мулки деб билган чоризм беқиёс бойликларни ўзлаштириш учун Туркистонни илмий асосда ўрганиш зарурлигини яхши тушунарди.

Илмий жамиятлар, Туркистон ўлкасининг тадқиқотчи олимлари, айрим шахслар, айрим муассасалар ўз фондларини Туркистон ўлкаси минералогияси, зоологияси, нумизматикаси, этнографияси, флора, фауна дунёсига оид ажойиб коллекциялар билан тўлдириб олдилар.

Шу муносабат билан тарқоқ коллекцияларни бирлаштириш ва уларни Петербургга жўнатиш учун саралаш маркази лозим бўлиб қолди. Бунинг учун энг қулай Марказ музей ҳисобланиб, ўлкада музей ташкил этиш масаласи кўтарилди. Жумладан, А. П. Федченко Туркистон генерал губернаторига тайёрлаган ахборотда «Туркистонни муваффақиятли ривожлантириш учун у билан асосли равишда танишиб чиқиш керак, музей эса бунинг энг яхши воситасидир», деб ёзган эди.

Шундай қилиб, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, В. Ф. Ошанин, В. В. Бартольд ва бошқалар Туркистонда музейлар қурилишининг ташаббускорлари бўлдилар.

1876 йил биринчи бўлиб Тошкент музейи (ҳозирги Ўзбекистон тарихи давлат музейи) очилди. Шу пайтдан эътиборан, Ўрта Осиёда бош музейнинг мавжудлиги расман тан олинди.

1896 йили Самарқанд, 1898 йили Еттисув, 1899 йили Фарғона ва Каспий орти (Ашхобот) ўлка музейлари барпо этилди.

Экспозицияларнинг мазмунига келсак, унинг асосий вазифаларидан бири чоризм қуролининг Ўрта Осиёдаги ғалабаларини шарафлашдан иборат бўлиб, Туркистонни босиб олишдаги рус генераллари ва офицерларининг кўрсатган «жанговарлиги» мадх этилиб, уларнинг саноқсиз портретлари кўрсатилган эди. Экспозицияларда маҳаллий тилларда изоҳ текстлари берилмасдан, маҳаллий ахоли музейни кўриш ва тушуниш учун қисқача изоҳларга мухтож эди.

Умуман, мустамлака маъмурияти музей экспозициялардан, ҳукумрон метрополия ғояларини тарғиб қилиш учун фойдаланар эди. Бу ишда рус буржуазияси, савдогарлар ҳамда корчалонлар, мустамлака табиий бойликларини суистеъмол қилишдаги ўз ютуқларини намойиш этиш ва шу билан ўз маҳсулотларини пуллаш учун реклама яратишга ҳаракат қилар эдилар.

Шундай бўлсада, XIX асрда Туркистон ўлкасида дастлабки музейларнинг юзага келиши ўлкада маданиятнинг ривожига қўшилган ҳисса, деб биламиз. Маҳаллий аҳолининг оз қисми зиёлилари музей экспозициялари билан танишиб, ўлкаларининг ўз табиати, ер ости ва усти бойликларидан намуналар кўриб, ўзлигини билишда туртки олган бўлсалар ажаб эмас.

## 3. МАВЗУ: 1917-1941 ЙИЛЛАРДА МУЗЕЙ ИШИ ВА ЁДГОРЛИКЛАРНИ АСРАШ.

**РЕЖА:**

1. Совет ҳукуматининг музейлар соҳасидаги чора — тадбирлари

2. Туркомстарис ва унинг фаолияти.
3. Узкомстарис ва унинг фаолияти.

1917 йил Октябр Петербургадаги Ленин бошлиқ большевиклар давлат тўнтарилиши йўли билан ҳокимият тепасига келдилар ва ўзларининг ҳокимият органларини урната бошладилар. Орадан кўп вақт ўтмасдан бу хол Россиянинг мустамлакаси бўлган Туркистонда ҳам рўй берди. Яъни Тошкентда ҳам келгинди большевиклар ҳокимиятни ўз қўлларига олдилар.

Ўзларини камбағалпарварлар деб эълон қилган шўролар ҳукумати мамлакатдаги барча моддий — маданий ва маънавий бойликларга даъвогарлик қила бошлади. Натижада орадан кўп вақт ўтмасдан миллийлаштириш шиори остида бутун мамлакат бўйлаб моддий ва маданий бойликларни қонуний эгаларидан зўравонлик йўли билан тортиб олиш ва қаршилик кўрсатган мулкдорларни қатағон қилишга киришилди. Бу хол музейлар соҳасида ҳам рўй берди.

Большевиклар ҳукумати қуйидагиларни назарда тутувчи тадбир ишлаб чиқилди:
—ҳозирда амал қилиб турган музейларни рўйхатга олиш ва тарқалиб кетган музей коллекцияларини йиғиш:
—анча машҳур бўлган хусусий жамғармаларни, яхши ховли жойларни, мачитларни хусусий эгаларидан тортиб олиш ва уларни музейга айлантириш;

—озми, кўпми машҳур бўлган барча хусусий коллекцияларни рўйхатта олиш, қадимий қўрғончаларни назоратдан ўтказиш, (кўздан кечириш) тарихий аҳамиятга эга бўлган масжидларни ажратиш, уларга ҳар қандай ўзгартириш киритишни таъқиқлаш; жойларда ўғрилик мақсадларида олиб бориладиган археологик қазишмаларга қарши курашиш; музейларни оммавий маърифий органларга айлантириш, уларни ҳар хил музейга дахли бўлмаган ортиқча материаллардан тозалаш, уларнинг хар бирининг роли ва ишининг мазмунини аниқ белгилаш, Совет ҳокимияти пайдо бўлгандан кейин музейларга раҳбарлик қилиш вазифаси маориф ҲКС га яъни унинг қошида ташкил қилинган «Музей ишлари ва қадимги ёдгорликлар ҳамда санъатни асраш бўйича Бутунроссия коллегияси» нинг зиммасига юклатилди. Кейинчалик 1918 йилнинг майида бу коллегия маориф ХКС нинг музей бўлимига айлантирилди ва унга барча музейларни бирлаштириш ва уларга раҳбарлик қилиш вазифаси топширилди. Шунга мувофиқ бўлимлар ва бўлимчалар ташкил қилинди. Республикадаги Маориф ХКС лари қошида ҳам бундай бўлимлар ташкил қилинди. Музей ишига ташкилий ва илмий раҳбарлик қилиш шу тариқа таъминланди.

Маълумки, 1918 йилнинг 23 майида динни давлатдан ажратиш тўғрисида қонун (декрет) қабул қилинди. Шундан кейин махсус декретлар асосида ҳукмдорларнинг собиқ саройлари, йирик оммавий ва хусусий музейлар, помешчиклар қўрғонларидаги бадиий коллекциялар эгаларидан зўравонлик билан тортиб олинди. Ана шу бой коллекциялар асосида янги ташкил қилинган музейларнинг фондлари тўлдиридди.

Шу даврда миллийлаштириш ишлари Туркистонда ҳам бошланди. Жумладан Туркистон Республикаси ХКС нинг 1918 йил 19 апрелдаги декрети билан Тошкентдаги князь Николай Романовнинг мажмуалари давлат мулки деб эълон қилинди. Унинг данғиллама ҳовлиси халқ музейига айлантирилди. Шу тариқа Туркистоннинг янги ҳукумати ХКС 1921 йилнинг 31 июлида Туркистон Республикаси халқларининг маданий хазинасининг йўқолиб кетиши хавфини туғдирувчи қадимий ва санъат буюмларини ҳамда илмий коллекцияларни четга олиб чиқиб кетишни таъқиқловчи қарор қабул қидди. Шу қарорга мувофиқ эксперт комссиясига халқнинг маиший турмушига оид антиқа буюмларни бозор ва дўконларда сотилишини нозорат қилиб туриш топширилди.

1918 й. 5 октябрида РСФСР ХКС «хусусий шахслар, жамоалар ва ташкилотлар эгалик қилиб келаётган санъат ва қадимий _ёдгррликларни регистрация қилиш, ҳисобга олиш ва қўриқлаш тўғрисида» декрет чиқарди. Шу декретга биноан барча маданият ёдгорликлари кимга тегишли бўлишидан қатъий назар давлат мухофазасига ўтказилди. Ўз навбатида 1921 йилнинг 31 июлида ТАССР ХКС «Туркреспубликасидаги айрим шахслар ва жамоалар ихтиёридаги санъат ва тарихий ёдгорликларни регистрация қилиш, ҳисобга олиш ва мухофаза қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Шу қарорга мувофиқ музей органлари зиммасига қуйидаги маъсулиятли вазифа юклатилди: «Барча монументал ва ашёвий санъат асарлари ҳамда қадимий ёдгорликларни дастлабки давлат регистрациясидан ўтказиш, улар кимнинг ихтиёрида бўлишидан қатъий назар ҳамда яхлит тўплам шаклида, ҳам алоҳида предмет шаклида руйхатдан ўтказиш».

Қарорда кўрсатилгандек рўйхатдан ўтгандан кейин Туркомстарис ҳисобида қолдирилган тўпламлар ва алоҳида санъат ёдгорликлари давлат назорати остида бўлди. Шундан кейин уларни сотиш ва четга олиб чиқиб кетиш, бир шахсдан иккинчи шахсга ўтказиш таъқиқланди. Уларни таъмирлаш, тузатиш унинг жойлардаги органларининг зиммасига юкланди ва улар томонидан қайд қилиб борилди. Бу қарор .асосан ҳусусий эгаларнинг ихтиёрида бўлган ёдгорликларни назарда тутар эди. Уларнинг эгалари қарор қабул қилингандан бошлаб уч ой муддат ичида ўзларининг тўпламлари ҳақида маълумот беришлари шарт эди. Бадиий илмий ёки тарихий жиҳатдан ўта қимматли бўлган ёдгорликлар агар уларнинг мухофазаси хавф остида қолган, эгаси аямасдан муносабатда бўлаётган ёки зарурий чоралар кўришга эгасининг имкони бўлмаган ҳолларда мажбурий равишда эгасидан тортиб олиниб давлат мухофазасига ўтказилиши кўзда тутилган эди.

Агар қимматбахо буюмлар сотиладиган бўлса, Туркомстарисга уларни махсус эксперт комиссия баҳолаган имтиёзли нархларда сотиб олиш ҳуқуқи берилди. Шу мақсадда унинг қошида махсус пул фонди ташкил қилинди.

Бундан ташқари Туркомстарис хусусий шахсларга тегишли бўлган тўпламлар ва коллекцияларни кўргазмага қўйиш ҳамда нашр қилиш ҳуқуқини ҳам олди. Музей предметларини аниқлаш мақсадида илмий — бадиий эксперт комиссия ташкил қилинди. Комиссиянинг раислигига Тукомстарис музей секциясининг мудири А. М. Миронов тайинланди. Комиссиянинг қизғин фаолияти натижасида Туркомстариснинг музей фонди қисқа вақт ичида кўплаб бадиий ва тарихий аҳамиятига эга бўлган предметлар билан тўлдирилди.

Мустабид совет, ҳукуматининг маданий меросини асраш тадбирлари жумласига археологик ёдгорликларни мухофаза қилиш ва ўрганиш борасидаги ишлар ҳам кирган. Ҳали 1918 йилиёқ музей ишлари ва қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни асраш бўйича РСФСР Бош қўмитаси тузилган эди. 1921 йилнинг 23 майида эса Туркомиссия ва ТАССР ХКС Маориф халқ комиссарлиги қошида «Музей ишлари, қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни мухофаза қилиш бўйича қўмита» ташкил қилдилар.

Туркомсатарис — Туркестанская комиссия по охране памятников старинм и искусства —қадимий санъат ёдгорликларини, табиатни қўриқлаш бўйича Туркистон комиссияси эди. 1921 йил 22 майда Туркистон Республикаси ХКС Маориф халқ комиссарлиги таркибида Туркомстарис — музей ишлари, қадимий ёдгорликларни, санъат ва табиатни қўриқлаш ишлари бўйича комиссия тузиш тўғрисидаги низом тасдиқланади. Комиссиянинг зиммасига Туркистон Республикасидаги барча музейларни бирлаштириш ва бошқариш, қадимий ёдгорликларни, санъат ва табиатни қўриқлаш ва таъмирлаш функцияси юклатилди.

Биз кўриб чиқаётган даврда совет музейлари олдига қўйилган вазифалар меҳнаткашларни биринчи беш йиллик топшириқларини бажаришга сафарбар этиш, саводсизлик ва чаласаводликни тутатиш, ишлаб чиқариш тажрибаларини ташвиқ қилиш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш масалаларини ёритиш, меҳнаткашларнинг

маданий ва профессионал савиясини оширишдан иборат эди. Музейлар олдига қўйилган вазифалар БМИК ва РСФСР ХКС нинг 1928 йил 20 августда М. И. Калинин имзо чеккан «Музей қурилиши ҳақида»ги қарорида ўз ифодасини топган эди. Бу қарорда музейлар тармоғининг нотекис тақсимланганлиги муносабати билан миллий ўлкаларда музейларни кенг миқёсда ташкил қилиш, тарихий инқилобий музейларни барпо этиш, ўлкашунослик музейларида тарихий инқилобий бўлимларни ташкил этиш масаласи қўйилди, экспонатларнинг характери йиғув фаолиятини кучайтириш ва коллекцияларни қайта тақсимлаш муаммоси кўтарилди.

Бундан ташқари, музейларнинг моддий аҳволини яхшилаш, ходимлар маошини ошириш, капитал қурилиш, жиҳозлар сотиб олиш учун маблағларни кўпайтириш,ноширлик фаолиятини кучайтириш, экспедиция ишларини кенгайтириш, коллекцияларни комплектлаштириш назарда тутилди.

1928 йил 7 апрелда Средазкомстарис тутатилиб, унинг муассасалари — Ўрта Осиё Бош музейи, Марказий бадиий музей, ҳайвонот боғи ва Инқилобий музей Ўз ССР Маориф халқ Комиссариати Бош фан бўлими ихтиёрига ўтказилди. Натижада музейларнинг илмий йиғув ва илмий экспедицион фаолиятининг майдони торайди ва у Ўзбекистон худуди билан чегараланиб қолди.

Ўзбекистон Маориф ХКС нинг 1928 й. 28 мартдаги буйруғига биноан, Самарқандда музей ишлари ўтмиш санъат ва табиат ёдгорликларини мухофаза этиш Ўзбекистон комитети — Ўзкомстарис ташкил этилди.

Комитетнинг доимий таркибига раис ва унинг ўринбосаридан ташқари Ўзбекистон МИК нинг вакили ҳам кирди. Низомга кўра Ўзкомстарис собиқ Средакомстариснинг вориси эди, аммо унинг фаолият доираси Ўзбекистон ҳудуди билан чекланиши лозим эди. унинг асосий вазифаси қадимги санъат ва маданият ёдгорликларини ўрганиш, хисобга олиш, тузатиш ва тиклаш, мавжуд адабиётларни нашр этиш, музей экспонатларини тушунтириш воситасида илмкй билимларни тарқатишдан иборат эди. Комитет музейларни Ўзбекистон маданията, шунингдек ишлаб чиқариш кучлари ва турмуш тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи осори—атиқалар, табиат буюмлари ва санъат асарлари билан таъминларди. Тарих, маданият ва муҳит палеонталогияси нуқтаи назаридан муҳим бўлган археология разведкаси ва қазишмаларни уюштириш ҳам комитет ихтиёрида эди. У республиканинг тарихий ўтмиши, турмуш ва табиатини ўрганиш учун Ўзбекистонга келган барча шахслар ҳамда ташкилотлар фаолияти устидаи назорат қилиш хуқуқига эга эди.

1930 й. 1 декабрда Москвада музейларнинг 1 съезди ўз ишини бошлади. Съезд диалектик материализм ва музей қурилиши, музейлардаги сиёсий — маърифий ишлар, турли хилдаги музейлар тармоғига мувофиқ умумий қўлланмалар чоп этиш каби масалаларни кўриб чиқди.

Биринчи беш йиллик охирига келиб мамлакат музейларига 5 минг янги ходим кераклиги аниқланди. Съездда мамлакат музейларига кадрлар тайёрлаб беришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Съезд турли типдаги музейларнинг конкрет вазифаларини белгилаб берди. Тарих музейлари (шу жумладан, қаср —музей, уй — музей) фақат маданият тарихинигина кўрсатиш билан чегараланмай, ижтимоий шаклларнинг тараққиёт диалектикасини, ижтимоий тузумларнинг вужудга келиши, тараққиёти, инқирози, ўрин алмашиши жараёни ҳам кўрсатиши кераклиги таъкидланган. Бунда иллюстратив материаллар асосий роль ўйнаши лозим. Ўлкашунослик музейларининг вазифаси ўлканинг ишлаб чиқариш кучларини, ишчи кучи ва моддий имкониятларни ўрганиш, фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш ҳамда навбатдаги режаларни ишлаб чиқиш билан социологик қурилишга ёрдам беришдан иборат деб кўрсатилди. Музейларнинг 1 съездида мухокама қилинган масалалар ва қабул қилинган қарорларни таҳлил қилиб съезд ҳақида қуйидагичи хулоса чиқариш мумкин. Музейларнинг 1 съездида экспозициялардаги табиий —тарихий, тарихий — маданий ёдгорликлар ва бошқа асл музей ашёларнинг

илмий кўмакдош материаллар билан алмаштиришдек нотўғри йўналиш ёрқин намоён бўлди. Съезд асл ва иллюстратив материаллардан қай тариқа фойдаланиш масаласини ҳал қилмади. Бу эса кейинчалик музей экспозициясининг ёдгорликлар ва ҳужжатли экспонатлар жиҳатидан қашшоқлашишига олиб келди. Съезд музей спецификаст жараёнлар билан белгиланади, деб ҳисоблаб, буюмларни эмас, балки жараёнларни кўрсатиш зарурлигини уқтирди.

Музейларнинг 1 съезди асл ашёвий буюмлардан фойдаланиш мумкинлигини умуман инкор этмаган бўлсада лекин шунга қарамай, буюмларни схемалар билан қўшиб тематик экспозицияларни яратиш вазифасини амалга оширишнинг аниқ йўллари ва усулларини кўрсатиб беролмади.

Албатта съезд ишининг ижобий жуҳатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Жумладан съездда турли хиддаги музей тармоқларининг ривожланиш муаммоси хал этилгани, экспозицияларни яратишда диалектик усулни қўллаш, илмий ва оммавий ишнинг узвийлиги, унинг методикаси, кадрлар тайёрлаш ҳақидаги масалаларнинг кўтарганлиги ижобий ҳодиса бўлди.

Бундан ташқари съезднинг махсус орган, — «Совет музейи» журналини чиқариш ҳақидаги қарори ҳам катта аҳамиятга эга бўлди. Журнал 1931 йилдан нашр қилина бошлади.

Биз ўрганаётган даврда Ўзбекистон музейшунослари ҳам конференция чақириб музейлар олдида турган асосий вазифаларни белгилаб олдилар. 1933 йили Тошкентда музей ишини янада ривожлантиришга оид асосий йўналишларни белгилаш масаласи мухокамасига бағишланган музей ходимларининг 1 республика конференцияси чақирилди.

Конференцияда секция мажлисларини уч комиссия ташкил этди:

1) Ўз ССР музей тармоғи ва қурилишини режалаштириш;
2) Музейларнинг илмий тадқиқотлар ишлари;
3) музейларнинг оммавий маърифий фоалияти. Мухокама давомида республикадаги музей қурилишининг барча асосий масалалари кўриб чиқилди.

Конференцияда музей фаолиятини илмий ва жамоатчилик ташкилотлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиши зарурлиги қайд этилди. Уларнинг ёшларни тарбиялашдаги роли, мактаблар билан алоқада бўлиши зарурлиги, мактаб ўқув режасидаги музей экскурсияларининг киритилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Умумўлкашунослик музейи асосий тип сифатида кўрсатилган бўлсада, асосан маданий марказ ҳисобланган йирик шахарларда махсус музейларни қуришга ижозат берилди. Ўлкашунослик музейлари тармоғи қуйидагича белигиланди: республика миқёсидаги марказий; бир неча туташ ва иқтисодий яқин районлар доирасидаги районлараро; қуйи' ишлаб чиқариш бирликлари миқёсидаги район музейлари тузилди.

Конференция асосий диққатни музейларнинг илмий — тадқиқот фаолиятига, экспедициялар, материаллар тўплашнинг мунтазамлиги, музейга келаёттан материалларни илмий инвентаризациялаш ва ўрганиш, музей иши методикаси ва техникасининг умумий масалаларини ишлаб чиқишга қаратди.

Илмий тўплов иши энг оқсаётган жабҳа сифатида эътироф этилиб, тўпланган материаллар танқидий таҳлил этилиши лозимлиги кўрсатилди. Бундан ташқари, ханузгача хусусий коллекционерлик одатидан холос бўлинмагани таъкидланди. Конференциянинг барча иштирокчилари юқори малакали музейшунос мутахассисларнинг етишмаслигини кўрсатиб ўтдилар.

Конференция Маориф ХКС га иккинчи беш йиллик учун музейларнинг мажмуа нашр режасини ишлаб чиқишни таклиф этди. Бу режа асосий фаолияти характеридан келиб чиққан ҳолда ҳар бир музейга оид мақоладад тўпламини «1917 йилдан 1933 йилгача Ўзбекистонда музей иши» деган мажмуа характеридаги асарни; катта кўргазмали материални қамраб олган «Ўзбекистоннинг музей фондлари» номли мақолалар тўпламини нашр этишни назарда тутган эди. Шу йўл билан музейлар

фаолиятининг барча томонларини, яъни ҳар бирининг жойлашган ўрни, мақсади ва тузилишини ёритиш, фондларни коллекциялар характеристикаси ҳамда уларнинг умуммиллий аҳамияти билан тасвирлаш, шунингдек энг қизиқ ва диққатга сазовор объектларни кўрсатиш мўлжалланган эди. Афсуски, бу режа амалга ошмади, фақат И.А.Сухаревнинг «Современное состояние и очередное задачи музейного строительство в Узбекистане» номли кичик бир мақоласи эълон қилинди, холос. Умуман олганда, Ўзбекистон музей ходимларининг 1 конференцияси иши, гарчанд унда кўрилган кўпгина масалалар ўз вақтида амалга оширилмаган бўлсада, ижобий роль ўйнади. Конференция қарорларида мамлакат олдидаги хўжалик ва маданий вазифаларни бажаришда фаол иштирок этиш лозимлиги акс этди. Тарихий жараённи музей экспозициясида акс этгаришнинг бундан буёнги йўл —йўриғи белгилаб берилди.

XX асрнинг 30 —йилларида музей қурилишида рўй берган ўзгаришлар кун тартибига малакали кадрлар тайёрлаш масаласини қўйди. Музейларнинг 1 съездида уқтириб ўтилганидек, бу айни мухим масала эди, чунки музейшунослик илмини музей иши билан чамбарчас боғлаб олиб бориш санъатини талаб қилади. Ҳар бир музейда иккита илмий соҳа мавжуд.

Биринчиси унинг илмий иҳтисоси билан белгиланади. Тарих фани —тарих музейида, адабиётшунослик — адабиёт музейида, санъат — санъатшунослик музейида ўрганилади. Иккинчи соҳа эса комплектлаш, экспонатларни сақлаш, таъмирлаш, илмий тавсифлаш, экскурсия, экспозицион санъат назарияси ва методикаси, шунингдек, музей фаолиятининг бошқа шакл ва услубларини ўрганувчи музейшуносликдир. Ҳар куни ва ҳар соатда музейнинг илмий ходими гоҳ экспозициячи, гоҳ экскурсовод ёки адабиётшунос, гоҳ у ёки бу музейнинг тадбирли ташкилотчиси сифатида намоён бўдди. Аммо у ўзининг кўп қиррали фаолиятида ҳар соат, ҳар дақиқада илмий ходимлигича қолади: ҳар бир янги экспонат ёки экспозиция мавзуи унга янги тадқиқот вазифасини юклайди, экскурсияга келувчиларнинг ҳар бир янги гуруҳи, томошабиннинг ҳар бир саволи янги жумбоқ сифатида музей ходимидан уни ечиш учун бор билимини сафарбар этишини тақозо қилган.

Республика вилоятларининг ўлкашунослик музейлари илмий ходимларининг вазифаси янада оғиррбқ эди. Улар ўз ўлкаларининг тарихи, иқтисодиёти, маданиятидан яхши хабардор бўлишлари, ана шу асосда моддий буюмлар йиғиб экспозиция яратишлари лозим эди.

Ўзбекистон музейлари илмий ходимларининг таркибини бир томондан, музейда 10—15 йилдан бери ишлаб келаётган эски музей ходимлари ёки музей ишига ўтган эски мутахассислар, иккинчи томондан эса, музей стажига эга бўлмаган ёш ходимлар ташкил қилар эди. Музейда бошқа ишга ўтиш учун қулай фурсат кутиб вақтинча ишловчилар ҳам кам эмас эди.

Республикада музей кадрларининг ахволи:

1. етарли иш стажига эга ходимларнинг камлиги; баъзан эса ишга нолойиқ ходимларнинг кўплиги;
2. миллий кадрларнинг озлиги;
3. айрим музейларда илмий ходимлар штатининг тўла комплектлашмаганлиги;
4. янги кадрлар тайёрлашнинг қониқарсизлиги билан характерланар эди.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, музейларга Турккомстарис, Средазкомстарислар раҳбарлик қилган 20 —йилларда Ўзбекистон музейлари йирик археолог олимлар, манбашунослар, этнографлар, антропологлар, табиатшунослар каби'юқори малакали кадрларга эга эди. 30 —йилларга келиб фаннинг тараққиёти, республика олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасаларининг ўсиши кўпгина мутахассисларни ўзига жалб этди. Натижада 30 —йилларда музейларда ҳали музей ихтисосига эга бўлмаган, ҳатто олий маълумоти ҳам йўқ ёш кадрлар қолди. Бундай вазият фақат Ўзбекистонгагина

хос бўлмай, бутун мамлакат учун характерли эди. Бу ҳол музей мутахассисларини тайёрлаш бўйича жиддий тадбирлар кўришни тақозо этарди.

1929 йили Маориф Халқ Комиссарлиги қарорига кўра, Марказий олий ўқув юртлари қошида музей ходимлари малакасини ошириш бўйича 9 ойлик курслар ташкил қилинди. Бундан ташқари, 1932 йили музейшунослик ва санъатшунослик соҳаси бўйича икки группа аспирантлар танлаб олинди.

1934 й. кузида РСФСР Маориф ХК томонидан олий музей курслари ташкил этилиб, кейинчалик доимий олий музей ўқув юртига айланди. Курслар икки туркумдан — табиий - тарихий ва тарих туркумларидан иборат эди. Курсларни битирувчилар камида 5 йиллик стажга эга бўлсалар ва диссертация талабларига мос асарларни тақдим этсалар, уларга илмий даража ҳам берилар эди.

Лекин бу курслар етиштирадиган кам сонли мутахассислар бутун мамлакат учун етарли эмас эди. Шунинг учун ҳам 1937— 1940 йилларда қисқа муддатли музей курслари ташкил этила бошланди. 1930 йилдан бошлаб бундай курслар миллий республикаларда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ташкил қилина бошланди. Бу курслар 6 ойга мўлжалланган эди. Самарқанддаги Марказий давлат музейи қошида ҳам шундай курслар ташкил қилинди.

1939 йили Ўзбекистон Маориф Халқ Комиссарлиги музей ходимлари учун ярим йиллик муддатга мўлжалланган олий малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо дастур қайта кўриб чиқилгач, ўқиш муддати 4 ойга қисқартирилдн. Тошкент музейлари қошида республика вилоятлари учун мутахассислар тайёрлана бошланди.

Мутахассисларни олий ўқув юртлари орқали тайёрлаш ҳам давом эттирилди. Жумладан Ўзбекистон музейлари мутахассис кадрлар билан Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона педагогика институтларининг тарих факультетларини битириб чиққанлар ҳисобига ҳам тўлдирила борди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, музей иши қанчалик илмий асосда ривожлантирилмасин, барибир совет давлати мафкурасини тарғиб қилувчи марказга айланди ва улар сиёсатлаштирилди.

## 4. МАВЗУ: 1941-80 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАР ВА МУЗЕЙ ИШИ.

**РЕЖА:**

1. Уруш йилларида музейлар иши.
2. 1945 — 80 йилларда музейлар иши.

1941 йил июнда СССР нинг иккинчи жахон урушига тортилиши билан халқнинг тинч ва осойишта ҳаёти бузилди. Мамлакат ҳарбий изга тушди. Илмий — тадқиқот муассалари, шу жумладан, музейларнинг фаолияти ҳам тубдан ўзгарди. Кўпгина музейлар ўз биноларини эвакуация қилинган муассасалар учун бўшатиб берди.

Республика музейлар тармоғи вақтинча қисқарди: биргана Ўзбекистон тарихи, маданияти ва санъати музейи номи остида Санъат, Адабиёт ва Ўзбекистон тарихи; табиат музейи билан бирга Политехника музейи бирлашди; атеистик тарғибот музейи консервация қилинди. Республиканинг кўпгина музейлари экспозициялари йиғиштирилиб, илмий тадқиқот фаолияти ҳамда штатлар қисқартирилди. Тарих музейидан 9 киши, Самарқанд музейидан 10 дан ортиқ киши фронтга кетди.

Фронт орқасида қолган музей ходимлари Ватан олдидаги бурчларини шараф билан адо этдилар. Улар қисқа муддат ичида санъат ва тарих бўлимлари залларида бир қатор

экскурсиялар туркумини яратиб, қатор кўргазмалар ташкил қилдилар. Фронт ва унинг орқасидаги халқнинг қаҳрамонона жасоратини кўрсатиш бўйича меҳнаткашлар орасида катта оммавий сиёсий иш олиб бордилар. Шу билан бирга ўтган йиллар давомида тўпланган барча музей бойликлари ҳам сақлаб қолинди.

Ташкил этилган экспозицияларда тарихий намуналар воситасида халқимизнинг эрксеварлиги, уларнинг мустақиллик учун кураши қайд этилди. Асосий диққат ўтмишдаги қаҳрамонлик намуналарининг намойиши ва ташвиқотига қарахилди. Кўплаб шахарлар ва саноат корхоналари тўлалигича душман қўли остига тушиб қолаётган эди. Шу боисдан иккинчи жаҳон урушининг дастлабки давридаги ҳарбий воқеаларни яхши ёритиб бўлмас эди. Бу бир томондан халқнинг руҳини чўктирса, иккинчи томондан мамлакатнинг сиёсий тузуми бундай холисликка йўл қўймас эди.

Фронтларда вазият ўзгариши билан Армиянинг муваффақиятли ҳаракатлари, босиб олинган территорияларнинг озод қилиниши каби мавзулар марказий ҳамда республика музейлари экспозицияларида ўзларининг муносиб ифодаларини топди. Тарих бўлимида катта кўргазма шаклида «Улуғ Ватан уруши» деб номланган махсус бўлим ажратилди. У томошабинлар қизиқишларига сабаб бўлди. Кўргазма анча катта майдонни эгаллаган эди. Бу ерда Ўрта Осиё Давлат Университети ва Тошкент тўқимачилик комбинатидаги митинглар, Ҳамза номидаги театрда жангчиларни тантанали кузатиш, фронтта жўнаётганларга Қизил байроқни топширишни тасвирловчи фотосуратлар намойиш қилинарди. Бундан ташқари, меҳнаткашларнинг кўнгилли равишда фронтга жўнаш ҳақидаги хат ва аризалари, жанг майдонларидан хабарлар, ўзбек халқи ўғил — қизларининг жанговор ишлари, фронт орқасидаги фидокорона меҳнатлари ҳам ёритилди. Ўзбекистонликларнинг жанг майдонларидаги жасоратларини кўрсатувчи экспонатларга ҳам катта эътибор берилди.

Брест қалъаси ҳимоячилари орасида ўзбек халқининг фарзандалари Н.Содиқов, А.Абдуллаев, А.Арслонбоев, С.Бойтемиров, А.Алиев, Т.Хидиров ва бошқалар бор эди. Ўзбекистон жангчилари машҳур И.В.Панфилов номидаги 8 — Гвардия дивизияси шахсий составига кирганлар. Бу дивизиянинг Зариф Иброҳимов, Ғулом Абдукаримов сингари кўплаб жангчилари катта қахрамонликлар кўрсатганлар. Кўпгина ўзбек жангчилари душман орқасидаги партизанлик ҳаракатида қатнашдилар. Музей томонидан олинган турли материаллар уларнинг жанг майдонларидаги қаҳрамонона жасоратлари ҳақида ҳикоя қиларди. Ғ.Тошниёзов ва Т.Эрйигитов ҳақидаги материаллар, СССР Олий Совети Президиумининг раиси М.И.Калинининнинг биринчи ўзбек генерали С.Раҳимовга ёзган хати музей залларидан фахрли ўрин олган эди. Экспозицияни тайёрлаш жараёнида курол муносабат билан музейлар хўжалигини ташкил этиш, экспозицияларни тиклаш ва янгиларини яратиш, фонд материалларини сақлаш ва ҳисобини юритиш, малакали кадрлар тайёрлаш каби масалаларни ҳал этиш талаб этиларди.

Илмий методик раҳбарликнинг бўшлиги, янги кадрларда илмий малаканинг етишмаслиги туфайли республика музейларидаги экспозициялар томошабинлар эътиборидан қолган эди. Бунинг устига республика қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг урушдаги иштироки, урушдан кейинги йиллардаги халқ хўжалигининг тикланишини акс эттирувчи стационар бўлимлар мутлақо йўқ эди.

Музей ишини қайта ташкил қилиш бўйича Ўзбекистон ҳукумати бир қатор қарорлар қабул қилди. Ана шу қарорларни амалга ошириш мақсадида музейларда илғор колхоз — совхоз ва МТС лар тарихини ёритувчи, саноат ва қишлоқ хўжалиги махсулотларининг энг яхши намуналарини намойиш этувчи, ишлаб чиқариш илғорларининг иш услуби билан яқиндан таништирувчи экспозициялар пайдо бўла бошлади.

Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Ўзбекистон Халқлари тарихига оид доимий экспозиция ташкил этишга киришди. Бу ишда Ўз ФА Тарих иститути ва Ўрта Осиё Давлат Университетининг етакчи мутахассислари катта ёрдам кўрсатдилар. Дастлаб

«Февраль буржуа —демократик инқилоби» ва «Совет Ўзбекистони» бўлимлари тайёрланди. 1948 йили «Ўзбекистон ҳудудида ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузуми» ҳамда «Феодал давлатлар» бўлими очилди. 1951 йили ташкил этилган «Туркистон чор Россияси таркибида» бўлими 19 асрнинг иккинчи ярми ва 20 асрнинг бошларидаги иқтисодиёт, турмуш ва маданият, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва унинг оқибатлари масаласини бир томонлама бўлсада ёритиб берди.

Кейинги йилларда экспозициянинг барча бўлимлари тўлдирилиб кенгайтирилди. Натижада 1954 йили қадим замонлардан бошлаб иккинчи жахон уруши якунигача бўлган Ўзбекистон тарихини изчил ифодаловчи экспозиция бунёдга келди.

Ўзбекистондаги кўпчилик музейлар 1946 — 1953 йилларда кўргазма типидаги экспозициялар яратиш йўлидан борди. Аммо бу кўп ҳолларда юзаки характер касб этар эди. Шу ҳолатларга чек қўйиш ва музейлар ишини тубдан яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Маданият Министирлиги маданий — маърифий муассасалари Бош бошқармаси ҳузурида музейлар ишини мувофиқлаштириш бўйича доимий ҳаракатдаги услубий семинар ташкил этилди.

1953 йилдан бошлаб кўпчилик музейларда экспозицияларни қуришда муайян бурилиш юз берди. Лекин бунда асосий эътибор кўпроқ Совет даврини хар томонлама ёритишга қаратилди. Масалан, Сурхондарё музейининг Совет даври экспозицияси: 1) Улуғ Октябрь инқилоби; 2) Фуқаролар уруши; 3) Ўрта Осиёнинг миллий — худудий чегараланиши; 4) Ер —сув ислоҳоти; 5) СССР хотин — қизларни озод қилувчи мамлакат, 6) Социалистик индустрлаштириш; 7) Учинчи беш йиллик даврида халқ хўжалиги; 8) Улуғ Ватан уруши; 9) Совет Иттифоқи — тинчлик, демократия ва социализм таянчи; 10) Сурхондарё вилоятининг саноати, қишлоқ хўжалиги, маданияти _ каби бўлимларни ўз ичига олган эди. Самарқанд, Наманган, Фарғона, Хоразм ва Қашқадарё музейларида хам шунга ўхшаш холатни кузатиш мумкин.

Бу даврда республика ўлкашунослик музейларининг тармоғи ҳам кенгайди. Масалан 1959 йил Чирчиқ, 1960 йил эса Ангрен шаҳар ўлкашунослик музейи, кейинги йилларда яна бир қатор шаҳар ва район ўлкашунослик музейлари ташкил этилди.

1964 йили Ўзбекистон ташкил топганлигининг 40 йиллиги муносабати билан ўз экспозицияларида республика халқ хўжалигининг барча тармоқлари, шу жумладан , пахтачилик, қишлоқ хўжалиги ишларини механизациялаш, саноат, фан ва маданият соҳасидаги замонавий ютуқларни ифодаловчи Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари стационар кўргазмасининг очилиши катта аҳамиятга эга бўдди.

Кўргазма Тошкентнинг энг катта ва чиройли боғларидан бирига жойлаштирилиб, махсус павильонлар, техник воситалар билан ёритилган. Ундаги ускуналар, экспозиция материаллари маҳорат билан намойиш этилган. Бу томошабинларда чуқур таассурот уйғотиб материалларнинг чуқур ўзлаштирилишига ёрдам беради. 60 —йилларда республикада янги музейлар ташкил этилди. Шу билан бирга мавжуд музейлардаги экспозициялар тўла қайта қурилди. Бу ўринда археология, этнография соҳасидаги энг янги ихтиролар, тарих фанининг ютуқлари ҳисобга олинди.

Шу йилларда бир қатор мемориал музейлар очилганлигини кўрамиз. 1963 йили Улуғбек музейи, 1964 йили С.Айний музейи, 1964 йили Й.Охунбобоев музейи, 1967 йили Хамза музейи, 1970 йили Ленин музейи, 1972 йили Фарғонада У.Юсупов музейи, 1974 йили Янгийўлда У.Юсуповнинг уй музейи каби мемориал музейлар шулар жумласидандир.

Йўналиши ва мақсадига кўра бу музейларнинг экспозициялари олимлар, шоирлар, ёзувчилар ҳамда сиёсий арбобларнинг ҳаёти ва фаолиятини кўрсатиш билан бирга, муайян тарихий давр, унинг рухи ва нафасини ҳам акс эттирар эди.

Масалан, Самарқанддаги Улуғбек мемориал музейи экспонатлари Темурийлар даври ҳақида тасаввур бериб, ана шу сулола вакили Улуғбекнинг буюклигини кўрсатади, айни пайтда унинг мунажжим олим ва шахсий ҳаётини ҳам акс эттиради.

Самарқанддаги С.Айний музейининг экспозицияси эса ўзига хос услубда яратилган. У ортиқча таъсир воситаларисиз ўзбек ва тожик халқининг машҳур адиби, олим ва шоир С.Айний ижодий мухитини табиий равишда очиб беради, уни қуршаган шароит ҳамда ҳаётни яққол акс эттиради.

60 —70 —йиллардаги музейшунослик Ўзбекистонда музей тармоқларини кенг кўламда кенгайтириш ишларининг авж олганлиги, моддий — техника базасининг тубдан яхшиланганлиги билан характерланади. Ўзбекистон музейлари чиройли, махсус қурилган биноларга эга бўла бошладилар. Масалан, Давлат санъат музейи янги, шинам бинода ўзининг иккинчи умрини бошлади. Бу ерда томошабинлар учун Ғарбий Европа ва рус санъатининг дурдоналари, шунингдек, ўзбек рассомларининг асарлари кенг кўламда намойиш қилинмоқда. Амалий санъат музейи учун янги бино тикланди. Туркистон ҳарбий округи тарихи музейи эса Ўрта Осиё қуролли кучларининг қудратини ва жанговор ўтмиши тарихини кўрсатувчи бинода янги даврини бошлади. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи эса 19 аср меъморчилигининг ёдгорлиги, тарихий аҳамиятга эга бўлган бинога жойлашди. Марғилонда Й.Охунбобоев мемориал музейи учун қаватли бино, Самарқандда Афросиёбдаги тарих музейи ва республика маданият ва санъат тарихи музейи учун махсус бино қурилди.

Қуйидаги рақамлар музейларнинг тобора ривожланиб, малакали кадрлар билан мустахкамланиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. 1973 йили Ўзбекистонда турли йўналишдаги 30 та музей шу жумладан, 4 тарихий, 4 мемориал ва 15 ўлкашунослик музейи бўлган. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 10 та, Самарқанд ва Фарғонада 5 тадан, Андижонда 4 та музей иш олиб борган. 1980 йилга келиб эса республикада музейлар сони 33 тага етди, томошабинлар сони ҳам 3,7 млн. кишига кўпайди.

Кейинги йилларда экспозициянинг барча бўлимлари тўлдирилиб кенгайтирилди. Натижада 1954 йили қадим замонлардан бошлаб уруш якунига қадар бўлган Ўзбекистон тарихини изчил ифодаловчи экспозиция бунёдга келди. Ўзбекистондаги кўпчилик музейлар 1946—1953 йилларда кўргазма типидаги экспозициялар яратиш йўлидан борди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги маданий — маърифий муассасалари Бош бошқармаси хузурида музейлар ишини координациялаш бўйича доимий ҳаракатдаги методик семинар ташкил этилди.

1959 йили Чирчиқ, 1960 йили эса Ангрен шахар ўлкашунослик музейи, кейинги йилларда яна бир қатор шаҳар ва район ўлкашунослик музейлари ташкил этилди.

КПСС МК. 1964 й. 12 майда «Музейларнинг меҳнаткашларни коммунистик рухда тарбиялаш соҳасидаги ролини ошириш тўғрисида» қарор қабул қилди.

1973 йили Ўзбекистонда турли йўналишдаги 30 та музей, шу жумладан 4 та тарихий, 4 та мемориал ва 15 та ўлкашунослик музейи бўлган. Тошкент шаҳри ва вилоятида 10 та Самарқанд ва Фарғонада 5 тадан, Андижонда 4та музей иш олиб борган. 1980 йилга келиб республикада музейлар сони 33 тага етди.

## 5. МАВЗУ: МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУЗЕЙЛАР ВА МУЗЕЙ ИШИ.

Мустақил ватанимизда миллий ўзликни тиклашга алоҳида эътибор берилмоқда. Зеро бизнинг юрт аждодларининг тарихда кўрсатган буюк хизматларини холис ўрганиш ва тарғиб этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Совет даврида фақат «Қизил империя» мафкурасига хизмат қилган музейлар эндиликда миллий ўзликни англашга хизмат қилиши лозим.

' Мустақиллик даврида музейлар ишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг бир қанча омиллари бор:

Биринчидан, мустамлакачилик йилларида онгимиздан ўчириб ташланган миллий туйғуларни қайта тиклаш;

Иккинчидан, миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш учун унутилган тарихимизни қайта тиклаш;

Учинчидан, аждодлар хурматини жойига қўйиш, ёш авлодни аждодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш, миллий ғурурини юксалтириш, буюк анъаналарнинг давомчиси этиб тарбиялаш;

Тўртинчидан, миллий қадриятларимиз бизга демократик, хуқуқий, қудратли Ўзбекистон давлатини барпо этиш учун «Ўзбекистон келажаги буюк давлат» ғоясини рўёбга чиқариш учун керак;

Бешинчидан, миллий қадриятларимиз мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаЛлаши.^келгуси авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш учун керак.

Ушбу йўналишларга Президентимиз асарларида қайта —қайта тўхталиб ўтмилмоқда. г

Ана шу мақсадлар ҳукумат сиёсий тадбирларида ўз ифодасини топмоқда. 1998 йил 12 январда «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди Фармонда асосан Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган музейлар тизимининг шаклланган музейлар тизимини , янада такомиллаштириш, уларнинг халқнинг маънавий — аҳлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, музей фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини мустақиллигимизнинг одимларини акс эттирувчи, ноёб, нодир экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимизнинг онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларнинг замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий — техника базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллашга зарур шароитлар чора тадбирлар— маданият ишлари вазирлиги қошида музейларни қўллаб қувватловчи «Ўзбекмузей» жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарма музейлар фондларида йиллар давомида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб нодир экспонатларни авайлаб асраш, уларни илмий томонларини ўрганиш, таъмирлаш, янги экспонатлар билан музей залларини бойитиш билан шуғулланмоқдалар. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шахар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган. Шу билан бирга, ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбоблари уй музейлари мавжуд.

Бу музейлар халқимизнинг узоқ тарихидан хикоя қилувчи, мозийдан садо берувчи маънавият масканлари бўлиб, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда улуғ қадамжолар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Вазирлар Махкамасининг «Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб қувватлаш масалалари тўғриси» даги 5 март 1998 йил 98 сонли қарори «Ўзбекмузей» жамғармасига, Ўзбекистон музейлар жамоатчилик кенгашининг халқаро музейлар кенгаши — ИКОМга аъзо бўлганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон музейларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Ушбу қарорда мамлакат музейларини таъмирлаш, зарур техник воситалар ва замонавий асбоб —ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда маблағ билан таъминлаш вазифалари юклатилган.

Мазкур қарордан илҳомланган «Ўзбекмузей» ҳодимлари қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Мавжуд барча ўзбек музейлари фондидаги экспонатларни ягона рўйхатини тузиш, экспонатларни доимий ҳимоя қилиш шароитларини яхшилаш, сақланаётган экспонатларнинг қатьий назоратини таъминлаш, илмий концепциялар ишлаб чиқиш,

хорижий мамлакатлардаги музейларда сақланаётган тарихимизга ва маънавий бойлигимизга оид осориатиқаларни, шунингдек, қадимий қўлёзмаларни рўйхатга олиш, уларни ҳалқимизга таништириш, шунингдек, музейлардаги нодир экспонатларни дунёга олиб чиқиш, жаҳон халқларига таништириш соҳасида тегишли ташкилотлар билан ҳужжатлар ишлаб чиқиш шартномалар тузиш ишларини олиб бормоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасинин1 «Ижтимоий ва маънавий муҳитни янада соғломлаштириш тўғрисида» ги ҳамда «Маънавий ва маърифийислоҳотларни самарадорлигини янада ошириш чора тадбирлари тўғриси»даги қарорларига жавобан қатор тадбирлар ишлаб чиқдик. Шунга кўра, мамлакатдаги барча музейларда ҳар ойнинг бир куни «Очиқ эшикулар куни» деб эълон қилинди. Шу куни музейларга ўқувчилар, талабалар ва бошқа томошабинларга музей ходимлари бепул ҳизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, тарихимизнинг ёрқин из қолдирган алломаларга бағишлаб, музейларда «Барҳаёт сиймолар» мавзусида адабий кечалар, «Истиқлол, маънавият ва музей» мавзусида тадбирлар ўтказилиб келмоқда. Айниқса, Имом Бухорий, Ахмад ал — Фарғоний, Камолиддин Бехзод, Жалолиддин Мангуберди, Огаҳий ва бошқа алломаларга бағишлаб музейларимизда ўтказилаётган тадбирлар ёшларни аждодлар меъросига садоқат рухида тарбиялашда мухим аҳамият касб этмоқда.

Тарихиздан маълумки, Турон Моварауннахр, Туркистон дея атаб келинган, «Буюк ипак йўли»да жойлашган Ўзбекистон Шарқ билан Ғарбни боғловчи, уларни иқтисодини, маданиятини, санъатини, тараққиётини боғлаб турадиган бир макон бўлган.

«Буюк ипак йўли»нинг вориси сифатида Ўзбекистонга кўплаб мамлакатлар АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Италия каби давлатлар жуда катта қизиқиш билан қарамоқда. Улар аждодларимиз меърос қилиб қолдирган музейларимизада сақланаётган ноёб осори — атиқаларни кўриш, қадимий — тарихимиз, бой маданиятимиз билан танишиш истакларини билдирмоқдалар.

«Америка Қўшма Штатларида қадимий «Буюк ипак йўли» да жойлашган, уйғониш даврида ҳам, ўрта асрларда ҳам жаҳон тараққиётининг, илм —фан ривожининг ўчоғи, буюк алломалар макон топган, бой тарихи, маданиятга эга бўлган бугун ҳам катта илмий — иқтисодий тараққиёт имкониятларига эга бўлган сизнинг Ўзбекистон Республикангизга ҳурмат, қизиқиш жуда каттадир», — деб ёзибди Ислом Каримовга йўллаган хатида АҚШдаги Марказий Осиё музейи директори, Пенсильвания университетининг профессори, доктор Фредрик Т. Хиберг.

Шу мазмундаги хатлар Япониядан, Франциядан, Германиядан, ЮНЕСКОдан, Халқаро музейлардан ташкилоти ИКОМдан тез — тез келиб турибди. Гап шундаки, ҳаммаси ҳам ўз мамлакатларида музейларимиздаги экспонатларни кўчма кўргазмасини ташкил этишни таклиф тмоқдалар. Мустақиллик даврида юртимизда буюк тарихий сиймоларга аталган ҳайкал ва музейлар сони кўиайиб бормоқда.

Мустақиллик даврида буюк тарихий сиймоларга аталган хайкал ва музейлар қурилди.

1993 йилда Амир Темур Хиёбони ўртасида Соҳибқирон Амир Темурга Суворий ҳайкал ўрнатилди.

1996 йилнинг 18 октябрь куни мамлакатимиз пойтахти Тошкентда буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темурга атаб Шарқ Миллий меъморчилигининг ноёб ва мўъжизавий намунаси сифатида бунёд этилган Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Президент И.Каримов музей очилиш маросимида сўзлаб «Бугун зўр шодиёна— билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи соҳибқирон шаҳсиятига нисбатан юртимиздаги тарихий адолат тантана қилганинг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки. Амир Темур ҳиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир. Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч хосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс эттандек намоён бўлади. Кимки Ўзбек номини, ўзбек миллатини куч қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган хиссасини, шу асосда келажакка ишончини эслаш керак.

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас ҳизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳоламоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқиёсида кенг нишонланганлиги ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томирларимизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, ватанга мухаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Чуқуррoқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан биз учун— буюк сохибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!»

Умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этган бу музей 6 ой давомида қурилиб битказилди.

Музей қурилишида бутун мамлакат мутахассислари иштирок этдилар.

Тошкентлик қўли гул қурувчилар, чиннисозлик ва керамика, «Миконд» корхоналарининг моҳир хунармандлари, «Уста» бирлашмаси, Югославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоалари бу ишга муносиб ҳисса қўшдилар. 1996 йил 1 сентябрда давлатимиз мустақиллигининг 5 йиллик тўйида Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ва Халқаро Олимпия Қўмитаси (ХОҚ) раиси Х. А. Самаранч Олимпия Шон — шухратмузейининг тантанали равишда очдилар. Музейни очиш маросимида спортчилар, мураббийлар, Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Ўзбекистон Олимпия қўмитаси, спорт клублари, ва жамиятлари вакиллари иштирок этишди.

Музейни безаш ишларида энг иқтидорли рассомлар ва ҳайкалтаршлар, Ўзбекистон халқ усталари қатнашдилар. Музейдаги энг асосий мавзу — ҳозирги замон Олимпия ўйинлари. Экспонатлардаги Олимпия ҳаракати қачон пайдо бўлгани, Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг барпо этилганлиги, мамлакатимизда олимпия ғояларининг тараққий этганлиги, Олимпия Ўйинларининг ўтказилиши ва шу Ўйинларда ғолиб совриндор бўлиб чиққан Ўзбекистон спортчиларининг иштирок этаётганлиги ҳақида ҳикоя қилинади, Музейга ташриф буюрганлар XX аср Олимпия Ўйинларининг шонли тарихида ўз номларини қолдирган бир қатор спортчилар билан танишадилар. Г. Шамрай (гимнастика), С. Бабанина, Н. Устинова (сузиш), В. Дуюнова, Л. Павлова (валейбол), Р. Казаков, А. Фадзаев, ака —ука Хадарцевлар (кураш), Р. Рисқиев (бокс), С. Рўзиев (қиличбозлик), Р Гатаулин (лангарчўп билан сакраш), Л. Ахмедов, А. Хан (чим устида хоккей), Р. Ямбулатов(милтиқдан отиш), Н. Мухаммадиёров (оғир атлетика), О. Чусовита, Р. Ғалиев (гимнастика), Л. Черязова (фристайл) шулар қаторида ўрин олган.

Экспозицияларда мустақил Ўзбекистон терма жамоасининг 1996 йили Атланта шаҳрида (АҚШ) Олимпия Ўйинларида иштирок этгани тўғрисидаги қизиқарли маълумотлар алоҳида ўрин тутади.

Ҳорижий мутахассисларнинг эътироф этишларига кўрамамлакатимизнинг спортчиларининг мусобақаларда биринчи марта иштирок этганликлари муваффақиятли чиққан; А. Багдасаров (дзюдо) кумуш медалига, К. Тўлаганов (Бокс) бронза медалига сазовор бўлишди, О. Чусовитина (гимнастика), Р. Галиев (енгил атлетика), Р. Исламов, А. Очилов (кураш) ўз юксак махоратларини кўрсатишди.

Ҳар қандай музейда бўлгани каби, катта қизиқиш уйғотган экспонатлар бу ерда ҳам мавжуд. Бу аввало, Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов тақдирланган Олимпия олтин нишони ва Осиё Олимпия Кенгаши нишони, шунингдек, турли ҳил бошқа мукофотлар, совринлар, медаллар, фристайл бўйича жаҳон чемпиони Л. Черязованицг шахсий спорт жиҳозлари, Халқаро Олимпия Қўмитаси Президанти Х. А. Самаранчнинг музей очлишида топширган эсдалик совғалари, ранг —баранг нишонлар, айниқса, диққатга сазовардир.

Олимпия шон — шуҳрат музейи фақатгина ўз фаолияти билан чекланиб қолмасдан, балки Ўзбекистон Жисмоний Тарбия ва спорт давлат қўмитаси, ҳамда Ўзбекистон Олимпия Қўмитаси билан ҳам яқиндан ҳамкорлик қилади: матбуот конференциялари, анжуманлар ўтказиш, спортчиларни мусобақаларга кузатиш, ҳар хил турнирлар ва мусобақаларнинг ғолиблари билан учрашувлар уюштириш каби тадбирларни амалга оширади. Кўпинча, айнан ана шу учрашувлардан кейин спортчилар ўзлари қўлга киритган соврин ва кубокларни мукофот тариқасида музейга топшириб кетадилар.

Музей замонавий видео техникаси билан жиҳозлангани туфайли, бу ерда Тошкентда бўлиб ўтадиган турли хил спорт мусобақалари шунингдек, музейда ўтказиладиган матбуот конференциялари, анжуманлар, қутловларни тасвирга тушириш ва кейин оммага намойиш этиш имконияти яратилган. Бу лавҳалардан спорт мутаҳассислари, телевидение ва оммавий ахборот воситаларидан спорт тахририятлари фойдаланадилар. Музейдаги техник жи^озлар, экспонатлар ва жамғармалар, видео махсулотлари, маҳсус адабиётлар ҳар хил спорт турлари мутаҳассислари, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари, малака ошириш курслари тингловчиларининг илмий, услубий тадқиқотлар ўтказишларига катта имкониятлар яратиб беради.

Музей Лозаннадаги ХОҚ МОК бош қароргохи хузуридаги Олимпия Шон — Шуҳрати музейи билан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги тамонлама шартнома имзолаган, экспозициялар ва адабиётлар сони шу йўл билан ахм кўпайиб боради. Олимпия Шон - Шухрати музейи халқаро Олимпия Қўмитаси Президенти Х. А. Самаранч томонидан юксак баҳоланган, у музейга «Музей жахонда иккинчи ўринда туради», баҳо берган эди.

Мустақиллик йилларида музейлар ривожланиб бормоқда.

«Ўзбекистон халқлари тарихи» музейининг янгича асосда қурилиши, унинг экспозицияларининг қайтадан кўрилиб чиқиши шунингдек шаҳидлар хотирасига бағишлаб алоҳида музей ташкил этилиши фикримизнинг исботидир.

## 6. МАВЗУ: ИЖТИМОИЙ МАДАНИЙ ИНСТИТУТ СИФАТИДА МУЗЕЙНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ.

**РЕЖА.**

1. Умумий тушунчалар.
2. Музейларнинг ўзга институтлардан фарқи.

Музейшунослик ижтимоий фан бўлиб, ижтимоий маълумотлар, билимлари саклаш жараенларини, ҳамда билимлар ва ҳиссиётларни музей предметлари воситасида етказиб бериш масалаларини ўрганади.

Музейшунослик музей ишини, музейнинг ижтимоий институт сифатидаги ролини, шунингдек унинг ижтимоий функцияларини ва турли ижтимоий —иқтисодий шароитларда улардан фойдаланиш шаклларини ўрганади. Музейлар — моддий ва маънавий маданият ёдгорликларини, шунингдек табиат ва инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги

билимларнинг илк манбалари ҳисобланадиган табиий — тарихий коллекцияларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш, кўргазма қилиш ва оммага етказиш билан шуғулланади.

Музейлар маданиятнинг асосий давлат омбор хоналаридир. Музейлар фаолиятининг характерига кўра илмий — тадқиқот ва илмий — маърифий муассасалар ҳисобланади. Илмий — тадқиқот муассасаси сифатида музейлар маданият ва табиий —тарих ёдгорликларини, шунингдек табиат ва жамият ҳақидаги билимлар бўйича бошқа илк манбаларни тўплайдилар, ўрганадилар, сақлайдилар. Илмий — маърифий муассасалар сифатида эса музейлар ўзларининг тадқиқот ишлари натижаларини кўргазма ва нашр қилиш сингари илмий — маърифий фаолиятларида намойиш қиладилар.

Бошқа фанлар қатори «музей», «музей иши» терминининг ўзига хос бошқа фанлардан фарқлантириб турувчи хусусияти бор.

Музейларни ривожлантириш, уларнинг ижтимоий функциялари, ички структураси, бошқа фанлар, маданият, ўқув, тарбиявий, ташвиқот соҳалари билан алоқадорлиги ўзига хос илмий анализни талаб этади.

Музейшунослик ривожланишнинг барча поғоналарида музей феноменини тўлиқроқ шарҳлашга, унинг жамиятдаги ўрнини кўрсатишга интилади.

Музейларни бошқа институтлардан фарқлантириб турувчи ҳужжатлар хусусиятлари бор. Масалан, архив каби маълум даврга тегишли ҳужжатлар билан шугулланиш, кутубхоналар каби маълум информа — цияларни етказиб бериш бу институт зиммасига кирмайди. Унинг зиммасига сақлаш, тадқиқотчилик, ўқув — тарбиявий масалалар кириши билан бирга қисқа вақт ичида узлуксиз тарихни ёритиб бера олишдек масъулиятли вазифа юкланган. Шунингдек маданий хордиқ чиқариш муассасаси бўлиш масаласи ҳам уни бошқа институтлардан фарқлантириб туради.

Демак, музей ижтимоий талаб — эҳтиёжни қондиришга, тарихий хотирани ҳужжат — маълумотлари асосида жонлантиришга, кишиларга эстетик завқ бағишлашга хизмат қилади.

Музей ашёларини йиғиш, уларни илмий асосда ҳисобга олиш, сақлаш, таъмирлаш музейшуносликнинг ўзига хос илмий услублари асосида тадқиқ этиш, илмий, ўқув — тарбиявий масалалар музейнинг махсус белгиларидир.

Музейлар томонидан маълумотлар бериб борилиши ўзаро алоқадорликнинг ўзига хос кўринишидир. Унинг фарқлантирувчи ўзига хослиги бу — экспозиция ва кўргазма сифатида фаолият олиб боришдир.

Музей — маданий — тарихий, табиий — илмий қадриятларни йиғувчи ва улар ҳақидаги маълумотларни музей ашёлари воситасида, тарғиб қилувчи ижтимоий институтдир.

Табиат ва жамиятнинг мухим ўзгаришларини хужжатлаштириб музей ашёларни тўлдиради, сақлайди, музей ашёлари коллекцияларини тадқиқ қилади, ҳамда улардан илмий, ўқув — тарбиявий ва ташвиқот мақсадида фойдаланади. Музей иши амалиёт, ёдгорликларни сақлаш, музей тармоқлари, музей сиёсати, қонунчилиги, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, ихтисослашган илмий — услубий ва ўқув марказлари, махсус даврий матбуот, музейшунослик каби масалаларни қамраб олади.

Музейшуносликда музейларнинг келиб чиқиши, тарихи, ижтимоий тизимда уларнинг ўрни, гурухлаштириш, музейларни турлаштириш, каби масалалар ўрганилади;

1. музейларнинг ички ташкил этилишини, музейларнинг ижтимоий функциясини, махсус фанлар ривожланишини ўрганади;
2. музейларнинг ўзига хос ҳаракатларини ўрганади;

1. музей иши ривожланишининг қонуниятларини, уни ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ўрганади;
2. музей тармоқлари, ташкил этилиш жараёни ва ривожланиши, тармоқларни лойиҳалаш масалаларини ўрганади;

— музейшунослик фанини махсус фан сифатидаги ҳолатини, унинг ўзига хос характерини ва фанлар тизимидаги ўрнини ўрганади,

## 7. МАВЗУ: МУЗЕЙЛАРНИНГ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИ.

**РЕЖА.**

1. Музейлар тадқиқот марказлари.
2. Музейшуносликнинг тадқиқот предмети.

Музейларнинг энг мўхим масалаларидан бири уларнинг илмий — тадқиқотчилик фаолиятларидир. Бу фаолият орқали музейлар ўз манбаларини бойитиш билан бирга музейлардаги ашёлар воситасида тарих қирраларини очишга катга хизмат қилади. Зеро музей ашёлари ўтмишнинг жонсиз гувоҳлари, ҳужжатларидир.Тадқиқотлар музейлар илмий фаолиятининг энг асосий бўғинларидандир.

Илмий тадқиқотлар натижасида ашёларни таъмирлаш, музей коллекцияларини сақлаш ва қўриқлаш экспозициялар яратиш, томошабинларга хизмат кўрсатиш ва бошқа ҳаракатлар даражаси аниқланади.

Музей полуфункционал муассасадир, шу туфайли унинг тадқиқотчилик даражаси ҳам кенг ва кўп характерлидир.

Масалан, экспозиция —нафақат махсус илмий, балки музей, психологик — педагогик, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар натижасидир.

Музей тадқиқотчилик ишининг мураккаб томони шундаки тармоқ музейларида (масалан, адабиёт, табиий, тарихий) ўша соҳани мукаммал билиш билан музейшуносликнинг илмий асосларини ҳам чуқур билиш талаб этилади.

Турли сохаларни ўрганиш музей ишини ривожлантиришга мўлжалланади.

Музей илмий — тадқиқотчилиги диққат марказида музей ашёси туради. Бундан тадқиқот музей тадқиқотчилигининг махсус турига киради. Тадқиқот ашёнинг манбаий қимматини аниқлашга, табиат ва жамият ривожланишини хужжатлаштиришга, ашёларни сақлашга, ҳамда билимларга манбавий асос бўлишга, эстетик завқ беришга, ҳиссиёт уйғотишга хизмат қилади.

Кейинги вақтларда музейга махсус илмий — тадқиқот институти сифатида қаралмоқда.

Тарих музейларининг ҳам илмий — тадқиқотчилик фаолияти ўзига хос хусусиятларга эга.

Тарих музейлари музейшуносликнинг ўзига хос хусусиятлари билан бирга умум тарих фанларининг ўзаро боғланиши ва умумий қарашларига таянади.

Унда тарихий ривожланишининг объектив хусусиятлари, ҳозирги ва келгусидаги ривожланиши, ўзаро боғлиқлиги холисона ёритилиши керак.

Олимлар, хусусан, музейшунос олимлар ўтмишдан аждодлардан қолган бой илмий — маданий меросни тарихийлик, холислик, таққослаш, танқидий ва бошқа услублар асосида ўрганадилар. Уларнинг илмий изланишлари тарихни аниқ ва хатоларсиз жонлантиришга хизмат қилишлари керак.

Тарих музейларининг тадқиқотчилик фаолиятига жакиятнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ривожланиши масалаларини тадқиқ этиш киради. Ашёвий, тасвирий ва ёзма манбалар тадқиқот объектига киради. Тадқиқотдан мақсад бу ашёларнинг тарих фанида тутган аҳамиятини ўрганиш, ўрганилган янги

маълумотларни илмий доирага тадбиқ этиш, бу орқали тарих фанини яна —да бойитиш, ишончлилигини тасдиқлаш ва бошқалардан иборатдир.

Мустақиллик йилларида музей тадқиқотчилиги айниқса ривожланмоқда.

Совет даври музейларининг илмий — тадқиқотчили — гидан бутунги кун музейшунослигидаги тадқиқотлар шу жиҳатлари билан фарқ қиладики, аввало музей мафкурадан холи, у миллий тарихимизни илмий ва холис яратишга хизмат қилади.

Ҳукуматимиз саъи — ҳаракатлари билан 1999 йилдан музейлар фаолиятига бағишланган «Мозийдан садо» журналининг чоп этилиши ҳам музей тадқиқотчилиги ҳақида кенгроқ маълумот олишга хизмат қилади.

## 8. МАВЗУ: ДАВЛАТ МУЗЕЙ ФОНДИ.

**РЕЖА:**

1. Музей фонди тушунчаси.
2. Музей фондларини илмий асосда ташкиллаштириш.
3. Фонд ишларининг асосий йўналишлари.
4. Музей ашёларини ўрганиш услубияти.

Музей фаолияти музей фондлари орқали амалга оширилади. Музей функцияси бажарилишининг мувафақиятли бўлиши, музей кадрларининг билим манбалари ва эмоционал ва маданий қадриятларни, яхши билишга ва ташкил этишга боғлиқ яъни музей предметларининг ўзига хослиги ва уларнинг тарихий жараёнларни акс эттиришини тўғри тушуна олиш ва ташкиллаштира олишга боғлиқ. Музей фондларини сақлаш, тадқиқ этиш ва илмий, тарбиявий ишларда улардан тўғри фойдаланиш керак бўлади. Фондлар орқали ўгмиш, бугун ва келажакни боғлаш мумкин. Фонд ишларида бошқа йирик давлатларда бўлгани каби тарихийлик, илмийлик, холислик услубиятлари асосий ўринни эгаллайди. Тарихийлик принципи орқали музей ашёлари жамиятнинг тарихий ривожланишининг жонсиз гувоҳи ва натижаси сифатида ўрганилади. Тарихий қонуниятларга алоҳида
эътибор берилади.

Тарих йўналишидаги музейлар фондларига музей ашёлари, ижтимоий — иқтисодий жараёнларнинг ҳужжатлари, ички ва ташқи сиёсат, маданият тарихига оид материаллар киради.

Музей фондлари архив ва кутубхона фондларидан фарқ қилиб тарихий жараёнларни комплекс ҳужжатлаштиради.1) Моддий. 2) Тасвирий. 3) Ёзма. 4) Фоноёзув,кинофильм.(манбалар)

Музей учун нафақат семантик информация, балки эътибор жалб қилиш, яъни аттрактив жиҳати ҳамда тўлқинлантира олиш (ҳаяжонлантириш) — яъни экспрессив жихати ҳам бўлиши керак.

Музей фондларини илмий ташкиллаштириш.

Музей фондлари предметларнинг мураккаб комплекси бўлиб уларнинг ижтимоий аҳамияти бир —биридан фарқланади. Музей фаолиятида ҳам уларнинг роли бир —биридан фарқланади. Музей фондларини илмий асосда тартибга солиш керак бўлади. Уларнинг:

1. — дан музей ашёси эканлигига;
2. —дан илмий ёрдамчи ашё эканлигига эътибор берилади.

Фондларни илмий ташкиллаштириш бошқа томондан ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Фонд предметлари ўзаро қариндошлик белгилари билан фарқланади. Улар материаллар тури, тузилиши, мавзуси, сюжети (ёзма, тасвирий манбалар, киноҳужжат ва фоноёзувлар) жойи, вужудга келган вақти, автори алоҳида шахсга тегишлилиги

билан бир —бирига яқин бўлади. Фондларни илмий ташкиллаштиришда информация қиммати (унинг сифати, ҳажми) га ҳам эътибор берилади.

Бир ёки бир неча белгисининг ўхшашлиги, илмийлиги, бадиийлигининг бир —бирига яқинлигидан ташкил топган предметлар музей коллекциялари дейилади. Масалан уларга ўзбек ва ғарбий Европа матолари, шарқ қуроллари, қишлоқ хўжалик қуроллари ва бошқалар мисол бўла олади. Коллекциянинг музейга хослиги уни сон ва сифатдан тўлалигига боғлиқ. Коллекция шунингдек ўзаро тарихий жараёнларнинг у ёки бу жиҳатини ҳужжатлаштиришга ҳам боғлиқ. Масалан ғарбий Европа матолари ва шарқ қуроллари Ўзбекистоннинг чет эл билан олиб борадиган алоқаларини акс эттириши керак. Бир коллекциядаги жараёнлар бошқа коллекциядаги мазмунни тўлдириши керак.

Фондларни илмий ташкиллаштириш иккита масалани ечади.

Биринчидан, предметларнинг фан ва маданият учун аҳамиятини кўрсатади, алоҳида музей ишини юритишда ва предметларнинг юридик жиҳатларини ташкиллаштиришда керак бўлади;

Иккинчидан, предметларни сақлаш, тадқиқ қилиш, улардан фойдаланиш каби жиҳатларини ўрганади.

Музей фондлари: **музей** предметлари фонди ва илмий — ёрдам фондига бўлинади. Музейда сақланадиган барча предметлар асосий фонд дейилади.

Музей фондлари 2 га бўлинади:

5. Музей ашёлари фонди.
6. Илмий — ёрдам фондлари.

Музей ашёлари фонди:

Асосий фонд ва алмашув фондига бўллнади.

а) Асосий фонд: коллекцион ва дублет фондига бўлинади; Коллекцион фонд: йирик ва типик предметларига бўлинади. Дублет фондига йирик ва типик предметлар киради.

б) Алмашув фондига: нойўналиш предметлари ва ортиқча дублет нусха фондлари киради. Нойўналиш фондида ҳам йирик ва типик предметлар фонди киради Ўзаро бир —бирига яқин предметлар ва уларни чуқур ўрганишга максимал йўналиш бера олиш, ўрганиш, тўлдириш, сақлаш, фойдаланиш музей фондлари структураси дейилади.

1. Аниқ асосда бўлинади. Масалан шиша предметларни бир вақтнинг ўзида ҳам материали, ҳам рангига қараб бўлиб бўлмайди.
2. Манбаларни турига қараб бўлиб бўлмайди.
3. Фондларга бўлишда улар бир —биридан фарқ қилиши керак. Мисол учун расм солинган пиёла бир вақтда ҳам моддий, ҳам тасвирий манбага кирмаслиги керак.
4. Мисол учун қуроллар совуқ ва портловчи қуролларга бўлиб унинг аниқ типлари бўлинмайди.

Моддий, тасвирий, ёзма манбаларга фоноёзув ва киноҳужжатларга қараб бўлинади.

## 9. МАВЗУ: МУЗЕЙ ФОНДЛАРИНИ ТЎЛДИРИШ.

**РЕЖА:**

1.Музей фондларини тўлдириш.
2. Музей ашёларига илмий паспортлар қўйиш.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон музейларида тўхтовсиз давом этган йиғув фаолияти туфайли нумизматик, ҳарбий — тарихий, этнографик, зоологик, ботаника ва бадиий характерга эга бўлган катта миқдордаги асл музей ашёлари тўпланди. Йиғилган музей материалларидан фанда фойдаланиш учун даставвал уларни музей ходимларининг ўзлари ўрганиб чиқишлари тақозо қилинади, чунки ҳар бир ёдгорликнинг ҳақиқийлиги ва илмий манба сифатидаги аҳамиятини белгиловчи аниқ илмий паспорти бўлиши лозим.

Барча мамлакатларда бўлгани сингари, Ўзбекистонда ҳам музей фондларини тўлдириш ва уларнинг илмий бўлишига катта эътибор берилади.

Тўлдиришнинг хусусиятлари унинг режали ва мақсад сари йўналтирилган бўлишида кўринади. Илмий экспедициялар ташкил қилиш табиат ва турмушни режали илмий текширишнинг ягона йўлидир. Экспедиция — лар тўхтовсиз равишда янги материаАлар топиб турмаса, музейларнинг илмий фаолиятини зарур даражага кўтариш қийин. Кам ўрганилган нохияларда иш юритадиган ва малакали илмий мутахассисларга эга бўлган экспедициялар айниқса яхши самарага эришадилар. Бундай экспедициялар ўтказишдан олдин музей фондларидаги материаллар билан батафсил танишилиб, адабиётлар ўрганилади, бошқа муассасалар: фанлар академияси, қўшни республикалар академиялари илмий — тадқиқот институтларига ўхшаш обрўли муассасалар билан зарур координациялар амалга оширилади. Экспедициялар институт ва музей ходимларининг биргаликда иштирок этиши учун зарур кўникмаларни ривожлантиради, экспонатларни пухта танлаш ва уларга илмий ёндошишни ўргатади, ўзаро ҳамкорлик тажрибасини ҳосил қилади. Экспедиция - йиғув иши музей томонидан бир неча йилга мўлжаллаб олдиндан пухта режалаштирилади. Бундай иш режалари экспозиция вазифалари, илмий тадқиқот ва энг аввало, фондлар аҳволини ҳисобга олиш билан узвий боғлиқ ҳолда тузилади. Ҳар бир экспедиция олдидан у бажариши лозим бўлган ишларнинг илмий режасини акс эттирувчи йиғув рўйхат — жадвали тузилади. Этнография коллекцияларини комплектлашда ҳар бир экспонат рўйхатдан ўтказилиб текширилаётган халқ ёки элат тарихи ҳамда турмуш тарзи билан узвий боғлиқ ҳолда, муайян вазиятда ўрганилади. Ҳар бир этнографик мавзу ёки ҳодиса (турар жой, кийим - кечак, касб —кор, оила ва бошқалар) дала шароити жараёнида тарихан ўрганилади.

Материални қатъий илмий асосда танлаш йиғув —тўплов ишининг мажбурий шартидир. Дала шароитида экспонат ҳақида: предмет ва унинг айрим қисмлари номлари (тайёрлаган одам тилидаги маҳаллий номи), нима учун тайёрланганлиги ва фойдаланганлиги, жойлашган райони, тайёрланган вақти сингари барча маълумотлар тўпланади. Демак, дала шароитида коллекция тўплаш илмий — тадқиқот ишлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Дала шароитида йиғув ишининг асосий шакли бевосита кузатиш, ахборот берувчилар билан сухбатлар ўтказиш ва материални экспедицион лавҳа, кундалик фотосурат сифатида рўйхатга олишдан иборат. Ахборот берувчи ёки унинг жойлардаги ёрдамчилари томонидан тўлдирилган анкетадан ёрдамчи усул сифатида фойдаланилади.

Музей коллекцияларини тўплаш — илмий изланиш самарасидир. Буюмни мажмуага қўйиш учун инвентарь китобига ёзиш керак. Аммо олдин унинг нималигини аниқлаш, мазмунини билиш, хдқиқийлигига ишонч ҳосил қилиш, унга тўлиқ ном бериш лозим. Музей фондларида шундай буюмлар борки, уларни аниқлаш ва ўрганиш учун йиллаб вақт сарфланади. Шунинг учун кўпинча музей буюмларини ўрганувчи фанни «буюмшунослик» деб атайдилар. Буюмни инвентарь китобига ёзишдан олдин унинг муаллифини, материали ва техникасини, мазмуни, аҳволи ва қаердан келганлигини билиш лозим.

Навбатдаги босқич — илмий паспортларни тўлдиришдир. Бунда буюмлар ҳақидаги маълумотлар кенгайтирилиб, тарихий шарҳлар берилади. Намуна учун бир неча илмий паспортни келтирамиз. Буюмнинг номи - чопон. Инвентарь номери 322, қайд қилиш китоби номери 3-1. Бўлим номери 111. Сақланадиган жойи -34 —яшик. ^

Тасвири. Қумранг ип газламали эркаклар тўни, ҳунармандчилик махсулоти. Асоси ва арқоғи икки ипдан эшилган газламадан иборат. Чопоннинг этаги, бари ва енглари йўл — йўл қизил матодан, ёқалари оқ ҳошияли ҳаворанг читдан тикилган. Ёқасининг чети, этаклари ва енгининг учи бинафшаранг ипак жиякдан иборат. Енг ичига ҳам ана шундай жиякнинг парчаси тикилган. Орқа этаги, бари ва енг қайтармаси бинафшаранг ипак ҳамда қора ип билан бахяланган. Бахя йирик йирик қавилган. Чопон қўлда тикилган. Ёқаси машина усулида фабрика ипида бахяланган.

Ўлчами: узунлиги 1,38, енги - 0,72, қайтрмаси - 0,32, этаги - 1,95 см.

Сақланиш даражаси: янги.

Олинган жойи ва вақти: Ўрта Осиё музейи топшириғига мувофиқ М.Ф.Гаврилов томонидан тузилган предметлар рўйхати. Тўлдирилган вақти: 8.11.31 й. Тузувчии: М.Бекжонова.

Буюмнинг номи — чинни товоқ.

Тасвири: шакли цилиндирсимон, қирраси юқорига қараб бўртган. Оқ фонга рангли эмал билан гул солинган. Юқори қисми зангори нақшлар билан безатилган. Икки ёнида ушлагич учун икки ўйиқ бор. Сатхи қовоқ ҳосили йиғиш манзарасини акс эттирувчи безаклар билан қопланган; биринчи манзарада 3, бошқасида 4 деҳқон шакли, улар устида учаётган капалаклар. Қуйи қиррасида зангори шакллар мавжуд. Товоқ қопқоғининг устида ит шакли ва жанр манзараси акс этган. Иккинчи товоқ ҳам ҳудди биринчисига ўхшайди, лекин ундаги жанр манзаралари ялтироқ тасвирда берилган.

Ҳар иккала товоқ ҳам бир ҳил ҳажмда: баландлиги 143, диаметри 165, чуқурлик диаметри 130 мм.

Қопқоқлар ҳажми ҳар хил: биринчисининг диаметри 183 мм, баландлиги 50 мм; иккинчисиники эса 180 мм, баландлиги 50 мм. Тагида сулоланинг қизил маркалари (Даоугуан 1821-1851 йиллар).

Сақланиш даражаси: яхши.

Олинган жоци ва вақти: Тошкент, Муродовдан 40 сўмга сотиб олинган.

Маълумотлар манбаи: адабиёт материаллари ва кўп йиллик шахсий кузаtаувлар. Эслатма: Европа бозорларига чиқариладиган маҳсулотларнинг характерли намунаси.

Тўлдирилган вақти: 10.03.1973 й. Тузувчи проф.Г.Н.Чабров.

Илмий паспортлар ёзиш — илмий каталогларни нашрга тайёрлашнинг асосий заминидир. Бу — музей экспозициясида предметларни илмий асосда намойиш қилиш ҳамда этнография, санъатшунослик, археология бўйича тадқиқот олиб борувчилар учун изоҳ хизматини ўтайди.

Умуман музей фондларини комплектлаш музей фаолиятининг асосий кўринишларидан бири ҳисобланади. Бу иш тез ёки суст суръатларда бутун музей фаолияти жараёнида давом этади.

Замонавий музейшуносликда фондларни комплект — лашга музейнинг функцияси бўлган социал ахборотларни тўплаш, жамият тараққиётини ҳужжатлаштиришнинг усули сифатида қаралади. Бу амал қилаётган социал муҳитдан турли даврга оид ва турли мақсадларга қаратилган предметларни танлаб ва ажратиб, уларни музей предмети сифатида музей тўпламига киритиш йўли билан олиб борилади.

Топиб олинган музей предметлари музей тўпламининг ядросини — музей фонди предметини ҳосил қилади, ва музейнинг бутун фаолиятининг фундаментига айланади. Бу фонднинг асосий қисми мангу сақлашга мўлжаллаб тузилади.

Комплектлаш жараёнида предметларнинг музей учун қиммати аниқлана бошлайди. Бунинг учун предметларнинг ўз ахборотлари ва предмет амал қилган мухитдан предмет ҳақида олинган ёрдамчи

ахборотлар ўрганилади. Бу предметлар, йўлдош, даврдош ахборотлар, уларнинг ҳаётий алоқаларини, улар ортида турган инсонларнинг ўзаро муносабатларини тўларок очишга ёрдам беради. x

Масалан, кумуш самовар ўзининг кўриниши билан унинг нима мақсадга мўлжаллланганлиги, ясалган вақти ва жойи ҳақида гувоҳлик беради, лекин унинг амал қилиш тарихи ҳақида, унинг айнан қайси оилага тегишли эканлиги ҳақида махсус жалб қилинган қўшимча манбалар маълумот беради.

Йўлдош ахборотлар аввалдан қайд қилинган бўлиши мумкин (биографик маълумотнома, газета қирқими); шунингдек, комплектлаш пайтида олиниши мумкин (танлаб олинган миллий кийимнинг кийилиш усулини қайд қилиш мақсадида суратга олиш); ёки олинган материални ўрганиш жараёнида қайд қилиниши мумкин (танлаб олинган предметаинг анъанавий жойлашиши ҳақида хикоя қилувчи деҳқон чайласи интерьерининг макети).

Йўлдош ахборотларни ташиб юрувчи ва музей предмети қимматига эга бўлмаган предметлар, ёрдамчи — илмий материаллар фондини тўлдиради. Йўлдош ахборотларнинг бир қисми оғзаки формада тушади (предметлар эгаларининг, гувоҳларнинг, авлодларнинг маълумоглари ва у кечиктирмасдан махсус формадаги хужжатда ёзма равишда қайд қилинади.)

Айтилганлардан хулоса қилиб музей фондларини комплектлашга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Фондларни комплектлаш — музей фаолиятининг асосий кўринишларидан бири, жамият ривожини хужжатлаштириш жараёнининг мухим .звеносидир. У ўтмишга ва ҳозирги кунга тегишли бўлган ҳаққоний предметларни ажратиб олиш, уларни музей предметига, даврининг ҳужжатига, мангу асрашга мўлжалланган музей ёдгорлигига айлантириш орқали амалга оширилади.

## 10. МАВЗУ: МУЗЕЙ АШЁЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ.

**РЕЖА:**

1. Музей фондларини ҳисобга олишнинг мақсад ва вазифалари.
2. Фондларни ҳисобга олиш ва ҳисоб ҳужжатлари.
3. Музей фондларини илмий каталоглаштириш.

Музей фондлари — давлат мулкидир. Ҳар бир музейнинг фондларини юридик ҳимоялаш зарур. Бундан мақсад: — Ашёларни тегишли музейга қатъий жойлаштириш ва буни қонунан кафолатлаш;

— Музей фондидаги ашёларнинг юридик ҳолатини расмийлаштириш;

— Ашёларни тегишли илмий ходимларга бириктириш, чунки улар ашёларнинг сақланиш даражасига жавоб беради;

— Ҳали музей фондларида бўлмай вақтинчалик сақланаётган ашёларни расмийлаштириш;

— Музей ичкарисида ва залида жойлашган ашёларни ажратиш;

— Ашёларнинг даставвал ва ҳозир қандай эканлигини назорат қилиш;

— Ашёларнинг турар жойлари тўғрисида тезда маълумотлар билиш ва топишда имкониятлар яратиш;

— Норматив ҳужжатларга мувофиқ музей фондларидан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва бошқалар.

Ўзбекистон музейларида асосий юридик ҳужжатлар қабул қилиш, топшириш, кириш ва илмий инвентарь китобларидир. Юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар, рўйхатга олинади ва умрбод сақлашга берилади. Баъзи ҳужжатлар юридик кучга эга бўлмайди. Масалан: ҳисоб, топографик картотекалар.

Фондларни ҳужжатлаштиришда асосан уларни классификациялаш ва тизимга солиш назарда тутилади. Фондни ҳужжатлаштириш тизими қанчалик илмий ва мустаҳкам бўлса иш шунча яхши ташкил этилган ва қулай бўлади.

Фонд ҳужжатлаштирилиши бир пайтнинг ўзида информацион тизим ҳамдир. Алоҳида ва гуруҳли музей ашёларини тадқиқ қилиш ва уларни мақола ва монография тарзида чоп этиш муҳим масаладир. Умумдавлат музей информацион тизимини ташкил этиш оғир масаладир.

Музей информацион тизими фонд ишини режалаштириш ва ривожлантиришда кўргазмалар ташкил этиш, танлашда катта аҳамиятга эга.

Фонд информацион тизими ҳар бир мутахассисга ҳам керак бўлиши мумкин. Географ, санъатшунос, филолог, медик, рассом, архитектор, ёзувчи, режиссёр, актёр ва бошқалар.

Фонд информацион тизимини ташкил этиш энг оғир масалалардан бири бўлиб, буни замон талабига жавоб бериши учун ЭҲМ орқали автоматлаштириш керак. Фондларни ҳисобга олиш.

Ашёларни музейга қабул қилиш масъул ишдир. Музей йиғимининг сифати талабга жавоб бериши керак. Бу ишни махсус комиссия ҳал қилиб, қарор чиқаради.

Ашё ҳали музей фондига ўтказилмай мутахассислар уни ўрганади ва хулосаларини комиссияга тақдим қилади. Музейга келган ашёларни расмийлаштириш учун аввало бу ашёни топширган ва қабул қилиб олган шахс акт ёки квитанцияларни ҳужжатлаштириб имзо чекади. Акт ёки квитанцияга ривоят ёзилади (қаерда ишланган, қачон фойдаланилган, мемориал аҳамияти ва б.)

Кўплаб ашёларни қабул қилишда коллекцион опись ёзилади

Ўзбекистон музейларида экспедицияда тўпланган, сотиб олишган ва совға қилинган ашёлар комиссия кўргунига қадар алоҳида жойда вақтинчалик ҳисобда туради.

Баённомага комиссиянинг ашёни музейга қабул қилиш ва уни умрбод сақлаш тўғрисидаги қарори ёзилади. Булар энг камида уч нусхада бўлади. Ашёнинг умрбод қабул қилиниши катта аҳамиятга эга. Бундан ашёнинг музейга тегишли эканлиги, юридик моҳияти бошланади. Ашёнинг қабул қилиниш акти, имзоланади, сақлашга маъсуллар имзо чекадилар. Акт директор томонидан тасдиқланади ва муҳрланади. Ашёлар дастлаб рўйхатга ўтгандан бошлаб токи давлат мулки бўлгунича ҳисобга олинади.

Ҳар бир ашёга тартиб номери музей шифри билан қўшиб қўйилади Масалан: Давлат тарихий музейи (ДТМ) — А.Т. 105809. Ашёлар сони тартиб рақами билан белгиланади. МасаланД.Т.М. А.Т. — 1865 — 2020. Кирим (книга поступлений) китоби — катта аҳамиятга эга бўлган юридик актдир. Тўлдирилгунча ҳар бир вароғи рақамланади, тикилади, имзо чекилади, мухр қўйилади.

Катта аҳамиятга эга бўлган ҳисоб ҳужжатлари юридик кучга эга бўлиб махсус китоб ва описларга ёзилади.

Умрбод, вақтинча сақлашга берилган ашёларнинг актлари ва умрбод, вақтинча сақлашга қабул қилинган ашёларнинг актлари 4 та махсус делода сақланиб, йил охирида рақамланади, тикилади, муҳрланади.

1 январгача ҳар йили опись қўйилди.

Музей фондларида илмий асосланган каталог тузиш унинг ўз функциясини тўғри бажарилишига хизмат қилади.

Музей каталоглари — музей ашёларини характерлаб беради. Каталоглар тизимли ва алфавитли бўлади. Масалан «фан ва маданият» бўлими Т дан Э ҳарфигача қўйилади (Т—Э) Масалан «халқ таълими» шоҳобчаси «Фан ва маданият» бўлимига киради, индекси — Т, Фан бўлими — У — 8 қўйилади, ижтимоий фанларга 25 — 39 рақамгача индекс қўйилади. У 8 — 25 — 39. ЭҲМ музей
ишини енгиллаштиришда ва замон талабига жавоб беришда катта ахамият касб этади.

## 11. МАВЗУ: МУЗЕЙ ФОНДЛАРИНИ САҚЛАШ.

**РЕЖА:**

1.«Музей фондларини сақлаш» тушунчаси.
2.Фондларни сақлаш тартиби.
а)Ҳарорат намлик тартиби.
б) Ҳавони ифлослаштиришдан сақлаш тартиби.
в)Ёруғлик тартиби. г)Биологик тартиб.
д)Механик шикастлардан сақлаш тартиби. е)Музей фондларини экстремал вазиятда сақлаш.

Сақланиш тартибига риоя этилмаса музей фондларидаги ашёлар ўзининг табиий ҳолатини ўзгартириши ва эскириб кетиши мумкин. Бунинг бир неча сабаблари бор. Бу уларга ҳаво ва ёруғлик таъсири остида келиб чиқади, Бундан ташқари биологик таъсир микроорганизмлар, ҳашаротлар, кемирувчилар ҳам таъсир этиши мумкин, механик шикастлар ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ашёларнинг сақланиш тартибига риоя этиш керак.

Ҳарорат — намлик.

Фондларни сақлаш тартиби.

Ёғоч, мато, қоғоз, теридан тайёрланган буюмлар ўта совуқ ва ўта иссиқ ҳароратда тез ўзгаради. Совуқ ҳароратда бу ашёлар кичраяди, ёрилиб кетиши мумкин, мустаҳкамлигини йўқотади. Юқори ҳароратда химик ўзгариш кучаяди, толалари ажралади ва ҳоказо.

Рассомлик асарларининг ҳам устки қисми баланд ҳароратда ўз хусусиятларини йўқотади.

Пластилиндан қилинган буюмлар Қ 25 дан кейин эриб кетиши мумкин. Ўта паст даражадаги намлик баъзи ашёлар учун хавфлидир. Юқори намлик эса паст ҳароратда кучайиб кетиши мумкин. Қоғоздаги намлик музлаганда ўта хавфли. Бундай шароитларда сопол буюмларга ҳам шикаст етади. Шундан келиб чиқиб «хдрорат — намлик тартиби» алоҳида аҳамиятга эга.

1- металл учун Қ18 - Қ20 - 50 С
2- шиша, эмал, сопол — 12 — 20 С
3- тошлар (қиммат баҳо, ўрта қимматли тошлар) 15 - 18 С.
4- матолар 15 — 18
5- тери, мўйна — 16 —18 С
6- суяк, шох, тошбақа чаноғидан бўлган ашёлар 14 15 С
7- расмлар 12 18С,
8- қора оқ расм 12 гача,
9- рангли 5 С гача.

Музейларда хдрорат— намлик фаслга қараб ва кундалик ҳароратга қараб ўзгариб туради. Бундан ташқари музейга келувчилар ҳам бу хароратни ўзгартириб туради.

Бу ҳароратларни иситиш, шамоллатиш орқали нормаллаштириш мумкин. Лекин шамоллатиш орқали ўта даражада қуритиш ҳам хавфли. Бу ҳолатда марганец калий қўшилган сув оғзи катга очиқ идишларга қўйилди. Буғлантиришни кучайтириш учун улар иситиш шохобчалари яқинига жойлаштирилади.

Оз ердаги ҳавони мўътадиллаштириш учун масалан, витриналарда у ерга силикагел ёки жун матолар қўйилади.

Кондиционер ўрнатилган бўлса ҳам ҳарорат — намликни доимо назорат қилиб туриш керак. Улар махсус приборлар психрометр, гигрометр, термометр ёки ўзи ёзиш хусусиятига эга бўлган гигрограф ва термографлар орқали назорат қилинади. Приборлар кўрсаткичи суткада икки марта махсус журналга бир вақтнинг ўзида рўйхатга олинади.

Ҳавони ифлослантирувчи турли газлар сероводород, аммиак, хлор, чанг ва шунга ўхшаш нарсалардир. Саноат корхоналаридан қанча узоқ бўлса музей ашёлари шунча яхши сақланади. Масалан сероводород неорганик ва органик материалларга салбий таъсир кўрсатади (кумуш, мис.бўёқ, матолар)

Музейларда ёруғликда ҳам тартибга солиш талаб этилади. Ёруғлик электромагнит майдонга эга тўлқинларни нурлантириш хоссасига эга.

Қисқа тўлқинлар — ултрабинафша нурларини, узун тўлқинлар — инфрақизил иссиқлик нурлари ташкил этади. Ультрагунафша ва инфрақизил нурларини кўз қабул қилмайди, бизга кўрунивчи нурлар кўринади холос.

Ёруғлик ашёнинг фотохимик ва физик холатини ўзгартириб юбориши мумкин.

Фотохимик ўзгаришлар ультрагунафша нурлар таъсири остида физик ўзгаришлар инфрақизил нурлар таъсири остида пайдо бўлади.

Ёруғликни текширувчи махсус мослама люкс(як) қўйилади.

Ўртача ёруғлик — ёнғоқ, қизил дарахт, дуб, қайин ва шунга ўхшаш ашёларга керак, катта ёруғликда улар ёниб кетиши мумкин.

Ёруғликсиз рассомлик асарларини узоқ сақлаш мумкин эмас.

Музейлар ашёларини сақлашда биологик тартибга қатъий риоя қилиш керак.

Зараркунандаларнинг пайдо бўлишига ҳарорат — намлик даражасининг нотўғри сақланганлиги, ашёларнинг чанглардан ифлосланиши, озиқ —овқат омборларининг музейга яқин жойлашганлиги, ашёларни қабул қилишда дезинфекция қилинмаганлиги ва шу каби томонлар сабаб бўлади. Масалан плесень намлик 70 % дан ва ҳарорат 20 25 С дан ошганда кучли ривожланади. У органик ва неорганик ашёларни, жумладан сополни ҳам емиради. Бундай ашёларни изоляция қилиш, касаллик сабабини лабораторияда текшириш талаб қилинади. Буни олдини олиш учун 2% ли спиртли суюқлик билан музей корхонаси тозаланади. (формальдегида)

Буларга дарахт кемирувчи ҳашоратлар ва бошқалар сабаб бўлади.

Механик ва экстремал холатлар, урилишда ёнғин, ер қимирлаш, бўрон, сув тошқини каби холатларда ҳам музей фондлари шикастланмаслик чора тадбирлари кўрилиши керак.

## 12. МАВЗУ: МУЗЕЙ АШЁЛАРИНИ ЎРГАНИШ.

**РЕЖА:**

1. Музей предметлари тушунчаси.
2. Тарих иҳтисоси бўйича музейларнинг предметлари.
3. Музей предметлари — экспозициянинг асосий ядроси.

Музей предметлари ҳдқида дастлабки музеографик ёзувларда алоҳида айтиб ўтилган. И.Д.Майор (17 аср) музей предметларини ўтмишнинг реал, ҳақиқий, буюк ашёлари деб ҳисоблаганди. 19 асрда фанларнинг ихтисослашуви натижасида музей предметларига турли фанлар, санъат асарлари, қадимги, табиий препаратларнинг манбалари сифатида яъни, коллекцион предмет сифатида қаралган.

Ҳозирги музейшунослик фанида музей предметларига ҳар қайси даврдан дарак берувчи, исботланган асл манба деб қаралади. Музей предметларига илмий ва эстетик баҳолар ҳам берилади.

Бизнинг даврда музей предметларига инсон фаолияти ва табиатнинг яшаши натижаси деб қаралиб булар музей ҳужжатлари ҳисобланади.

Булар ашёвий ва тасвирий информация манбаи бўлиб, музейларни бошқа ҳужжат институтларидан фарқлантиради.

Музей предметлари бир вақтнинг ўзида тарих хотираси ҳамдир.

Музей предметлари — музейда узоқ сақланадиган музей йиғими бўлиб, у ижтимоий ва табиий — илмий информация берадиган манба ҳисобланади.

Тарих ихтисослиги музейларининг фондларига ижтимоий — иқтисодий ҳаёт, ички ва ташқи сиёсат, маданият тарихини ёритувчи предметлар киради.

Ўзга институтлардан (архив ва кутубхона) фарқи комплекс равишда ашёвий ҳужжатлаштиришдир. Архив ва кутубхоналар ўз олдиларига барча, давр, манбаларининг турли туман бўлишини мақсад қилиб қўймайди. Музейлар учун мазмун, хджм ва информация ҳажмидан ташқари информация ҳажмидан ташқари информацияларни етказиб бериш услуби ҳам бошқача. Манбаларнинг аниқ типига кирувчи ашёвий моддий маданият ёдгорлиги ва тасвирий, сўзлаш(ёзма ва оғзаки) предметларнинг информация имкониятлари ҳам бир — биридан фарқ қилади.

Манбалар типини саралашда табиат, предметнинг келиб чиқиши, формаси, функция белгисини ўрганувчи семиотика бизга катта ёрдам беради.

Баъзи предметлар моддий ишлаб чиқариш асносида пайдо бўлади. Булар ашёвий манбалар ҳисобланиб, бизнинг тидда моддий маданият ёдгорлиги дейилади.

Ашёвий манба ишончли, далилий бўлиб, иккинчи томондан информацион имконияти чекланган. Ашёвий манба — мавҳум тушунчаларни ифодаламайди. Ҳатто музей ашёларидан тангани олсак ҳам унинг аҳамияти аниқ.

Бошқа манбалар — ёзма, тасвирий, фоноёзувлар орқали кенг тушунчага эга бўламиз. Тасвирда сезги орқали сезиладиган ранг конфигурациялар мавжуд. Булар семиотикада тасвирий манба дейилади. Улардаги ашёси формаси, ранги аниқ кўринади. Семиотика буни иконик манбалар дейди. Уларга тасвирий санъат асарлари (расм, графика, бадиий плакат, ҳайкалтарошлик) киради. Схематик тасвирга эга бўлган чизмалар, режалар, карталар, аниқ размер, геометрик форма тўғрисида аниқ маълумотлар бера оладиган турга кириб схематик тасвир дейилади.

Ёзма манбалар аниқ — кўринишлар орқали эмас — белги — сўз рамзи бўлиб хизмат қилади. Ёзма манбалар кенг маълумот берган олади. Уларга хроникалар, йилномалар, қонунчилик ҳужжатлари, сенатистик —далиллар, илмий ишлар, ноёб китоблар ва бошқалар киради.

Ёзма манбаларни уч гурухга бўлиш мақсадга мувофиқ.

54 Қонуний, сиёсий, статистик, олимлар тадқиқот — лари ва бошқалар.

55 Эстетик завқ берувчи бадиий адабиёт.

56 Публицистик, мемуар, хроника йилномалар.

Фоноёзув ва микрофильмлар ҳам катта ахамиятга эга.

Бу манбаларнинг энг қадимгиси моддий манбалар бўлиб, кейинчалик тасвирий ва белги —рамз натижасида ёзув келиб чиққан.

Ашёвий, тасвирий, ёзма манба ҳар музейда бўла олади, фоноёзув ва кинофильмлар кам учрайди. Музей предметининг қанчалик қимматга эга эканлигини аниқлашда уларнинг асл нусхасига, фактнинг илмий ва ижтимоий аҳамиятига, ишончлилигига, ҳажмига,

исботлилигига, бажариш санъатига, эстетик хусусиятига, сақланиш даражасига эътибор берилади. Предметнинг қандай материалдан қилинганлиги эмас, бажарилиш санъатига қаралади.

Типли предметлар — кўплаб чиқариладиган саноат ашёсидан олинади.

Йирик музей предметлари — камёб чиқарилади.

Музей предметлари— экспозициянинг асосий ядроси ҳисобланади. Экспозицион материаллар бир неча турда бўлади.

Музей предметлари — маданий тарихий ёдгорликларни, барча типдаги тарихий манбаларни, ўз ичига олиб экспонат ролини бажаради. Бунга фотоҳужжатлар ҳам киради.

Ашёвий манбалар.

1. Тасвирий материаллар.
2. Ёзма манбалар.
3. Ҳужжат фономатериаллари.

## 13. МАВЗУ: МУЗЕЙНИНГ ИЛМИЙ МАЪЛУМОТНОМА АППАРАТИ.

**РЕЖА:**

1. Умумий тушунчалар.
2. Каталоглар тизими.
3. Йўлкўрсаткичлар тузуми.

Музей ашёларига илмий — маълумотнома аппаратини тузиш иши музей ишининг мухим таркибий қисмидир. Ашёлардая имкон қадар самараля фойдаланиш учун улар ўрганилиб, тахлил қилиниб ҳужжатларнинг таркиби, мазмуни манзили тўғрисидаги маълумотлар қисқа умумлашган шаклга келтирилади.

Ҳар бир музейда ашёларни каталоглаштириш ишлари амалга оширилади. Каталоглар тузиш схемаларини ишлаб чиқиш, ҳужжатларни топиш, танлаб олиш, баён қилиш, шунингдек каталоглар турларини, уларни тузиш усулларини аниқлаш каталоглаштириш предметини ташкил этади.

Каталоглар тармоқ, мавзу, муаммо, масала, фамилиялар, саналар бўйича бирлаштирилган хужжатлар ҳақидаги маълумотлар каталогдаги бўлимлар, бўлинмалар, мавзулар ва бошқа бўлакларни ташкил қилади.

Каталоглар икки ҳил қоидага асосан тузилади:

1. Мантиқий тузилишдаги каталоглар (бунда маълумотлар мантиқий боғланади) Бунга систематик, хронологик(даврий) мавзулар асосида тузилган каталоглар мисол бўла олади.
2. Алфавит тузилишли каталоглар, мантиқий боғланмаган ҳолда тузилади. Музей ишини осонлаштириш учун тузилган каталоглар бир фонд ёки мавзу, умуман музей ашёлари учун ҳам тузилиши мумкин.

Йўлкўрсаткичлар ҳам музей ишини осонлаштиришга хизмат қилувчи илмий маълумотнома аппаратидир.

Музей иши тарихига назар солсак илмий — маълумотнома аппаратини яратишга салмоқли ҳисса қўшилди.

Ўз ФА М.Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейидаги тарихий воқеаларга оид ёдгорликларнинг характерли коллекциялари каталоги нашр этила бошланди. Музейнинг илмий архивида 19 асрдан бошлаб то шу кунларгача Ўрта Осиё территориясидаги тарихий воқеаларни ифодаловчи 12 мингдан зиёд ҳужжатли материал бор. «Ўзбекистон каштачилик каталоги» да Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Шахрисабз сўзаналари, «19 — 20 асрлар ўзбек заргарлик буюмлари каталоги» да эса 80 предметнинг махаллий номи баёни, материали, ижро техникаси ва нақш намуналари берилган.

Этнографик каталоглардан ташқари нумизматикага доир «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи фондидаги 14—15 асрларга оид Ўрта Осиё тангалари» каталоги ҳам нашрга тайёрланди. Бу каталогга кумуш тангаларнинг 273 хили киритилган, 27 хил танганинг чиқарилган жойи ва йили, тангалардаги ёзувлар баёни берилган. Бу тангалар асосан, Ўрта Осиё шахарларида, Темурийлар ҳукмронлиги даврида ва уларга қарашли территориялар — Афғонистон, Эрон, Ироқ, Туркия, Сурия, Озарбайжон ва Доғистонда зарб этилган.

Нашрга тайёрланган «Музейда сақланаётган архив ҳужжатлари, қўлёзма асарлар ва тошбосма китоблар каталоги» да тарих, адабиёт, санъат қонунчилик ва фалсафага оид қўлёзмалар, шунингдек, ҳунармандчиликнинг ривожланиши билан боғлиқ трактатлар, Ўрта Осиё давлатларининг муайян мамлакатлар (Россия, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия) билан дипломатик савдо муносабатларига бағишланган ҳужжатлар, ер —сув муносабатлари, вақф ва бошқа ҳужжатлар ўзбек, рус, форс ҳамда тилларида берилган. Бундан ташқари, ундан Ўзбекистон, Ҳиндистон, Петербург, Қазон, Қрим шаҳарларида метографик усулда нашр этилган китоблар ва Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий — фалсафий ҳамда сиёсий тафаккурини ифодаловчи ўзбек, татар, форс, араб тилларидаги китоблар ҳам ўрин олган.

1951 йилдан бошлаб «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи ишлари» деб номланган тўплам музей томонидан чиқарилмоқда. 1951 йилда чиққан биринчи тўплам асосан музей фондларидаги Ўзбекистон ахолиси ва территориясига доир тарихий, этнографик, археологик ва антропологик материаллардан иборат эди. 1954 йили ана шу ишларнинг иккинчи тўплами нашрдан чиқди. Бу тўпламда музейдаги археологик фондларга оид мақолалар кўпчиликни ташкил этди. 1958 йили мазмуни ва мақолалар сонига қараганда аввалгиларидан анча йирик бўлган учинчи тўплам нашр этилди. 1963 йили тўртинчи тўплам ўрнига музейнинг тарихшунослик ва музейшунослик характерига оид илмий — тадқиқотчилик фаолиятини очиб берувчи 16 мақолани ўз ичига олган «Ўзбекистон тарихига оид материаллар» деб номланган Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг мақвлалар тўплами босмадан чиқди. 1966 йили музей коллективининг этнографик ва илмий — маърифий ишлари, ашёвий ёдгорликлар фондининг археологик коллекциялари баён қилинган «Ўзбекистон тарихига оид материаллар» нинг навбатдаги сони нашр этилди. Унча катта бўлмаган танаффусдан сўнг 1973 йили «Ўзбекистонда музей қурилиши тарихидан», ва «Сўз тарих ва маданият ёдгорликларига» деб номланган икки тўплам нашрдан чиқди.

Ўзбекистон музейлари ўзлари нашр этган йўл кўрсаткичлари орқали ҳам ўз экспонатларини тарғиб қилдилар. Масалан: 1956 йили Ўзбекистон халқлари тарихи музейи «Музей заллари бўйлаб йўл кўрсаткич» нашр этди. Кейинчалик музей экспозициялари қайта қурилиши муносабати билан 1961 йили у қайта нашр қилинди. 1956 йили Фарғона вилоят ўлкашунослик музейининг илмий — тадқиқот ва йиғув тўплов фаолиятига қисқача таъриф берилган йўл кўрсаткич босмадан чиқди. 1957 йили Наманган музейи «Заллар бўйлаб қисқача йўлланма» ни нашр этди. 1967 йили Марғилондаги Й.Охунбобоев музейининг йўл кўрсаткичи нашр этидди.

1971 йили Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг энг диққатга сазовор экспонатларга илмий шархлар берилган «Музей заллари бўйлаб» рисоласи чоп қилинди. Музейда йиғилган ноёб ҳужжатлар, фото ва илмий маълумотлар асосида музей олимлари томонидан илмий альбомлар чиқарила бошланди. 1971 йили Ўзбекистон нашриёти томонидан Йўлдош Охунбобоевнинг кўп қиррали ҳаёти ва давлат арбоби сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи альбом чоп қилинди. 1977 йили тугилган кунининг 80 йиллигига бағишлаб Ўз ХКС нинг биринчи раиси, йирик давлат арбоби Ф.Хўжаевга бағишланган илмий альбом чоп этилди.

1978 йилда эса «Ўзбекистон халқлари тарихи музейи 100 ёшда» номли монографик альбом ўзбек ва рус тилларида чиқарилди. Яна шу йили Ўзбекистон Маданият Вазирлиги ва Ўзбекистон халқлари тарихи музейи

илмий ходимлари ҳамкорлигида «Ўзбекистон музейлари» номли қисқа йўл кўрсаткич чоп этилди.

Музейларнинг барча илмий тадқиқотчилик фаолияти узоққа мўлжалланган режа асосида амалга оширилди ва Республиканинг Бош музейлари томонидан йўналтирилиб ^урилди. Музей ходимлари олиб борган илмий тадқиқот ишларининг натижалари матбуотда эълон қилинган кўп соь1ли мақолаларда ўз ифодасини топди.

## 14. МАВЗУ: МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИ.

**РЕЖА:**

1. Асосий тушунчалар.
2. Тарихий музейлар экспозицияси. Уларнинг қурилиш тамойиллари.
3. Музей экспозицияларининг қурилиш услуби.
4. Тарихий музейлар экспозициясининг мавзуий структураси.
5. Экспозицион материаллар.
6. Экспозицион комплекслар.
7. Тарихий музейларда турли экспозицияларнинг хусусиятлари

Тарихий экспозицияларнинг ўз оддига қўйган мақсадлари шундан иборатки аввало кишиларда Ватанга мухаббат туйғусини уйғотиш тарихий билимларни кенг тарғиб қилиш, илмий дунёқарашни шакллантириш, маънавий, сиёсий, эстетик тарбияни кучайтиришдир. Ҳар бир давлатда тарихий экспозициялар ўз тарихи нуқтаи назаридан турлича бўлади.

Музей экспозициясининг ўзига хос хусусиятлари бор. Биринчидан, унда умумий воқеалар эмас, предметлар асосида маълум воқелик ёритилади, бу эса инсонга эстетик завқ бағишлайди.

Иккинчидан, музей экспозицияси асосида илмий концепция ётади. Бу концепция экспозициянинг ғоявий мазмунини белгилайди, музей йиғимидаги предметларни танлаш принципларини, уларни гурухлашни, композициясини, тадқиқ қилишни, бадиий ечимини топишни ўргатади.

Экспозиция кишиларга дам олишда, маданий ҳордиқ чиқаришда катта роль ўйнамоғи лозим.

Экспозицияни тузишда музей предмети экспозиция элементига яъни музей экспонатига айланади. Экспозициянинг доимий йўлдоши кўрсаткич ёзувлар бўлиб, баъзан унинг ўрнини фономатериал билан* тўлдирилади ёки алмаштирилади. Бу барча элементлар экспозицион материаллар дейилади. Илмий концепцияга мос ҳолда экспозициянинг вазифалари, мавзуси, бадиий — эстетик ечими талабга мувофиқ гурухлаштирилади, ташкил этилади, бир — бирига боғланади. Экспозицион материаллар — экспозицион комплексларни ташкил этади. Экспозицион материаллар аниқ, чегараланган майдонда жойлашиб ўзида мавзуий ва томоша бирлигини мужассамлаштиради.

Экспозиция материаллари турлича гурухлаштирилади. Музей предметларини тузишга ёрдамлашувчи аниқ тизимда бўлган мехнат маҳсули, санъат предмети, табиат объекти сифатида жойлаштириш мумкин. Мазмунидан келиб чиқиб илмий асосланган ҳолда гурухлаштириш, экспозицион материалларни ташкил қилиш

экспозициянинг қурилиш услуби дейилади. Экспозициялар — «экспозицион залда жойлаштирилади» ҳар бирининг меъморий бадиий ечими бўлиши керак.

Музей эксшозицияси — музей коммуникациясининг асосий формаси бўлиб ҳисобланади. Вақтинча экспозиция — музей кўргазмаси ҳам бўлиши мумкин. Кўргазмалар — маълум сиёсий воқеаларга, юбилейларга атаб ташкил этилади. Ҳозирги давр тўғрисида маълумот беради.

Тарихий музейлар экспозицияларининг қурилиш принциплари холис ёритилишига эътибор қаратиш керак.

Музей предметлари далилий ашё тарихий фактаинг гувоҳидир. Улар тарихий вазиятни тушунтирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Бундан томошабин янги маълумот ва тушунчалар олади. Музей предметлари орқали инсон ўтмишини кўради, ҳозирги замон воқеаларини, турли мамлакатларда бўлаётган воқеаларни ўрганади.

Тарих музейи экспозицияларида жамият тараққиёти, унинг турли соҳалари, аниқ тарихий воқелик қамраб олинади. Аммо бу тарихни

ойна каби ёритиб бериши дегани эмас. Тарихий кўргазмада аввалги ижтимоий ҳаёт қандаё бўлса айнан шундай ёритилмайди. Унда музей ашёлари ўзига хос илмий тил билан воқеликни сўзсиз сўзлаб беради, ҳаётнинг энг муҳим жабҳалари диққат марказда туради. Тарихий йўналишидаги экспозициялари хилма —хилдир. Уларда мамлакатнинг бутун тарихи, ҳозирги давр ўрганиши акс этиши ҳам мумкин. бироқ этнографик, амалий санъат, санъат музейи ва бошқа музейларда экспозициялар фарқланади. Баъзи музейларда даврий чегара ҳам бўлиши мумкин. (археология музейларида). Кўплаб экспедицияларда маълум шаҳар тарихи, иқтисоди маданияти ҳам ёритилиши мумкин. Кишилар севиб тамоша қиладиган

музейлардан бири бу— Тарихий воқеалар, қаҳрамонлик, буюк арбобларга атаб бунёд этилган мемориал музейлардир. Экспозиция яратишининг тамойилларидан бири илмийликдир. Унда жамият тараққиёти илмий асосланган бўлади. Бундан тарихийлик тамойили келиб чиқади. Экспозициялардан миллий ғоя, миллийлик яққол ифодаланиб туриши керак. Ҳ°зир тарих музейларида эски синфий қарашларга асосланган экспозициялар тузилмайди, балки жамиятнинг оддийдан мураккабга ривожланиш қонуниятлар ҳисобга олиниб, кишиларда ҳамма илмий тасаввур қолдириш, ҳам дам олишни тўғри ташкиллаштириш мақсад қилиб олинади.

Экспозиция яратишда иккинчи тамойил —ашёвийликдир. Бунда музей соҳаси эътиборга олинмоқда. Маълумки музей ашёлари — асл манбалари асосида улардан бир — бирига боғланган экспозициялар тузилади. Экспозициянинг асосини ҳам музей музей ашёлари ташкил этар экан, унинг асл ашё, айни санъат асари эканлигига кўтарилганлигига ҳам эътибор қилинади. Музей ашёси экспозицияда икки ҳил вазифани бажаради. Биринчидан, у тарихий воқеликни тушунтирувчи тарихий фактни исботидир.ғ, чунки у ўша даврнинг тилсиз гувоҳи, маҳсулидир. Бу эса томошабинни тўлқинлантириши табиий. Иккинчидан томошабин музейда тарих билан юзма —юз туради, ҳозирги замонда турли давлатларда содир бўлаётган воқеалар, ютуқлар билан танишади. Бу эса кишида узоқ ўтмишдан ҳабар берувчи асл ашёлар эмоциянал туйғуларни уйғотади. Экспозиция тузишнинг яна бир тамойили оммавий комуникация тамойилидир. Чунки музейга ҳар — хил ижтимоий табақаларга хос кишилар ташриф буюрадилар. Шуни назарда тутган ҳолда экспозиция ўртача холатда тузилиши керак. экспозицион материалларни жойлаштиришда хар —хил услуб ва режа қўлланилади. Биринчи режада эътиборни жалб қиладиган экспонатларни жойлаштириш мўлжалланади. Экспозициялар замонавий қарашлар, ютуқларга акс этиш, замон билан ҳамнафас бўлиши керак.

Экспозициянинг қурилишининг учинчи принципи оммавий коммуникация асосида қуришдир. Бу савиясидан қатьий назар ҳар бир томошабинга тушунарли бўлиши керак. Ўрта савияли томошабин экспозиция учун мавзу, фоноёзув ишлаб чиқарилади. Замон билан ҳамнафас экспозициялар тайёрлаш керак.

Ҳар бир экспозиция ҳар қандай илмий иш каби ўзида ўзаро боғланган ва бир бирига бўйсунадиган тизимни мужассамлаштиради. Яъни экспозициянинг бутунлиги, унинг қисмларининг қонуний боғланишини, кўргазма натижасининг муваффақиятли бўлишини таъминловчи аниқ мавзуий структурага эга бўлиши керак. 'Экспозиция кўргазмасида унинг асосий жиҳатлари, яъни илмий канцепция, экспозициянинг ғоявий йўналиши ва музейга хослиги акс этади.

Мавзуий структурани ишлаб чиқиш мураккаб иш бўлиб, уни илмий жиҳатлари назарда тутилади.

Ҳар бир тарих музейлари ўз вазифаси, фонди, давлатлар, регион, шаҳарлар ўртасидаги тутган ўрнига қараб ўзига мос келувчи экспозиция структурасини ишлаб чиқади. Масалан умумтарихий музейларда қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган тарихий жараёнлар қамраб олинади. Масалан ҳар бир даврий иқтисодий —ижтимоий ўзгариш жиҳатдан даврлаштиришда аввало тарихийликка эътибор бериш керак. Бўлимларда ички формацион илмий даврлаштиришга, кейин унинг мавзуларига тарихий жараёнлар ривожига қараб ўзаро боғланишини таъминлашга эътибор берилади.

Мавзу ёки унинг ичидаги кичик мавзулар битта ёки бир нечта экспозицион комплекслардан ташкил топиши мумкин. Бу ашёларга қараб тузилади. Тарихий жараёнларни акс эттиришда музейнинг ўзига хослиги билиниб туриши керак. Экспозицион мавзу тарихий жараёнларнинг ривожланиш ҳолатини ишонарли ҳолда музей ашёлари орқали очиб бериши керак. Бу эса тарихий жараёнларни ёритишда аниқ йўналишдир. Экспозицияда унинг ашёвий салмоғи етарли ва тўлиқ бўлиши керак. Масалан ижтимоий — иқтисодий мавзуда яшаш тарзи, техникаси, ишлаб чиқариш махсулотлари акс этса, ҳарбий тарихий мавзуда эса — қуроллар, ҳарбийларнинг кийимлари ва бошқаларга эътибор қаратилади. Тарихийлик тамойилига кучли эътибор талаб қилинади. Бу тарихий даврий тамойил дейилади. Экспозицияларни тарихий — даврий ва муаммовий қилиб тузиш ҳам мумкин, аммо булар илмий асосланган ҳолда тузилади.

Музей ашёлари ва бошқа экспозицион ашёлар тегишли мавзу орқали бирлаштирилиб экспозицион комплексларни ташкил этади.

Баъзан экспозицион зални экспозицион комплекс х.ам дейилади. Томошабинларга унинг фарқи сезилмайди. Экспозицион залда доминанта аниқланади, яъни асосий ғоя ва кўринишга, мавзу, алоҳида экспонатларга эътибор берилади. Қисқаси залнинг кўриниши, биринчидан тартибли кўргазмалар тассурот қоддиради. Бу ерда кенглик ечимга комплекс — зални ташкил этиш аҳамиятли бўлиб, бунда рассом лойиҳачи асосий роль ўйнаши керак.

Бу кўпинча ички зал комплексига тегишли.

Экспозицион мавзудан фарқланиб экспозицион комплексларда турли масштаб ва турли ҳарактердаги воқеаликлар ёритилади. Экспозицион комплексни ташкил этиш музей йиғимига боғлиқ. Турли давр ва воқеликни ёритса — да бир —бирига узвий боғлиқлик бўлиши керак.

Экспозицион комплексларда барча ашёлар олинмай, ичидан энг ишонарлиси танлаб олинади. Экспозицион комплексда ҳаётий воқеликнинг турли томонлари ёритилади. Ҳозирги даврда комплекс — ансамбллар алоҳида аҳамият касб этади.

Буларда ҳаётий комплекслар ядро ҳисобланади.

## 15. МАВЗУ: ЭКСПОЗИЦИЯНИ ЛОЙИҲАЛАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.

**РЕЖА:**

**1.**Экспозиция яратиш босқичлари.

2. Экспозицион ёрдамчи материаллар.
3. Тематик режа.

Музей экспозициясини яратиш мураккаб жараён бўлиб, унинг тўғри лойиҳалашиш ишининг ютутини оширади.

Экспозицияни илмий тайёрлаш музей жамоаси, маъмурияти, жамоат ташкилотлари, Музей Илмий Кенгаши, турли соҳа олимларидан катта билим ва тажриба талаб этади.

Унинг ҳар бир босқичи дирекция ёнида мухокама этилади. Чунки бу жараёнга экспозиция муаллифларидан ташқари жамғарма ходимлари, услубиятлари, ташвиқот бўлимлари бошлиқлари, мутахассис олимлар таклиф этилади.

Экспозицион кўргазмали иш музей фаолияти планлаштиришининг энг асосий объектларидан ҳисобланади

%—Перспектив ва йиллик режаларда экспозиция ва кўргазмаларнинг мавзуи, навбати, ташкил этилиши вақти аниқ кўрсатилади.

Музей экспозициясини яратиш икки босқичда амалга оширилади:

Лойиҳалаш.

Амалга ошириш.

Лойиҳалаш уч ўзаро боғланган элемнтдан ташкил топади:

Илмий.

Бадиий.

Техник иш.

Давр талаби ва эҳтиёжидан келиб чиқиб экспозициянинг умумий мавзуси танланди, Бунда музей тармоғи, ихтисослашуви, ўзига хос жиҳатлари эътиборга олинади. Мавзу музей раҳбарияти томонидан тасдиқланди.

Манбалар ўрганилиб экспозиция асослари яратидди. Натижада экспозициянинг илмий концепцияси ишлаб чиқилади, бу эса ўз навбатида экспозиция фикрини ташкил этади. Бу эса экспозиция ҳақида энг умумий тасаввурларни беради.

Унда экспозициянинг ғоявий — сиёсий ҳолати, илмий моҳияти, ҳамда меъморий бадиий ечимининг умумий ғоялари ишлаб чиқилади. Экспозицияни ташкил этиш жойи аниқланади Экспозицион зал ҳам ҳужжатда кўрсатилади.

Музей ашёлари — тарихий маданий ёдгорликлар, барча турдаги тарихий манбалар. Бунга фотоҳужжатлар ҳам киради.

Музей ашёларини ишлаб чиқариш — экспозицияга киритлиши керак бўлган ашё, аниқ тартибда ишлаб чиқилади.

Экспозицион илмий — ёрдамчи материаллар тарихийликнинг акс этгарувчи музей ашёларни тушунтириб беради.

4. Текстлар ва фоношархлар. Булар экспонатлар ҳақида тушунчалар беради ҳамда экспозициянинг ғоясини тушунишга ёрдам беради.

Экспозицияда кўрсаткичлар ҳам жойлаштирилади.

Мавзунинг тўлақонли очиб берилиши учун баъзи музей ашёларини ишлаб чиқиш ҳам мумкин. Ёки уни асл нусхасини ўрнини босувчи ашё ишлаб чиқарилади. Музей ашёси асл нусхага мос ҳолда ишлаб чиқарилади. Ўлчами, ранг, тайёрлаш техникаси ва бошқалар аниқ мос тушиши керак, экспозиция музей йиғими асосида ташкил қилинаркан, аннотацияда асл нусха музей фондида сақланаётгани айтилади. Асл нусхалар вақтинчалик залда қўйилиб, иккилиги билан алмаштирилиб турилиши ҳам мумкин.

Экспозиция учун махсус музейдан ташқари объектларининг модели ёки макети тузилиши мумкин. Буларга бинолар ва ҳажми катта ашёлар киради.(Меъморчилик обидалари, шаҳар қурилиши, монументлар, саноат корхоналари, мемориал уйлар, интерьерлар ва бошқалар) Экспозицияга ашёнинг илмий реконструкцияси. Ёзувлар, режалар тасвирларнинг қайта таъминланганлиги ҳам киритилади. Бунга ҳужжатлар ва уларнинг иккиликлари ҳам қўшилади.

Экспозицияда ашёнинг иккилигини қўллаш музей спецификацияга таъсир қилмайди.

Музейда йўқ тасвирий ашёларни ишлаб чиқариш ҳам мухимдир.

Экспозиция аҳамиятини оширишда илмий ёрдамчи материаллар мухим роль ўйнайди, Илмий асосда ишлаб чиқилган ёрдамчи материаллар экспозициянинг тарихий мазмунини тушунишга ёрдам беради. Карталар, диаграммалар, схемалар бунга мисол бўла олади. Карталар у ёки бу ҳолатнинг географик тарқалишини диаграммалар орқали тарқалган тасвирни таққослашни, схемалар алоҳида факт ва воқеаларни фарқи ва алоқасини тушунтиради. Алоҳида музей ашёларининг қурилишини тушунтириш учун баъзан режа ва чизмалар ҳам қўлланилади.

Тарихий экспозицияларда ижтимоий —иқтисодий, этногарфик, сиёсий, ҳарбий — тарихий, биографик карталар ҳам тузилиши мумкин. Орягинал карталар илмий асосланган ҳолда тузилади ва махсус услубни талаб этади.

Диаграммалар (таёқсимон, линейкасимон, доирасимон, секторли) ривожланиш динамикасини тушунтиради. Масалан иқтисодий ва маданий ривожланишда бу қўл келади.

Давлат аппарати, корхона структураси схемалар асосида берилади. Карта, диаграмма ёки схема билан комбинациялашган ҳолатда ҳам қўлланилади. Масалан, ўлканинг экспорт маҳсулоти карта — схемада, картадиаграммада эса ўлканинг экин салмоғини аниқлаш мумкин.

Экспозиция учун рақам таблицаларини ҳам киритиш мумкин. Улар ашё ўрнини босмаслиги лозим. Шунинг учун ҳам ёрдамчи материаллардан кенг фойдаланилмайди. Кўргазма режаси материалларни ўрганиш ва танлашга қараб бир неча усулда ишлаб чиқилади.
1) Тематик — қисқа ва кенг. 2) Кўргазма режаси — чизмалар билан экспонатларнинг рўйхати, материалларнинг барчасининг жойлашганлигини кўрсатиш, янги экспонаттларни тушунтириш матни билан таъминлаш.

Тематик режа кўргазманинг вазифаси ва унинг мақсадини шакллантиради. Ҳар бир экспонат бошқалар билан боғлиқ суратда қурилади. Ўзаро боғлиқлик мақсадга тобелик тематик режанинг зарурий шартидир. Воқеа ва ҳодисани ифодалаш учун экспонатлар турини танлаш ҳам, асл нусхалар ва қўшимча экспонатлар ёрдамида кўргазма мазмунини очиб бериш ҳам шу режада ўз аксини топиши керак.

Режада бутун бўлим ва ҳар бир мажмуанинг етакчи муаммоларини ажратиб кўрсатиш лозим. Лекин режани тузаётганда уни ҳаддан зиёд батафсил мажмуаларга бўлиб ташлаш ва ўта муфассаллаштириш фикрини асосий ғоядан чалғитади. Шунинг учун ғояни муфассал баён қилувчи материалларнинг бир қисмини қўшимча материаллар, альбомлар ёрдамида ёпиқ режада бериш мумкин. Вазифа белгилаб олингандан сўнг кичик бўлимлар мажмуаларининг рўйхати тузилади. Улар тезислар шаклида бўлади.Кўргазма структуралари график усулда ифодаланади. Бош тематик режа музейдаги барча бўлимларнинг мазмунини ҳисобга олган ҳолда тузилади.

Режада маҳаллий ва марказий материаллар нисбатини ва ҳажмини белгилаш ниҳоятда мухимдир. Режада бўлимлар, мажмуаларнинг жойлашиши, хоналарнинг узунлиги, кенглиги, майдони схемали суратда кўрсатилади ва ҳар қандай кўргазма конкрет хонага мўлжаллаб лойиҳалаштирилади. Кенг тематик режа бўлажак кўргазма мазмунини батафсил баён этади ва шу билан бирга материалларни узул —кесил тўплаш учун вазифа ролини ўтайди. Махсус картотекалар тузилади. Унда анотация қилинган библиография нашр қилинган манбалар ва қўлёзма манбаларнинг кўчирма ҳамда конспектлар, газеталардан қирқиб олинган материаллар, журнал, китоб ва фототекалардан олинган безак материаллар урин олади. Карточкалар тематик режага мувофиқ мавзулар бўйича жойлаштирилади. Агар кўргазма учун материалларни бир неча ташкилотдан олиш мўлжалланган бўлса ташкилотларда маслаҳатчиларнинг манзиллари, телефонлари ва

**исми**— шарифлари ёзилган картотекалар тузилади. Экспонатлар картотекасида уларнинг ҳар бирлари тўғрисида барча маълумотлар тўпланади. Материалларни ўрганиш билан бир вақтда илмий — тадқиқот ишлари ҳам олиб борилади. Кенг тематик режада кўргазма мазмуни янги маълумотлар билан чуқурлаштирилади.

Илмий асосланган экспозиция лойиҳаларидан қуйидагича мақсад кўзда тутилади:

— оз фурсатда оммага маълумотларни кенг ва ишонарли, ҳамда жонли етеаза олиш;

— илмийликка, холисликка, тарихийликка асосланиш;

— омманинг талаб ва эҳтаёжини тўғри қабул қилиш, оммабоп экспозициялар тайёрлаш;

экспозициянинг меъморий — бадиий ечимини тўғри топиш;

**оммага** психологик, педагогик ва фалсафий, ҳиссий таъсир эта олиш ва бошқалар.

Экспозициянинг муваффақиятли чиқиши аввалдан лойиҳаланган илмий услубга боғлиққи, бу жиҳат музейшуносликда катта аҳамият касб этади.

## 16. МАВЗУ: МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИНИНГ МЕЪМОРИЙ-БАДИИЙ ЕЧИМИ.

**РЕЖА:**

1. Асосий тамойиллар.
2. Меъморий — бадиий ечим.
3. Экспозицион ансамбль.

Музейлар ишининг нечоғли самарали бўлиши музейларда ишлаб чиқилган меъморий — бадиий лойиҳага ҳам катта роль ўйнайди.Музей санъат ашёлари сақланадиган муассаса экан, бунда гўзаллик, илмийлик, тарихийлик, холисликка катта эътибор беришни талаб этилади.

Экспозициянинг меъморий — бадиий ечимига услубий асос қилиб замонавий эстетика фани ютуқлари олинади. Аммо меморий — бадиий ечим музей экспозицияси мазмун ва шаклига мос тушиши керак. Бу тамойил бузилса фақат шакл келиб чиқиб асл манба — ашёларнинг моҳияти очилмай қолиши мумкин.

Замонавий экспозициянинг энг оптимал турларидан бири бир — бири билан боғлиқ ансамбл (мажмуалар) яратишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, меморий — бадиий ечим ашёларининг асосий ғоя ва моҳиятига мутлақо мос тушиши керак.

Рассом воқеликни, тарихни, тарихий жараёнларни чуқур билиши керак бўлади. Шу асосда турли фантазиялар яратилади

Бундан ташқари бадиий лойиҳалашда рассом психологи ва педагогикани.инсоннинг психофизик холатларини ҳам ҳисобга олиши керак.

Чунки асл ашёлар санъат асарлари бўлиш билан бирга умуминсоний қадриятлар ҳамдир. Демак музейда ашёларни «сўзлатиш» нафақат ўша ашёнинг мазмун ва моҳиятини очиб бериш, балки тарихий жараёнларни етказиб бериш, бу орқали кишиларда санъат ва маърифатга мухаббат уйғотиш ҳамда тарбиялашдир. Музей экспозицияларининг зерикарли бўлмаслиги кўпроқ меъморий — бадиий ечимга боғлиқдир.

Яна шуниси мухимки, экскурсовод ва фильмлардан ташқари деярли барча экспозициялар кўз билан кўриб, тушунилади. Томошабин чарчаб қолмаслиги, зерикмаслиги учун рассом турли услубларни қўллаши керак бўлади.

Экспозициялар яратишда рассомнинг энг илғор услубларидан бири ижодийлик услубидир.

Агар рассомда изланиш, тадқиқот ва малака қанча кучли бўлса экспозиция ҳам шунчалик чиройли ва илмий чиқади.

Экспозициялар меъморий — бадиий ечимда музейнинг жойлашиши ва қурилиш услуби, залига эътибор берилади. Бир музейга ишланган меъморий — бадиий ечим иккинчи музейга мос тушмаслиги мумкин.

Меъморий — бадиий ечим мавзуни тўлақонли ва зерикарсиз тушунтириш билан бирга кишиларда эмоционал туйғуларни, завқ олдириш ҳиссини уйғотишни ҳам ўз зиммасига олади.

Экспозицион ансамбль деганда биз маълум кенгликда жойлашган (бино ичида ва очиқ осмон остида ) ашёларнинг ранги, ёруғлиги, пластик ва драматургик уйғунлашган композициясини тушунамиз.

Экспозицион ансамбл яратишда асосий, ишончли ашёларни танлаш, иккинчи даражалиларни ажратиш ортиқчаларини олиб ташлаш, томошабинга тушуниш қийин бўлган ашёларни тушунишнинг осон йўлини излаб топишга эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда ашёларни ўзаро алоқалари, ичидаги энг асосийси ва мажмуавий бўлишини таъминлаш бадиий — экспозицион образ яратишнинг асосини ташкил этади.

Экспозицияларни турли залларда жойлаштириш учуи бош ечим ишлаб чиқилади.

Унда ашёларнинг хусусиятлари, залларнинг қурилиш услуби, ёруғлик ва бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган бўлади.

Умуман айтганда томошабинларда илмий малака ошириш, дам олдириш, эстетик завқ олдириш асосан меъморий — бадиий ечимга боғлиқ бўлади.

## 2-БЎЛИМ

## 17. МАВЗУ: “МУЗЕЙШУНОСЛИК” ФАНИГА КИРИШ

**РЕЖА:**

1. “Музейшунослик” фанининг мақсад ва вазифалари.
2. Музейларнинг тузилиш ва мазмун жиҳатдан турлари.
3. “Музей” сўзининг луғавий маъноси ва илк музейларнинг пайдо бўлиши.
4. Музейлар – тарихий хотирани жонлантириш омили.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Ватанимиз ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиланишлар қаторида Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар фаолиятида ҳам янги давр бошланди. Республикамиз Президентининг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони 1998 йил 12 январда қабул қилиниб, у музей ва музей ходимларининг ҳаётида катта аҳамият касб этди. Мамлакатимиз ҳудудида мавжуд бўлган музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий ахлоқий камолотида тутган ўрнини янада ошириш мақсадида “Ўзбекмузей” жамғармаси тузилди. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ, жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида жаъми 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтда жойлашган. Шу билан биргаликда ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй музейлари ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Музейлар маданий-маърифий муассаса ҳисобланиб, унинг вазифаси тарихий ҳужжатлар, маданий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, табиий бойликлардан намуналар жамлаш ва сақлаш, уларни илмий жиҳатдан ўрганиб кўргазмаларга қўйиш ва кенг халқ оммасига ҳавола қилишдан иборат. Музейлар аҳолининг кенг табақалари ўртасида маданий-маърифий ишларни олиб боради. Музейлар фаолияти халқнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий мероси хусусида жуда катта билимлар беради. Музейлар маданий-маърифий муассаса сифатида омманинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш, уларни маънавий камолотга етказишнинг энг етакчи воситаларидан ҳисобланади.

Юртимизда янги-янги музейларнинг ташкил этилиши, пойтахтдаги энг йирик ва нуфузли Темурийлар даври тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси, мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз шаҳридаги Археология музейининг очилиши ҳукуматимиз томонидан музей ва музейшунослик соҳасида ниҳоятда катта ишларнинг амалга оширилаётганидан далолат беради. Янги музейларнинг ташкил этилиши билан бир қаторда шу вақтгача ҳам фаолият кўрсатиб турган барча катта-кичик музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш, миллий истиқлол руҳида қайта ташкил этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон тарихи музейининг қайтадан очилиши, музей экспозиция залларининг янги лойиҳа ва режалар асосида жиҳозланиши фикримизнинг ёрқин далилидир. Барча вилоят ҳудудларида жойлашган бошқа музейлар фаолиятида ҳам янгиланиш, яхшиланиш сари қадам қўйилаётгани сезилиб турибди. Чунки музейлар шу куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук, комил инсон тарбиясида ўзига хос алоҳида ўрин тутади. Музейларда сақлаб, намойиш этилаётган тарихий ҳужжат ва халқ маданиятига оид ашёлар янги авлодга аждодлари ўтмиши, ҳаёти, юксак маънавиятидан дарак бериб, унинг воситасида Ватанга бўлган муҳаббат, ота-боболари қолдирган маданий меросга нисбатан ҳурмат, эъзоз, уларга муносиб ворислар бўлиш туйғусини уйғотади. Шунингдек, ёшларни одобу ахлоққа, ҳалоллигу покликка, ботирликка, мардлик, ватанни ҳимоя қилиш, аждодларидек моҳир, сабр- қаноатли, ақлли, адолатли, ҳақгўй, меҳр-мурувватли бўлишга чақиради. Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурнинг, миллий ифтихор туйғусининг шаклланиш жараёнини амалга оширади.

Музейлар фаолиятини яқиндан ўрганиш, уларнинг мазмун ва маъно жиҳатдан ранг-баранг турларини ажрата билиш, халқ оммаси орасида кенг тарғиб этишнинг хилма-хил усулларини жорий қилиш “Музейшунослик” деган кенг бир соҳанинг вазифаларидан ҳисобланади. Мамлакатимиздаги музейлар ишига бўлган катта эътибор мутахассис кадрларни етиштиришни тақозо этади. “Музейшунослик” фани ўз олдига маданият ходимларидан музей иши бўйича етук маълумотга эга мутахассисларни, маданий-маърифий ишларни музейлар фаолияти билан чамбарчас боғлаб олиб борадиган кадрларни тайёрлашни мақсад қилиб қўяди. Музейлар фаолияти инсониятнинг тарихий тараққиёт жараёнида ривожланиб бориши, қўлга киритган ютуқлари ҳамда қолдирган бой маданий-маънавий мероси хусусида жуда катта билимлар беради. Музейлар фаолиятини ўрганиш натижасида келиб чиқадиган эстетик бадиий идрок қобилияти кишиларда оламни, ундаги мавжудотлар, ўоқеа-ҳодисаларни, атроф муҳитдаги жараёнларни турфа шакл-шамойилда қайтадан акс эттиришга ҳавас уйғотади.

“Музейшунослик” Фани бўлғуси маданият ходимларининг олдига мустақил Республикамизда музей ишларини ривожлантириш, аҳолини унга қизиқтириш ва жалб қилиш, уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш вазифасини қўяди.

“Музейшунослик” фани қамраб олган жиҳатлар, яъни республикамизда музейларнинг ташкил топиш тарихи, уларни ташкил этишда маҳаллий тўпловчи-йиғувчиларнинг ўрни, музейга тўпланган ашёларнинг мазмун ва маъно жиҳатдан умумлаштирилиши, музей тузилиши услубияти, музейларнинг йиғув-тўплов, илмий шарҳлов ҳамданоширлик фаолиятининг илмий асослари, музей экспозицияларини

ташкил этиш ва такомиллаштириш, уларни тарғиб ва ташвиқ қилишда музей ходимларининг нутқ маҳорати, бозор иқтисодиёти шароитида музей ишларини янги шакл ва услублардан фойдаланиш эвазига жонлантириб бориш каби хилма-хил вазифаларни бажаришга кўникма ҳосил қилиниши учун талабаларга кенг ва илмий асосда билим берилиши тақозо қилинади. Ана шулардан келиб чиқиб республикамизда мавжуд тарих, тарих-архитектура, ўлкашунослик, тасвирий ва Амалий санъат музейлари, Адабиёт, хотира-ёдгорлик уй-музейлари, саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларида ютуқларни кўрсатувчи соҳали музейларнинг фаолияти кенг ўрганилиши, ўқитилиши долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

"Музейшунослик" фани музейларни ўрганишнинг назарий-методологик ва амалий-услубий асослари, музей турларини ўрганиш ва омма ўртасида тарғиб қилиш йўллари, музей хазиналарининг тузилиши, уни ҳисобга олиш ва сақлаш йўллари, музейларнинг бошқа ташкилотлар, муассаса ва корхоналар билан алоқа боғлаш усуллари, музей экспозицияларини ташкил қилиш услублари, экскурсия ва нутқ маҳорати, музей фондларини ҳисобга олиш, тарғибот қилиш ва ташкилотлар билан алоқаларини янги замонавий технологиялар асосида амалга ошириш ҳақида билим беради.

"Музейшунослик" фанини ўрганишда замонавий технология, ахборот қидириш системалари ёрдамида ўқитиш мақсадга мувофиқдир. Йиғилган ахборотларни компьютерларда қайта ишлаш, умумлаштириш кўзда тутилади.

Музейлар тузилиши жиҳатидан икки хил бўлади: очиқ турдаги музейлар ва ёпиқ музейлар. Очиқ турдаги музейлар сирасига мамлакатимиздаги буюк тарихий шаҳарлар – очиқ осмон остидаги ёдгорлик-архитектура, меъморий иншоотлар киради. Бунга кўҳна Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Қўқон, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги тарихий меъморий ёдгорликларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин. Ундан ташқари Имом Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Аҳмад Яссавий ва бошқа улуғ алломалар хотираси шарафига бунёд этилган кошоналар, ҳайкал ва майдонлар ҳам очиқ турдаги музейлар ҳисобланади. Бу музейларда халқнинг кўп йиллик меъморий тажрибаси, билими, малакаси, маданияти ва маънавияти яққол намоён бўлади. Уларнинг қурилиш услубидан тортиб ишлатилган нақш ва бўёқларигача томошабинда ҳайрат ва завқ ҳиссини уйғотади. Аждодларимизнинг ва уларнинг давомчилари шу замоннинг моҳир уста ва меъморлари санъати бутун дунё аҳлини ўзига ром этган ҳолда ўзбек халқининг юксак маънавияти ва маданий ҳаётидан дарак бериб туради.

Музейлар мазмун жиҳатдан қуйидаги турларга бирлашади:

- Тарих музейлари, тарих-архитектура ва тарихий адабиёт музейлари;
- Ўлкашунослик музейлари;
- Хотира-ёдгорлик музейлари;
- Санъат музейлари;
- Соҳали музейлар;
- Турли музейлар.

Тарих, тарих-архитектура ва тарихий адабиёт музейлари халқимизнинг узоқ ўтмиши, кўп асрлар давомида қўлга киритган ютуқлари, фан, илм-маърифатга қўшган ҳиссаси, тарихий жараёнлар, воқеа-ҳодисалар, юз берган ўзгаришлар, бурилишлар, уруш ва маданий юксалишлар ҳақида ҳикоя қилади. Меъморий иншоотларнинг қурилиши халқимизнинг амалий санъатидан, маҳорати ва малакасидан дарак беради. Фанга, маънавиятга улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирлар, олиму аллома, шоиру носир, тарихчи ижодкорлар фаолиятини ёритишга бағишланган музейлар тарихий адабиёт музейлари дейилади. Республикамиз пойтахти Тошкентда буюк мутафаккир Алишер Навоий номи билан фаолият кўрсатаётган Адабиёт музейи мавжуд. Республикамизнинг бошқа қатор вилоятлари марказларида ҳам маҳаллий адиблар ва мутафаккирлар ҳаёти ва ижодини тарғиб қилувчи адабиёт музейлари фаолият юргизиб келмоқда.

Вилоят, шаҳар, туман табиий шароити, тарихи, хўжалиги, маданияти ва турмушини характерловчи ҳужжат ва ёдгорликларни топиб намойиш этувчи муассаса Ўлкашунослик музейлари деб номланади. Уларда маълум ҳудуднинг табиий шароитидан тортиб, ўзига хос ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, шу ерда истиқомат қилаётган халқнинг касб-кори, машғулоти, санъати ва бошқа хусусиятлари очиб берилади. Бундай музейлар томошабинга ерлик халқнинг маънавий қиёфасини намойиш қилади.

Хотира-ёдгорлик ҳамда ёдгорлик уй-музейлари ватанимизнинг машҳур кишилари, арбоблари, ёзувчи, рассом, композитор ва олимлари хотирасини адабийлаштириш учун хизмат қилади. Имом Бухорий мажмуаси, Баҳовуддин Нақшбандий, Ат-Термизий, Ал-Фарғоний мажмуалари, Темурийлар даври маданияти тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси музейлари, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва бошқа санъаткорлар ҳаёти ва ижодини ёритувчи йигирмага яқин уй-музейлар мавжуд бўлиб, улар халқимизга маънавий озиқ бериб турибди.

Санъат музейлари сирасига тасвирий санъат, амалий санъат, мусиқа, кино, театр санъати ютуқлари музейлари, суратлар кўргазмаси ва ҳоказолар киради.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқа соҳаларидаги ютуқларни намойиш этувчи маданий-маърифий масканлар соҳали музейлар деб аталади.

Булардан ташқари халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, бошқа корхоналар тарихини ёритувчи, мактабларда ташкил этилаётган ҳудудий тарихий жой ва инсонлар фаолиятига оид музейлар ҳам фаолият юргизмоқдалар.

Бу ишларни ташкил этишда асосан муайян соҳа фидоийлари, жамоатчи, тарихчи мутахассислар, ўқитувчилар фаол қатнашадилар.

Музей ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (музейларнинг кўпчилиги асосан шу вазифани ўз олдига мақсад қилиб қўяди, уларни оммавий музейлар деб ҳам юритишади); тадқиқот (илмий-тадқиқот институтлари қошида ўзига хос лаборатория вазифасини ўтайди) ва ўқув музейларига, йўналиши ва коллекцияларига қараб тармоқ, ўлкашунослик (комплекс) ва мемориал музейларга бўлинади.

Тармоқ музей ишлаб-чиқариш, фан, санъатнинг бирор тармоғига тегишли бўлади (масалан, тарих музейлари, зоология музейлари). Ўлкашунослик музейлари муайян маъмурий ҳудуднинг тарихи, табиати, хўжалиги, санъати, этнографияси ва бошқа соҳаларини комплекс акс эттиради. Мемориал музейлар муҳим тарихий воқеалар, атоқли арбобларга бағишланади.

Музейлар қачон пайдо бўлган ва уларнинг аҳамияти нималардан иборат? “Музей” - юнонча атама бўлиб, “муза” сўзидан келиб чиққан. Қадимги Юнон мифологиясида санъат ва фан маъбудалари “музалар” деб юритилган. Музалар, яъни маъбудалар ёки худолар шоир ва санъаткорларга илҳом беради, деб эътиқод қилинган. Шунинг учун антик поэзия асарларининг бошида кўпинча Музага мурожаат қилинган. Санъат ва адабиётга, тарихга оид бир қанча маъбудалар мавжуд бўлган. Жумладан, антик шоирлардан Гесиод (мил.авв. 7-аср) 9 та маъбудани санаб ўтади: Клио – тарих; Евтерпа – поэзия ва мусиқа; Талия – комедия; Мельпомена – трагедия; Терпсихора – ўйин; Эрато – муҳаббат лирикаси; Полигиления – гимнлар; Урания – астрономия; Каллиопа – эпос маъбудаларидир. Апполон Муза худоси ҳисобланган. Муза образи Европа тасвирий санъатида ўз ифодасини топган. Маъбудалар – турли шаклдаги ҳайкаллар алоҳида эҳтиром билан муқаддас саналган иморатларда сақланган. Одамлар маъбудаларни зиёрат қила туриб, орзу-истакларини амалга оширишини тилаганлар. Натижада музалар жойлашган даргоҳ инсонларнинг зиёратгоҳига айланган. Бу даргоҳда энг асл буюмлар, нодир, қимматбаҳо ашёлар ва гўзал санъат асарлари ҳам сақлана бошлаган. Улар бу бино саҳнини безаш билан бирга, зиёратчилар қалбида ҳам алоҳида таассурот қолдирган. “Музеун” - бу гўзал буюмлар сақланадиган, илҳом парилари тўпланадиган жой деган маънони англатади.

Шунингдек, “Мозий” сўзининг “Музей” атамасига монанд эканлигини ҳам эътироф этиш керак. “Мозий” сўзининг луғавий маъноси тарих, ўтмиш деган мазмунни англатади.

Музейлар ҳам вазифасига кўра тарихни, ўтмишни намойиш қилиш билан авлодларга билим беради. Шундай экан, музейлар тарихдан сабоқ беради, у халқнинг асрлар давомида қўлга киритган ютуқлари, илм-маърифатга қўшган ҳиссаси ҳақида маълумот беради, кўргазмали, ишончли, илмий асослар билан инсониятга маърифат тарқатади десак хато бўлмайди.

Музей дастлаб Юнонистон ва Римда пайдо бўлган. Бу мамлакатларда айрим санъат ёдгорликлари ибодатхоналарда тўпланиб, турли кўргазмалар ташкил этилган. Кейинчалик Эллинизм даврида музей коллекциялари вужудга келди. Санъат, маданият ва фан эришган ютуқларнинг намуналаридан иборат коллекциялар тўплаш Уйғониш даврида Италияда, сўнг эса Англия, Франция, Германия ва бошқа мамлакатларда расм бўлди.

Грециядаги Геликон тоғи ёнида турли тасвирдаги ёдгорликлар сақланадиган макон бўлиб, у ҳам музейларнинг илк кўринишларидан бири ҳисобланади. Музейлар дастлаб бадиий асарлар мажмуига кейин эса моддий ва маънавий маърифий ёдгорликларни йиғувчи ва сақловчи муассасага айланган. Ўзининг улкан тарихий обидалари билан нафақат Европа ва Осиёда, балки бутун дунёга машҳур бўлган Италия давлатида ҳам XV асрга келиб, мавжуд ёдгорликларни мунтазам равишда тўплаш ишлари авжига чиққан. XVI – XVII асрларга келиб, Франция, Англия, Германияда ҳам музейлар ташкил этиш одат тусига кирган. Лондондаги “Британия музейи” (1753), Париждаги “Лувр” музейи (1793) Ғарбий Европадаги илк оммавий музейлардир.

Жаҳондаги энг йирик музейлар асосан XIX асрда пайдо бўлди. Мадриддаги “Прадо музейи” (1819), Москвадаги Тарих музейи (1873), Санкт-Петербургдаги Эрмитаж (1852), Нью-Йоркдаги Метрополитен музейи (1870) шулар жумласидандир. Ўша даврларда кўплаб давлатларда бўлганидек, Ўрта Осиёда ҳам катта музейлар барпо этилган.

## 18. МАВЗУ: ЎРТА ОСИЁДА МУЗЕЙЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

**РЕЖА:**

1. IX-X асрлардаги меъморий ёдгорликлар ва маданий бойликлар.
2. Темурийлар даври маданияти.
3. Нодир қўлёзма хазиналари, кутубхоналар, санъат асарлари тўплами – музей сифатида.
4. XIX-XX асрларда ташкил этилган музейлар.

Мозий сўзининг ўзи беихтиёр хаёлотни узоқ ўтмиш сарҳадига чорлайди, аллақандай сиру асрорларга тўла кўҳна замину замонлар оғушига тортади. Тафаккур нури билан қадим тарихнинг қоп-қоронғу қатларини ёритиб, ўтмишимизни оз бўлсада қамраб олишга интиламиз. Нақадар машаққатли, оғир ва ниҳоятда хайрли ва ибратли тарих йўлларига нигоҳ ташлаймиз. Ахир инсон нигоҳи тушган жойда қадам изи, бунёдкорлик қолдиғи мавжуд. Юртимиз гўзаллиги, бойлиги, мўъжизавий табиати, санъати, нодир асарлари ҳақида ҳозирда бутун дунёга маълум. Ана шу ўлкамиз асрлар қаъридан топилган ноёб ва нафис бир санъат асарига ўхшайди. Ватанимиз қаърида асосан архитектура қолдиқлари – пахса, хом ғишт, пишиқ ғишт, сопол ва тошлардан иборат иншоот ва бинолар шаклу шамойилини топамиз. Ашёвий далиллар сифатида қимматбаҳо тош, олтин, кумуш ишлатилган рўзғор асбоблари, турли хил безаклар, сопол идишлар учрайди. Зеб ичида зийнати деб ардоқланган қадимий заргарлик, мисгарлик, кандакорлик, кулолчилик асарлари, тўқима шоҳи атласлар, сўзаналар, гиламлар, ўймакор безакли ҳар хил буюмларни ҳозир фақат музейларда кўриш мумкин. Неча-неча авлод-аждодларимиздан мерос бадиий, маданий, меъморий бойликларни намоён этиб, кўпчиликнинг назарига қўйиш муҳим тарбиявий аҳамиятга эга.

Ўрта Осиё халқлари қадимдан Яқин Шарқ ва ғарб давлатлари, яъни Урарту, Миср, Греция, Бобил, Рим кабилар билан иқтисидий ва маданий алоқалар ўрнатганлар. Ўрта Осиё заминида ўтган машҳур “Буюк ипак йўли” Шарқий Осиё ва Ҳиндистонни Ўрта ер денгизи мамлакатлари билан боғлар эди.

Бундай жозибали ўлка барча даврларда чет эл истилочиларининг диққат марказида бўлган. Шу сабабли тақдир тақозоси билан Ўрта Осиёнинг тарихий қисмати жуда оғир кечди: босқинчилик урушлари, ҳукмрон доираларнинг ўзаро ички зиддиятлари туфайли тўс-тўпалонлар ҳам тез-тез юз бериб турган.

Доимий қирғинлар туфайли бетакрор саройлар, гўзал шаҳарлар, ноёб иншоотлар вайронага айланиб, йиғилган бебаҳо маданий бойликлар ғолиблар ўлжасига айланарди.

Муаррих Муҳаммад Наршахийнинг гувоҳлик беришича, араблар Пойқанд жангларидан ҳисобсиз тилло, кумуш буюмлар, қурол-аслаҳалар, қимматбаҳо кийим-кечаклардан иборат катта ўлжа билан қайтганлар. Араб истилоси даврида хазина тўплами, маданий бойлик жамғариш ишларида дурустроқ силжиш юз бермади.

Ўрта Осиёда Мустақил Сомонийлар давлатининг (IX-X асрлар) барпо бўлиши бу борада тубдан ўзгариш қилди. Бу даврда сарой бойликларидан ташқари катта кутубхоналар, архивлар барпо этилди. X асрдаги Бухоро ва Шероз амирликлари кутубхоналарида инсоният яратган ҳамма нодир китоблар бўлган.

Ғазнавийлар сулоласининг асосчиси Маҳмуд Ғазнавий ҳам жуда кўп китоблар тўплаган. Хоразмшоҳ Муҳаммад мамлакатнинг равнақи йўлида катта ишлар қилди. Гўзал саройлар, қасрлар, мақбаралар қурди. Нодир моддий-маънавий бойликлар тўплади, аммо бу бетакрор санъат ва маданият ёдгорликлари, бутун шаҳарлар Мўғул босқинчилари истилоси туфайли йўқотилди. Кутубхоналар ёндирилди, маданий ҳаёт 100 йил орқага чекинди.

Орадан 150 йил ўтгандан сўнг Ўрта Осиёда Фан ва маданият қайта куртаклай бошлади. Айниқса, Амир Темур томонидан ягона марказлашган давлат тузилиши ва Самарқанднинг пойтахт қилиниши катта бойликларнинг тўпланишига сабаб бўлди. Меъморий ёдгорликлар, мақбаралар, масжид-мадрасалар, саройлар қурилди.

Амир Темур забт этган мамлакатлардан қадимий қўлёзмалар, хон, амирларга тегишли ёзишма ва элчилик ҳужжатлари, мусулмон дунёсининг муқаддас китоби бўлмиш “Усмон қуръони”нинг (VII аср) асл нусхасини Самарқандга келтирди. Дунёга машҳур Темур кутубхонасини барпо этди. Темурнинг севикли набираси, Шарқнинг буюк астроном олими Мирзо Улуғбек кутубхонани янада бойитди.

Амир Темурнинг набираси Шоҳрухнинг ўғли шаҳзода Бойсунғур мирзо (вафоти 1433 йил) Ҳиротда сарой кутубхонасини барпо этди. Шарқшунос олим А. Ю. Якубовскийнинг таърифича, Бойсунғурнинг нозик диди ва чуқур илми туфайли Ҳиротда шундай катта кутубхона вужудга келадики, унда бир қанча гуруҳ хаттотлар, нафис сурат усталари (рассомлар), зарҳалчилар, муқовачилар, олимлар ижод қиладилар. Кутубхонада фақатгина нусха олиш, китобларни безаш эмас, балки филология, текстология тадқиқотлари ҳам олиб борилар эди. 1442 йил шу кутубхонада Фирдавсий “Шоҳнома”сининг тўла матни кўчириб ёзилди.

Темурийлар даврида тасвирий, Амалий ва меъморчилик санъатларида улкан ютуқларга эришилди. Саройлар, мадраса, мақбаралар ва бошқа биноларни нафис суратлар, нақшлар билан безаш тараққий этди. Бибихоним масжиди, Гўри Амир, Шоҳи-зинда, Аҳмад Яссавий мақбараси ва масжиди, Шаҳрисабздаги Оқсарой, Улуғбек қурдирган расадхона ва мадрасалар ўзининг улуғворлиги билан Шарқ меъморчилигининг шоҳ асарлари бўлиб, уларда халқимизнинг юксак дид ва маҳорати, ақл-заковати намоён бўлган.

Бу даврда савдо-сотиқ, ҳунармандчилик шунчалик ривожланган эдики, Бухоро, Самарқанд усталари томонидан ишланган буюмлар дунё бозорларида юқори баҳоланарди. Ҳирот усталарининг заргарлик буюмлари, Самарқанд, Бухоро духобаси катта шуҳратга

эга эди. Темур даврида Мовароуннаҳр усталарининг ижодий ишлари кўриги бўлиб турарди.

1469 йили Али Исфаҳонийнинг санъати таҳсинга сазовор бўлди. Уста гулдон идишни кўрикка қўяди. Бу гулдонда 32 ҳунарманднинг иш услуби кўрсатилган эди.

Ҳунармандлар ўз маҳоратларини янги қурилган масжид, мақбара ва бошқа иншоотларда намоён этар эдилар. Масалан: Бибихоним масжиди учун усталар томонидан ишланган шамдонлар ва масжид дарвозаси кандакорлик санъатининг чўққиси эди. Аҳмад Яссавий мақбараси учун табрезли уста Абдул-Азиз икки тонналик мис қозон ясаган (1381 йил). Шамдонларни ва қандилларни эса исфаҳонлик уста Изоддин ясаган эди. Гўри Амирнинг 1405 йил Темур кўмилгандан кейинги ички кўриниши "Ҳарбий мемориал музей"ни эслатар эди. Мақбарага қўйилган ҳар бир буюм нодир тарихий ва маданий ёдгорлик эди.

Тарихчи Арабшоҳнинг ёзишича, Мақбара ичига соҳибқироннинг кийимлари, деворларига қурол-яроғлари осилган эди. Бу қуроллар олтин-кумушдан ясалган бўлиб, қимматли лаъл-ёқут тошлар билан безатилган эди. Мақбара гумбази остида осмондаги юлдузларни эслатувчи олтин-кумуш қандиллар осилган эди. Битта қандил 4000 мисқол тиллодан ясалган. Ерга мақбара ўлчовида ипак ва духоба гиламлар солинган эди.

Темурийлар сулоласидан Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни гўзал бинолар, масжид, мадрасалар билан обод этди. Шеърият султони Алишер Навоий билан бирга Ҳиротни шоир ва фозиллар боғига айлантирди. Шу даврда тарихчи олимлар Мирхонд (1498 йил вафот этган) ва унинг набираси, тарихчи Хондамир, буюк мўйқалам соҳиби Камолиддин Беҳзод ижод қилдилар.

Бу даврда Ҳирот миниатюра санъати усталари мактаби вужудга келди, саноқсиз қўлёзмалар истеъдодли хаттотлар томонидан кўчирилди ва зарҳаллар билан безатилди.

Шарқшунос олим А. Ю. Якубовскийнинг ёзишича, Алишер Навоийнинг (1441-1501) жуда катта, нодир қўлёзмаларга бой шахсий кутубхонаси бўлган. Бу кутубхонадан тарихчи Хондамир, мусаввир Беҳзод ва бошқа олиму фозиллар фойдаланганлар.

Бухоро-Хива хонликларида ҳам нодир қўлёзмалар, миниатюралар коллекциясини тўплаб сарой ва шахсий кутубхоналар барпо этиш одат бўлган эди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиёда дастлабки музейлар нодир буюмлар, ноёб қўлёзмалар ва бошқа санъат ва ҳунармандчилик буюмларини тўплаб намойиш этиш шаклида намоён бўлган.

Ўрта Осиёнинг Россия истилочилари томонидан босиб олиниши ҳамда шу ўлка табиий ва маданий бойликларига бўлган қизиқиши натижасида дастлабки ўлкашунослик музейи ташкил топди. Бу музей ҳозирги Ўзбекистон тарихи музейининг асос негизини ташкил этиб, қарийб 150 йиллик тарихга эга. Октябрь революциясигача Тошкентда биринчи ва ягона музей ана шу "Тошкент музейи" бўлган. Революциядан кейин турли ихтисосдаги кенг экспозицияларга эга бўлган музейлар ташкил этила бошлади. 1918 йил Князь Н. Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида бадиий музей, ҳозирги "Ўзбекистон давлат санъат музейи", 1921 йили Эски шаҳар музейи, 1925 йил ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси партия тарихи институти қошидаги революция музейи ва 1926 йил Ўзбекистон эски шаҳар музейи ташкил қилинди. Маданий революция янги музей ташкил қилиш ва мавжуд музейни қайта жиҳозлаш зарурлигини тақазо этди. 1930 йил Ўрта Осиё музейи ва революция музейи Ўрта Осиё тарих ва революция музейига айлантирилди. Ўрта Осиё музейининг геология, зоология, ботаника ва антропология бўлимлари, қишлоқ хўжалиги музейи ва ҳайвонот боғи табиат музейига айлантирилди. Республика кўргазмалари базасида политехника музейи (1933), Амалий санъат музейи (1937; 1937-91 да Амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси) ташкил қилинди. Адабиёт музейи ва динга қарши кураш музейи тузилди. 1940 йил Тошкент музейида 5 мингга яқин экспонат бўлган. Музейга кирувчилар сони 300 мингга яқин кишини ташкил этган. Улуғ Ватан уруши йиллари Марказий Тарих музейи, Ўзбекистон ССР санъат музейи ва адабиёт музейи, тарих, маданият ва санъат музейига, политехника музейи табиат музейига

бирлаштирилди. 40-йиллар ўрталаридан Музейлар қурилишида янги босқич бошланди. 1945 йил рус ёш томошабинлар театри эски биносида жойлашган Давлат санъат музейи мустақил музейга айлантирилди. 1946 йил Ҳамза номидаги бадиий-илмий пропаганда музейи ташкил қилинди ва 1963 йил республикада илмий атеизм уйига айлантирилди. 1970 йил В. И. Ленин музейи, 1972 йил Ўзбекистон Кино санъати музейи, 1973 йил Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш музейи, 1975 йил Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи ташкил этилди, 1976 йил СССР Халқлари дўстлиги музейи, 1988 йил Антиқа ва заргарлик буюмлари музейи очилди. 60-80-йилларда Ҳ. Абдуллаев, М. Ашрафий, С. Бородин, Ойбек, Ғ. Ғулом, С. Айний, Ў. Тансиқбоев, А. Қаҳҳор уй музейлари, Ю. Фучик, С. Есенин музейлари, Тамарахоним либослари доимий кўргазмасига асос солинди.

Тошкент шаҳрида мустақилликкача бўлган даврда 16 та йирик музейлар бўлиб, уларда 800 мингга яқин экспонат сақланган. Ҳар йили музейга ўртача 1,5 миллионгача киши киради. Музей илмий асарлар, қўлланмалар ва каталоглар нашр этади. Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, планетарий музей типидаги муассасалар жумласига киради. Тошкент корхоналари, муассасалар ва ўқув юртларида ташкил қилинган музейлар давлат музей тармоқларини тўлдиради.

Юртимизда 18 май Халқаро музейлар куни деб белгиланган.

Пойтахтимизда йирик музейлардан Темурийлар тарихи, Ўзбекистон тарихи, Қатағон қурбонлари хотираси, Адабиёт ва Санъат музейлари, Геология, Табиат музейлари, Олимпия шон-шуҳрат музейи, Ўзбекистон қуролли кучлари, Соғлиқни сақлаш ва бир қатор соҳа музейлари мавжуд. Булар сақлаётган юртимизга доир ёдгорликлар билан ўзига ҳатто дунёнинг у четида яшайдиган инсонларни ҳам жалб қилибгина қолмай, балки уларни махлиё қилади, лол қолдиради, ўлкамиз тарихи, бой мероси, маданияти ҳақида сабоқ бериб туради.

## 19. МАВЗУ: МУЗЕЙЛАР – ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ ЖОНЛАНТИРИШ ОМИЛИ

**РЕЖА:**

1. Авлодлар тарбияси ва миллий ғурур туйғуси.
2. Миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мероснинг ўрни.
3. Тарихий хотира маънавият асосидир.

Мустақил Ўзбекистон жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафидан ўрин топиб, барқарор ривожланиши учун мустақиллик дунёқарашига эга бўлган, миллий ифтихор туйғуси билан йўғрилган, ҳур ва эркин фикрловчи, айни вақтда фуқаролик масъулиятини чуқур ҳис этадиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни ўз касб-кори, ижтимоий муҳити талаб қиладиган даражада ўзлаштирган шахсни тарбиялаб вояга етказишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Миллий ғурур инсонни ўзи туғилиб ўсган, киндик қони томган қишлоқ ёки шаҳар, ота-боболари, авлод ва аждодларининг масканини улуғлашда, ота-онаси, ака-укалари, хешу ақраболарини эъзозлашда, юртининг ўтмиши, бугуни, келажаги билан фахрланишда ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам, Янги жамият қурилаётган бугунги шароитда, Президентимиз айтганидек: “Ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак...”

Миллий ғурур – бу Ватанни севиш ҳақидаги баландпарвоз гаплар, чақириқлар, шиорлар эмас, балки эл-юртнинг порлоқ келажаги учун, халқ учун, миллат фаровонлиги

йўлида чинакамига ҳалол меҳнат қилишдир. Она заминни чин қалбдан севмоқ, унинг манфаати йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватни сафарбар қилмоқ – ватанпарварлик белгисидир.

Миллий ғурур туйғуси миллий такаббурлик, миллий манмансираш, миллий керкайишга тамомила қарама-қаршидир.

Миллий ғурурнинг шаклланишида маданий мерос бениҳоя ката рол ўйнайди. Чунки, маданий мерос ҳар бир миллатнинг қадр-қимматидир. Инсон ақл-заковатининг меваси бўлмиш маданий мерос, халқнинг бир авлоддан иккинчи авлодига ўтиб келаётган моддий ва маънавий қадриятларининг йиғиндисидир. Худи шунинг учун ҳам маданий мероснинг бойиб боришида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг ҳар томонлама ўзлаштирилиши, жаҳон маданияти қўлга киритган ютуқларни чуқур билиш ва унга амал қилиш катта аҳамиятга эгадир. Маданий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш жамиятимиз келажаги бўлган йигит ва қизларда миллий ғурурнинг шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Бутун жаҳонни лол қолдириб, минг-минглаб сайёҳларнинг ккзини қамаштириб, ҳайратга солаётган обидалар ўз бағрига машҳур олимлар, фозиллар, шоирлар, хаттотлар, рассомларни бирлаштирган, сайиллар, маъракаларда эса фуқаролар кайфиятини кўтарган, маънавий қувват берган, ёшларни эса одобу ахлоққа, ҳалоллигу покликка, ботирликка, мардлик, ватанни ҳимоя қилишга чақирган. Халқимизнинг маданий мероси ҳақида ёшларга бор ҳақиқатни етказиш – уларда миллий ғурурни шакллантиришга ёрдам беради.

Шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган ҳар томонлама ривожланган, маънавий етук комил инсон тарбияси ҳамжамиятимизнинг барча жабҳаларида ўзига хос тарзда амалга оширилмоқда.

Бугунги ўз-ўзини англаб,  мустақиллигимиз кун сайин мустаҳкамланиб бораётган шароитда она юртнинг ҳар бир фарзанди учун Ватан тарихини севиш, ўрганиш, дилига жо этишдан ҳам муқаддасроқ бурч йўқ.. Шунинг учун ҳам ўтмиш тарихий ва моддий-маданий ёдгорликларини ўрганиш, муҳофаза қилишнинг ролини ошириш муаммоларини ҳал қилишга ката аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” китобчасида чуқур илмий аҳамиятга эга тарихий мавзудаги қатор масалалар қўйилганки, уларни тўғри талқин қилмай ва ҳал қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай миллатимизнинг, халқимизнинг келажаги ҳақида гапириб бўлмайди.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимиз олдида бир неча янги ва муҳим муаммолар пайдо бўлди. Уларнинг моҳияти, мазмуни энг аввало миллатимизни ҳар томонлама ривожланиши ва равнақ топишини таъминлаш билан боғлиқдир. Президентимиз И. А. Каримов тарих фанининг долзарб муаммолари ҳақидаги мақоласида бу борадаги муҳим йўналишларни кўрсатиб берди: “Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртида ўзини бошқалардан кам сезмай, бошини баланд кўтариб юриши учун инсонга, албатта, тарихий хотира керак”.

Узоқ ўтмиш даврларга бориб тақаладиган тарихга бой, қадим маданиятга эга бўлган халқимиз олдида ўз ўтмишини, келиб чиқиши, ота-боболари, урф-одатлари, маънавий бойликларини, юксак маданияти, санъатини янада чуқурроқ ўрганиш, англаш ва бевосита давом эттиришдек вазифа туради. Президентимиз  “...тарих – халқ маънавиятининг асосидир”, деб таъкидлар экан, мустақил ватаннинг ҳар бир фуқароси, айниқса унинг келажагини белгилаб берувчи ёшлар ўз тарихи ва маданиятини яхши билишлари шартдир.

Тарихий хотирани шакллантириш, уни ривожлантириш, шу Билан бирга ҳозирги авлод руҳида миллий ғурур туйғуларини пайдо қилиш ишида барча маданий-маърифий муассасалар қаторида музейлар ҳам ўзига яраша ҳиссасини қўшмоқда. Дарслик, қўлланма китоблардан биз назарий билимларни олар эканмиз, шу ҳақдаги Амалий кўргазмалар, ашёвий далиллар намойиш этилган музейлар бевосита ана шу назарий билимларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Айни пайтда фалсафий мерос ҳам халқ маънавиятининг

ажралмас ва асосий қисми ҳисобланади. Дарҳақиқат, тарих, тарихий хотира ҳам ижтимоий-фалсафий мероснинг шаклланиши ва ривожланишининг энг муҳим манбаларидан биридир. Шу сабабли уларнинг иккови ҳам инсон фаолияти, халқнинг ҳаёт йўлини, тарихий жараённинг умумий моҳиятини тушуниш объектидир. Шу боис юртбошимизнинг "Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади" ва "Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса, ўзликни англаш мумкин эмас" деган фикрлари жуда қимматлидир. Шуни айтиш керакки, тарихни тушунишда, яқин ўтмишда бўлганидек фақат ишлаб чиқариш омилларига боғлаб ўрганмасдан, балки уни ҳар томонлама англаб, айниқса, маънавиятимизнинг асосий манбаи ва негизи сифатида ўрганиш зарур.

Тарихий хотира – ҳар бир халқ, миллат ўзининг замон ва макондаги ўрнини, насл-насабини, ўзлигини англаши, ўзининг ҳақиқий тарихини, маънавият ва маданияти жиҳатдан тутган ўрнини, унинг ривожига қўшган ҳиссасини, ўзининг милшлий ифтихорини, ғururини мустақил ва холисона англаб олишидир.

Албатта, агар халқ ўзининг тарихий хотирасига, тарихий онгига эга бўлса, у муқаррар ўзи кечирган тарихий-ижтимоий жараёнларни чуқурроқ тушунади ва талқин қилади. Бу уринишлар халқнинг вакиллари – олимлари, мутафаккирларининг илмий фаолиятида мужассамланади ва улар томонидан жамиятни, инсон ҳаётини ва маънавиятини илмий-назарий таҳлил этишда, унинг маълум назариясини, тамойилларини яратишда намоён бўлади.

Инсон ва жамият ҳаёти заминида шаклланган ва кейинчалик тарихий хотира асосини ташкил қиладиган маънавий қадриятлар, яъни "йўллар" кейинги авлодлар ички дунёси орқали маънавий мерос сифатида сақланади ва ривожланади. Инсонларни муайян бир гуруҳ, жамоа сифатида маълум маънавий омил бирлаштириб туради.

Маънавият узоқ тарихга асосланган бўлиб, барча ўтган инсонлар, авлодлар руҳини, яъни фикрлари, ғоялари ва эътиқодларини ўзида мужассамлаштиради. Маънавий омил ғоят мураккаб ва кўпқиррали бўлиб, албатта, тарихий хотира, миллий онгни ҳам қамраб олади. Чунки улар бир-бири Билан ўзаро боғланган ҳолда ривожланиб боради ва бир-бирининг такомиллашишига олиб келади.

Албатта, ҳар бир халқ, миллатнинг тарихий хотирасини қамраб оладиган тарихи ва миллий онгида маълум динга мансублиги ҳам акс этади.

Президентимиз тарихий хотиранинг яна бир ниҳоятда муҳим вазифасига катта эътибор беради. У ҳам бўлса тарихий хотиранинг миллий ифтихор, миллий ғурурни ривожлантиришдаги ролидир. Маълум халқ, миллатнинг ифтихори масаласига Абу Райҳон Беруний қуйидагича ёндошади: Ҳар бир халқ жаҳон маданиятига ва илмига ўзининг махсус ҳиссасини қўшади, шу билан у бошқа халқлар орасида ўзига яраша жой беради, бу илмий-маданий муваффақиятлари билан эса фахрланса ва мағрурланса арзийди. Берунийнинг яйни таърифи бўйича, ҳар бир халқ қандайдир фан ёки тажрибани ривожлантирганлиги билан фарқланади.

Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобур каби буюк аждодларимиз халқимизнинг миллий ифтихоридир. Шу каби буюк зотларнинг асрлар давомида ақлу заковати ила бунёд этган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Анна шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқболимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал-Хоразмий, Амир Темур ва Бобур, Навоий ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар. Бобокалонларимиз – Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ бобомиз Хожа Аҳмад Яссавий руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоя.

Юқорида таъкидланган улуғ аллома ва мутуфаккирлар ижоди ва фаолиятларини ёритиш, уларни янада таъсирчан, эсда қоларли даражада акс эттириб беришни музейлар ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Музейлар фаолиятида анна шу бой маънавий ва моддий бойликлар, маданий ёдгорликлар намойиши ва илмий таҳлили асосий ўринни эгаллайди. Музейда намойиш қилинаётган ҳар бир экспонат, хоҳ у қимматбаҳо метал ёки тошлардан

ишланган бўлсин, хоҳ Амалий санъатнинг ёрқин намунаси бўлсин, ёки маънавий мероснинг бетакрор ёрқин қирралари бўлсин, у шу халқнинг ўтмиш ҳаёти, тафаккури, истеъдоди, иқтидоридан дарак беради.

Музейлар тарихий хотирани жонлаштириш омили бўлиб хизмат қилар экан, унда намойиш этилаётган материаллар ашёвий далил сифатида ўз даврига хос хусусиятларни акс эттирганлиги Билан, ўша давр маданияти, санъатидан берадиган хабари билан жуда қимматлидир. Улар халқимизнинг юксак ривожланган маданияти, адабиёти, санъати ҳамда маънавий дунёқарашига асосланган хусусиятлари билан томошабин эътиборини қозонади. Унда бевосита шу буюмларда акс этган жозиба, сеҳр, геометрик аниқлик, кимёвий баркамоллик, қурилиш-архитектура иншоотларининг ўта аниқ ва пишиқ лойиҳаларига нисбатан инсон ақлини лол қолдирадиган бир таъсирини уйғотадики, бу унинг беихтиёр фахрланиш, қойил қолиш ва ундан ўрнак олиб янги санъат асарларини яратиш сари илҳом уйғотади.

## 20. МАВЗУ: МУЗЕЙЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОЙИТИШДА ҚАЗУВ-ЙИҒУВ ИШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

**РЕЖА:**

1. Музей ташкил этиш учун материаллар тўплаш.
2. Аҳоли орасида ноёб буюмларни излаб топиш.
3. Археологик қазув ишларининг аҳамияти.

Музейларни ташкил қилиш ва уни материаллар билан бойитиш, аҳоли ўртасида кенг миқёсда қидирув ва йиғув ишлари билан шуғулланиш эвазига ҳамда маданиятимиз тарихини ойдинлаштирувчи далилий ашёларни қазув йўли билан топиш асосида амалга оширилади.

Музей экспозицияларига қўйилган қадимий даврларга оид ашёвий далиллар, буюмлар, қадимий маданият ва санъатдан дарак берувчи идишлар, уларнинг қолдиқлари қандай қилиб топилган деган ҳақли саволга асос бўлади. Булар археолог олимлар, археология фани жонбозлари томонидан қўлга киритилгандир. Археолог олим ерни қазади, қазув орқали ўтмиш ёдгорликларини топади, уларни ўрганади. Шунинг асосида қадимий халқларнинг турмуш тарзи, маданияти, тарихини тадқиқ этади.

Ўзбекистонда археология қачон пайдо бўлди, қандай ривож топди? Шоир ва олим, сайёҳ ва журналист Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат (1859-1913) ёзадики, у Самарқанд шаҳрида 1891 йили Мирзо Бухорий деган киши билан учрашган. Бу одам аҳоли қўлидан “ердан чиққан эски ҳар хил асбоб, зарб урулғон олтун ва танга, қаро пул ва сафол асбобларни” икки йилдан бери йиғар экан. Мирзо Бухорий бу нарсаларни Фурқатга кўрсатган. Фурқат яна ёзадики, Самарқанд вилоятида 1891 йил май ойида Қоратепа мавзеидаги Баҳрайн қишлоғида Раҳмонқули деган деҳқон ер чопаётганда бир кўза чиққан. Унда қирқ беш дона тўрт бурчакли тилла пул бўлган. Ўша йил Самарқанд шаҳарида бир одам ўз ҳовлисидаги ерни беш газ кавлагач, бир кўзача чиққан. Унда бир юз йигирма уч адад кумуш танга бор экан.

Шулардан кўринадики, XIX асрнинг охирида Самарқандда археологик топилмаларнинг қадрини билувчи, уларни йиғиб ўрганувчи Мирзо Бухорий каби олимлар бўлган.

Ўзбекистонда расмий археологик тадқиқотлар 1926-1928 йилларда бошланган. Ўша йиллари музейлар ва эски меъморий ёдгорликларни ҳимоя қилиш қўмитаси қадимий Термиз ёдгорликларини ўрганишга киришган. Бу ердаги қадимий шаҳар ўрнида қазувлар уюштирилган: тарихий босмахона ва меъморий ёдгорликлар тадқиқ этилди. Худди шу пайтда Самарқанднинг бир бўлаги бўлмиш Афросиёбда ҳам археологик қазувлар ўтказилди.

XX асрнинг 30-йиллари охирида Ўзбекистонда қатор суғориш иншоотлари қурила бошланди. Фарғона водийсида Ката Фарғона, Шимолий Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари барпо этилди. Тошкент вилоятида Тошкент канали, Самарқанд вилоятида Каттақўрғон сув омбори, Хоразмда янги каналлар қазилди. Бу қурилишлар асносида кўплаб археологик топилмалар қўлга киритилди. Масалан, Фарғонада тош қуроллардан тортиб то қўқон хонлиги (XIX аср) даврига оид ашёлар топилди. 2200 йиллик давр нумизматикасига доир тангалар, керамика буюмлари қувасойда қазиб олинди. Тошкентдаги Туябўғиз сув омбори (Тошкент денгизи) қурилаётган пайтда ҳам кўплаб шундай қимматли ашёлар топилди. Бунда археолог Турди Мирғиёсовнинг хизматлари каттадир.

Хоразмда, Амударё дельталарида дарёнинг тоғлардан келтирган жуда ката табиий бойликлари жамланган эди. С. П. Толстов, у билан бирга Яҳё ғуломов ката бир археология экспедициясини тузиб Хоразм маданияти тарихи, қадимий Хоразмда мавжуд бўлган суғориш тармоғини тадқиқ этишга киришдилар. Бу ишлар 1937-1938 йиллари бошланди. Хоразмдаги буюк тарихий обидалар шундай баланд дўнгликларда кўзга ташланиб турар эди. Улар ҳаётсиз шаҳарларга ўхшарди. Хоразм экспедицияси бу маданият тарихини синчиклаб текширишга киришди.

Уруш туфайли тўхтаб қолган бу ишлар 1945 йили уруш ғалаба билан тугаллангандан сўнг ўз давомини топди. Натижада қадимий шаҳар Тупроққалъада қадимий қасрнинг 28 хонаси очилди. Топилган идишлар ва бошқа буюмлар Хоразмнинг III асрдаги қадимий тарихига оид қимматбаҳо далиллар эди. Булар орасида Тупроққалъада топилган Африғийлар давлати архиви, ундаги Хоразм хатидаги ҳужжатлар айниқса алоҳида аҳамиятга эга.

1947 йилда Самарқанд вилоятидаги Омонқўтон қишлоғи яқинида археологик топилмалар қўлга киритилди. Самарқандда Улуғбек расадхонаси бўйича қазувлар давом эттирилди, расадхона биносининг тарҳини аниқлаш имконияти пайдо бўлди. Варахша саройининг қолдиқлари чуқур ўрганилди.

Ўзбекистонда археология соҳасидаги илмий фаолият асосан Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих ва археология институтида марказлашган эди.

Ўзбекистонда археология илмий мактабининг асосчиси, ўзбек халқи ўтмиш тарихининг қомусий олими, Республикада юқори малакали миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида шаклланган академик Ҳабиб Абдуллаев мактабининг фаолларидан бири - академик Яҳё ғуломов қадимги Хоразм суғориш тарихини ўрганиш сафаридан қайтгач, 1950 йилда Бухоро воҳасининг қизилқумга туташ туманларига археологик экспедиция ташкил этади.

Я.Ғуломовнинг Аҳмадали Асқаров сингари шогирдларига уқтиришига қараганда, Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий чегара туманлари бир вақтлар Зарафшон дарёсининг тошқин сувлари туфайли аввал бепоён денгизга айланган, сўнг замонанинг зайли билан тошқин сувлар оқими қисқарган ва кенг, сатҳи текис тақир майдонлар, улар оралаб Зарафшоннинг ҳавза ирмоқлари Амударёгача бориб етган. Бу ирмоқлар йўл-йўлакай бир неча кўллар ҳосил қилган. Тош асрининг неолит (янги тош) даври деб аталмиш босқичида бу бепоён тақирларда ибтидоий бобокалонларимиз кулбалар қуриб, кўл ва сой бўйларида овчилик билан, кейинроқ пастқам, зах, намли ерларда деҳқончилик, кўкаламзорларда эса чорвачилик қилганлар.

Экспедициянинг биринчи йилидаёқ Я. Ғуломов Гужайли ўзани бўйлаб ҳосил бўлган Замонбобо кўли ёқасидан қадимги қабристон қолдиғини учратди.

Ана шу изланишлар жараёнида Я. Ғуломов томонидан 1950-1953 йилларда қазилган Замонбобо қабристонини ўрганишни давом эттириб, ёдгорликнинг ёши, ўша давр одамларининг урф-одатлари, мозор тузилиши, унинг хронологик босқичлари, маданий доираси, аҳолининг этнографик қиёфасига доир қатор жиҳатларини аниқлаш имконияти туғилди. Замонбобо ёдгорлиги яқинидан бархан қумлар остида қолиб кетган замонбоболикларнинг қишлоғи топилди, у жойда кенг кўламли қазишмалар олиб борилиб,

аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, урф-одати ва ўзга қабилалар билан бўлган иқтисодий ва этномаданий алоқалари аниқланди. “Замонбобо маданияти” номи остида энеолит ва бронза даври аҳолисининг деҳқончилик ва хонаки чорвачилик билан шуғулланган маданияти тарих фанидан мустаҳкам ўрин олди. Ҳозирги кунда жаҳоннинг ўндан ортиқ мамлакатлари энциклопедияларида “Замонбобо маданияти” ҳақидаги маълумотларни учратиш мумкин.

Қуйи Зарафшонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида ушбу минтақада бронза даврида чўл зонасида чорвадорлар маданияти излари ҳам топиб ўрганилди. Ана шу ёдгорликларни яратган чорвадор аждодларимиз маданияти ҳам тикланди.

Уларнинг меҳнат қуролларидан тортиб, кулолчилик касби-корига тегишли асбоб-ускуналар, ашёвий далиллар топилди. Турли зебу зийнат безаклари, қимматбаҳо тошлар – феруза, агат, халқедон, лаъл, ёқут ҳамда бронза, олтин ва кумушдан ясалган тақинчоқлар, бронза даврида отдан, туядан транспорт воситаси сифатида фойдаланилгани аниқланди. Мафкурада турли тотемларга топиниш билан бирга, қуёшга сиғиниш аломатлари борлиги ҳақида гувоҳлик берувчи ашёвий далиллар топилди.

Уй ҳайвони сифатида йирик шохли ҳайвон – сигир, майда шохли ҳайвон – қўй, эчки қўлга ўргатилганлиги аниқланди. Ов объекти сифатида чўчқа, қулон, бухоро оҳуси, сайғоқ, жайронга тегишли суяк қолдиқлари учратилди. Хуллас, Бухоро воҳасининг қадимги аждодлар томонидан қачондан бошлаб ўзлаштирилиши, аҳолининг турмуш тарзи, хўжалиги, этномаданий қиёфаси, иқтисодий ва маданий ривожланишининг босқичлари кузатилди. Минтақада деҳқончилик маданиятининг таркиб топиши, унинг базавий асоси, хронологик даврий системаси аниқланди. Қадимги Сўғд цивилизацияси ва маданий-хўжалик дунёсининг илдизлари аниқланди.

Бухоронинг қадим маданият ўчоғи бўлгани ҳаммага маълум. Бу маданиятнинг тарихий илдизлари қайси асрлар қаърига кириб кетганини археологлар факт ва далиллар, қазувларда топилган ашё ва буюмлар асосида аниқлаб берадилар.

Академик Яҳё Ғуломов шу масалани чуқур текширишга киришиб, 1950 йил сентябрь ойи бошларида махсус экспедиция ташкил этди. Бу экспедиция Бухоронинг Қоракўл тумани яқинида Зарафшон дарёсидан ажралиб Амударё сари оққан Моҳондарё, Гурдуш, Бужайли дарёларининг қадимги ўзанлари бўйлаб ишга киришди.

Бир маҳаллар тўлиб, тўлқинланиб оққан бу дарёлар эндиликда қуруқ, қовжираб ётган шўр ўзанларга айланиб қолган. Бужайли ўзани бўйлаб борилса, 15 км.дан кейин Замонбобо кўлининг ўрни кўринади. Бу ҳозирда қуриб қолган кўл ўз вақтида балиқчилар ва деҳқонларнинг яшаши ва ишлашига қулай шароитлар туғдирган.

Археологлар бу қуриган кўл атрофини синчиклаб текширишга киришдилар. Бу ерларда қадим замонларда яшаган халқнинг қабристони борлиги аниқланди. Унда дафн этилганларнинг қолдиқлари, уларнинг ёнига қўшиб кўмилган идишлар, турли-туман ашёлар, зеб-зийнат буюмлари топилди. Улар ўша одамларнинг ўз маданий ҳаёти, анъаналарига эга бўлганидан нишоналардир. Бу маданият археологияга ”Замонбобо маданияти” номи билан кирган.

Аҳмадали Асқаров ўтказган археологик тадқиқотлар натижасида Шимолий Бақтрия қадимий шарқ цивилизациясининг янги ўчоғи Сополлитепа маданияти тўла ўрганилди. Бу маданият билан чамбарчас боғлиқ экани ўз исботини топди. Булар ҳаммаси милоддан олдинги II минг йилликнинг биринчи ярмига оид.

Жанубий Ўзбекистон деганда ҳозирги Сурхондарё вилояти кўзда тутилади. Амударёнинг тўлиб оқиши, Шерободдарё ва Сурхондарёнинг ёйилиб оҳиста далалар бағридан ўтиши, улкан сув омборларидаги сувлар тўлқини бу серқуёш ва унумли ўлканинг бўйига хос белгиларидир.

Қадим замонларда Жанубий Ўзбекистоннинг бу бўлаги Бақтрия деб аталган, тўғрироғи Бақтриянинг шимолий қисми бўлган. Бақтриянинг Ўзбекистон бўлагида Шеробод, Шўрчи, Бандихон ерлари бронза даври деҳқончилик маданияти учун қулай мавқега эга бўлган.

Аҳмадали Асқаров бош бўлган археологлар гуруҳи узоқ йиллар давомида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида ишлади. Бу ерда ўтказилган археологик қазувлар Сополли маданияти деб аталган маданият қолдиқларини аниқлади. Археологик қазувлар Сополлитепа, Жарқўтон ва Бўстон деган жойларда олиб борилди. Кўп маданий обидалар топилди. Бу обидалардан айримлари милоддан олдинги 1700-1500 йилларга тўғри келади.

Археолог олим Аҳмадали Асқаров бу жойдаги археологик ишларни 1969 йили бошлаган эди, ўшандаёқ Уланбулоқсой ва Бўстонсой ёқаларидан анча археологик материаллар топилган эди.

Сополлитепадаги қазувлар 1969-1974 йиллари олиб борилди. Археологлар Сополлитепада қазишмалар олиб бориб, унинг марказида уч қатор мудофаа деворлар билан ўраб олинган қалъа – қўрғонни очадилар. Унинг ичи хом ғиштдан қурилган кўп хонали уй-жойларга тўла бўлган. Уй-жойлар тор кўчалар орқали маҳаллаларга бўлинган. Сополлитепа қалъа-қўрғонидан археологлар 8 та маҳалла жойларини аниқладилар. Қалъанинг маркази бўшлиқ, у жойда кенг супа бўлган. Ана шу супа томон қалъа дарвозасидан йўл келган. Маҳаллалараро тор кўчалар ана шу бош йўл ва қалъа очиқ майдони билан бошланган.

Қалъага кириш дарвозаси жануб томонда, аммо қалъага яқинлашиб, ташқарисидан кузатганда унинг 4 та дарвозаси бордек туюлади. Аслида, уларнинг учтаси дарвоза эмас, балки ёвни алдаш учун қилинган тузоқ бўлган.

Археологлар ҳар бир мавзуни бирма-бир текшириб чиқадилар ва уни таърифлайдилар. Бу мавзулардаги уй-жойлар, устахоналар, ҳатто хоналар поли остига кўмилган қабрларни аниқладилар, мозорларга кўмилганларнинг касби-кори, вазифаси, унда бор нарсаларни белгилаб чиқдилар. Сополлитепадаги қазиш ишлари ўз якунига етаётган кезларда, яъни 1973 йилда археологик изланишлар Жарқўтон ёдгорликларида бошланиб кетди. Жарқўтон Сополли маданиятига мансубдир.

Археологик қазувларда қўлга киритилган топилмалар асосан сопол идишлар, жез (бронза) ва тошдан ясалган меҳнат қуроллари, турли-туман безаклар, ҳарбий қурол каби буюмлардан иборат.

Топилмалар орасида донни янчадиган, тозалайдиган, ун қиладиган асбобларнинг, яъни тош ёрғучоқ ва тош кели – сопларнинг кўплиги доннинг бу хўжаликларда бош ўрин эгаллаганидан дарак беради.

Сополлитепада 16 мингга яқин ҳайвон суякларининг қолдиқлари топилган. Уй ҳайвонлари орасида майда шохли моллар кўпроқ. Йирик шохли моллар озроқ.. Икки ўркачли туялар, эшаклар, итлар, мушуклар ҳам бўлган. Аҳоли гўшт ват ери учун ов билан ҳам шуғулланган. Улар бухоро кийиги, қулон, жайронларни овлаганлар. Меҳнат қуролларини уйда ясаганлар. Яна уруш қуроллари, безаклар ясашга ҳам моҳир бўлганлар. Тери ишлов ҳам ривож топган. Тўқувчилик ҳам бўлган. Тўқувчилик дастгоҳининг қисмлари топилган. Археологлар унинг махсус қолдиқларини ҳам топмоққа муяссар бўлдилар. Пахта, ипакдан тўқилган мато қолдиқлари шунга киради. Бронза металлургияси, ундан турли хил меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш, турли идишлар қуйиш ривож топган. Ёғочга ишлов бериш ҳам ривожланган. Сопол идишлар ясаш. Сопол идишларни кулолчилик дастгоҳида ясаганлар. Шунинг учун улар хушбичим, нафис, чиннидек жарангдор, шакли ва сифати ҳозирги замон идишларидан фарқ қилмайди.

Археолог олим берилиб ишлайди. Икки кўзи ер остидан чиқаётган топилмаларда. Мана бир парча суяк ёки синган сопол ёки бўлмаса тош қуроли. Олим уларни тупроқдан айириб олади. Кичкина супурги билан тозалайди. Латта билан артади. Уларни асл ҳолига қайтармоққа ҳаракат қилади. Шу йўсинда у узоқ асрлар қаърига секин-аста, лекин астойдил кира боради.

Шундай одатий иш фаолияти билан машғуллик вақтида мамлакат раҳбари Шароф Рашидов археологлар иши билан қизиқиб иш устига келадилар. А. Асқаров раҳбар ва

бошқа меҳмонлар билан саломлашиб чиққач, Сополлитепа ва Жарқўтон маданияти, археологик қазувлар натижасида қўлга киритилган топилмалар тўғрисида сўзлаб беради.

Аҳмадали Асқаров катта раҳбарга бундай деди: - Шароф ака, диққат-эътиборингиз учун катта раҳмат. Археологик қазувлар вақтида кўп қимматли, илмий аҳамияти улкан ашёлар топдик. Яна кўп нарса топамиз. Ватанимизнинг энг қадимги даврларига оид тарихининг янги саҳифалари очила беради. Топилган археологик материалларни намойиш этмоқ учун шу ерда Шерободнинг Оққўрғон қишлоғида бир кичик музей ташкил этилса, шу музейга барча топганимиз – археологик материалларни экспонат қилиб ўрнаштирсак. Бу билимларни аввало шу ернинг халқи ўртасида, қолаверса бу ерга ташриф буюрадиган меҳмонлар ўртасида ташвиқ ва тарғиб этсак. Менинг бирдан-бир тилагим шу.

Шароф Рашидов ёнларида турган Сурхондарё вилоятининг бошлиқларига қаради. Вилоят биринчи раҳбари деди: - Шу ернинг ўзида музей бино қиламиз. Экспозиция ўшанда жойлаштирилади. Яна қазув ишлари олиб бормоқ учун келадиган археологларга шу ерда яшамоқ учун уй-жой ҳам қурамиз. Боғи ва ҳовлиси ҳам бўлади. Шароф Рашидов ўша раҳбарга “шундай бўлсин”, деди.

Бу музей 1983 йили Сурхондарёнинг Шеробод тумани Оққўрғон қишлоғида қурилди ва ишга туширилди. Уни Жарқўтон археология музейи дейишади. Музейни очиш маросимида Шароф Рашидов шахсан иштирок этган.

Археологик қазувлар вақтида топилган материаллар, кашфиётлар шунчалик муҳим, кўп ва катта илмий аҳамиятга эгаки, биринчидан энг қадимий маданиятимиз, аждодларимиз турмуш тарзи, меҳнат фаолияти, санъати, ҳунармандчилигидан маълумот беради, иккинчидан музейлар фаолиятида далилий ашёлар сифатида, кўргазмали қуроллар сифатида хизмат қилади. Шундай қилиб, археологик изланишлар, қазув ва йиғув ишлари натижасида музейлар бойиб, мазмун жиҳатдан ҳам кенгайиб боради.

## 21. МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ЯНГИ МУЗЕЙЛАР

**РЕЖА:**

1. Термиз шаҳридаги Археология музейи.
2. Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
3. Темурийлар тарихи давлат музейи.
4. Қатағон қурбонлари хотираси музейи.

Халқимиз қадим замонлардан бери ўз тарихининг шонли саҳифаларига оид ноёб осори атиқаларини асраб-авайлаб келади. Улуғ инсонлар, табаррук алломалар ҳамда халқ қаҳрамонларидан эсдалик бўлиб қолган буюмлар, тарихий манбалар афсоналарга айланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келган. Кейинчалик, масалан, темурийлар даврида саройларда, бошқа хазиналарда шундай ноёб буюмларни бир жойга тўплаб, азиз меҳмонларга намойиш этиш одат тусига кира борган. Тарихчиларнинг асарларида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур вафотидан сўнг унинг қурол-аслаҳалари, совғалар ва қатор ҳарбий ўлжалари мақбара ичига қўйилганлиги ҳамда бу нарсалар ҳақида зиёратчиларга сўзлаб берилганлиги қайд этилади. Мақбарага қўйилган ҳар бир буюм нодир тарихий ва маданий ёдгорлик ҳисобланар эди. Мамлакатимиз маданий ҳаётида шу даврдан бошлаб музейлар фаолияти шакллана бошлаган десак бўлади. Бухоро амири Абдул Аҳадхон саройида тарихий буюмларни меҳмонларга намойиш этадиган махсус хоналар бўлган. Бу хоналар “Мозийгоҳ” деб аталиб, том маънода ҳозирги музей тушунчасига тўғри келади. Шунингдек, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз саройида ҳам шундай “Ажойибхона” бўлган.

Мамлакатимизнинг узоқ уч минг йиллик буюк давлатчилик тарихи шундан далолат берадики, ҳар доим ҳам ўзбек юрти ўзининг бетакрор иқтисодий салоҳияти билан табиий

равишда кўпларни ўзига ром этиб келган. Кейинги бир ярим аср мобайнида халқимиз ўзининг беҳисоб иқтисодий-моддий, маданий-маърифий бойликларидан жудо бўлди. Бироқ, мазкур тазйиқларга, йўқотишларга қарамасдан, ўзбек халқи асл ўзлигини сақлаб қола билганлигига ҳам тарих гувоҳлик беради. Шу даврларда халқимиз тарихини акс эттирувчи кўплаб ноёб осори атиқаларимиз талон-тарож қилиниб, юртимиздан ташқарига ташиб кетилди. Шўролар даврига келиб музейларимиз коммунистик мафкурани тарғиб этадиган сиёсий ўчоқларга айлантирилди.

Мустақиллик туфайли ўзбек халқи ўз қаддини ростлади, унинг халқаро нуфузи кун сайин ортиб бормоқда. Дунё мамлакатларининг турли миллат ва халқларнинг Ўзбекистонга, ўзбек халқига муносабатининг ўзгариши бу – илдизлари асрлар қаърига, кўҳна тарихига туташган тақдиримизга бўлган эҳтиромдир.

Мамлакатимиз мустақиллик даврига қадам қўйгандан бери ҳаётимизнинг барча соҳалари каби музейлар фаолиятида ҳам катта тарихий ўзгаришлар содир бўлди.

Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти Археология музейи Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати ва шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А Каримов лойиҳаси ва ташаббуси билан бунёд этилган маънавият масканидир.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида бўлганидек маданий соҳада, шу жумладан, бой ўтмиш меросимизни ўрганиш, сақлаш ва уни кенг халқ оммасига тарғиб этиш борасида ҳам туб бурилиш ясади. Мустақиллик йилларида Термиз шаҳрида бунёд этилган Археология музейи ҳам шубҳасиз анна шу эзгу ниятларни рўёбга чиқариш борасида муҳим қадам бўлди.

Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Термиз шаҳридаги Сурхондарё вилояти Археология музейи кўргазмалари Кириш зали, 9 та зал ва музей ҳовлисидаги айвон остида I асрдан тортиб эрамизнинг III асрларига мансуб устун асослари галереяси турли даврларга мансуб хумлар, сопол қувурлар, Шер бош қисми тасвири туширилган капитель ва ислимий ёзувдаги мармар қабртош ва устунли айвон (галерея)дан иборат.

Кириш залининг пастки икки томонида даврма-давр хумлар, махсус чироқлар билан ёритиладиган витриналар ичида эса экспонатлар қўйилган.

Залнинг ўртасида Сурхондарё вилоятининг топографик рельефли археологик ёдгорликлар харитаси, тўрида эса Кўҳна Термиз шаҳри қаъасининг макети қўйилган. Шунингдек, кириш залида академик Ртвеладзе Э.В. томонидан ёзилган ўзбек, инглиз, рус тилларидаги вилоят тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи стендлар осиб қўйилган. Кўҳна Термиз шаҳри қалъаси макетининг ўнг ва чап томонида Сурхондарё вилояти ҳудудида жойлашган археологик ва тарихий ёдгорликлар ҳақида ҳикоя қилувчи 3 хил тилдаги кўрсатувлар видеомониторлар орқали намойиш этиб турилади ва ҳар 15 минутда қайтадан такрорланади.

Музейнинг кириш залида воҳанинг ҳар бир тарихий даврига хос то шва ганчдан ясалган ноёб ҳайкаллар, тошҳовуз ва катта ҳажмдаги сопол идишлар жой олган бўлса, 9 та асосий кўргазма залларида милоддан аввалги 100 минг йилликдан XX аср бошларига қадар Сурхондарё вилоят ёдгорликларини ўрганиш жараёнида топилган оддий тош қуроллардан тортиб юксак дид билан яратилган санъат намуналаригача намойиш этилади.

**Қўшимча ўқиш учун**

## 1-ЗАЛ. СУРХОН ВОҲАСИ ТОШ ДАВРИДА

(милоддан аввалги 100-3 минг йилликлар)

Сурхондарё вилоятининг мўътадил иқлими ва атроф-муҳит бу ерда жуда қадимдан инсон манзилгоҳларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Жанубий Ҳисор тоғ тизмаси туркумига кирган Бойсунтоғ ва Кўҳитанг тоғларида мавжуд ғор ва ўнгурлар ибтидоий давр одамлари учун макон бўлиб хизмат қилган. Вилоят ҳудудидаги энг қадимги макон неандертал одамнинг манзилгоҳи Бойсунтоғдаги Тешиктош ғори бўлиб, ўрта тош даврига,

яъни милоддан аввалги 100-40 минг йилликларга оид. Бу ғордан 3000 донага яқин ибтидоий одамлар ясаган кескич, тарошлагич ва чопқи каби тош ўзаклар топилган. Тешиктош ғоридан ибтидоий давр одамининг ташқи кўринишини тиклашда муҳим ашёвий манба ҳисобланган одам тана суяги топилиши жуда муҳимдир. Бойсундаги Амир Темур ғори ҳам вилоятнинг энг қадимги ғор маконлари туркумига киради. Тош асрининг юқори босқичига келиб (милоддан аввалги 40-12 минг йилликлар) жанубий Ҳисор тоғ тизмаларидан бошланган дарё ва сой бўйлари (Тўпаланг дарёси ҳавзаси) инсонлар томонидан жадал ўзлаштирилган.

Мезолит даврига келиб инсонларн нафақат ғорларда, балки паст текисликларда ва дарё бўйларида ҳам макон қуриб истиқомат қила бошлаганлар. Шу боис вилоятнинг Кўҳна Термиз, Айритом каби ёдгорликларида кўплаб тош қуроллар учраган. Бу даврга келиб ўқ-ёй ихтиро қилинган, суякдан бигиз ва бошқа қуроллар ясалган, майда тош қуроллар кўпайган ва ёввойи ҳайвонлар хонакилаштирила бошланган.

Ўрта тош даври инсонлар тасаввурлари ва эътиқодларида кескин ўзгариш юз берган давр ҳисобланади. Бу жараённи марказий Осиёнинг энг қадимги ранг тасвирларидан бўлмиш Кўҳитангдаги Зараутсой суратларида кузатиш мумкин. Зараутсойдаги тош айвон юза қисмида ва шипида 200 га яқин қизил бўёқларда битилган суратлар сақланиб қолган. Бу лавҳаларда ов маросими, ҳайвонот олами ва ўрта тош даври одамлари тасвирлари ўз аксини топган. Баъзи бир олимларнинг таъкидлашича, Зараутсой суратларида сеҳрли ов маросими акс эттирилган.

Зараутсой суратлари Марказий Осиёда санъатнинг, шу жумладан, тасвирий санъатнинг илк намунаси ҳисобланади. Вилоятда неолит (янги тош), энеолит (мис-тош) даврлари манзилгоҳлари, Кўҳитанг ва Боботоғ ҳудудларида қайд этилган бўлиб, бу макон ва манзилгоҳлар ҳам жез (бронза) асрида воҳада деҳқончилик маданиятининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этган.

Музейнинг 1-зали Сурхондарё вилояти “Тош даврида” деб номланиб, бундан 100-3 минг йилдан аввалги даврни ўзида акс эттиради. Залда Бойсун туманидаги Тешиктош ғоридан топилган неандерталь боланинг бош қисми макети, қабрининг кўриниши, Зараутсойда топилган ов маросими акс эттирилган қоятош сурат намунаси ҳамда Тешиктош ва Мачай ғорларидан топилган тош ва суякдан ясалган меҳнат ва ов қуроллари, энеолит даврига оид тошдан ясалган омоч тиғлари, бронза даврига оид аёл қабрини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Сополлитепа, Жарқўтондан топилган илк кулолчилик намуналари ҳам мавжуддир.

## 2-ЗАЛ. СУРХОН ВОҲАСИ БРОНЗА ДАВРИДА

(милоддан аввалги III-II минг йиллик бошлари)

Милоддан аввалги III-II минг йилликларни қамраб олган бронза (жез асри) даври Марказий Осиёда туб ўзгаришлар юз берган давр ҳисобланади. Бу авваламбор қалайи, мисс ва қўрғошин қоришмасидан таркиб топган жез (бронза) қуролларнинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлган. Бронзанинг кашф этилиши туфайли меҳнат ва ов қуроллари такомиллашган, кулолчилик чархининг ихтиро қилиниши ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан алоҳида хўжалик сифатида ажралиб чиқишига олиб келган. Жез даврига келиб, меъморчилик ривожланган, суғорма деҳқончиликка асос солинган ва минтақалараро мол айрибошлаш юзага кела бошлаган. Сурхон воҳасида жез асри унинг сўнгги босқичида, яъни, милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи чорагида бошланиб, милоддан аввалги I минг йиллик бошларигача давом этган. Вилоят ҳудудида сўнгги жез даврига оид энг дастлабки ўрганилган ёдгорлик Музработ воҳасидаги Ўланбулоқсой этагида жойлашган Сополлитепа ёдгорлиги ҳисобланади. Шу боис, Сурхон воҳасининг сўнгги жез асрига мансуб маданияти Сополли маданияти деб номланган Сополлитепа қалъа ва унга туташ қисмдан таркиб топган, тархи 82х82 м., ички

йўлакли уч қатор мудофаа деворлари билан ўраб олинган. қалъада аҳоли жавом-жамоа бўлиб яшаб, улар 8 маҳаллани ташкил этган.

Милоддан аввалги XV асрда Сополлида ҳаёт излари сўнади ва бу жойда истиқомат этган аҳоли Шербоддарё ҳавзасига унинг қадимий ирмоқларидан бири – Бўстонсой қирғоқларига кўчади. Бу обида Жарқўтон номи остида маълум бўлиб, 100 гектардан ортиқ майдонни ташкил этади. Жарқўтон ёдгорлиги алоҳида муҳофазаланган қалъа – Сарой ва унга туташ қисмдан, шу жумладан, воҳа учун диний марказ вазифасини ўтаган ибодатхона, алоҳида-алоҳида тепаликлар шаклидаги турар-жой биноларидан иборат маҳаллалар, кулоллар устахоналари ва хумдонлар, шунингдек, мозор-қабристондан иборат. Жарқўтон ёдгорликларининг умумий майдони, унда маҳобатли иншоотларнинг мавжудлиги ҳунармандчиликнинг тараққий этгани бу жойда шаҳар туркумидаги маданият мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Жарқўтон ёдгорлиги Ватанимиз ҳудудидаги энг қадимий шаҳарнинг илк тимсолидир. Жарқўтон олов ибодатхонаси бу турдаги иншоотларнинг энг қадимийси бўлиб, кейинчалик Кўҳна Шарқнинг баъзи бир марказларида кенг тарқалган олов ибодатхоналарининг шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Милоддан аввалги XV-X асрлар оралиғида вилоятнинг баъзи бир ҳудудларида, шу жумладан, Миршоди воҳасида, Сурхондарёнинг ўрта ва юқори ҳавзаларида жез даврининг Янги қишлоқ ва қалъалари вужудга келган. Сополли маданияти соҳиблари Ватанимиз ҳудудида дастлабки суғорма деҳқончиликка асос солган қабилалар ҳисобланади. Сополлитепа, Жарқўтон, Молали каби обидаларни қазиш жараёнида топилган дон қолдиқлари, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ипакдан тўқилган мато ва бошқа ашёвий манбалар бунинг исботидир.

Сополли маданиятига хос ҳунармандчилик намуналари турли-туман бўлиб, жездан қуйма усулда ясалган кўзгулар,  ўсмадон ва кўзачалар, тепа қисмида ҳайвон бош қисми тасвирланган жез бигизлар, илон ва хочсимон шаклда муҳрлар, турли тоғ жинсларидан ясалган мунчоқлардан иборат. Бу даврда ҳунармандчиликнинг оммавий турларидан бири – кулолчилик ҳам жадал тараққий топган. Сарғиш ва қизғиш лойдан чархда ясалиб, махсус хумдонларда пиширилган ваза ва косалар, кўза ва жўмракли идишлар, турли ҳажмдаги хурмача ва хумлар ўзининг сифатлилиги ва хилма-хиллиги Билан ажралиб туради. Сополли ва айниқса, Жарқўтон ёдгорликларида лойдан ясалган бут ҳайкал, ҳайвонлар тасвири акс эттирилган образларнинг мавжудлиги воҳада жез даврининг сўнгги босқичларида бадиий санъатнинг илк куртаклари ҳам шаклланганлигидан далолат беради. Воҳада сўнгги жез даврида истиқомат қилган аҳоли Кўҳна Шарқнинг қадимий цивилизациялари, шу жумладан, Шумер, Аккад, Элам, Шимолий Ҳиндистоннинг Хараппа, Сибирь ва қозоғистон ҳудудларида истиқомат қилган элат ва қабилалар Билан яқин иқтисодий ва маданий алоқада бўлганлар.

Музейнинг 2-зали “Сурхондарё бронза даврида” деб номланиб, милоддан аввалги III-I минг йиллик бошларини ўз ичига олади. Ҳар бир залнинг кириш қисмида пештоқлар бўлиб, ўша даврга хос ёдгорлик намуналари акс эттирилган, шу билан бирга ҳар бир залнинг ўрта қисмида таг курсилар қўйилган бўлиб, уларнинг юқорисида ҳар бир даврга оид уй-рўзғор анжомлари жойлаштирилган.

Ушбу залда Ўзбекистон цивилизациясида илк давлатчилик шаклланиши жараёнини бошлаб берган дастлабки шаҳарлардан ҳисобланган Жарқўтон ва Сополлитепа макети намунаси ўша ердан топилган сопол ва аёллар пардоз-андоз буюмлари сақланадиган идишлар киши диққатини тортади.

## 3-ЗАЛ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ МАДАНИЯТИ

(милоддан аввалги I минг йиллик бошлари – милоддан аввалги IV аср)

Милоддан аввалги минг йилликнинг биринчи чорагида ўз тасарруфига Сурхон воҳаси, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерларини бирлаштирган Бақтрия

ўлкаси иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида чуқур ўзгаришлар юз берган давр ҳисобланади. Бу жараён бевосита темирдан металл қуроллари ясашнинг ихтиро қилиниши билан боғлиқ бўлган. Воҳа аҳли темирни сўнгги жез давридаёқ, яъни милоддан аввалги XIII-XII асрлар оралиғида Кўҳна Шарқнинг маданий халқларидан бири хеттликлар билан қарийб бир даврда кашф этган. Ўлкада темирдан оммавий тарзда меҳнат ва ҳарбий қуроллар ясаш милоддан аввалги VII-VI асрларга тўғри келади.

Темирдан меҳнат ва ҳарбий қурол-яроғлар ясашнинг ихтиро қилиниши деҳқончилик, ҳарбий билимлар ва ҳунармандчилик ривожига ката ижобий таъсир кўрсатган. Бу жараён айниқса, илк темир асри обидалари тузилишида ва қишлоқ хўжалигида яққол сезилади. Илк темир асрига келиб, воҳанинг деҳқончилик учун қулай бўлган ҳудудлари жадал ўзлаштирилган (Бандихон, Миршоди воҳалари ва Сурхондарёнинг қуйи ҳавзаси) ва Музрабод, Шеробод воҳалари ҳудудларида янггидан бунёд этилган шаҳарлар ва қалъалар ҳисобига мавжуд экинзор ерлар кенгайтирилган. Сўнгги жез даврида воҳада деҳқончилик асосан сой ва дарёлар ҳавзаларида олиб борилган бўлса, илк темир асрида сунъий каналлар қазилиб, ерлар ўзлаштирилган. Бандихон воҳасидаги Ўргулсойдан қазиб чиқарилган ва қадимги Занг канали (қуйи Сурхондарё воҳаси) шулар жумласидандир.

Илк темир асри Бақтрия заминида икки қисмли шаҳарларнинг тўлиқ шаклланган даври ҳисобланади. Воҳа марказлари вазифасини ўтаган Жондавлаттепа (Шерobод воҳаси), Ҳайитобод (қуйи Сурхон ҳавзаси), қизилтепа (Миршоди воҳаси) икки қисмдан, яъни арки-аъло ва ички шаҳар каби таркибий қисмлардан иборат. Арки-аълода воҳа ҳукмдорларининг маъмурий иншоотлари ва турар-жой бинолари жойлашган. Ҳар икки қисм ўз навбатида мустаҳкам мудофаа иншоотлари билан ўраб олинган. Бу даврда доирасимон (Таллашқон – 2) ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги (Бандихонтепа) мустаҳкам ҳарбий қалъалар ҳам барпо этилган. Миршоди, қизилча ва Музработдаги Кучуктепа воҳанинг илк темир асрига мансуб қишлоқлари туркумидандир.

Воҳада қадимги Бақтрия подшолиги даврида шаҳарсозлик ва меъморчилик Билан бир қаторда ҳунармандчилик ҳам тараққий топган. Миршоди воҳасидан топилган тошдан ясалган одам бош қисми тасвири, Кучуктепа, қизилтепа, Таллашқон каби обидаларидаги уч қиррали пайконлар, темир ўроқлар, кели ва келисоплар шулар жумласига киради ва бу каби ноёб ашёвий манбалар Археология музейининг “қадимги Бақтрия маданияти” кўргазма залида намойиш этилмоқда.

Милоддан аввалги VI-IV асрлар кулолчилигининг асосий хусусиятларидан бири шундаки, дон ва сув сақлашга мўлжалланган улкан хумлардан тортиб мўъжаз сопол идишларнинг аксарияти сархда ясалган ва банкасимон кўринишга эга бўлган.

қадимги Бақтрия давлати (Бақтрия, Бақтриана – бу юнонча ном, Бахди – Эронга нисбатан шарқда жойлашган ўлка дегани) милоддан аввалги VI аср ўрталаридан Эрон аҳмонийларига қарамликка тушиб қолган. Бу воқеа милоддан аввалги 545-539 йиллар оралиғида Кир подшолик қилган Эрон қўшинларининг Марказий Осиёнинг ката қисмини босиб олиши оқибатида рўй берган. Шу саналардан тортиб македониялик Искандар (Александр Македонский) қўшинлари томонидан қадимги Эрон давлатининг тор-мор этилишига қадар Бақтрия аҳмонийлар Эронининг ката вилоятларидан бири ҳисобланган. Воҳанинг қадимги Бақтрия даврига мансуб ёдгорликлари милоддан аввалги IV асрнинг 30-йилларида бошланган македониялик Искандар истибдоди оқибатида инқирозга юз тутади. Вилоятдаги қадимги Бақтрия даврига мансуб 42 та ёдгорликнинг аксарият қисми македониялик Искандар бошчилигидаги қўшинлар хужуми туфайли вайронага айланган.

Музейнинг 3-зали “қадимги Бақтрия” маданияти деб номланиб, мил.ав.1-минг йиллик бошлари, мил.ав. IV аср охирларини ўз ичига олади. Жамиятнинг аста-секин ривожланиши жараёни деҳқончилик тараққиёти ва ҳунармандчилик ва савдо ривожи, уруғ жамоаси типидаги манзилгоҳларнинг сифат-сон жиҳатидан ўсиши бу давр учун хосдир.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини исбот этувчи банкасимон сопол идишлар айнан шу залда мавжуд.

## 4-ЗАЛ. БАҚТРИЯНИНГ МАКЕДОНИЯЛИК ИСКАНДАР ВА ЭЛЛИНИСТИК ДАВЛАТЛАР ДАВРИ МАДАНИЯТИ

(милоддан аввалги 329 йил - милоддан аввалги II аср ўрталари)

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар бошчилигидаги Юнон-македон қўшинларининг Окс (Амударё) ва Яксарт (Сирдарё) оралиғидаги ҳудудни эгаллаш учун юриши бошланди. Бу ҳарбий муҳориба суғдликлар, бақтрияликлар ва сакларнинг қаттиқ қаршилик кўрсатишларига қарамасдан милоддан аввалги 327 йилда Окс ва Яксарт оралиғидаги ката бир қисмни эгаллаш Билан тугайди. Бу санадан бошлаб Марказий Осиёнинг баъзи бир вилоятлари каби Бақтрия ўлкаси, шу жумладан, Сурхон воҳаси ҳам македониялик Искандар давлати таркибига киритилади. Македониялик Искандар вафотидан сўнг (милод.ав. 323 йил) Сурхон воҳаси Салавкийлар давлати тасарруфида бўлади. Милоддан аввалги III асрнинг 50-йилларида Бақтрияда Диодот асос солган Юнон-Бақтрия шоҳлиги вужудга келиб, бу давлат милоддан аввалги II асрнинг ўрталаригача ҳукмронлик қилади. Милоддан аввалги II асрнинг 40-30 йиллари оралиғида Юнон-Бақтрия давлати сак, юэчжи (ёвчи) ва тоҳар каби элат ва қабилаларнинг юриши туфайли инқирозга учрайди. Македониялик Искандар бошчилигидаги Юнон-македон қўшинларининг истибдоди қўшни ўлкалар сингари Бақтрияда ҳам тушкунлик ва вайронагарчиликка олиб келган. Воҳанинг ҳарбий жиҳатдан муҳим бўлган ва сув манбаларга бой бир неча шаҳар ва қишлоқларида (Таллашқондаги Таллашқон II) ҳаёт давом этган.

Воҳада ҳаётнинг қайтадан тикланиши Салавкийлар ва айниқса Юнон-Бақтрия шоҳлиги даврида юз берган. Юнон-Бақтрия подшолиги даврига келиб Окс (Амударё) бўйиларида жойлашган Кўҳна Термиз шаҳар сифатида шаклланган, кечув жойида қалъа вазифасини ўтаган Кампиртепа, Ҳайитободтепа, Жондавлаттепа каби шаҳарчалар кенгайтирилган ва Далварзинтепа каби шаҳар, қишлоқ ва қалъаларга асос солинган.

Милоддан аввалги III-II асрлар Бақтрияда, бутун Яқин Шарқ ҳудудида бўлгани каби, қадимги Шарқ анъаналари ва Юнон маданиятининг бирикуви ва ҳамкорлиги жараёни кучайиб ўзига эллинистик маданиятни юзага келтирган. Бу жараён шаҳарсозлик ва меъморчиликда, тангалар зарб қилишда, яъни товар пул муносабатларининг таркиб топишида, бадиий санъат ва ҳунармандчиликда яққол кўзга ташланади.

Шимолий Бақтрия (Сурхон воҳаси)нинг Юнон-Бақтрия даври бадиий санъати турларидан бири терракота ҳайкалчалар, яъни мўъжаз санъат намуналаридир. Булар яланғоч қиёфада ёки товонларига тушган кийимлари ҳилпираб турган ҳайкалчалар ёки аёл маъбуданинг тахтда ўтирган ҳолатдаги тасвирларидир. Бир қисм ҳайкалчалар фил суяги ёки мармар тошдан йўнилган бўлиб, ўзининг нафислиги ва юксак бадиийлиги билан ажралиб туради. Юнон-Бақтрия шоҳлари номидан зарб этилган тангаларнинг юза қисмида Диодот, Деметрий ва бошқа ҳукмдорларнинг кўкрагигача тасвири туширилган бўлиб, айнан портрет шаклидадир. Юнон-Бақтрия шоҳлиги даври ўймакорлик, шишасозлик, сангтарошлик каби ҳунармандчилик турларининг ҳам тараққий этган давридир.

4-зал "Бақтрия маданияти македониялик Искандар ва эллинистик давлатлар даврида" деб номланиб, мил.ав. 329 – мил.ав.I асрларни ўз ичига олади. Бу даврда Бақтрия, жумладан, Сурхондарё иқтисодий-сиёсий, ижтимоий соҳаларда эллин ва шарқ маданиятини ўзаро бир-бирига таъсирини ва уйғун ривожланиш жараёнини бошидан кечирди. Ушбу залдаги ашёвий далилларнинг асосий қисми Кўҳна Термиз ва Кампиртепа археологик ёдгорликларидан топилган.

Залда Кўҳна Термиз ва Кампиртепа археологик ёдгорликларининг фотодиораммалари, Кампиртепа макети қўйилган. ғарб цивилизациясининг шимолий Бақтрияга кириб келиши устунлардаги Кўҳна Термиздан топилган эрамиздан аввалги II-I-

асрларга мансуб капителларда аёлларнинг безак анжомларида ва уй-рўзғор буюмлари шаклида яққол кўришимиз мумкин.

## 5-ЗАЛ. ҚАДИМГИ БАҚТРИЯНИНГ КУШОН ДАВРИ МАДАНИЯТИ

(милоддан аввалги I – милодий III асрлар)

Милоддан аввалги I-милодий III асрларда ҳукмронлик қилган Кушон подшолиги нафақат Ватанимиз тарихида, балки бутун Марказий Осиё тарихий ўлкалари халқлари иқтисодий ва маданий тараққиётида муҳим ўрин тутган давлатлардан бири саналади. Кушон подшолигига асос солган қабилалар тарихий манбаларда юечжи (ёвчи) ва тоҳарлар деб номланган. Милоддан аввалги II асрнинг тўртинчи чорагида асосан Бақтрияда ҳукмрон бўлган Юнон-Бақтрия шоҳлиги Марказий Осиёнинг шимолий ҳудудларида истиқомат қилган юечжи қабилаларининг юриши туфайли инқирозга учраган. Милодий I асрга келиб Бақтрияда беш ката уруғга бўлиниб яшаган юечжи қабилалари Кужула Кадфиз томонидан Гуйшуан-Кушон уруғи қўл остида ягона давлатга бирлаштирилган.

Кушон давлатингинг шимолий чегараси Жанубий Ҳисор тоғ тизмасига кирган Бойсунтоғ ҳисобланиб, кушон ҳукмдорлари ўз давлатининг шимолий чегараларини мустаҳкамлаш борасида ҳам тинимсиз фаолият кўрсатганлар. Бойсунтоғдаги “Темир дарвоза” ва унинг билан боғлиқ мудофаа истеҳкомлари ана шундай иншоотлардан бири ҳисобланади. Вима Кадфиз ва айниқса Канишка I ҳукмронлигида бу давлат таркибига Шимолий Ҳиндистон ва Шарқий Туркистон ерлари ҳам киритилган ва натижада Кушон давлати Кўҳна дунёнинг Рим империяси, Парфин ва Хан Хитойи билан бир қаторда турган буюк давлатга айланган. Милодий III аср охирида ички зиддиятлар ва айниқса сосонийлар Эрони қўшинларининг Кушоншаҳр, яъни Бақтрияни эгаллашлари туфайли Кушон давлати инқирозига юз тутган.

Тўрт аср давомида марказлашган давлатнинг мавжудлиги Бақтрияда, шу жумладан, унинг таркибий қисми бўлган Сурхон воҳасида ҳам иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида юксалишга олиб келган. Милоддан аввалги I – милодий I асрларда Сурхон воҳаси жадал ўзлаштирилган, йирик каналлар қазилган (Каттанахар), мавжуд суғориш иншоотлари кенгайган (Занг канали), янги шаҳарларга асос солинган (Зартепа) ёки Тармита (Термиз) ва Дарварзинтепа сингари шаҳарлар ҳудудий жиҳатдан кенгайган. Кушон даври шаҳарлари лойиҳа асосида бунёд этилган икки қисм, яъни арки ва унга туташ асосий шаҳар қисмларидан иборат бўлган. Бу давр шаҳарсозлиги Далварзинтепа, Зартепа, Кўҳна Термиз ва унинг таркибий қисмлари ҳисобланган қоратепа, Фаёзтепа ўрнидаги диний иншоотлар орқали яхши ўрганилган.

Сурхон воҳасининг Кушон даври шаҳарлари маъмурий, иқтисодий марказ бўлиш билан бир қаторда диний марказлар вазифасини ҳам ўтаган. Кушон ҳукмронлигининг илк босқичидаёқ Кўҳна Дунё давлат ва халқларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан боғлаб турган қитъалараро савдо йўли, яъни “Буюк ипак йўли” тўлиқ шаклланган ва бу халқаро савдода Кушон давлати ҳам муҳим ўрин эгаллаган.

Холчаён, Дарварзинтепа, Кўҳна Термиз, Зартепа, Айритом каби обидалардан қазиб очилган дунёвий ва диний йўналишларда яратилган ҳайкаллар, хилма-хил мўъжаз санъат турлари, турли-туман ҳунармандчилик буюмлари ўзининг такрорланмаслиги билан ажралиб туради.

Музейнинг 5-зали Кушон даврида Шимолий Бақтрия деб аталиб, милоддан аввалги I-милодий III-асрлари ўрталарини ўз ичига олувчи топилмалари жаҳон аҳамиятига эга, қоратепа ва Фаёзтепа, Айритом, Далварзинтепа, Кампиртепа сингари Сурхондарё вилоятининг кушон даврига оид ноёб археологик ёдгорликлардан топилган ашёвий далиллар қўйилган.

Кушон даврига оид пештоқ ички кўринишида Далварзинтепадан топилган Бодхисатва ҳайкали нусхаси намунаси қўйилган. Залнинг бошланиш қисмида Айритом

намунаси акс эттирилган. Эр. II –асрига оид Далварзинтепадан топилган 2 дона шахмат доналари алоҳида витринага қўйилган.

Будда ҳайкалларининг намуналари, лойдан қилинган терракота ҳайкалчалари, Далварзинтепадан топилган кохин ва болалар тасвири туширилган деворий сурат асл нусхаси Билан биргаликда Кушон подшолиги ўукмдорларининг бюсти намунаси ва ўша даврга хос тангалар мавжуд.

## 6-ЗАЛ. ШИМОЛИЙ ТОҲАРИСТОН ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА

(милодий IV-VIII асрлар)

Милодий IV аср охиридан бошлаб Бақтрия ўлкаси тарихий манбаларда Тоҳаристон деб юритила бошланган. Тоҳаристон ўз таркибига Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ерларини қамраб олган бўлиб, ҳудудий диҳатдан кушон даври Бақтрия ўлкасига тенг бўлган.

Милодий III аср охири - IV аср давомида Тоҳаристон сосонийлар Эрони давлатига қарам вилоятга айланган. V асрда ўлка Хионийлар ва Эфталийлар давлати тасарруфида бўлган. VI асрнинг 60-йилларига келиб Эфталийлар давлатининг турк хоқонлиги ва сосонийлар Эрони қўшинлари томонидан тор-мор этилиши туфайли Тоҳаристон Турк хоқонлиги давлати қўл остига ўтган. VII асрнинг 70-йилларидан Тоҳаристон араб қўшинлари томонидан босиб олина бошлаган. Бу жараён VIII асрнинг 40-йилларига келиб ўлканинг батамом Араб халифалиги таркибига қўшиб олиниши билан якунланган.

V-VIII асрлар давомида Тоҳаристон марказий ҳокимиятга расман қарам кўплаб кичик мулкликларга бўлинган. Чағониён, Термизшоҳлар, Куфтан каби мулкликлар Шимоли-ғарбий Тоҳаристон, яъни Сурхон воҳасида жойлашган. Термизшоҳлар пойтахт номи Билан аталиб, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги ерларни ва ҳозирги Ангор, Термиз ва Жарқўрғон туманларини ўз ичига олади. Бу мулклик Термизшоҳ томонидан идора этилган. Чағониён Чағонруд (Сурхондарё) дарёсининг юқори ҳавзасидаги ерларни, Ҳисор ва Боботоғ тоғ олди майдонларини ўз таркибига олган. Чаҳониён мулклигининг марказхий шаҳри Чағониён қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилишида жойлашган Будрач ҳисобланади.

IV асрнинг охирида, айниқса сосонийлар Эрони қўшинларининг Шимолий Тоҳаристон ерларига юриши оқибатида даставвал марказий шаҳарлар (тармита – Термиз, Дарварзинтепа) инқирозга юз тутади. VI аср бошларига келиб Шимолий Тоҳаристоннинг марказий шаҳарлари қайта тикланиб, кенгая бошлайди ва яна бир қанча шаҳарларга асос солинади. VII-VIII асрларга оид хитой ёзма манбаларига кўра, Термиз мудофаа деворининг узунлиги 10 километр, Чағониённинг марказий шаҳри 5 километрга тенг бўлган. Тоҳаристоннинг V-VIII асрлар даври шаҳарлари каби асосан икки, яъни арки аъло ва шаҳристон каби таркибий қисмлардан иборат бўлган. Зангтепа (қулоғлитепа), Ҳайитободтепа, Чағониён (Будрач)ларнинг арки аълосида асосан ҳукмдор саройи Билан боғлиқ иншоотлар жойлашган. Марказий Осиёнинг V-VIII асрлардаги тарихий ва маданий ўлкалари (Сўғд, Хоразм) шаҳарлари каби Тоҳаристон шаҳарсозлигида жуда мураккаб меъморчилик услублари қўлланилган. Булар туркумига гумбазли хоналар, томонларни ғиштлар ёрдамида равоқсимон услубда ёпиб тепасидан иккинчи ва учинчи қаватни қуриш, хом ғиштлар ёрдамида арксимон эшиклар қуриш ва бошқалар киради. Тоҳаристонлик меъмор усталар шаҳарлардаги қабул маросимлари ўтадиган залларни, меҳмонхоналарни, кундалик ҳаётга мўлжалланган хоналарни безашда сомон сувоқ, деворий тасвир, маҳобатли ҳайкалтарошлик ва ўйма ганчдан жуда моҳирона фойдаланилган.

Шимолий Тоҳаристон шаҳарлари кушон даври шаҳарлари сингари диний марказлар вазифасини ўтаган. Кўҳна Термизда қазиб очилган ғорсимон бинолар, Чордингак ўрнидаги буддавийлик иншооти, Зангтепадан топилган қайин пўстлоғига

битилган матнлар V-VIII асрлар давомида Тоҳаристонда буддавийлик дини ката мавқега эга эканлигидан далолат беради. Воҳанинг V-VIII асрлар даври ёдгорликлари туркумига шунингдек кўшк ва ҳовлилар, савдо йўллари ёқасида жойлашган божхоналар ҳам киради. Ангор воҳасидаги Куёвқўрғон, Болаликтепа, Юмалоқтепа каби кўшклардаги муҳташам қабулхона ва меҳмонхоналар дунёвий мазмунда ишланган деворий ранг тасвирларга, ранг-баранг ҳайкалларга, лой ёки ёғочга ўйиб ишланган нақшин лавҳаларга безалган.

Илк ўрта асрлар Шимолий Тоҳаристонда бадиий санъатнинг, айниқса ҳайкалтарошлик ва деворий ранг тасвир санъатининг юксакликка эришган давридир. Тоҳаристоннинг V-VII асрлар даври ранг тасвир санъати Зартепа, Нондаҳа қояларидан бирида барпо этилган Тавка қўрғони ва Болаликтепа деворий суратлари орқали ўрнатилган. Тавка қўрғонидаги муҳташам бино хонасидаги деворий суратларда ов маросими акс эттирилган бўлса, Болаликтепа кўшкидаги залда базм маросими тасвирланган.

Воҳанинг Каттатепа (Хосияттепа), Зангтепа, Болаликтепа, Ҳайитободтепа, Кучуктепа каби обидалари, Биттепа сингари дафиналарини ўрганиш жараёнида топилган турли-туман шиша идишлар, металдан ясалган ўсмадон ва меҳнат қуроллари, тоғ минералларидан ясалган шода мунчоқлар, қўш балдоқли кружка ва металл буюмларга тақлид этиб ясалган сопол идишлар илк ўрта асрлар даврида Шимоли-ғарбий Тоҳаристонда ҳунармандчиликнинг ҳам жадал ривож топганлигини кўрсатади.

Музейнинг 6-зали “Шимолий Тоҳаристон илк ўрта асрларда” деб номланиб, IV-VIII асрларни ўз ичига олади.

Илк ўрта асрлар даврида Сурхондарё вилояти йирик тарихий, маданий ўлка ҳисобланиб, Тоҳаристон таркибига кирган. Ўлка номи 383-йилда дастлаб тилга олинган тоҳарлар деб аталувчи халқ номидан келиб чиққан. IV-VIII асрларда Сурхондарё маданияти юксак ривожланиши билан ажралиб туради. 6-зал пештоқи ўртасида Кўҳна Термиздан топилган ўйма накш тошга “Оллоҳ ягонадир” деб битилган сўзлар мавжуд. Ангор яқинидаги Болаликтепа қалъаси бу даврнинг энг муҳим ёдгорликларидан саналади. Бу ёдгорликлар хоналари деворида акс эттирилган базм кўриниши расмлари диққатга сазовордир. Шунингдек, пахта матосидан тайёрланган аёллар кийими эътиборни тортади.

## 7-ЗАЛ. ШИМОЛИЙ ТОҲАРИСТОН РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ДАВРИДА
(IX – XIII асрлар биринчи чораги)

VIII асрнинг 40-йилларидан Шимолий Тоҳаристон, хусусан, унинг марказий шаҳарлари батамом Араб халифалиги таркибига киритилади. Бу даврдан то IX аср охирига қадар, яъни Шимолий Тоҳаристоннинг Сомонийлар давлати тасарруфига ўтказилишига қадар бу ўлкада содир бўлган ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараён мусулмон дунёси мамлакатлари билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланди...

IX аср охиридан то XIII асрнинг 20-йилларига қадар Термиз ва Чағониён Сомонийлар, қорахонийлар, ғазнавийлар, Салжуқийлар, қарлуқлар, ғурийлар ва Хоразмшоҳлар давлатлари ҳукмронлиги остида бўлиб келди.

VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Мовароуннаҳрда, хусусан, Термиз ва Чағониён юртларида мусулмон даранииятининг шаклланиш жараёни юз берди. Бу жараён Ушбу юртларда ислом дини, араб тили ва ёзувининг кенг тарқалиши, мусулмон дунёси мамлакатларига хос меъморий иншоотларнинг, жумладан, мадраса, масжид, карвонсарой, минора, мақбара ва бошқа турдаги маданият намуналарининг юзага келиши билан ажралиб туради.

IX асрдан бошлаб Шимолий Тоҳаристонда шаҳарсозлик жадал тараққий этган. Бу даврда ўлкада уч қисмли шаҳарлар тўлиқ шаклланган. Термиз Чағониён каби шаҳарлар тузилишини ўрганишда ёзма манбалар билан бир қаторда бу шаҳарлар ҳудудида кенг кўламда амалга оширилган археологик тадқиқотлар натижалари ҳам жуда муҳимдир. Термизнинг 500 гектарлик шаҳар тусини олиши X аср охирларида содир бўлиб, XI-XII

асрлар давомида равнақ топган. Чағониённинг марказий шаҳри Чағониён (қизилсувнинг Сурхондарёга қуйилиш жойидаги Будрач ёдгорлиги) 6 квадрат километрга тенг майдонни эгаллаган. Бу шаҳар ўзининг юксакликка эришган даврига, яъни X-XI асрнинг биринчи ярмида қизилсувнинг ҳар иккала қирғоғини эгаллаган.

IX асрдан бошлаб шаҳарсозликда пиширилган ғиштлар оммавий равишда ишлатилган, уйлар, саройлар, қабул заллари ва масжидларни безашда мураккаб ислимий ва гириҳ нақшлар кенг қўлланилган. Ушбу зал пештоқидан жой олган термизшоҳлар саройини безаб турган нақшин лавҳалар ўзининг бетакрорлиги Билан ажралиб туради.

IX-XIII асрлар давомида Термиз ва Чағониёнда ҳунармандчилик ҳам равнақ топган. Ҳунарманд усталар маҳаллалари Термиз ва Чағониён шаҳарлари билан бир қаторда қишлоқларда ҳам ўрганилган. Чағониён атрофидаги ғармалитепа қишлоқ жойларидаги шундай кулолчилар устахоналаридан бири бўлган. Термизда кулоллар маҳалласи Билан бир қаторда темирчи ва шишасозлар маҳаллалари ҳам бўлган. Темирчи усталар меҳнат қуроллари, уй-рўзғор буюмлари билан бир қаторда антиқа шамдонлар, ўсмадонлар, қош тергич ва кўзгуларни қуйма ва болғалаш йўли билан ясаганлар

Бу даврда воҳа ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг энг ривожланган тармоғи кулолчилик бўлган. X-XI асрларда мукаммал сирланган сопол ишлаб чиқарила бошланган. Термиз ва Чағониён кулолчилиги намуналари хилма-хил ва безаги серҳашам бўлган. Кулол усталар идиш шаклини ҳисобга олган ҳолда чиройли накш туширишган. Уюрма тўпбарггул, тўқима накш, ҳайвонлар тасвири ҳамда қия дастхат қатъий ва бежама куфийда ёзилган битиклар кенг тарқалган нақшлардан эди. Термизда ясалган сирланган сопол идишлар Мовароуннаҳрнинг бошқа марказлари кулолчилик маҳсулотидан қолишмаган. Сирсиз сопол ишлаб чиқариш X асрлардан бошлаб ривожланди ва XII асрга келиб юқори даражага кўтарилди. Бу яхлит қолипли сопол ишлаб чиқариш техникаси такомиллашуви Билан боғлиқ бўлиб, бу техника шундай буюмларнинг ишлаб чиқарилишини кескин ошириш имконини берди. Бунда хилма-хил бўртма тасвирлар идишлар кўринишини анча ҳашамдор ва безакли қилган. Айни маҳалда чизма нақшли сопол кенг тарқалган, бундай услублаштирилган ислимий, гириҳ ва эпиграфик нақш Билан, одатда, шаклан ва ҳажман хилма-хил кўзалар безатилган. Бу эса ғоят мураккаб нақшларнинг юзага келишига замин ҳозирлаган. Бу даврда Термиз кулолчилик ишлаб чиқаришида симоб кўзачалар сезиларли ўрин олган.

Шишасозлик XI-XIII асрларда кулолчиликдан кейинги ўринга чиқиб олди. Шиша буюмлар, идиш-товоқ, атир шишалар, кимёвий идишлар, зеб-зийнат буюмлари ва дераза ойналари анъанавий эркин пуфлаш ҳамда қолипга солиб пуфлаш йўли Билан ясалган. Буюм тайёрлашда кўпроқ оч яшил, феруза. Оч зангори, тўқ бинафша ранглардан фойдаланилган. Ушбу даврга оид шиша буюмларининг намуналари залнинг марказий қисмидаги витринадан жой олган.

Тоҳаристон ҳудудида илк ўрта асрларда пайдо бўлган бу ҳунар қисқа вақт ичида шаҳар ҳунармандчилигининг бошқа тармоқлари орасида етакчи ўринлардан бирин эгаллади. Айниқса Чағониёндан топилган металл буюмлар хазинаси эътиборга лойиқ.. Термизлик мисгар сафforлар устахоналарида жездан турли хил буюмларнинг тайёрланиши усталарнинг юксак касбий маҳоратидан далолат беради.

Музей экспонатлари ҳисобланган эшик ва дарвоза қабзалари, чироқдон дасталари, медальон, қўнғироқ, шамдон қисмлари, исириғдонларни мисол тариқасида келтириб ўтишимиз мумкин. Улар эпиграфик, услублаштирилган ислимий ва гириҳ нақшлар билан безатилган.

Шундай қилиб Термиз ва Чағаниён шаҳарлари IX-XII асрлар мобайнида ижтимоий иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча жабҳаларида тараққиётга эришганлар. Бу илдам тараққиёт жараёни XIII асрнинг 20-йилларида Чингизхон қўшинлари томонидан ўлканинг эгалланиши билан тугайди.

## 8-ЗАЛ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ТЕРМИЗ ВА ЧАҒОНИЁН МАДАНИЯТИ

(1370 – XVI аср бошлари)

Амир Темур ва Темурийлар даврида Термиз ва Чағониён бадиий маданияти ривожи юксак чўққига чиқади. Янги шаҳар, қишлоқ ва шаҳарлар пайдо бўлади. Сурхондарё вилоятида иқтисодий юксалиш юз беради, савдо-сотиқ кенг ривожланади. Залда қирққиз, Султон-Саодат мажмуаси макети, сирланган уй-рўзғор буюмлари, Амир Темур давлати харитаси эътиборга лойиқдир.

1409 йилга қадар Термиз темурий Халил Султон ва ундан сўнг Шоҳрух Мирзо ҳукмронлиги даврида Мирзо Улуғбек тасарруфида бўлган.

1220 йилда юз берган Чингизхон босқини Термиз ва Чағониёнга жуда катта талофат етказган. Бу юртларнинг иқтисодиёти қайта тикланиб, маданий равнақ сари юз тутиши бевосита Мовароуннаҳрда Амир Темур давлатининг ташкил топиш даврида бошланган.

Шимолда Каттақум ва шарқда Солиҳобод қишлоқларига туташ бўлган Термиз ката кенгликни ишғол қилган, аммо у мудофаа истеҳкомлари билан ўраб олинмаган. Бу давр шаҳрининг таърифи 1404 йилда Термиз орқали Самарқандга Амир Темур саройига Кастилия қироли Генрих III номидан элчи бўлиб борган Руи Гонсалес де Клавихо кундалигида ўз аксини жуда яхши топган. “Термиз жуда кенг ва аҳолиси зич жойлашган, унда ташқи девор ва мудофаа истеҳкомлари йўқ. Атрофии боғ-роғ, шаҳарни кўплаб анҳорлар кесиб ўтади. Биз доимо хилма-хил моллар сотиладиган гавжум кўчалар ва майдонлардан ўтиб бордик”.

Амир Темур даврида Чағониён ўлкасининг марказий шаҳри Чағониён ҳам ўз мавқеини сақлаб қолган. Археологик далилларга кўра, XV аср охири – XVI аср бошларига келиб Чағониёнда ҳаёт шаҳристондан рабодга кўчган. Чағониённинг Яна бир маркази Наванд ҳисобланган (Наванд – чопар, чопарлар шаҳри). Бу шаҳарлар, яъни Термиз, Чағониён ва Навандлар ўз зарбхонасига эга бўлиб, Ушбу зарбхоналарда Амир Темур ва Темурийлар давлати ҳудудида муомалада бўлган дирҳам (мис тангалар) қайтадан зарб этилган (бу тангалардан намуналар залнинг марказий қисмида намойиш этилмоқда). Сурхон воҳасидаги саксонга яқин Шўробқўрғон, қутлуғ шоҳтепа (Шеробод тумани), Навандактепа (Узун тумани ва ҳ.к.) каби ёдгорликларда XIV-XVI асрларга мансуб маданий қатламлар ва ашёвий манбалар мавжудлиги қайд этилган. Бу ёдгорликлар қишлоқ, кечув бўйидаги қалъа, Сарой, карвонсарой ва савдо йўлидаги божхоналар вазифасини ўтаган. Ушбу зал кўргазмаларида намойиш этилаётган ашёвий манбалар, хусусан, жангчи ҳимоя кийимлари, сифат даражаси Билан хитой чиннисига тенглашган лаган ва косалар, кўза ва чироқлар, шахмат доналари, меъморий кошинлар Термиз ва Чағониён амалий санъатининг Амир Темур давлати марказий шаҳарлари маданияти билан ҳамоҳанг тараққий этганлигидан далолат беради.

## 9-ЗАЛ. СУРХОН ВОҲАСИ XVI-XX АСР БОШЛАРИДА

XVI асрнинг бошларидан XVIII асрнинг биринчи ярмига қадар Сурхон воҳаси Шайбонийлар ва Жонийлар (Аштархонийлар) давлатлари қўл остида бўлган. XVIII асрнинг биринчи ярмидан XX асрнинг бошларигача воҳа Бухоро амирлигининг таркибий қисми ҳисобланган. Воҳанинг хонликлар давридаги муҳим марказларидан бири Термиз ҳисобланган. Тарихий манбаларда (Маҳмуд ибн Вали) айтилишича, Термизнинг қишлоқлари кўп бўлган. Унинг муҳим бир қисмини ҳукмдор қароргоҳи, бозор, мадраса ва ҳашаматли жума масжиди бор Саловат (Солиҳобод) ташкил этади,-деб таъриф берилган. XVIII асрнинг бошида Шерободга асос солинган. XIX асрга келиб, Шеробод Шарқий Бухоронинг йирик иқтисодий ва маданий марказига айланган. XVI аср охирида Чағониён (Будрач)нинг батамом тушкунликка юз тутиши оқибатида янги шаҳар қизилсувнинг

юқори ҳавзасида Деҳинау (Денов) ўрнида шаклланган. XVII аср ёзма манбаларида Денов мустаҳкам қалъадан иборат, гавжум бозорли, ката мадраса ва хонақоли шаҳар тусини олган, деб таъкидланган. Навандак, Шаҳри Сафо, Жавзи, Тўфолон, Вахшивор, Басанд ( XVII асрдан Бойсун), Миршоди воҳанинг хонликлар давридаги йирик манзиллари ҳисобланган. Ташқи савдода ва Жайхун (Амударё) бўйлаб юк ташишда Паттакесар, Термиз, Ёргоҳ, Чўчқагузар ва қоракамар кечувлари жуда муҳим бўлган. XVI асрдан то XX аср бошларига қадар, яъни Амударёда чор Россияси флотилияси ташкил бўлгунга қадар бу гузарлардан мунтазам фойдаланилган.

Ушбу зал кўргазмаларидан баъзи бирлари макет (Искандар кўприги, қумқўрғон тумани) ёки фотодиорамалар (Саййид Оталиқ мадрасаси, Денов шаҳри; Мурч бобо масжиди, Термиз шаҳри) шаклида ўрин олган воҳа меъморий ёдгорликлари мадраса, карвонсарой, масжид, мақбара, бекликлар қўрғони, кўприк, тоғ ва дарё бўйларида жойлашган қалъалар каби турларга бўлинади.

Сурхон воҳасининг хонликлар даври ҳунармандчилиги Кўҳна Термизнинг қалъа ва қўрғон ёки кўшк деб номланган қисмларида, Хотин работда (Термиз тумани), Шеробод беги қўрғонида, Жарқўрғондаги Култепа ёдгорлигида, Тўпаланг дарёси юқори оқимида жойлашган Ёни Калон қалъасида, Кофрун қишлоғи (Бойсун тумани)даги Мозораттепа каби ёдгорликларда ўтказилган археологик қидирув натижалари орқали маълум.

Хонликлар даврида воҳада учта асосий ҳунармандчилик марказлари (Бойсун, Денов, Шеробод) мавжуд бўлган. Кўргазмаларда намойиш этилаётган жилокор кошин бўлаклари, теми рва тошдан ясалган меҳнат ва ҳарбий қуроллар, заргарлик буюмлари айни шу марказлар ҳунармандчилик мактабига хос осори-атиқалардир.

Воҳанинг XVI-XX аср бошлари ҳунармандчилиги турларидан яна бири кулолчилик ҳам айни шу марказлар кулол усталари томонидан яратилган. XVI асрга хос сопол буюмларда Амир Темур ва темурийлар даври анъаналари давом этган. Аср охирида рангдор идишлар тўқ зангори бўёққа безалиб, нақшлар асосан гириҳ ва ислимий шакллардан таркиб топган. XVII-XVIII асрлар кулолчилик буюмларида маҳсулот сифати пасайиб, идишларда тўқ зангори ва яшил ранглар кўп қўлланилган.

Музейнинг 9-зали “Сурхондарё вилояти XVI-XX аср бошларида” деб номланган. XVI аср бошларида Термиз ва Сурхондарёнинг бошқа шаҳарлари шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар сулоласи бошқарган давлатлар таркибида бҳлди. Бу даврда кўплаб меъморчилик иншоотлари қурилди. Залдаги мавжуд бўлган Саййид Оталиқ мадрасаси тасвирий сурати, Искандар кўприги макетини далил сифатида келтириб ўтишимиз жоиздир, шайбонийлар даври тангалари, сирланган чироқлар, мис ва чўяндан ишланган хўжалик ашёларини ҳам шу зал витриналарида кўришимиз мумкин.

Сурхон воҳасининг Денов шаҳрида жойлашган Саййид Оталиқ мадрасаси биноси Мовароуннаҳрнинг XVII асрга оид меъморий обидаси бўлиб, мадрасанинг қурилиши Жуй- борий хожалари номи билан боғлиқ.

Жуйборий хожаларига Бухоро хонлари доимо катта илтифот кўрсатиб келишган. Жумладан, Имомкулихон (1611-1642 йиллар) Бухоро тахтига ўтиргач, синглисини Тожиддин Хожа Ҳасан Жуйборийга никоҳлаб беради. Унга инъом сифатида Бухородаги Пирмаст ва Ҳисордаги Денов ерларини мухрлаб тортиқ этади. Ҳукмдор инъом этган ерлар жуйборийлар томонидан мустақил бошқарилган ва бу ер эгаларига “оталиқ” унвони берилган.

Тожиддин Хожа Ҳасан Жуйборий ўз маблағи эвазига Деновда иккита мадраса қурдиради. Тожиддин пайғамбарзодалар авлодига мансуб бўлганлиги туфайли Эл орасида саййид унвонига эга эди. Шу сабабли мадраса унинг номи Билан “Саййид Оталиқ” деб аталган ва у 1612-1628 йиллар давомида қуриб битказилган.

Мадраса биносининг пойдевори чуқурлиги 5,5 метр бўлиб, унга бир неча қатор қамиш тўшалиб, пишган ғиштлар Билан алоҳида усулда териб чиқилган. Бинонинг эни 46 метр, бўйи 64 метрга тенг. Тўрт бурчагида 4 та бурж бўлиб, деразалари нақшин панжаралар Билан безатилган. У 114 ҳужрадан иборат. қуръони Каримда ҳам 114 сура

бор. Мадраса ҳужралари сони қуръони Карим суралари сонига қиёс қилингани Билан ҳам диққатга сазовордир. Саййид Оталиқ мажмуаси қурилган кезларида Деновда маърифий ва маданий ҳаёт изга тушган, мадраса қуришга эҳтиёж туғилган. Саййид Оталиқ мадрасаси “қўш” шаклда қурилган. Меъморчиликда “қўш” деб, икки бино пештоқининг бир-бирига қарама-қарши қурилишига айтилади. Деновдаги мадраса ва ҳонақо пештоқлари бир-бирига қарма-қарши қурилган, уларнинг кўндаланг ўқи икала иншоот ўртасидан ўтган. Ўртадан ўтган йўл эса Девонбеги қўрғонига олиб борган. Саййид Оталиқ мадрасасига аввал саккиз қиррали устун билан ёпилган айвонга кирасиз, сўнгра чап ва ўнг тарафда “П” шаклда ёпилган гумбазли масжид ва миёнсарой (дарсхоналарга) ўтасиз. 114 та ҳужранинг ҳар бирида ўт ёқиш учун оловхона, иккинчи қаватида ҳар бир ҳужрада кўчага қаралган балкон ва аркдан иборат безак берилган.

Деновдаги мадраса ва хонақо қурилишининг асосий хусусияти шундаки, мадраса шимолдан жанубга йўналтирилган. Бу ҳолатда, биринчидан, мадраса ичидаги масжиднинг қибла томони (меҳроби) ташқи деворга тақалади. Иккинчидан, шу ҳолатда жойлаштирилса, иқтисодий жиҳатдан камҳаражат, шу билан бирга, ҳужралар сонини кўпайтириш мумкин. Ҳужраларнинг асосий қисми (80 фоизи) кириш ва деразa томонлари қиблага йўналтирилган. Бу эса, ўз навбатида, ислом амалларини бажаришда дуруст шароит яратиб беради. Бинонинг бундай ечими XV-XVI асрларга хос бўлиб, Бухородаги Улуғбек, Кўкалдош, Мир Араб, Абдуллахон мадрасалари ҳам айнан шу услубда қурилган.

Саййид Оталиқ мадрасаси Чор Россияси ва кейинчалик собиқ шқролар даврида бошқа мақсадларда ишлатилганлиги сабабли кўп зиён кўрди.

Инқилобдан олдин мадрасада 400 га яқин талаба таҳсил олган, уларга 33 нафар мударрис сабоқ берган. Шўролар тизими даврида мадраса ёпиб қўйилган ва ташландиқ ҳолга тушиб қолган.

Ўзбекистон истиқлоли шарофати ила 1997 йилда “Олтин мерос” халқаро хайрия жамғармаси Денов туман бўлими қошида “Саййид Оталиқ” маданият маркази очилди. Марказ мадрасани асл ҳолига қайтариш борасида ишлар олиб бормоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

1991 йил 31 августда узбек халқи узоқ вақтлардан бери орзиқиб кутган Мустақилликка эришди. Ҳаётимизнинг барча соҳалари каби музейлар фаолиятида ҳам катта тарихий ўзгаришлар содир бўлди. Вазирлар Махкамасининг 1992 йил 21 апрел Қарорига мувофиқ Ўзбекистон тарихи Давлат музейи қайта ташкил этилди. Моҳият – эътибори билан қаралганда, том маънодаги замонавий ва миллий музейга айнан шу санада асос солинган эди. Президент Ислом Каримовнинг “Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида” ги Фармони (1998 йил 12 январь) эса музейларимиз ривожидан катта бурилиш ясади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон тарихи Давлат музейи энг йирик илмий – маърифий марказлардан хисобланиб, унинг жамғармасида 250 минга яқин экспонат мавжуд. Улар орасида
нумизматика, археология, тангашунослик ва этнографияга оид кўплаб қимматли жамламалар бор.

Ўзбекистон тарихи Давлат музейининг янги экспозицияси Ўзбекистон ҳудудида тарихий-маданий жараёнларнинг энг қадимги даврлардан бошлаб ҳозирга қадар бўлган тараққиётини ашёвий далиллар ва тасвирий воситалар орқали намойиш этишга қаратилгандир. Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метр бўлган бинонинг учинчи ва тўртинчи қаватини эгаллаган мазкур экспозицияда ўн мингга яқин экспонат жойлашган. Уларда ўзбек давлатчилигининг шаклланиши тарихи, ўзбек халқининг бой анъаналари ва маданияти ифода этилган.

Дастлабки экспозициядаги ибтидоий тузим даврини ифодаловчи экспонатлар Ўзбекистон худуди Шарқ цивилизациясининг энг қадимги ўчоқларидан бири

бўлганлигидан гувоҳлик беради. Деҳқончилик ва чорвачилик асосида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, дастлабки кимёвий-технологик билимлар асосида ҳунармандчиликни ривожланиши, диний тафаккур ривожида зардўштийликка асос солиниши, қадимий Шарқнинг юқори даражада ривожланган марказлари билан ўзаро маданий алоқалар, мураккаб ички тузилмаларга эга бўлган қалъа ва илк шаҳарларнинг пайдо бўлиши йирик давлатларнинг ташкил топишида катта роль ўйнади. Деҳқончилик ва чорвачиликнинг ўзига хос ривожи ва ўзаро боғлиқлиги, Ўзбекистон халқларининг аҳмонийлар, грек – македонияликлар ва сосонийларга қарши кураши, хорозмийлар, бақтрияликлар, Фарғона давлати ҳамда Кушон салтанати ҳақидаги маълумотлар ҳам жуда яхши ёритилган. Залларда намойиш этилаётган аждодларимизнинг эрамиздан аввалги I ва эрамизнинг I минг йилликларида маданияти юқори бўлганлигини ўзида мужассам этган ашёлар мазмун-моҳиятининг ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Буларнинг кўпчилиги дунё маданияти ва санъатининг бебаҳо намуналари ҳисобланади.

Девор ёзувлари, ҳайкалтарошлик тасвирлари, буддавийлик мавзуи билан боғланган меъморчилик ишлари экспозициядан алоҳида ўрин олган.

Ўзбек халқининг ўрта асрлардаги буюк маданий мероси ҳам экспозицияда ўз ифодасини топган. Айниқса, Темур ва темурийлар даврига бағишланган экспозицияда Амир Темур саъй- ҳаракатлари натижаси ўларок, фан ва маданиятнинг юқори даражада ривожланганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб экспонатларни кўриш мумкин.

XVIII-XIX асрларда ҳунармандчиликнинг юксак даражада ривожланганлиги экспозициядаги сопол, кандакорлик маҳсулотлари, Бухоро бахмаллари ва адраслари ҳамда зардузлик санъати намуналарида ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакатимизнинг кейинги тараққиёти, хусусан, мустамлакачилик давридаги озодлик учун олиб борилган курашлар, маърифатпарварларимизнинг ўз ватанини маърифатли, фарован ва озод қилиш учун олиб борган курашлари хариталар, суратлар, рангтасвир воситалари орқали ёрқин намоён этилган.

Музейнинг охирги экспозицияси мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикасининг қисқа давр ичида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларидаги эришган улкан ютуқларига бағишланади. Салкам 14 йил давомида Ўзбекистон жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топган давлатлардан бирига айланди. Қисқаси, тарихий тараққиёт ва маданий ривожидаги узвийлик музей воситаларида миллатнинг бир бутун яхлит тарихи сифатида кўрсатилган.

Бугунги кунда йирик илмий-маданий марказлардан бири ҳисобланган Ўзбекистон тарихи Давлат музейида ўзбек халқининг тарихи холисона яратилди. Лекин бир вақтда ватанимиздан ташиб кетилган беҳисоб ва нодир ёдгорликларимизни бошқа музейларда кўрганимизда, юрагимиздаги ўкинч ва армонларимиз қалбимизни тирнайди.

Инсон дунёга бир марта келади. Унинг томонидан бунёдга келган яхшилик эса бир умр ёддан чиқмайди. Чунки эзгулик абадийдир. Зеро, шундай экан, биз ҳам ўз аждодларимиз каби келажак авлодга муносиб мерос қолиришимиз даркор. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек: “Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлод ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш- бизнинг фуқоролик бурчимиздир”.

## ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ

Аждодларимиз қолдирган маънавий, маданий, тарихий меросни ўрганиш орқали Ал-Фарғоний, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий,

Амир Темур, Муҳаммад Раҳимхон – Феруз, Нажмиддин Кубро каби алломалар қомусий билимга эга, юксак инсоний фазилатли сиймолар бўлганлигини англаймиз.

Мамлакатимиз ҳаётида ўрта аср уйғониш даври фаолияти, фан ва маданиятнинг юксак чўққига эришган даври сифатида эътироф этилади. Жумладан, Амир Темур ва унинг аждодлари ҳукмронлик қилган даврда жойларда жуда катта маънавий ўсиш, юксалиш, маданий тараққиёт кўзга ташланади. Шу давр тарихидан ҳикоя қилувчи музейнинг ташкил этилиши эса у ҳақдаги тарихий ҳужжатлар ҳамда асарларда акс этган ҳаёт ҳақиқатларидан атрофлича маълумот беради, келажак авлодга янги ва фаровон ҳаёт қуриш ишларида катта аҳамият касб этади.

“Темурийлар тарихи” Давлат музейи Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи билан суғорилган тарихий ютуқларимиз ва анъаналаримиз асосида ва авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1996 йил 14 мартдаги 99-сонли қарори билан жуда қисқа вақт ичида Тошкент шаҳридаги Амир Темур ҳиёбонининг Шимолий-ғарбий чеккасида барпо этилди.

Музей халқимиз, ватандошларимиз вакиллари ва хорижий давлатлардан келган меҳмонлар иштирокида 1996 йил 18 октябрда тантанали равишда очилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов унинг очилиш маросимида нутқ сўзлаб, жумладан шундай дедилар: “Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаш керак”.

Музей қурилишига Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси, Тошкент шаҳар қурилиш бошқармаси, “Торсоик” қурилиш фирмаси ва бошқа ташкилотлар катта ҳисса қўшдилар. Бинони қайси тарҳга биноан қуриш танлаш йўли билан ҳал қилинди. Натижада бинони М. Расулов бошчилигидаги муаллифлар гуруҳи А. Турдиев, А. қосимов, А. Н. Марин, Т. А. Ниёзхўжаевлар иш режаси асосида Амир Темур даврининг анъаналарига мос тарзда бунёд этилди.

Айлана шаклда қурилган бинонинг ташқи кўринишига алоҳида эътибор берилган. Салобатли мовий гумбаз, устунлари ва ҳар бири кенг маънони ташувчи арабча ёзувлари (итоат, адолат, зарофат, маърифат, диёнат, оқибат, марҳамат, қадрият, садоқат, муваффақият, матонат, мурувват, шижоат мазмунидаги) унга ўзгача ҳусн бағишлайди.

Уч қаватли бинонинг биринчи қаватида хазинахоналар, кутубхона, мажлислар зали, дўкончалар, чипталар сотиш, ечиниш, маъмурият, техник воситалар учун бир қатор хоналар жойлашган.

Бинонинг иккинчи қаватида эса экспозициялар учун ўрин ажратилган. Ундаги экспонатларда тарихимизнинг асослари, қадим замонларга бориб тақалиши ҳикоя қилинади. Бу қават деворига “Уста” бирлашмаси наққошлари ва “Санои нафиса” мусаввирлари томонидан ишланган рангли тасвирда Амир Темур ва унинг ворислари ҳаётидан ҳикоя қилувчи лавҳалар берилган. У ердаги икки юз ўринли мажлисхонада турли анжуманлар, ўқувчи ёшлар Билан илмий учрашувлар ўтказилади, экран орқали турли мавзуларни ёритувчи кўрсатувлар намойиш этилади.

Музей биносининг қоқ марказида ҳамма ёқни ёритиб турган 2 тоннаю 70 кг.лик улкан люстра жойлаштирилган, унинг тагида VII асрга мансуб “Усмон қуръони” мусҳафи қўйилган. Тўғрида, яъни деворда Амир Темур Сарой аёнлари билан мажлис ўтказаётгани, халқ билан суҳбат қураётгани ҳамда тўртта фасл ўзига хос тарзда тасвирланган. Иккинчи қаватда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг музей учун совғаси, яъни Амир Темур портретини кўришимиз мумкин. Бундан ташқари Эрон Ислом республикасидан берилган совғалар, Амир Темур ёзишмалари, Темур давридаги чолғу асбоблари, Амир Темурнинг отда турган ҳолати гиламда тасвирланган, бу қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматидан совға, Самарқанд вилояти ҳокимиятидан,

Тошкентдаги Султонова Санобар аядан, Ҳиндистондан, Туркиядан, Сиёб тумани маҳалла аҳлидан тақдим этилган совғалар ҳам экспонат сифатида намойиш этилган. “Амир Темур жанг олдидан” – муаллифи Б. Аитмуродов, “Ҳиндистондаги жанг” – муаллифи А. Жўраев томонидан чизилган расмлар, АқШ ва бошқа мамлакатларда Чоп этилган Темурийлар тарихига оид китоблар ҳам бор.

Учинчи қават Ислом Каримовнинг “Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини бўй-бастини, ўз маданиятини ва анъаналари, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдиради”, - деган сўзлари билан бошланади.

Шоҳ Жаҳон буйруғи билан 1632-50 йилларда самарқандлик уста Муҳаммад Шариф, олик уста Ота Муҳаммад бошчилигида бунёд этилган Мумтозмаҳал мақбараси, Гўри Амир, Улуғбек расадхонаси, Аҳмад Яссавий, Оқсарой меъморий ёдгорликлари макетлари ҳам тартиб билан жойлаштирилган.

Амир Темур ва темурийларга оид қадимий обидалар, тарихий қўлёзмалар, турли хил тасвирлар ва бошқа-бошқа ёдгорликлар музейга ўзгача чирой бағишлаган. Учинчи қаватдаги экспозициялар Амир Темур ва темурийлар тарихи билан боғлиқ экспонатлар (меъморий обидалар, кулолчилик, мисгарлик, заргарлик буюмлари, қўлёзмалар) намойишга қўйилган.

Истиқлол даврида қурилган нодир ёдгорликлардан бўлган музей биноси ҳозирги замон меъморчилигининг ҳам ноёб намуналаридан ҳисобланади. Мутахассислар, мусаввир ва муҳандислар унинг тасвирини Самарқанддаги Гўри Амир мақбарасидан тасвирий нусхалар олиш, миллий анъаналарни уйғунлаштирган ҳолда Темурийлар тарихини акс эттирувчи шарқона усулда чизганлар.

Музей биносининг чор атрофини мармар ва ганчдан ўймакорлик Билан гул солинган ўттиздан ортиқ нақшинкор устунлар ўраган, тепа қисми мовий гумбаз билан ёпилиб, атрофига қадимий қалъа деворларини эслатувчи қабариқ гуллар солинган. Музейнинг узоқдан кўзга ташланиб турувчи маҳобатли биноси беихтиёр подшоҳлар бошидаги тожни эслатади.

Музей биринчи қаватининг саҳни ва деворлари ғозғон мармари Билан безатилган бўлиб, ўнг ва чап томонлардаги рангли мармар зинапоялар эса ўзига хос гўзаллиги билан мафтун этади. Иккинчи қаватдаги айлана марказий зал атрофии корнус шаклида йигирмадан ортиқ устун билан ўралган, устунлар керамик панеллар, баъзи жойлари эса оқ мармар билан ҳозирги замонавий усулда безатилган.

Марказий зал тепа қисмининг доира шаклидаги шифтига ислимий усулда гуллар ишланган, саккиз қиррали сон-саноқсиз юлдузларга Ўзбекистоннинг олий навли соф олтинидан жило берилган. Пастроқда айлана деворга нақшли ёзувлар билан ўзбек, араб ва инглиз тилларида соҳибқироннинг “қувват адолатда”, “Куч бирликда” каби ҳикматли сўзлари битилган.

Музейга кираверишда зал деворининг қирқ квадрат метр майдонига Ўзбекистоннинг моҳир мусаввирлари томонидан Амир Темур даврини ифодаловчи “Туғилиш”, “Юксалиш”, “Мерос” каби уч қисмдан иборат расмлар ишланган. “Туғилиш” бўлимидаги расмларда буюк инсоннинг дунёга келиши, гуллаган боғ, мусиқа чалиб алла айтаётган аёллар акс эттирилган.

Расмнинг ўрта қисмида ҳаёт рамзи бўлган сарв дарахти ва гумбаз устида узоқларга кўз тиккан лочин қуши, юқорироқда эса бахт қуши – Ҳумо тасвирланган. Расмнинг юқори қисмида юлдузлар олами, ундаги жадий ва муштарий юлдузларининг бир-бирига тўғри келган пайти муҳрланган.

Тасвирнинг иккинчи бўлимида тахтда ўтирган соҳибқирон Амир Темур ва унинг икки томонидан кенгашга йиғилган вазиру уламо, амиру умаролар, саркарда, беклар, элчилар кенгаши тасвирланган. Кенгашнинг қуйи томонидаги тасвирда Темурий ҳукмдорлар Султон Муҳаммад, Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн Бойқаро ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар суҳбати ифода этилган. Амир Темур ўтирган тахтнинг орқа фонида

ҳукмдор ўзи бунёд этган дунёга машҳур обидалар, Бибихоним масжиди, Шоҳи-зинда масжиди, Оқсарой ва Хўжа Аҳмад Яссавий мажмуаси кўзга ташланиб туради.

Бундан англанадики, соҳибқирон ҳукмронлиги даврида ҳадис илми зукколарига, тариқат ва фиқҳ илми донишмандларига, азиз-авлиёларга ката ҳурмат билан қаралган. Амир Темур ўз  ҳимоясига олган шу улуғ инсонларга атаб мақбаралар ва мадрасалар қурдирган. Улар яратган маънавий бойликлар, ахлоқий ўгитлар, илмий-фалсафий қарашлари ва уларнинг шахсий ибратли ҳаётлари сабоғини келажак авлодларга етказишга ҳаракат қилинган.

Расмнинг "Мерос" деб аталувчи бўлимида темурийларнинг охирги сулоласи тасвирланган. Ундаги чархпалак вақт – замон маъносини англатса, катта Эман дарахти қудрат ва донолик рамзидир. Расадхона қурилишида Мирзо Улуғбек давридаги фан ва маданиятнинг тараққиёти акс этади.

Шоир Алишер Навоий қиёфасида эса авлодларга ўзининг табаррук асарларини мерос қилиб қолдирган буюк мутафаккир тимсоли намоён бўлади. Мусулмон оламининг энг машҳур, муқаддас китоби Халифа Усмон қуръони мармарлар устида варақлари очилган ҳолда бутун музей залларига файз ва улуғворлик бахш этиб турибди.

Амир Темур ва унинг аждодлари ҳаёти ва фаолиятидан хабар берувчи улкан, ҳашаматли музей нафақат халқимиз, миллатимиз вакилларини, балки бошқа қардош, ҳорижий мамлакатлар фуқароларини ҳам ўзига жалб қилиб, уларда жуда катта таассурот қолдирмоқда. Шаҳар марказининг энг сўлим гўшасида жойлашган музей иморати ўзининг талқи виқори, муҳташам кўриниши, атрофларидаги фавворалар, ям-яшил манзаралар Билан биргаликда шаҳримиз чиройига чирой қўшиб, кишилар маънавиятини юксалтириш, ифтихор ва миллий ғурур туйғуларини шакллантириш ишида ҳам беқиёс вазифани амалга оширмоқда. Зеро, Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси – Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

## ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ МУЗЕЙИ

Маълумки, тарих музейлари халқ хотирасининг ифодаси ҳисобланади. 1999 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ва "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуасини барпо этишга қарор қилинди ва бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, Миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо қилган эл ўғлонларининг қутлуғ хотирасига пойтахтда муаззам ҳиёбон барпо этилди. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида бунёд этилган ва 2002 йил 1 августда – қатағон қурбонларини ёд этиш кунида очилган "Қатағон  қурбонлари хотираси" музейи қурувчилар, меъморлар ва тарихчи олимларнинг улкан меҳнати маҳсули бўлди. Халқимизнинг миллий қадр-қиммати тикланишига, ўзлигини қайтадан намоён этишга истиқлол йўл очди ва биз она Ватанимиз ва халқимиз тарихи билан фахрланиш, ўтган аждодларимизнинг қутлуғ хотирасини эъзозлашдек юксак инсоний-маънавий имкониятларга эга бўлдик. Мажмуа қай тарзда дунёга келганлиги ва музей айнан шу жойга мўлжалланганлиги тўғрисида "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси раиси Наим Каримовнинг келтирган манбаларидан қуйидагилар аён бўлади:  Бугун кўркам зиёратгоҳ барпо этилган жойлар XX  асрнинг қарийб 80-йилларига қадар Тошкентнинг энг пастқам, хилват гўшаси бўлган. Бу ердаги бирдан-бир иншоот "Алвасти кўприк"  деб номланган. Худди шу ернинг 20-йиллар адоғидан бошлаб мустабид давлатга қатағон ўрнида хизмат қилгани ҳам тасодифий эмас. Мутахассисларнинг берган маълумотларига кўра, 20-40-йиллар орасида бу ерда учта қатлгоҳ  бўлган. Уларнинг бири – телевизион миноранинг Ишчилар шаҳарчаси томон тушган "оёғи" атрофида, иккинчиси зиёратгоҳнинг юқори тарафида, ниҳоят, учинчиси "Абразив" заводининг ўрнида бўлган. Шу тарзда Юнусобод қарийб ярим аср мобайнида халқимиз тарихидаги энг даҳшатли воқеаларнинг тилсиз гувоҳига айланган.

Музейда истиқлол йилларида маънавий қадриятларимизни тиклаш бўйича олиб борилганката ва муҳим ишлар алоҳида экспозицияларда акс этган. Бу экспозицияларнинг жойлашиши ва уларни кўз қорачиғидай сақлашда қандай технологиялардан фойдаланилаётгани жуда муҳимдир.

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган, ғоят қисқа муддатда қад ростлаган ёдгорлик мажмуи ва музейи айнан шу жойда – кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида бежиз барпо этилгани йўқ.

Музейга кираверишда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг “Мустабид тузум даврида миллион-миллион бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ўеч қачон унутмайди” деган сўзлари ёзилган.

130 йил давом этган мустамлакачилик йилларида Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотираси ана шу ёдгорликда ўз абадиятини топди.

Шу тарихий кундан бир йил аввал Ўзбекистон Республикаси Президентининг мустамлакачилик даврида миллий истиқлол ва тараққиёт йўлидаги интилишлари учун ноҳақ айбланиб, турли жазо ва тазйиқларга маҳкум этилган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш юзасидан Амалий ишлар олиб бориш учун Жамоатчилик комиссияси тузилган эди. 1999 йил 22 июль куни эса ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатағон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарори қабул қилиниб ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида Мустамлакачилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуини барпо этиш ҳамда “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси тузиш лозимлиги қайд этилган эди.

Қатағонларни хотирлаш ва эъзозлаш, халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган аждодларимизнинг порлоқ хотирасини тиклаш мақсадида 2002 йил 31 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси билан “қатағон қурбонлари хотираси” музейи очилди.

Музейнинг ташқи кўриниши: “Қатағон қурбонлари хотираси” музейи “Шаҳидлар хотираси” майдонининг марказида жойлашган бўлиб, майдонга янада кўрк ва файз бағишлаб турибди.

Музейнинг томи вазифасини ўтовчи “Кўк гумбаз” “Уста” бирлашмаси томонидан ишланган. Бино атрофидаги 28 та устун қўқонлик уста Абдуғани Каримов ва унинг шогирдлари томонидан “ёғоч ўймакорлиги” усулида ишланган. Бино тўрт эшикдан иборат. Булардан бири қўқон усталари, бири Самарқанд усталари, иккитаси тошкентлик усталар томонидан “ёғоч ўймакорлиги” усулида жуда катта дид билан ишланган.

Ҳозирги кунда музей ичига тошкентлик усталар томонидан ясалган эшик орқали кирилади.

Музейнинг ички кўриниши: Музей зали ёруғ ва шинам. Зал марказида “Изтироб ҳайкали” ўрнатилган. Унда фарзандини кутаётган ота-она, ўз ёрини соғинган аёл, ота меҳрига тўймаган бола тасвирланган. Деворларга музейни бўлимларга ажратувчи, мавзуларга оид, ўша даврларга хос лавҳа – суратлар осилган.

Музей 7 бўлимдан иборат. 1. XIX аср ўрталари ва охирлари. 2. 20-йиллардаги қатағон. 3. “қулоқ”лаштириш даври. 4. 30-йиллардаги қатағон. 5. 40-50-йиллардаги қатағон. 6. 80-йиллардаги қатағон. 7. Мустақиллик йилларида қатағонларни хотирлаш ва эъзозлаш.

Ҳар бир бўлимда шу даврга оид ҳужжатлар, маҳфий қоғозлар, расмлар, давр лавҳалари ва экспонатлар бор.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганлиги яқингача кўпчиликка маълум эмас эди. Барчамизнинг тақдиримизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишдаги ҳали-ҳануз сир бўлиб келаётган ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб,

бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни манна шу ёдгорлик ҳамда музей ўргатиши шубҳасиз. Зеро, музейларни ташкил қилишдан мақсадимиз ҳам шу жамият ва яшаб турган инсонларнинг ўз ватани тарихига бефарқ қолмасликлари, айниқса ёшларнинг ўзларидан ката аждодлари ҳаёти ва тутган йўлларини яхши билиш, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, Ватан озодлиги, тинчлиги, фаровон ҳаёти учун улардек мардларча, фидокорона меҳнат қилишлари сари илҳомлантиришдир. Ўзлигини англаган ҳар бир фуқаро шу юртнинг келажаги, фарзандлар камоли ва яхши турмуши учун бор куч-қувватини сафарбар қилади.

Биз юқорида мустақиллик даврида қуриб, ишга туширилган Термиздаги ва пойтахт Тошкент шаҳридаги ғоят катта аҳамиятга эга бўлган музейлар фаолияти ҳақида фикр юритдик. Бу музейлар халқимиз ҳаётида, айниқса ёшлар маънавий дунёқарашини шакллантириш, уларда аждодларига нисбатан меҳр, ифтихор туйғуларини такомиллаштиришда муҳим вазифаларни амалга оширади. Маданий-маърифий ғояларни кенг халқ оммаси ўртасида тарқатиш, тарғиб қилиш ва жаҳонга кўз-кўз қила туриб, аждодларига муносиб тарзда ҳаёт кечиришлари, меҳнат қилишлари ва буюк ишларни амалга ошириш сари илҳом бахш этади. Музейлардан олинган таассурот, билимлар кишига эстетик ҳамда маънавий завқ бағишлайди.

## 22. МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОН ВИЛОЯТЛАРИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН МУЗЕЙЛАР ҲАҚИДА

**РЕЖА:**

1. Наманган вилоят ўлкашунослик музейи.
2. Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи.
3. Жиззах ва Қорақалпоғистон ўлкашунослик музейлари.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва спорт ишлари Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” ги 2004 йил 27 сентябрдаги ПФ-3491 сонли Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ги 2004 йил 30 сентябрдаги 455-сонли қарорига асосан Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари Вазирлиги тизимига киради ва унга бўйсунади.

Наманган вилоят Ўлкашунослик музейига эса 1920 йили асос солинган бўлиб уни, Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейи деб юритилади. У Наманган шаҳар Нодим Намангоний кўча 41-уйда махсус бинода жойлашган. Музей ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 22 март 1999 йилдаги 5-сонли йўриқномасига асосан биринчи категорияда амалга оширилади. Музей илмий текшириш ва илмий-маърифий муасаса ҳисобланади. Музей фондларида вилоятимиз тарихига, маданиятига, санъатига ва табиатига оид бўлган ғоят қимматли экспонатлар сақланади.

Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи вилоят “Хотира ва қадрлаш” музейига ва вилоятдаги жамоатчилик музейларига илмий услубий ёрдам кўрсатувчи музей ҳисобланади.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўз йўналишига кўра вилоятимизнинг тарихи, маданияти, санъати этнографияси, табиати ва бошқа соҳаларини илмий асосда ўрганиб ўз экспозиция ва кўргазмаларида акс эттиришга хизмат қилувчи илмий оқартув муассасаси ҳисобланади. Музейнинг фаолияти ўлкамизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маънавий ва маърифий ривожланишига ёрдам бериш,

аҳолининг айниқса ёшларнинг ижтимоий онгини шакллантиришга кўмаклашишдан иборат бўлади.

Музей илмий ташвиқот ва тарбиявий фаолиятининг асосий шакллари экспозиция ва кўргазмалардан иборат бўлиб, ўлкамизга оид тарихий ҳужжатларни, моддий-маънавий ва маданий ёдгорликларни, табиат бойликларини, санъат асарларини тўплайди, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказади, сақлайди ва кўргазмаларга қўйиб боради.

Вилоят, туманларидаги "Халқ" музейлари, "Хотира ва қадрлаш" уйларига, жамоатчилик музейларига илмий-услубий ёрдам беради.

Вилоят ўлкани ўрганиш музейининг тузилмаси қуйидагича:

а) Услубиёт бўлими;

б) Табиат бўлими;

в) Тарих бўлими;

г) Санъат бўлими;

д) Хазина бўлими;

е) Маънавият сектори;

ё) Адабиёт ва қўлёзмалар сектори иш юритадилар.

Вилоят музейи ўз экспозицияларини фаннинг энг янги ютуқлари асосида ва музейшунослик билимининг талабларига кўра тузиб турли тарихий ва ижтимоий жараёнларни тушунтиришда дунёвий билимларга асосланиб, аждодларимиз турмуш тарзини ўрганишда янги топилган манбаъларга суянган ҳолда музейга ташриф буюрувчиларнинг ўлкамиз тарихи, маданияти, санъати ва табиатига оид билимларини чуқурлаштиради. Шу билан бирга аждодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган қадимий анъаналарни турмушимизга тадбиқ этиш, ота-боболаримиз илмий, маданий меросини излаб топиш, ўрганиш ва омма ўртасида кенг тарғиб қилиш, табиатни асраш ва теварак-атрофни мухофаза қилиш муаммолари ва ечимларини ёритади.

Музей ўлкамизнинг тарихий ривожланишини ойдинлаштиради, унинг ижтимоий-иқтисодий равнақи, илмий археологик ва ёзма манбаъларини излаб топиш, ўрганиш ва тарғиб қилишни кенг йўлга қўяди.

Юқорида айтиб ўтилган илмий экспозиция ишлари, ахоли ўртасида ўлкамиз ўтмиши тарихига, санъатига, табиатига ва хайвонот дунёсини авайлаб асраш туйғуларини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Музей ўзининг экспозициялари кургазмалари ва фонддаги коллекциялари ёрдамида кенг ахоли орасида илмий-маърифий ишларни олиб бормоқда.

## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи Ўзбекистондаги энг кекса музейлардан биридир.1894 йилнинг 16 октябридан 17 ноябригача Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) шаҳрида биринчи қишлоқ хўжалиги ва саноат кўргазмаси бўлиб ўтади. Худи шу кўргазмадан қолган бир қисм коллекциялар, турли кишилар томонидан совға сифатида берилган айрим буюмлар музейнинг ташкил этилиши учу насос бўлди.

Фарғона вилоят ҳарбий губернаторининг 1885 йил 2 ноябридаги буйруғига асосан музейга раҳбарлик қилиш ва уни янада тараққий эттириш бўйича махсус қўмита таъсис этилди ва губернатор уйининг иккинчи қаватидаги тўртта хона музей учун вақтинча ажратиб берилди.

1897 йилнинг 4 июлига келиб музейнинг низоми тасдиқланди. Бу вақтда музейда 2200 дона буюм ва китоблар мавжуд эди.

1899 йилнинг 26 май куни "Фарғона вилоят музейи"нинг (унинг биринчи номи шундай эди) тантанали очилиши бўлиб ўтди. Музейнинг очилиш9 тантаналари буюк рус шоири А. С. Пушкин таваллудининг 100 йиллигига бағишланган кечага қўшилиб кетди. Бу вақтга келиб музейда 2223 дона буюм ва китоблар йиғилганди. Музей губернатор уйининг ёрдамчи хонасида жойлашган бўлиб, шахсий хайриялар ҳисобигагина ишлаб

турарди. Одатда у дам олиш ва байрам кунлари кўпроқ очиқ бўларди. Ёки вилоятга келган нуфузли меҳмонлар учун махсус очилар эди.

1911 йилда шахсий хайрияларнинг кескин камайиши муносабати билан музей ёпилишга мажбур бўлди. Фақатгина сиёсий тузумнинг ўзгариши туфайли музей 1920 йилда қайта очилди. Энди унинг мақсад ва вазифаси ҳам бутунлай ўзгарди. Музейнинг номи эса, “Фарғона шаҳар илмий музейи” деб аталди. Музейга Константиновская (ҳозирги Турон) кўчасидаги собиқ қишлоқ хўжалик жамиятининг биноси берилди. 1920 йилдан 1984 йилгача музей шу бинода иш фаолиятини давом эттирди.

1922-1927 йилларда музейда қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик, нумизматика, табиий-тарихий, этнография бўлимлари мавжуд эди. 1928 йилда янги – қадимшунослик бўлими, 1932 йилда – инқилоб бўлими очилди. 1938 йилдан музей “Вилоят ўлкашунослик музейи” сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу вақтга келиб музей кириш, табиат, тарих ва социалистик қурилиш бўлимларига эга эди.

Музей иккинчи жаҳон уруши йилларида ўз фаолиятини янада кучайтирди, унинг ходимлари фарғоналикларнинг фронтдаги қаҳрамонона жасоратлари ва фронт орқасидаги фидокорона меҳнати тўғрисидаги ҳужжатлар билан янада бойитдилар.

1950 йилларнинг бошларида музей археологик ишларни олиб боришга астойдил киришди. Бу ишларни Ленинград Университетининг битирувчилари, кейинчалик музей ходимлари бўлиб ишлаган Н. Г. Горбунова ва Б. Э. Гамбурглар олиб боришди. Биргина 1951 йилдан 1956 йилгача музей фондларига 2731 та археологик буюмлар келиб тушди, ваҳоланки, музей очилган пайтда унинг фондларида фақатгина икки дона археологик буюм мавжуд эди, холос.

Ҳозирги вақтда музейнинг археология фонди Фарғона водийсидаги энг бой коллекциялардан биридир. Бу ерда 10 мингдан ортиқ археологик буюм сақланади. Улар тош давридаги меҳнат қуроллари, қабрлар ва археологик текширишлар ўтказилган жойлардан топилган кулолчилик ва бронза буюмлари, шунингдек, водий ҳудудидан топилган бошқа кўплаб археологик буюмлардан иборатдир.

Музей фондларида ҳозирда 80 мингдан ортиқ экспонатлар сақланмоқда. Уларнинг ката қисмини негатив ва фотосуратлар, ҳужжатлар, ўлканинг қадимий ва ҳозирги замон тарихига оид ашёвий ёдгорлик буюмлари ташкил этади.

Музейда дастлабки фарғоналик мутахассис рассомлар М.Н.Янцин ва П.М.Никифоров, халқ рассомлари А.Н.Волков ва С.Алибеков шунингдек, замонавий рассомларнинг асарларини ўз ичига олган ўзига хос тасвирий санъат тўплами ҳам мавжуд. Риштон ва Ғурумсарой кулолчилиги, мисгарлик ва заргарлик буюмлари, уст-бош ва турли хил кашталар кўргазмаси эътиборни тортади.

1985 йилдан буён музей янги замонавий махсус қурилган бинода фаолият кўрсатмоқда. Ҳозир музейда ўлка табиати ва Фарғона водийси тарихининг XX аср бошларига қадар бўлган даврни акс эттирувчи экспозиция фаолият кўрсатиб турибди. Бу экспозициялар тарих ва маданиятимизнинг асил ёдгорликлари кўргазмаси бўлиб, уларда замонавий диораммалардан фойдаланилган. Экспозициялардан ташқари қатор кўргазмалар мавжуд. Музейда фарғоналик рассомларнинг асарлари кўргазмаларини ташкил этиш анъанага айланиб қолган.

Мустақиллик йилларида вилоятнинг ижтимоий ҳаётида музейнинг роли кескин ортди. Айниқса, халқимизнинг бой ва ўзига хос тарихини тиклашда, уни тадқиқ этишда музейнинг малакали ходимларининг хизматлари беқиёсдир. Бевосита уларнинг хизматлари эвазига, нафақат мамлакатимиз, балки бутунжаҳон миқёсидаги тантаналарни нишонлашга муяссар бўлинмоқда. Буюк ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик ва Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг 900 йиллик юбилейлари ана шулар жумласидандир.

Сўнгги йилларда музейда илмий-тадқиқот ишлари ҳам бир мунча жонланди. Музей ходимлари томонидан қатор монографиялар нашр этилди.

Аҳоли билан ишлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Музей ҳар йили камида 60 мингдан зиёд томошабинга хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, илмий-услубий, амалий саёҳат ташкил этиш ишлари билан ҳам келувчиларга яқиндан ёрдам кўрсатилади. Музей мактаб ўқувчилари, талабалар, илмий-тадқиқотчилар учун севимли масканга айланган.

Вилоят ўлкашунослик музейининг 7 та тармоғи мавжуд: Шоҳимардон қишлоғида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий музейи, Фарғона тумани Каптархона қишлоғида Усмон Юсупов мемориал музейи, Яйнан шаҳрида Ўзбекистон туман тарихи музейи, Марғилон шаҳридаги Йўлдош Охунбобоев мемориал ва “Адабиёт ва санъат” музейлари, Учкўприк туманидаги Зиёвуддин Ҳазиний уй музейи ва Олтиариқ туман тарих музейлари Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи филиаллари ҳисобланади.

## ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

Жиззах қадимий шаҳарлардан бири бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг марказий қисмида жойлашган вилоятлардан биридир. Жиззах милоддан аввалги II асрда ҳам Шарқ ва ғарб ўртасида савдо алоқалари, яъни буюк ипак йўли ўтган минг бир булоқларию, хушманзара тоғу қирлари, мўл ҳосилга эга бўлган далаю боғлари, қўрғону работлари, хуллас ҳали сиру асрорларга тўла тарихий воқеаларга бой бўлган бир сирли воҳадир. Жиззах, Самарқанд ва Тошкент оралиғидаги Сангзор дарёси ўзанида жойлашганлиги, тоғ тугаб чўл бошланган жойда бўлганлиги сабабли суғорма деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланган маскан бўлган.

Жиззах “Дизак” суғдий тилда “қалъа”, яъни “қалъача” маъносини англатади.

Жиззах воҳаси Темурийлар даврида айниқса юксалади. Жиззах Искандар Зулқарнайн босқинчиликларини кўрган, XVI-XIX асрларда мўғуллар томонидан кўп жангу жадалларни, талончиликларни бошидан кечирган. Айниқса дашту қипчоқ хонларининг босқинлари, Абдуллахон урушлари, Имомқулихон ҳукмронлиги йилларидаги қаттиқ тўқнашувларни кўрган, оғир солиқ ва ўлпон тўловлари туфайли жабрланган ва азобланган. Кейинги асрларда Жиззах воҳаси Бухоро ва қўқон хонликлари ўртасида талаш бўлиб, қонли урушлар азобини бошидан ўтказди. 1866 йилда рус қўшинлари томонидан Жиззахнинг босиб олиниши, Жиззах халқининг тобора қашшоқлашишига олиб келди, бу эса Ватан озодлиги, мустақиллиги, ор-номуси учун курашга чорлади. қанчадан-қанча жиззахлик жасур фарзандлар шу озодлик учун кураш йўлида қурбон бўлдилар.

Жиззах Россия мастамлакаси таркибига ўтказилиб, 1916 йилда Уезд, 1924 йилда Самарқанд вилоятига қарашли туман бўлди. 1973 йил 29 декабрдан бошлаб Жиззах вилояти ташкил топди. Жиззах 11 та туман, Жиззах шаҳри ва туманларга бўйсунувчи 7 та шаҳар, шаҳар типидаги 8 та поселкадан иборатдир. Умумий майдони 20,5 минг кв.км.га етади. Жиззах вилоятида 873,5 минг киши бўлиб, шаҳарда эса 125,% минг аҳоли яшайди. Бунча 70 дан ортиқ миллат вакиллари бор. Жиззах вилояти ва шаҳар тарихига оид маълумотларни ўрганиш, халқимизнинг қадимий меросларини келажак авлодга етказишни вилоят “Ўлкашунослик” музейининг тарих бўлими ходимлари ўзларининг асосий вазифаларидан деб билади. Жиззах халқининг талаб ва истакларидан келиб чиққан ҳолда 1916 йилги Жиззах қўзғалонига бағишланган кўргазма ташкил топган бўлиб, унда қўзғалоннинг келиб чиқиш сабаблари, қўзғалон иштирокчиларининг жазоланиши ва Жиззах темир йўлининг қўзғалончилар томонидан бузилиши акс эттирилган. Бу қўзғалон характер нуктаи назаридан миллий озодлик ҳаракатидаги қўзғалон эди. Бўлимнинг сўнгги кўргазмаси “Аждодлар мероси” деб номланиб, бу кўргазмада аждодларимиз томонидан ясалган мис, уй-рўзғор буюмлари, ҳунармандларимиз томонидан ясалган ёғоч буюмлар ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шарофати Билан тарихимизга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз И. Каримовнинг ”Ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди” деган фикрларидан келиб чиққан ҳолда тарихимизни чуқурроқ

ўрганишга киришилди. Тарих бўлимида жойлаштирилган ноёб экспонатлар асосида олий ўқув юртларида, мактаб ва музейларда тарихимизга доир кўпгина кўчма кўргазмалар ташкил қилинди. Ҳозирги кунда тарих бўлимида 4,445 тадан зиёд ноёб экспонатлар мавжуд. Бу музей шу ерлик халқ тарихи ва маданиятидан ёш авлодларга сабоқ беради, ёшлар эса ўз навбатида бу маълумотларни билиб, ота-боболарига муносиб фарзандлар бўлишга интиладилар.

Жиззахда "Ўлкашунослик" музейига қарашли Шароф Рашидов ёдгорлик музейи ҳам фаолият кўрсатмоқда. Шароф Рашидов улкан билими, бой хотираси, катта раҳбарлик қобилияти, олижаноб ва ҳалоллиги, камтарлиги ва меҳрибонлик каби фазилатлари билан шуҳрат қозонган ҳақиқий инсон эди. Шароф Рашидов вафотидан сўнг (1983) унинг шахсини қоралаш "Марказ"нинг буюртмаси билан амалга оширилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримов кўрсатмаси билан Шароф Рашидов шахсини оқлаш, қадриятини тиклаш, 75 йиллигини муносиб нишонлаш ишлари бошлаб юборилди. 1992 йил 6 ноябрь куни Жиззах шаҳрида Шароф Рашидовнинг бюсти ва ёдгорлик музейи очилди.

Музейнинг экспозицион сатҳи 250 кв.м. бўлиб, 14 бўлимдан иборат. Бу бўлимлар 50 дан зиёд мавзуларга бўлинган. Музей экспозициялари Шароф Рашидовнинг болалик давридан то умрининг охиригача халқимизга қилган ҳалол хизматлари ҳақида ҳикоя қилади.

Музей залларини кўздан кечирар экансиз, Шароф Рашидов нақадар бир мураккаб ижтимоий, сиёсий даврда яшаганининг гувоҳи бўласиз.

Ш. Рашидовнинг ҳаётига назар ташлаб, унинг Республика тараққиётидаги катта хизматларини тан олиб, уни Ўзбекистон халқи учун тарихий шахс деб оламиз.

Ш. Рашидов туфайли қардош республикалар ва Шарқ мамлакатлари билан муносабатлар юмшоқ эди.

Ш. Рашидов тарихий-афсонавий "Икки дил достони", "Ғолиблар", "Бўрондан кучли", "Қудратли тўлқин", "Кашмир қўшиғи" асарларида ҳаққоний воқеаларни қаламга олган эди. Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари иштирокидаги қитъалараро анжуманларнинг асосий ташкилотчиларидан бири эди.

Музей залларида манна шу фаолият билан боғлиқ экспонат ва ҳужжатлар моҳирона жойлаштирилган.

Ислом Каримов "Нима учун дунё бўйлаб Шароф Рашидовнинг номи ўзбек халқи мужассамлаштирган фазилатлар тимсоли сифатида қабул қилинади?" дея савол бериб, шундай жавоб қилган эди: "Шароф Рашидов ўзини тарбиялаб вояга етказган халққа ҳаётини, бутун борлиғини тиккани учун!"

Ш. Рашидов ёдгорлик музейига кирган ҳар бир сайёҳ унинг шахси, ижтимоий-сиёсий, адабий фаолияти ҳақида мухтасар хулосага келади. Бу ноёб музейни ўзбек халқининг кейинги ўттиз-қирк йиллик ҳаёт йўлидан бир дебоча деб ҳам тушуниш мумкин.

Бундай музейлар Ўзбекистон вилоятларидаги ҳар бир шаҳар, туман, ноҳия марказларида мавжуд бўлиб, уларнинг асосий вазифаси халққа хизмат қилишдир. Ҳар бир жойнинг ўзига хос тарихи, шу ўлкагагина хос бўлган табиати, ҳайвонот олами, машҳур кишилари бўлиб, уларни аҳоли эътиборига ҳавола қилиш, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодга ватани тарихи, аждодлари кечмишидан хабар бериш жуда катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

**"Қорақалпоғистон республикаси Ўлкашунослик музейи"** бундан 75 йил аввал ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида у маданий –маърифий марказга айланди. Марказий Осиёдаги маданият ва маърифат муассасалари ичра биринчи қалдирғочлардан ҳисобланган, ушбу даргоҳ халқ тарихи музейлари, ўсимликлар ва табиат оламини тарғиб этиб келаётир. Бу ердаги ҳар бир буюмдан тарих нафаси уфуриб туради. ("Шундай такрорланмас дунёни яратиб, ўз ижодиётига мангулик бахт этган усталарга тассанолар бўлсин" - деб ёзганди музейга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлардан бири). 1927 йилда ўлкамизга ўқиш амалиётига келган талабалар Қорақолпоқ

овулларидан этнографик материаллар тўплашган ва археологик ёдгорликларни қазиш ишлари амалга оширилган. Дастлаб бир неча экспонатлар билан фаолият бошлаган музей 30-йилларнинг охирига келиб, 1022 та экспонатга эга бўлган. 1935 йили тарих ўлкашунослик музейига айлангач, унда ишлаш учун бир қатор олимлар жалб қилинган. Хусусан Я. Ғуломов; С. Толстов; Т.Жданоко каби таниқли олимлар раҳбарлигида Орол бўйича олиб борилган археологик - этнографик экспидециялар жамоасининг катта меҳнати натижалари музей фондини бойитиб борди. Бугунги кунда музейнинг табиат археология ва этнография янги тарих бўлимларида 56 мингдан ортиқ экспонатлар сақланади. Улар Қорақалпоқ халқининг ўтмиши, бугуни ва келажагидан сўзлайди. Тупроқалъа, Жампиқ қалъа, Аёз қалъа, Қирққиз қалъалардан топилган ёдгорлик буюмлар музейнинг энг ноёб ашёларидир. Музей фонди йил сайин янги топилмалар билан тўлдирилмоқда. Экспонатлар йиғиш учун шахар ва туманларга экспедициялар жўнатиш музейнинг ўзида ва улардан ташқарида кўчма кўргазмалар, оммавий – маърифий тадбирлар уюштириш анъанага айланган. Ҳар йили Ўзбекистон Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими, “Оролни қутқариш халқаро жамғармаси” ЖЭФ агентлиги билан ҳамкорликда ранг-баранг тадбирлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг кузида музейнинг 75 йиллик юбилейи нишонланди. Шу муносабат билан экспонатлар, коллекциялар рекламасининг турли шакллари, афишалари-ю тавсиялар, катологлар, музей рамзи туширилган нишонлар тайёрланди.

## И.В. САВИЦСКИЙ НОМЛИ ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ.

Мусаввир, археолог, ҳайкалтарош И.В.Савицскийнинг номини Қорақалпоғистонда алоҳида меҳр-муҳаббат билан тилга олишади. У бутун умрини Қорақалпоғистон халқи санъатини ўрганиш, бойитишга бағишлайди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида эса, дунё санъати дурдоналарини тўплашдек машаққатли ишга бел боғлади. Қирғинбарот бўлаётган жойга бориб, кўплаб санъат асарларини уруш оловларидан омон сақлаб, қўлга киритиб, соғ-омон олиб келди ва бу билан республика санъат музейининг яратилишига асос солди. Унинг меҳнатлари қадрланиб вафотидан сўнг, давлат санъат музейи И.В. Савицский номи билан аталди. Бу фидойилик мустақиллик йилларида алоҳида тақдирланди. Музейнинг янги биноси қурилиши 30 йил мобайнида битмай келганди. 2002 йилда ҳукуматимиз томонидан 1 миллиард сўмлик маблағ ажратилди. Жаҳоннинг энг зўр музейлари билан бемалол беллаша оладиган бино бутунлай қуриб битказилди. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Халқимизнинг ўзига хос санъатини қадим ўтмишдан тортиб, ҳозирги кунимизгача бўлган тараққиёти тарихи экспонатларда акс эттирилган Савицскийдан мерос бўлиб қолган санъат эса музейнинг бебаҳо мулкига айлантирилди.

# 23. МАВЗУ: ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИ ВА МУЗЕЙЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

**РЕЖА:**

1. Ўзбекистонда музейлар фаолиятини яхшилаш.
2. Янги музейларнинг ташкил этилиши.
3. Соҳа музейларига эътибор.

Мустақиллик туфайли республикамизда музейларга бўлган эътибор янада ошди. Хусусан кейинги 10 йил ичида Давлат қармоғидаги музейлар сони 140 тани ташкил этди. Шулардан тарих музейлари 75 та, Ўлкашунослик музейлари 23 та, Бадиий Санъат Кошоналари 10 та, мемориал муассаса 20 та, адабиёт музейлари 8 та, табиат музейлари 4 тадан иборат. Айни пайтда буларда 1 миллион 600 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд.

Инсон тинимсиз гўзалликка интилади, гўзалликни ижод қилмасдан, ундан маънавий- руҳий завқ олмасдан ва шу орқали ўз турмушини безатмасдан яшай олмайди.

Дунёдаги барча халқлар каби ўзбек халқи ҳам жуда қадим даврлардан буён халқ руҳияти, турмуш шароитларини ўзида акс эттирувчи амалий санъат асарларини яратиб келган. Табиийки, моддий маданият маҳсули бўлган халқ амалий санъат асарлари ижтимоий ҳаётнинг бир босқичидан иккинчисига мерос бўлиб ўтиб, авлодларнинг беқиёс маданий бойлигига айланиб бораверади.

Жамиятни маънавий, ахлоқий камолга етказишга кенг аҳоли оммасини, айниқса, ёш авлодни тарбиялашда музейларнинг катта аҳамият касб этишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, Маданият ва спорт ишлари ва Халқ таълими Вазирлигининг 2002 йил июнь ойида қабул қилинган Республика Олий ва ўрта- махсус, касб-хунар ва умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчи ва ёшлари ўртасида маънавий маърифий ишларни кучайтириш тўғрисидаги қўшимча буйруқлари ва шу асосда вилоят ҳокимлигининг қарор, тадбир-режалари ва кўрсатмалари музейлар ва ўқув юртлари ўртасидаги мустаҳкам алоқа ўрнатиш, ҳамда маданий маърифий ишларни ҳамкорликда олиб боришга кенг имкониятлар яратиб берди.

1996 йил 18 октябрда Тошкентда очилган Темурийлар тарихи Давлат музейи Ўзбекистонда амалга оширилаётган маърифий ва маънавий ишлар борасида йирик тарихий ва маданий ёдгорлик, илмий тафаккур маркази бўлиб қолди. Музей экспонатлари жуда катта тарихий қимматга эга бўлиб, Темурийлар даври руҳини беради. Музейга қўйилган тилла буюмлар, қурол-аслаҳалар, лашкарбоши ва оддий жангчиларнинг кийим - бошлари, мусиқа асбоблари, ўша даврга хос жиҳозлар, Амир Темур, Бобур қўлёзмалари, Улуғбекнинг астраномик қурилмалари ва бошқа маданий бойликлар шулар жумласидандир.

Шу йили 1 сентябрда Тошкентда Осиёда ноёб ва ягона бўлган Олимпия шон-шуҳрат музейи очилди. Бу музей-ўзбекистонлик спортчиларнинг турли жаҳон мусобақаларида қўлга киритган муваффақиятларини, медалларини фақат намойиш этадиган жойгина бўлиб қолмай, балки мамлакатимизда спорт ҳаракатини ривожлантириш маркази ҳам бўлиб қолди.

Республикада яна кўплаб бошқа музейлар ташкил топди.

Чунончи, 1992 йил май ойида Наманганда улуғ ўзбек шоири Бобораҳим Машраб музейи очилди. 1992 йил сентябрда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида миллий мумтоз мусиқа ва куйларнинг машҳур ижрочиси, Хоразм ҳофизлар мактабининг асосчиси Хожихон Болтабоев номидаги ўзига хос ноёб мақомчилар музейи ташкил этилди. Урганчда шу ойда эса қадимги Хоразм Амалий санъати ва тарихи музейи очилди. Бу музей экспозицияларини уч мингга якин турли экспонатлар тарихий ҳужжатлар, қадимги хоразмликлар фойдаланган уй-жой анжомлари, тикувчилик ва гилам маҳсулотлари, идиш – товоқлар, меҳнат қуроллари ташкил этади.

1992 йил ноябрь ойида Бухорода Ўзбекистонда биринчи марта темирчилик музейи очилди. 1992 йил декабрда Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида очилган халқ бахшиси Ислом шоир Назар ўғлининг Уй-музейи биринчи меҳмонларни қабул қилди. 1993 йил 3 сентябрда Тошкентда ўзбек аёллари ичидан чиққан биринчи ҳуқуқшунос олима академик Хадича Сулаймонова музейи очилди. 1993 йил 1 сентябрда Тошкент Давлат техника университети қошида Ўзбекистонда биринчи бўлиб Политехника музейи очилди. 10 сентябрда Тошкентда ўзбек раққосаси Мукаррама Турғунбоева музейи, 21 сентябрда эса Навоий вилоятининг Томди туманида машҳур чўпон, икки марта Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг фахрий академиги Жабой Балимановнинг ҳаёти ва меҳнат фаолияти ҳақида маълумот берувчи музей фаолият бошлади. Шу йил ноябрь ойида Тошкентда очилган Ўзбекистон Халқ таълими тарихи музейи ўз мухлисларини кутиб олди.

1994 йил май ойида Тошкент шаҳрида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти музейи, октябрда Ўзбекистон халқ рассоми Уста Муҳиддин Раҳимов ва унинг ўғли Акбар Раҳимовларнинг кўргазмали музейи очилди. Тошкентда 1996 йил майида Ўзбекистон гидрометеорология хизмати музейи ишга тушди. Шу йилнинг 30 ноябрида Тошкентда очилган Қимматбаҳо қоғозлар бозори тарихи музейига ташриф буюрган томошабинлар биринчи марта турли даврларга саёҳат қилиш шарафига муяссар бўлдилар.

1997 йил октябрь ойида Бухорода машҳур бухоролик зарб қилувчи уста Салим Ҳамидов музейи очилди.

Бугунги кунда республиканинг катта ва кичик шаҳарларида, туманларида халқнинг бой тарихий-маданий хазиналарини намойиш қилувчи 510 дан ортиқ музей ишлаб турибди. Жамиятни маънавий-ахлоқий камолга етказишда, кенг аҳоли оммасини айниқса ёш авлодни маърифатли қилишда музейларнинг роли катта аҳамият касб этмоқда.

Қарийб 14 йил муқаддам мустақилликни қўлга киритган халқимиз ўзанини топган дарё мисоли руҳан тўлқинланиб, истиқлол йўлидан олға интилмоқда. Ўз давлатига, тақдирига, тарихига эга бўлган юрт қисқа вақт ичида асрларга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтганлигини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда, мамлакатимиз фуқоролари ҳар кунлик ҳаётида ўз кўзлари билан кўриб ғурур тўла қалблари ила сезиб туришибди.

Дарҳақиқат, бой табиий-иқтисодий, тарихий-маънавий, ақл-заковат салоҳияти, энг муҳими-сабр-бардошли, диёнатли, ватанпарвар ва миллатпарвар, меҳнаткаш ва бағри кенг, диёнатли халқи бўлган мустақил Ўзбекистон бугун ривожланган давлатлар орасида муносиб ўрин эгалламоқда. Бу ҳайратомуз ютуқларга энг аввало халқнинг азалий орзу-умидлари, мақсад-интилишларини том маънода ифодаловчи ва ҳар томонлама ҳимоя қилувчи, аждодларимиз қолдирган бой тарихий тажриба ва маънавий меросга таянган мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш тамойиллари мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, “тарих хотираси, халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш миллий ўзликни англашни, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутади”.

Шундан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, халқимизнинг бой меросини ўрганиш, буюк аждодларимизнинг табаррук номлари ва обрў-эътиборини қайта тиклаш ва шу негизда миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш масаласи давлат сиёсатининг устивор йўналиши ва вазифаси даражасига кўтарилди.

Маълумки, диёримиз жаҳон тарихи ва цивилизациясининг энг қадимий масканлари ва марказларидан биридир. Республика ҳудудида сақланиб қолган юзлаб бебаҳо археологик меъморий ва ёзма ёдгорлик, амалий санъат ва халқ ижодиёти намуналари, - буларнинг барчаси халқимизнинг бой ва бетакрор тарихий маънавий меросидир. Ана шу меросни ўрганиш, уни авайлаб асраш ва келажак авлодларга бенуқсон етказиш биз, замондошларнинг шарафли ва маъсулиятли бурчимиз ва вазифамиздир.

“Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш- маънавий дастуримизнинг жуда муҳим қисмидир. Ушбу миллий бойлик бизга аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз уни кўз қорачиғидек авайлаб асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим”, - деди Президент И.Каримов Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган нутқида.

Дарҳақиқат, республикамизда 7 мингдан кўпроқ ёдгорлик, шу жумладан, 2500 меъморий обида, 2700 дан зиёд археология ёдгорлиги, 1800 дан кўпроқ монументал

санъат асари давлат муҳофазасига олинган. Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг барча минтақаларида, ҳатто олис туманларида айрим ёдгорликларни нурашдан сақлаш ва таъмирлашдан илмий тадқиқот ишлари асосида бутун-бутун меъморий мажмуаларни ва кўҳна шаҳарларнинг тарихий марказларини қайта тиклашга ўтилди.

Мамалакатимиз маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш соҳасининг ҳуқуқий асослари яратилган – "Тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тўғрисида", "Меъморчилик ва шаҳарсозлик тўғрисида" ги қонунлар амал қилмоқда. Бу ёдгорликларнинг тақдири билан боғлиқ барча масалалар мазкур қонунларга асосан тартибга солиб турилади. Ноёб меъморчилик – шаҳарсозлик меросини сақлаб қолиш ва авайлаб асраш мақсадида 2000 йил 26 апрелда "Ўзбекистон Республикасида меъморчилик ва шаҳарсозликни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент Фармони қабул қилинди.

Ўтган йиллар давомида олиб борилган меъморий-тиклаш ишлари натижасида Самарқанднинг Регистон майдонидаги мажмуа ёдгорликлари, Шоҳизинда, Бибихоним меъморий мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Руҳобод мажмуаси, Имом Ал Бухорий ёдгорлиги, Бухородаги Калон минораси ва масжиди, Мирараб мадрасаси, Лабиҳовуз мажмуаси, Улуғбек ва Абдулазизхон мадрасалари, Савдо гумбазлари, шаҳар ташқарисидаги Ситораи Моҳихоса ансамбли ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаси, Хиванинг Ичон қалъасидаги барча меъморий ёдгорликлар, шу жумладан Кўҳна арк, Муҳаммад Аминхон мадрасаси ва масжиди, Исломхўжа минораси, Дор-ус-тиловат ансамбллари ва Темурнинг машҳур Оқ саройи, Термиздаги Ҳаким ат-Термизий меъморий ёдгорлиги ва бошқа обидалар сақлаб қолинди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Хива ички шаҳри "Ичон қалъа" ни Давлат меъморий қўриқхонаси деб эълон қилиш ҳақидаги қарори ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улар атрофидаги муҳитни сақлаш иши муҳим воқеадир. Қўриқхона ҳудуди ҳозирги мавжуд қалъа деворлари доирасида белгиланиб, тарихий, бадиий ва меъморий қимматга эга бўлган барча мажмуаларни ўз ичига олади. Хивадаги ижобий тажрибадан фойдаланиб, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг тарихан таркиб топган марказлари ҳам тарихий-меъморий қўриқхоналар деб эълон қилинди. Замонавий янги шаҳарлар гуркираб ўсиб бораётганлиги муносабати билан Ўзбекистоннинг энг қадимий шаҳарларини батафсил режалаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарлари учун шундай лойиҳалар ишлаб чиқилиб, муҳофаза қилинадиган, тартибга солинадиган ҳудудларнинг чегаралари аниқ белгилаб қўйилди. Республикадаги мутахассис олимлар ва халқ усталарининг юксак ақлий салоҳияти ва моҳирона меҳнати туфайли шундай ишларни амалга ошириш имконияти туғилди.

Ўзбекистоннинг меъморий ёдгорликларга бой ўнта шаҳри тарихий шаҳарлар рўйхатига киритилган. "Ичон қалъа" қўриқхонасидаги ёдгорликлар 1991 йилдан, Бухоро марказидаги ёдгорликлар эса 1993 йилдан Жаҳон Халқаро Маданий Мероси Рўйхатида туради. Ҳозирги вақтда Жаҳон Мероси Қўмитасига Шаҳрисабздаги Темурийлар даври меъморчилик ёдгорликларига оид ҳужжатлар топширилди. Самарқанд шаҳри ёдгорликларига доир ҳужжатлар эса тайёрланмоқда. Бундан ташқари 26 та нодир обида: Оқ Остона Бобо, Араб ота, Ишратхона, Мир Саид Баҳром мақбаралари, Баҳоуддин Нақшбандий, Чор Бакр, Шайх Мухтор Вали, Ҳаким ат-Термизий ва бошқа ёдгорликларга доир дастлабки талабномалар ҳам тақдим этилган. Кейинги бир қанча йил мобайнида таъмирлаш ишларига давлат аввалги ўн йилликлардан қилинган харажатлардан бир неча баравар кўп маблағ ажратди.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг буюк бобокалонларимиз ал-Фарғоний, Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди таваллуд саналарини, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллиги ва "Алпомиш" эпоси яратилганлигининг 1000 йиллигини нишонлашга оид таклифлари ЮНЕСКО томонидан маъқулланиб, мазкур қутлуғ саналар жаҳон миқёсида нишонланди. Бу эса

халқимизнинг ижод, тарихий ривожланиш жараёнида дунё тарихига ва умуминсоний цивилизацияга қўшган улкан ҳиссаси халқаро ҳамжамият томонидан зўр эҳтиром билан эътироф этилаётганлигидан ёрқин далолатдир. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш давомида ўша даврларга тааллуқли тарихий ёдгорликлар ва меъморий обидалар қайта таъмирланибгина қолмасдан, миллий анъаналар билан суғорилган кўплаб ажойиб замонавий меъморий мажмуалар ва монументал асарлар бунёд этилди. Шунингдек кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг ташаббуси ва бевосита иштироки билан бир қатор меъморий хотира мажмуалари барпо этилди, улар шаҳарларимиз чиройини таниб бўлмас даражада очиб юборди, маданий меросимизни бойитди ва ўзининг буюк келажагини яратаётган мустақил давлатимиз, жамиятимиз маънавий камолоти йўлидаги янги босқичнинг равшан гувоҳи бўлиб хизмат қилмоқда.

## ТАБИАТ МУЗЕЙИ

Музейлар ижтимоий ҳаётда ўзига хос ўрinга эга. Кишилар учун энг аввало маърифий-маданий, илмий ва дам олиш маскани бўлган музейларни ўтмиш ва ҳозирги ҳаётимизнинг ойнаси дейиш мумкин. Бу таъриф биз яшаётган табиий – жўғрофий муҳитни мужассам равишда акс эттириши лозим бўлган табиат музейларига, айниқса, тааллуқлидир. Шу жиҳатдан айтиш лозимки, географик муҳит ҳар қандай жойда ижтимоий- иқтисодий тараққиёт учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. “Табиат – жамият-инсон” тизими, яъни табиат ва жамият тарихи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу икки моддий ва маънавий асос алоқадорлиги ривожланиш йўлида ўзаро бир-бирига имкон яратади ва бир-бирини тақозо этади. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари бир-биридан фарқ қилса-да, уларнинг ўзаро муносабатлари ривожланишининг қонуниятлари мавжуд. Шу сабабли, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт муайян жой табиат билан уйғунлашган бўлади. Кишиларнинг ташқи қиёфаси, озиқ-овқат таркиби, кийиниши, урф-одатлари, меҳнат тури ва соғлиғи маълум даражада айни жой табиати билан боғлиқ эканлиги оддий ҳақиқатдир.

Гап шундаки, ҳар бир инсон ўз хусусияти ва сифатлари билан бошқаларга ўхшамаганидек, табиий ҳудудлар ҳам умумий ўхшашликка эга бўлган ҳолда бир-биридан фарқ қилади. Республикамиздаги маъмурий бўлинишлар (биринчи навбатда, вилоятлар ҳудуди) маълум даражада ўзининг табиий асосларига эга. Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон республикаси ҳудудлари мисолида табиатнинг ҳудудий фарқланиши жуда яққол ифодаланган. Республикамиздаги вилоятлар доирасида бу фарқ “Табиат – жамият” муносабатлари, уларнинг тарихий ва ҳозирги таркибида яққол кўзга ташланади. Шундай экан, табиат музейлари (ёки музейнинг табиат бўлимлари) кўргазма ва экспозицияларида ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос хусусиятлари акс этмоғи лозим. Мисол учун оладиган бўлсак, Бухоро вилоятига бағишланган қисмда қуйидагиларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

1. Вилоят чўл майдонида жойлашган. Ҳозирги кунда бу ҳудуд бир-биридан фарқ илувчи икки қисмдан иборат.

Биринчиси – узоқ асрлар давомида инсон меҳнати билан чўл бағрида бунёд этилган воҳалар (Бухоро, Қоракўл, Қоравул бозор);

Иккинчиси-қадимдан мавжуд бўлган чўл майдони. У ҳам ўз навбатида кумли, гилли, шағалли-гипсли ва шурхок каби чўл турларига эга. Ҳар бир чўл типнинг эса ўзига хос табиий хусусиятлари бор.

2. Вилоят ҳудуди Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашганлиги туфайли ўз табиати билан бошқа ҳудудлардан кескин фарқ қилади. Бу масканда бир вақтлар серсув бўлган

Зарафшоннинг бир неча тармоқлари (Эчкилисой, Дарёсой, Қорақир, Мохонкўл, Гўжали, Тойқир) ва қатор дельта кўллари (Денгизкўл, Замонбобо, Кичик ва Катта Тузкон, Хўжанд-Сайёд, Пойкент кабилар) мавжуд бўлган. Қадимги бухороликлар ана шу сув манбалари бўйида қўним топиб, ўзига хос маданият тарихига эга бўлганлар. Ҳозирги кунда уларнинг аксариятлари заҳкаш, ташлама кўлларга айланиб қолган. Бундан ташқари, сизот сувлари ер бетига яқинлиги туфайли воҳалар ва улар атрофидаги ерлар турли даражада шўрланган. Бу эса, суғорма деҳқончиликда турли қийинчиликлар туғдириб, ўзига хос усулларни қўллашни тақозо қилади.

Вилоят ҳудуди яна бир қанча ўзига хос хусусиятларга эга. Нафақат Ўзбекистонда, балки қўшни мамлакатларда ҳам ўхшаши йўқ табиий – тарихий маскан бўлган “Бухоро яшил қалқони” ана шулардан биридир. “Яшил қалқон” узоқ вақтлар давомида Бухоро - Қоракўл воҳаларига шимол, шимолий - ғарб томондан бостириб кирган кўчма қумларда барпо қилинган чўл ўрмонзорларидир. Бу ҳудудда кўчма қумлар ҳар йили (1925 йилга қадар) 150-200 гектарлар, жами 80 минг гектар обод ерларни ўз домига тортган. Шу туфайли, 1868 йилдан бошлаб маҳаллий аҳоли турли томонларга кета бошлаган. Тўрт йил мобайнида бундай кўчманчилар 60 минг кишини ташкил қилган. Биргина 1870 йилда 16 минг бухоролик Хива томон йўл олади. 1932 йилга келиб аҳоли машҳур вардонзе қўрғонини тарк этади. Кўчма қумларга қарши 1925 йилдан бошланган кураш ва мутахассисларнинг машаққатли меҳнати туфайли 1934 йилга келиб қумлар ҳужумини тўхтатишга эришилади. 1941 йилгача эса, кенглиги 1 -3, узунлиги 120км келадиган 25 минг гектар майдонда кандим, черкес ва саксавул каби чўл ўсимликларидан иборат “Бухоро яшил қалқони” барпо этилади.

Қумларни мустаҳкамлаш борасида орттирилган бу тажриба кейинчалик Ўрта Осиёнинг бошқа воҳаларида самарали қўлланган. Кейинги йилларда “яшил қалқон” нинг 2-3 қисми қайтадан боғу роғларга айлантирилди. Эндиликда Бухоро тарихининг ўзига хос бир бўлаги бўлиб қолган “яшил қалқон” нинг тарихий моҳияти, сабабларин англаш нафақат маърифий, балки этнография, қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларни ҳал этиш йўлида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Аму-Бухоро машина канали вилоятдаги яна бир ўзига хос табиий – тарихий иншооат ҳисобланади. Чўл бағрида бир неча юз километрга чўзилган бу сунъий дарё Ўрта Осиёдаги энг йирик гидротехник қурилмалардан бўлиб, Амударё сувини босқичма-босқич 125 метргача кўтариб бериб, Бухоро вилоятини сув билан тўлиқ таъминлаб туради. Канал инсоннинг бунёдкорлик қудратини намойиш қилувчи жонли ҳақиқатдир.

Бухоро – Хива нефть-газ майдонида жойлашган бу вилоятда бу ёнилғиларнинг катта заҳиралари мавжуд. Бунёд этилган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи (1977) бу ерлар табиатининг саховатидан далолат берувчи рамзлардан бири бўлиб турибди.

## АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ – РЕСПУБЛИКА МИҚЁСИДАГИ ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ МАСКАН

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи 1968 йили Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилейи муносабати билан ташкил этилган бўлиб, у шу чоққача халқимизнинг кўп асрлик адабий меросини жамлаш, уни муҳофаза қилиш, тарғиб этиш ва тадқиқ қилишда катта ишларни амалга ошириб келмоқда. Ўтган давр давомида музейнинг XV-XX аср адабиёти тарихини намойиш этувчи бой экспозицияси яратилди. Тамошабинлар кўп асрлик бой адабий тарихимизнинг ноёб дурдоналари билан танишибгина қолмай Ўрта Осиё маданияти ва санъатининг бадиий намуналари-китоб, тасвирий санъат, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари билан ҳам танишиш имкониятига эгалар.

Музейда қўлёзмалар билан биргаликда эски босма китоблар фонди ҳам мунтазам бойиб бораяпти. Бу фондда мингдан ортиқ номдаги қўлёзма ва тошбосма асарлар мавжуд бўлиб, улар орасида ўзбек классик шоирларининг нодир ва қадимий асарлари ҳам

муносиб ўрин эгаллаб келмоқда. Адабиёт музейида 65000 ҳужжатларни ўз ичига олган XIX асрдан то ҳозирги кунгача бўлган даврни қамраб олувчи Ўзбекистон ёзувчилари архиви ҳам музейнинг фахри ҳисобланади.

Адабиёт музейи кўргазма залларида 17000 дан ортиқ тасвирий ва ўймакорлик санъат асарлари, портретлар, ноёб археологик ёдгорликлар, халқ амалий санъати намуналари намойиш қилиб келинади.

Адабиёт музейи биносининг ўзи ҳам (1933-1936 йиллар 7962,33 $м^2$) ноёб архитектура ёдгорлиги сифатида диққат эътиборни ўзига жалб этади.

Қўлёзмалар фонди ва ёзувчилар архивида сақланаётган ҳужжатлар-музей илмий фаолиятини асосини ташкил этади. Бу манбалар устида 1 академик, 5 фан доктори, 5 фан номзоди, 8 илмий ходим  мунтазам равишда илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Айниқса, қўлёзма ва архив ҳужжатларини бирламчи ишловдан ўтказиш, уларни илмий тавсифларини амалга ошириш ва каталог сифатида нашр қилдириб уларни экспозицияда намойиш қилиш ва илмий муъомалага киритиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунга қадар музей фондидаги қўлёзмалар ва ёзувчилар архивидан ўнлаб фондларни илмий тавсифи чоп этилди. Шулар билан бир қаторда музей олимлари ўнлаб монографиялар, рисолалар ва илмий-танқидий матнлар нашри орқали ўзбек адабиётининг кам ўрганилган соҳаларини ёритувчи илмий ишларнинг натижаларини эълон қилиб келмоқдалар.

Адабиёт музейи ўзининг илмий ва илмий-ташкилий фаолиятидан келиб чиқиб қатор хорижий мамлакатлар музейлари, ктубхона ва илмий муассасалар билан яқиндан алоқа ўрнатиб ўзаро ҳамкорлик доирасида фаолиятини олиб бормоқда. Музей олимлари Япония, Жанубий Корея, Туркияда ўтказилган қатор илмий анжуманларда маърузалар ва кўргазмалар билан иштирок этиб келмоқдалар. Хорижлик ҳамкасблар ўзларининг илмий тадқиқотлари натижалари, китоблар, илмий ахборот айрбошлаш, шунингдек, китоб ва каталогларни нашр қилдириш ишларида кўмак бериб келмоқда. Яқинда Саудия Арабистонидан келган бир гуруҳ олимлар билан музей ўртасида араб тилидаги қўлёзмалар каталогининг нашрини амалга ошириш тадбирлари келишиб олинди. Эрон элчихонаси маданий маркази Эрон миллий мажлис кутубхонасида сақланиб келаётган ва ҳозирда илмда номуълум бўлиб келган Бобур куллиёти қўлёзмасининг нусхасини музейга кўчириб беришда ёрдам беришини изҳор этди.

Адабиёт музейи ҳамкорликнинг турли соҳаларида муносиб равишда иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон истиқлолининг сўнгги ўн йил мобайнида музей олимлари 30 дан ортиқ турли халқаро ва Республика миқёсидаги илмий анжуман ва тадбирларда қатнашиб келмоқда. Музей Халқаро музейлар кенгаши ИКОМ ташкилоти аъзосидир. Ўтган йиллар давомида музей олимлари Ҳиндистон, Германия, Англия ва Эронда ўтказилган виставкаларда иштирок этдилар. Сўнгги йилларда музей Париж миллий кутубхонаси, Ҳиндистондаги “Худобахш”, Эрон миллий мажлим кутубхонаси, Туркиядаги кутубхона ва музейлар билан китоблар айрбошлаш ишини йўлга қўйди.

## ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Ўзбекистон республикасининг Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси (Давгеолқум) нинг Геология музейи Республиканинг геология соҳаси тизимида 1988 йили очилган.

Геология музейининг асосини собиқ Ўзбекистон Бошгеологиясининг мўъжазгина музейи коллециялари ҳамда геологик ташкилотлар, муассасалар ва таниқли геолог – тадқиқотчилар томонидан Ўзбекистонда геология фаолиятининг 75 йил мобайнида йиғилган кенг коллекцион материаллари ташкил этади. Гарчи, геология музейининг ташкил топганига унча кўп бўлмаганлигига қарамай, у давгеологкўмнинг тадқиқот ишлари ҳамда республиканинг турли худудларида изланишлар олиб борадиган илмий ва ўқув марказига айланади, шунингдек, у геологик ишлаб чиқариш билан

шуғулланадиган турли ташкилот ва муассасаларнинг музейлари устидан услубий бошқарувни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқув - маърифий ишларни олиб боради, турли чет эл компаниялари ва олимларининг музей экспонатлари билан танишувини ташкил этади, ватанимиз геология фани эришган ютуқларни кенг тарғибот – ташвиқот қилиш билан шуғулланади.

Одатда қайта қурилган ёки махсус қайта жиҳозлантирилган биноларда жойлашадиган аксарият музейлардан фарқ қилган ҳолда, давгеологқўм Геология музейи ўша пайтдаёқ Ўзбекистон Геология музейи сифатида лойиҳалаштирилган. Унинг қурилиши 1976 йили бошланган бўлиб, қурилиши давомида илғор геолог ва мутахассисларнинг фикрлари эътиборга олиниб, лойиҳага қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилдики, булар охир-оқибат музей биносининг оригинал шакли ҳамда дизайнида ўз ифодасини топади. Бу ерда музейга совға сифатида таниқли геологлар томонидан қолдирилган шахсий коллекциялар, республикамиз табиатини акс эттирувчи суратлар, расмлар ва ҳоказалар намойишга қўйилган.

Музейнинг 5 та кўргазма залида ватанимиз геология фани ва амалиётининг барча йўналишларини ўз ичига олган экспозициялар жойлашган:

Кириш зали – 211,0 кв.м бўлиб, унда Ернинг планета сифатида шаклланиши ва ривожланишининг умумий фазовий ва геологик жараёнлари акс эттирилган;

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг геологик ривожланиши тарихи зали-211,0 кв.м;

Регионал геология зали-180 кв.м;

Монография палеонтологик колекциялар – 63 кв.м;

Фойдали қазилмалар, минералогия, геокимё, қадим тоғ саноати тарихи ҳамда Дунё геологик мероси зали- 2221 кв.м майдонни эгаллаган.

Музей вестибюлида, унинг биринчи ва иккинчи қаватларида, Республика геология хизматининг шаклланиш тарихи, геология фанининг ривожланиши, Ватанимизнинг илк геологлари, фойдали қазилма конларини очган дастлабки геологлар, устоз-олимлар ҳақидаги маълумотлар берилган.

Махсус экспозиция Ўзбекистоннинг ёш суверен давлат сифатида шаклланишини, мамлакатда бозор муносабатларининг ривожланиши ҳамда минерал-хом ашё ресурсларининг халқ хўжалигидаги ўрнини тасвирлайди.

Экспозицияларда намойиш этилаётган экспонатларнинг умумий сони, музей омборларида сақланаётган дубликат ва алмашув жамғармасини ҳисобга олмаган ҳолда, 32 000 дан ортиқ экспонатларни ташкил этади. Турфа хил тоғ жинслари, рангли, кам учрайдиган металл рудалари, номаъдан фойдали қазилмалар кўргазма қилинади. Музей витриналарида киноварь минерали, молибдент, висмут, вольфрамит кристалларини ўзида сақлаб қолган ноёб намуналар намойиш этилган. Чунончи, махсус петрографик коллекция ўз ичига 300 та намунани (вулқон тоғ жинслар-228, метаморфик тоғ жинслар – 46, чўкинди тоғ жинслар-26) қамраб олади; минералогик коллекция эса 858 та намунадан иборат бўлиб, улар ғоят ноёбдир.

Монографик палеонтологик коллекция ўз ичига 2631 та намунани жамлаган бўлиб улардан 783 таси Марказий Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг ривожланиши тарихи залида ва 1848 таси эса монографик палеонтологик коллекциялар залида жойлашган.

Геология музейи томонидан конлар ва геологик объектларга ҳар йили ташкил этиладиган турли хил геологик маршрутлар тадқиқот объектлари бўйича кенг қамровли ахборот ва жамғармавий тош материаллари йиғишга имкон бермоқда.

Музейда жамғармавий тош материалларнинг мақсадли йўналтирилган минералогик, петрографик, геокимёвий палеонтологик ва бошқа хил тадқиқотлари, янги кон очганларнинг аризалари, фойдали қазилмалар қолдиқлари топилмалари, ноёб объектлар, янги конлар бўйича текшириш, қимматбаҳо металлар ва яркираматошлар

хом ашёси, жумладан, заргарлик буюмларига эксперт хулосаларининг берилиши каби ишлар амалга оширилади.

Сўнгги йилларда Геология музейи ўз фаолиятини Ўзбекистон учун ноанъанавий минерал хом ашёларнинг янги мақсад, четдан келтириладиган хом ашё ўрнини босадиган маҳаллий ресурсларни топиш ҳисобланади.

Музей қошида Ўзбекистоннинг минерал-хом ашё потенциалини акс эттирувчи турли хил кўргазмалар, тақдимотлар, чет эллик ҳамкорлар билан бирга қўшимча геологик тадқиқотларни ўтказиш ва излаб топилган фойдали қазилмаларни ўзлаштириш масаласига оид учрашувлар ўтказилади.

Маълумки, инсон хўжалик фаолиятининг тобора ривожланиши билан табиатнинг ўзгариши янада ойдинлашмоқда. Бундай ўзгаришларга қарши туриш ниҳоятда мураккаб бўлганлиги учун ҳам инсон фаолиятининг атроф табиий муҳитга нисбатан салбий таъсирини имкони борича камайтиришга эришиш лозим.

Мазкур йўналиш бўйича Ўздавгеолқўмда табиатнинг ноёб кўринишларини ёдгорлик сифатида эътироф этиш ҳамда тегишлича муҳофаза остига олиш ва уларнинг бузилиши ҳамда йўқ бўлиб кетишини олдини олиш масаласига оид мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистоннинг геологик меросини ифодаловчи мазкур жонсиз табиат ёдгорликлари нафақат илмий нуқтаи назардан, балки оммавий туризм нуқтаи назаридан ҳам эътиборга лойиқдир.

## РЕСПУБЛИКА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ

Республика Қуролли Кучлари Марказий музейи ўз фаолиятини 1965 йилда бошлаган. Музейнинг экспозициялари дастлаб ҳозирги Марказий офицерлар саройи биносига жойлаштирилган эди. 1975 йилга келиб эса, музейнинг махсус биноси 4 ой ичида қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда умумий майдони 3 минг квадрат метрни ташкил этган музей биносида 7 мингдан зиёд тарихий экспонатлар жойлаштирилган. 1997 йилда музей экспозициялари тубдан янгиланиб, қайта таъмирланди.

Уч қаватли бинонинг биринчи қавати экспозициялари “Темурийлар давридаги ҳарбий санъат” мавзуини ёритишга бағишланган бўлиб, уларда буюк давлат арбоби, моҳир саркарда сифатида шуҳрат қозонган Амир Темур давлати қўшинининг тузилиши ва бошқарилишини мужассамлаштирилган воқеалар акс эттирилган. Жумладан, “Амир Темур жангавор отида” портрети (муаллиф Р. Зиёдуллаев), Амир уламоларининг чортуғи макети (асл ўлчамидан 40 марта кичрайтирилган) ва байроғи, “Қудратимизга шубҳангиз бўлса, ёдгорликларимизга боқинг” экпозициясини ҳамда Дор ус-саодат мақбараси, Регистон майдони, Оқсарой, Гўри Амир, Зангиота, Аҳмад Яссавий мақбаралари тасвирлари, шунингдек, Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид адабиёт ва қўлланмалар ўрин олиб, киши эътиборини ўзига жалб этади. Зал деворлари бўйлаб Соҳибқирон замондоши, тарихнавис аллома Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарига ишланган миниатюралар, зал шифтларига эса Темурийлар давлати, Самарқанд шаҳри байроқлари ва бошқа турли хил байроқлар, қадимий найзалар, Амир Темур давлати рамзи бўлмиш уч ҳалқа (уч қитъа ҳукмдори маъносида) ва шер тасвири осилган. Тоғ эчкиси ва бўри териларига ўрнатилган қурол-яроғ намуналари: қилич, камон, ўқ-ёй (садоғи билан), қалқон, ойболта, зирҳ, найзалар, дубулғалар музейнинг энг қизиқарли экспозициялари сифатида қадрланади. Шунингдек, кўргазмада араб ёзуви ва лотин алифбосида ёзилган “Темур тузуклари” асаридан олинган панд-насиҳатлар, Амир Темур давлати харитаси, витринага қўйилган дубулға, сувдон, қилич, гурзи, чўқморлар ҳам мавжуд.

“Амир Темурнинг Тўхтамишхонга қарши учинчи ҳарбий юриши” жанг диограммаси, катта ва кичик ноғаралар (“Катта ноғара ва байроқ ато этиш тузуги” ни

хозирги “Ҳарбий қисм жангавор байроғи тўғрисида” ги Низомга қиёслаш мумкин), “Амир Темур қўшинининг жанговар таркибидан бир кўриниш” экспозициялари, Сара жангчи-баҳодирлар чодири (асл ўлчамидан 20 марта кичрайтирилган) ва улардан бирининг мум ҳайкали ҳам киши тасаввурида жонли таасссурот қолдиради.

Хуллас, музейнинг биринчи қаватидаги экспозицияларни кўздан кечирган киши 27 давлатни бирлаштириб, марказлашган йирик салтанат барпо этган, Ҳарбий Низом асосчиси бўлган буюк саркарда Амир Темурнинг бу соҳадаги серқирра, батартиб, мукаммал фаолияти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлади.

Бинонинг иккинчи қавати “Фашизмга қарши кураш йиллари” мавзуидаги экспозициялар билан безатилган. Бу ерда Иккинчи Жаҳон уруши йилларида ватандошларимизнинг фронтда ва фронт ортида кўрсатган ўчмас жасорат намуналари билан яқиндан танишиш мумкин. Экспозициялардан бири уруш майдонларида мардларча жанг олиб борган ҳамда фронт ортида қаҳрамонона меҳнат қилган ўзбек халқига бағишланган. Кўргазмаларда уруш ҳаракатларида иштирок этган аскарларнинг шахсий буюмлари, жанговар мукофотлари, жангнома хотиралари ўрин олган. Шунингдек, С. Раҳимов, К. Суюнов, М.Топволдиев, В.Шаландин, Б.Бобоев, С.Абдуллаев, Ҳ. Саримсоқов каби ўзбекистонлик қаҳрамонларнинг жанговар суратлари акс эттирилган.

Экспозицияларни куроллар, ҳарбий техника ҳужумкор самолёт макетлари тўлдириб турибди. Бу ерда “Иккинчи Жаҳон уруши ўлжалари” витринасидаги фашистлардан тортиб олинган “Штурмгервер” автоматлари, ҳанжарлар, қиличлар ҳамда уларнинг кўкрак нишонлари томошабинда қизиқиш уйғотиши табиий

Шу қаватнинг фронт орти бўлимида эса Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, жанг майдонларига юборилган ҳарбий техникалар, маҳсулотлар ва улардан айримларининг макетлари намуналари жойлаштирилган. Шунингдек, ўзбек халқининг уруш йилларида олиб борган матонатли меҳнати ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар ҳам талайгина.

Ватанимизнинг миллий хавфсизлигини, унинг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳоли тинчлигини сақлашнинг ишончли кафолати бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучларининг кундалик фаолиятига бағишланган учинчи қават экспозициялари “Мустақил Ўзбекистон ҳимоясида” деб номланади. Уларда мустақиллик йиллари мобайнида бу соҳа аниқ йўналиш асосида ислоҳ қилинганлиги ўз аксини топган. Бу Ўзбекистон Республикасининг харитаси, миллий бойликларимиз – табиий ресурслар, “Мудофаа тўғрисида” ги Қонун ва “Мудофаа доктринаси” дан кўчирилган матнлар, Ҳарбий Қасамёд, “Ҳарбий қисм Жанговар Байроғи тўғрисида” ги Низом, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Жанговар Байроғи, Олий ҳарбий мукофот – Жалолиддин Мангуберди орденининг тасвири ва унинг мазмуни, замонавий армиямиз ҳаётидан олинган лавҳалар, қўшин турлари ва ҳарбий округлар миллий офицер кадрларни тайёрлаш масалаларига оид экспозициялар орқали очиб берилган. Халқаро ҳарбий ҳамкорлик, чет эл ҳарбий делегацияларининг совғалари, ҳарбий матбуот, маданий ишлар ва спорт экспозициялари ҳам шунга хизмат қилади.

Кейинги йилларда Президентимиз Фармонига биноан музейда фундаментал илмий муаммоларни тадқиқ қилиш тўғри йўлга қўйилган бўлиб, бу борада бир қатор ишлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилди. Музей экспозицияларини бойитиш, уларни рўйхатга олиш, фонд бойликларини илмий таҳлил қилиб, мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари орқали халқимизга ва юртимиз меҳмонларига етказиш – асосий вазифалардан ҳисобланади. Музей фаолиятини замонавий, жаҳон талабларига тўла жавоб бера оладиган даражага кўтариш мақсадида ўзбек, рус ва инглиз тилларида музей йўл кўрсатгичларини Чоп этиш кўзда тутилган. Бугунги кунда “Ўзбекистон музейларида ҳарбий мавзунинг ёритилиши ва унинг тарбиявий аҳамияти” мавзуси бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Шубҳасиз, бундай эзгу ишларнинг амалга оширилишида музей фондига моддий–техника ва маблағ ажратиш тўғрисида қарорлар қабул қилинганлиги муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, республикамизда “Ўзбекмузей” жамғармаси ҳамда тарихий мавзуда вақтли нашрлар ташкил этилганлиги ҳам музей ишлари ва бу борадаги тадқиқот натижалари тарғиботига хизмат қилади.

## 24. МАВЗУ: КИЧИК ЁДГОРЛИК УЙ-МУЗЕЙЛАРИ

**РЕЖА:**

1. Тошкент шаҳридаги уй-музейлар фаолияти.
2. Вилоятлардаги машҳур кишилар хотирасини абадийлаштириш.

Ватанимиз тарихида ўзига хос ўчмас из қолдирган машҳур ижодкорлар – шоирлар, адиблар, давлат, фан ва санъат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг узоқ йиллар яшаб ижод қилган манзиллари – уйларининг музей сифатида халқимизга хизмат қилиши ибратли ҳолдир. Халқимиз азалдан ўз аждодларининг ақлий салоҳияти, истеъдоди, ибратли умр йўллари билан ҳақли равишда фахрланиб келган. Ижодкорларнинг ўлмас асарлари, машҳур санъат асарлари ҳамиша эл ардоғида бўлган. Уй-музейларининг ташкил этилиши улуғ инсонларнинг ҳаёти бардавомлиги, улар амалга оширган ишларнинг халқ тафаккуридан мустаҳкам жой олганлиги, уларга ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан қараган ҳолда эъзозлашлари ва ҳамиша ёд этишларининг белгиси ҳамдир. Ватанимизда ана шундай буюк инсонлар хотирасига бағишланган бир қанча уй-музейлар фаолият юргизиб келмоқда.

### Йўлдош Охунбобоев уй-музейи

Ўзбекистоннинг кўзга кўринган давлат арбоби Йўлдош Охунбобоевнинг (1885-1943) уй-музейи Тошкентнинг маркази – шаҳарнинг эски иморатлари сақланиб қолган ноҳиясида жойлашган. Музей революцияга қадар қурилган бир қаватли иморатда. Бу ерда бўлажак СССР Олий Советининг раиси ўринбосари ҳамда Ўзбекистон Олий Советининг раиси Йўлдош Охунбобоев 1938-1943 йиллар давомида яшаган.

Фарғона водийси оддий деҳқонидан йирик давлат арбоби даражасигача босиб ўтилган йўл Октябрь революциясидан кейинги янги жамият ва давлат қурилишида фаол иштирок этишнинг натижасидир.

Йўлдош Охунбобоев 1930-40-йилларда Ўзбекистоннинг иқтисодиёти ҳамда маданияти ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Бу вақтда у қишлоқ хўжалиги ва суғориш иншоотларини ташкил этишда, пахта етиштиришни такомиллаштириш ҳамда маданий революцияни амалга ошириш ишида, саводсизликни тугатиш ва аёлларнинг ижтимоийлашуви учун курашда фаол иштирок этди.

Уйнинг ички деворларида экспозициянинг ҳужжатли ашёлари жойлаштирилган. Йўлдош Охунбобоев оиласига тегишли асл нарсалар, жуда кўп ўтган асрга оид маиший буюмлар, расмлар, “Умумўзбек оқсоқоли” ҳайкали намойишга қўйилган.

## МУСО ТОШМУҲАММАД ЎҒЛИ ОЙБЕК (1905-1968) УЙ-МУЗЕЙИ

Мусо Тошмуҳамедов Ойбек – ўзбек адабиётининг атоқли намоёндаси, йирик наср устаси, шоир, олим, таржимон, публицист, СССР ва ЎзССР Давлат мукофотлари совриндори, ЎзССР ФА академиги эди. У “Қутлуғ қон”, “Навоий”, “Олтин водийдан шабадалар”, “Улуғ йўл” каби машҳур романлари билан ном қозонган. Ойбек атрофида

жуда кўп маданият арбоблари бирлашган эди, унинг уйида ўз даврининг зиёлилари мулоқот қилишган.

Ойбекнинг уй-музейи Тошкентнинг қадимий ноҳияларидан бирида жойлашган. Бу ердаги ҳозирги Тазетдинов (собиқ Кисловодская) номли сокин кўчадаги уйга Ойбек оиласи билан 1940 йилда кўчиб кирган.

Ёзувчининг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий экспозиция 40-йилда қурилган бир қаватли иморатнинг 5 та залида жойлашган. Ёдгорлик қисми 2 қаватли иморатнинг 6 та хонасида намойиш этилган, бу иморат 1958 йили ёзувчининг турмуш йўлдоши З.Н.Саидносирова чизмаси билан бунёд этилган.

Музей хазинаси шарқшунос олимлар, филологлар, тарихчиларда жуда катта қизиқиш уйғотади. Бу ерда барча бадиий асарларнинг қўлёзма-дастхати жуда кўп қоралама нусхалари билан, илмий мақолалар, кундаликлар, хатлар, ён дафтарлар ва расмлар сақланади.

Музейнинг илмий кутубхонасида китоблар, журналлар, газетадан қирқмалар, дастлабки мақолалар, турли тилдаги нашрлар, ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги адабиётлар, шарқ адабиётининг намояндалари – Навоий, Фузулий, Ҳофиз, Сўфи Оллоёр, Аҳмад Яссавий асарларининг қўлёзмалари мавжуд.

Музей залларини Ў. Тарсиқбоев, А. Абдуллаев, А. Бурэ, А. Циглинцев, Ю. Стрельников, А. Маматова, З. Саидносироваларнинг Ойбек асарларига ишлаган расмлари безаб турибди.

## МУХТОР АШРАФИЙ (1912-1975) УЙ-МУЗЕЙИ

Уй-музей Ўзбекистон мусиқа маданияти ривожланишига муносиб ҳисса қўшган композитор, СССР халқ артисти, миллий опера асосчиларидан бири, дирижер Мухтор Ашрафийнинг ҳаёти ва ижодини ёритишга бағишланган. Музей М. Ашрафий 1965-1975 йиллар яшаб ижод этган уйда жойлашган. Бу ерда “Севги тумори”, “Темур Малик” балетлари, “Рустам ҳақида қисса” араторияси, хотира китобининг дастлабки боби яратилган.

Музейда1930-70 йиллардаги М.Ашрафийнинг шахсий архиви сақланган. Улар тарихчилар, мусиқачилар, ўзбек мусиқа маданияти билан қизиқувчиларга манзур бўлади. Музейда нодир қўлёзмалар, расмлар, ҳужжатлар, афишалар, спектакл дастурлари, китоблар, мусиқий ёзувлар, грампластинкалар ва ўзбек мусиқа асбоблари тўплами сақланади.

Экспозицияда “Бўрон” биринчи миллий операси материаллари ва дастлабки ижодий изланишлар намойиш этилган. Музей томошабинларни М. Ашрафийнинг 40-50-йиллардаги ижодий фаолияти билан яқиндан таништиради.

Уруш йилларида композитор “Қаҳрамонлик симфонияси”, “Ғолибларга шон-шарафлар” симфонияларини ёзди.

1950-70- йилларда Мухтор Ашрафий “Дилором”, “Шоир юраги” опералари ва бир қатор симфоник асарларни яратди. Музей экспозицияларида ана шу асарлар устидаги иш жараёни акс эттирилади. Музейда кичик кўргазмалар ва камер концертларини ўтказадиган мусиқий зал мавжуд. Бу ерда М. Ашрафий асарларининг аудио ёзувларини тинглаш мумкин.

## ҒАФУР ҒУЛОМ (1903-1966) УЙ-МУЗЕЙИ

Ўзбекистон халқ шоири, йирик наср устаси, академик Ғафур Ғулом ўз даврида ўзбек совет адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшган. Ғафур Ғуломнинг ижод йўли жуда мураккаб тарихий шароитда шаклланди ва ривож топди.

Музей экспозицияси Ғафур Ғулом 1944-1966 йилларда яшаб ижод этган уйда жойлашган. Экспозициянинг адабий қисмида шоирга тегишли расмлар, ҳужжатларнинг

асл нусхалари, шахсий буюмлар ҳамда унинг ҳаётлик ҳамда ўтганидан кейинги даврларда нашр этилган асарлари ўрин олган. Унинг ёдгорлик қисмида шоирнинг иш хонаси, меҳмонхона ва дам олиш хоналари мавжуд. Бу ерда шоирнинг шахсий кутубхонасидан олинган китоблар, иш стол ива бошқа маиший буюмлари намойишга қўйилган. Буларнинг ҳаммаси шоир ҳаётлик давридагидек сақланиши билан ўша даврнинг руҳини ифодалаб туради.

Ғафур Ғуломнинг ижоди 1930-40 йиллардаги СССР ва ЎзССР ҳаётидаги муҳим воқеалар, ҳодисаларнинг ўзига хос ифодаси ҳамдир.Чунки унинг асарларида мамлакатда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, замонавий кўринишлар акс этиб туради. Унинг “Турксиб йўлларида”, “Мен – яхудий”, “ Сен етим эмассан” назмий асарлари, “Шумбола” повестларида улкан қурилишлар, меҳнаткаш халқнинг пахта етиштиришдаги қийинчиликлари, совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши кураши акс эттирилган. Шоир 1945 йилда “Шаркдан келаётирман” номли шеърий тўплами учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланган. 1970 йилда шоирнинг вафотидан кейин унга сўнгги йиллар ижоди учун Ленин мукофоти берилган.

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР (1907-1968) УЙ МУЗЕЙИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, СССР ва ЎзССР Давлат мукофотлари совриндори, драматург, ҳажвчи, публицист ва таржимон Абдулла Қаҳҳор ёдгорлик музейи умрининг сўнгги йилларида яшаб ижод этган уйида жойлашган.

Музей экспозицияси адабий ҳам ёдгорлик бўлимларидан ташкил топган. Ёдгорлик бўлимида ёзувчининг иш столи ва меҳмонхонаси намойиш этилади. Иш хонасида ёзувчининг ҳаётлик давридаги ҳолат – ёзув столи ва унинг устида ёзув анжомлари қандай турган бўлса, шундай сақланган. А. Қаҳҳор кутубхонасида қўлёзмалар, китоблар, журналлар, рус ва чет эл мумтоз адабиёти вакиллари асарлари, илмий нашрлар, экциклопедиялар ва сўров адабиётлари бор.

Абдулла Қаҳҳор асли қўқонлик, темирчи оиласидан. У 1020-йилларда кичик ҳажвий асарлар ёзиш билан ижодини бошлаган бўлса, “Сароб”, “Қўшчинор оловлари” каби машҳур роман ва “Синчалак” повести билан адабиёт оламининг юксак чўққиларини забт этди. Ўзбек адабиётида А. Қаҳҳор кичик реалистик ҳикоялари билан алоҳида ўрин тутади. А. Қаҳҳор драматург сифатида ҳам машҳур. Унинг комедияли пьесаси, Айниқса “Шоҳи сўзана” асари СССР ва бошқа шарқ давлатлари саҳналаридан узоқ вақтгача тушмай ўйналиб келган.

Абдулла Қаҳҳор рус тилини жуда яхши эгаллаган, А.Пушкин, Л.Толстой, А. Чехов, Н. Гоголь, М. Горький ва бошқа рус ижодкорлари асарларини ўзбек тилига моҳирона таржима қилган.

Унинг публицистик ва ҳажвий асарлари “Литературная газета”, “Ўзбекистон маданияти” газетаси саҳифаларида, “Шарқ юлдузи” ва бошқа журналларда тез-тез нашр этилар эди.

Музей хазинаси ва экспозицияларда А. Қаҳҳор қўлёзмалари, кундаликлари, 1920-30-йиллардаги расмлари бор. А. Қаҳҳор томонидан Қўқон педагогика ўқув юртида ўқиб юрган кезларида чиқарилган деворий газета ҳам намойишга қўйилган. Музей коллекцияси ёзувчининг умр йўлдоши Кибриё Қаҳҳорова томонидан тўпланиб давлатга топширилган.

## ЮНУС РАЖАБИЙ (1897-1976) УЙ МУЗЕЙИ

Мусиқа илмининг билимдони, мусиқий мероснинг йирик мутахассиси Юнус Ражабий - мингга яқин қўшиқ ва куй ижодкори. Унинг асарлари “Ўзбек халқ мусиқаси” номи билан 5 томга жо бўлган. У узоқ йиллар давомида “Шашмақом”дек буюк мумтоз мусиқа асари устида изланишлар олиб борди, натижада 6 томлик нашр юзага келди.

Юнус Ражабий ҳозирда унинг номи билан юритилаётган Ўзбекистон Телерадио Давлат комитетидаги мАқомчилар ансамблининг асосчисидир. У мумтоз қўшиқ ва халқ куйларининг моҳир ижрочиси сифатида ҳам машҳурдир.

Музейда махсус катта зал бўлиб, у ўзбек мақомига бағишланади. Унда Ўзбекистон маданияти мусиқа тарихига доир нодир ҳужжатлар - қўлёзмалар, расмлар ва бошқалар бор.

Бу ерда меҳмонлар ва сайёҳлар учун махсус концертлар уюштирилади. Унда ўзбек мусиқаси машҳур артистлар томонидан ижро этилади.

Музейда Юнус Ражабий ва бошқа машҳур мусиқачилар томонидан яратилган куйларни тинглаш ва аудио касеталарини сотиб олиш, қўшиқчи ҳақидаги видеофильмни тамоша қилиш мумкин.

## ЎРОЛ ТАНСИҚБОЕВ (1904-1974) УЙ-МУЗЕЙИ

СССР Халқ рассоми Ўрол Тансиқбоев уй-музейи 1981 йилда очилган. Ў. Тансиқбоев ижоди 1920-1970 йилларни ўз ичига қамраб олади. Ундан жуда катта мерос қолган. Рассомнинг асосий асарлари музейнинг ёдгорлик қисмида, махсус қурилган галереяда намойишга қўйилган. Унинг асарлари жуда кўп музейлар хазиналарида ҳам мавжуд. Улар Бельгия, Франция, АҚШ, Сурия, Финляндия, Ҳиндистон, Мексика, Италия, Чехословакия ва бошқа мамлакатларда ҳам эътироф этилган.

Ўрол Тансиқбоев узоқ йиллар давомида жуда кўп жанрларда ижод қилган. У ёдгорлик ва театр-декарация ҳамда портрет жанрларида баракали ижод қилган, натюрмортлари билан ҳам эътибор қозонган. У умрининг жуда кўп қисмини табиат манзараларини акс эттиришга бағишлади, шунинг билан Ўзбекистоннинг тасвирий санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллади. Унинг тасвирлаган манзараларини юзлаб бошқа расмлар орасидан бемалол таниб олиш мумкин, ундаги ўзига хос тоғ ҳавоси, она заминнинг бепоён далалари уфури, кенгликлар тасвири кишини беихтиёр ўзига ром этади.

Тошкент шаҳрида булардан ташқари Тамара-хоним, Мукаррама Турғунбоева, Сергей Есенин, Сергей Бородин уй-музейлари ҳам фаолият юргизиб келмоқда.

Ўзбекистон вилоятларида эса машҳур давлат арбоблари, адиблар, санъаткорлар уй-музейлари мавжуд бўлиб, улар Усмон Юсупов, Виктор Уфимцев, Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Амет ва Айимхон Шомуродовлар ва бошқа шоир ва ижодкорлар фаолиятини ёритади, уларнинг умр йўллари, кўрсатган хизматлари ҳақида ҳикоя қилади. Улар халқимизга хизмат қилиш билан биргаликда ёшларда шу аждодларига муносиб ворислар бўлиб етишиш орзусини ҳам уйғотмоқда.

## 25. МАВЗУ: МАКТАБ МУЗЕЙЛАРИ ФАОЛИЯТИ.

**РЕЖА:**

1. Ёшлар тарбиясида музейларнинг ўрни.
2. Мактабларда музейлар ташкил қилиш.
3. Тарих дарслари ва музейлар фаолияти.

Ўлкани ва унда мавжуд бўлган тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, ўрганиш ва улардан фойдаланиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Тарихчиларга бу қонун муқаддас дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Биз ёшларни ёдгорликларни авайлаб асрашга, тарихий обидаларга меҳр-муҳаббат билан қарашга ўргатиб, бу ёдгорликлар фақат ўтмишни ўрганиш учунгина эмас, шу билан бирга илм-фанни, халқ маорифи ва маданиятни янада ривожлантириш учун ҳам бебаҳо дурдона эканлигини сингдириш руҳида тарбиялашимиз керак. Мактаб музейи ёшлар олдига

қуйидаги вазифаларни: биринчидан, жамият ҳаёти ва халқ турмушидаги энг муҳим тарихий воқеаларни, давлат ва ҳарбий арбобларнинг, халқ қаҳрамонларининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бўлган бинолар, иншоотлар, эсдалик жойларни ўз ўлкасига боғлаб ўрганишни, иккинчидан, археологик ёдгорликларни: кўҳна шаҳарлар, қўрғонлар, қалъалар, қадимий манзилгоҳлар, истеҳкомлар, корхоналар, каналлар, йўлларнинг қолдиқлари, қадимий дафн жойлар – мозоратларни, тош ҳайкаллар, қоялардаги тасвирларни, қадимий буюмларни ўз жойига боғлаб ўрганишни; учинчидан, меъморчилик обидалари, тарихий марказлар, кварталлар, майдонлар, кўчалар, шаҳар ва бошқа аҳоли яшайдиган манзилларнинг қадимий тузилиши, қурилиши ва қолдиқларини; саноат, ҳарбий, диний, халқ меъморчилиги иншоотларини, табиат ландшафтларини ўз ҳудудига мослаб ўрганишни; тўртинчидан, санъат ёдгорликлари – монументал, тасвирий, амалий-декоратив ва бошқа турдаги санъат асарларини; бешинчидан, ёдгорлик ҳужжатлари – давлат ҳокимият органлари ва давлат бошқарув органларининг актлари, бошқа ёзма ва график ҳужжатлар, кино-фото ҳужжатлар ва товуш ёзувлари, шунингдек, қадимий ва бошқа қўлёзмалар ҳамда архивлар, фольклор ва музика ёзувлари ва шу каби нодир материалларни излаб топиш, ўрганиш ва умумлаштириш вазифаларини қўяди.

Мактаб музейи олдига жуда катта ва улкан вазифалар қўйилган бўлса-да, халқ ва давлат музейларидан ўзига хос хусусиятлари билан тубдан фарқ қилади. Биринчидан, бу музей мактаб ўқитувчилар жамоаси ҳамда ёшлар ташкилотлари томонидан йиғилган материаллар асосида ташкил этилган, иккинчидан, бу музей ўқувчилар учун мўлжалланган, учинчидан, музейдан фақат юксак тарбиявий мақсаддагина эмас, балки таълим жараёнида ҳам унумли фойдаланиш мумкин.

Мактаб музейи ташкил қилинган мактабларда ўқувчиларнинг ижтимоий фанлардан олаётган билимлари, мустақил ишга ва меҳнатга, ўтмиш тарихи ва маданиятига қизиқишлари ўсиб бораётганлиги аниқланмоқда. Шунингдек, юқори синф ўқувчиларининг билим доираси кун сайин кенгайиб, дастлабки илмий-тадқиқот ишларига бўлган қизиқиши сезиларли даражада ўсмоқда. Давлат музейлари бўлмаган районларда мактаб музейининг вазифаси янада мураккаброқ бўлади. Бундай ҳолларда мактаб музейи маҳаллий аҳолини ҳам ўзига жалб қилади ва тарихий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга бўлган қизиқишини орттиради.

Мактаб музейи илмий тизимга солинган, барча материаллар тўпланиб, намойиш қилишга тайёрланган, тарих ва маданият ёдгорликларининг имкони борича асл нусхасини ёки ҳар хил воситалар ёрдамида кўчирма(нусха) олиб, ўлкашуносликнинг манбалари бўйича даврлаштириб қўйиладиган, мактаб жамоаси, ўқувчилар ҳамда ўша ҳудудда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолига мўлжалланган кичик бир бошланғич илмий, маданий муассасадир.

Музейга материаллар жойлаштирилаётганда, албатта туман ёки вилоят ўлкашунослик музейлари ходимларидан маслаҳат олиш зарур. Чунки, материалларни хронологик асосда жойлаштириш давлат ва халқ музейларидан фарқ қилмаслиги керак.

Мактаб музейи соҳасини танлаб олишда мактаб ёшлар ташкилотлари ва ўқитувчилар жамоаси ҳамда ота-оналар қўмитаси унинг ғоявий-сиёсий ва таълим-тарбиявий вазифаларини ҳисобга олишлари керак.

Мактаб музейига асосий соҳа қилиб маданият обидалари ва тарихий жойлар танлаб олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бевосита юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ўз ўлкасидаги мавжуд тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни қидириб, у ерлардан музей учун яроқли бўлган археология, этнография, топонимикага оид топилмаларни музей фондига топшириш ва шу йўл билан экспонатлар сонини кўпайтириш мумкин.

Мабодо мактаб шароити учун қадимги даврни ўрганиш қийинлик туғдиргундай бўлса ёки материал топилмаса, ошкоралик, демократия, тарихни рўй-рост ёритиш кенг авж олдирилган ҳозирги даврни ўрганиш ва шу ҳақда материал тўплаш, мана шулар асосида музей ташкил қилиш ҳам мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ва туман ўлкашунослик музейлари шу ўлка маданияти ва санъати, касб-кори, амалий ишлари ҳақида атрофлича маълумот бериб, ҳамма вақт узоқ-яқинда яшовчи аҳоли, айниқса мактаб болалари учун тез-тез бориб туриш имконини беравермайди. Мактабларда таълим жараёни билан биргаликда олиб бориладиган тарбия, маданий ва маърифий юксалиш ишларида кўргазмали қуролларнинг аҳамияти жуда катта. Шунинг учун ҳам мактабларнинг ўзида шу ҳудуд тарихи, жойлар ҳақидаги маълумотлар, айниқса тарихий обидалар, машҳур кишилар хотира ёдгорликлари ҳақидаги материаллар жамланган музейларнинг ташкил этилиши бевосита болаларнинг ўқув жараёнида олган билимларига қўшимча тарзда маълумотларга эга бўлишларига олиб келади.

## 26. МАВЗУ: МУЗЕЙШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ.

**РЕЖА:**

1. Музейлар фаолиятини ривожлантириш муаммолари.
2. Музейшунос кадрлар етиштириш.
3. Музейларнинг ягона тизимини яратиш.

Мустақил республикамиз бебаҳо табиий бойликлари билангина эмас, балки тарихи, бетакрор обидалари ҳамда маданий-маънавий ёдгорликлари билан ҳам жаҳонга машҳур. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги даврига кирган мустақил республикамиз олдида музей ишларини янада ривожлантириш, маънавиятимизни юксалтириш каби долзарб муаммолар турибди. Бу вазифани муносиб тарзда бажариш учун дастлаб музейларнинг терма, йиғув ишларини ҳозирги замон даражасида ташкил этиш керак. Бу қидирув шаклидаги дала тадқиқотларини, аҳолидан қимматбаҳо бўлган тарихий буюмларни аниқ мақсад асосида белгилашни, жойнинг ёки муайян ҳудудларнинг сайёҳлик йўналишларини, кўз ўнгимизда содир бўлган тарихий воқеалар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, музей аҳамиятига молик ашёларни йиғиш учун истиқболлироқ жойларда музейларнинг доимий амал қилувчи қидирувларини ташкил этишни ўз ичига олади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида тарихий ёдгорликлар, хусусан, амалий санъатга оид бебаҳо ёдгорликларни асраш ва халқ амалий санъати, ҳунармандчилигини ривожлантириш ишида ўзига хос инқилобий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. “Ўзбек халқи яратган ва миллий бисотимиз бўлиб қолган ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаб қолиш ва таъмирлаш – маънавий дастуримизнинг жуда муҳим қисмидир. Ушбу миллий бойлик аждодларимиздан мерос бўлиб қолган, бинобарин, биз уни кўз қорачиғидек авайлаб-асрашимиз ва келажак авлодларга топширишимиз лозим”, - деб уқтирган эди Президентимиз Ислом Каримов.

Мустақиллик йилларида халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш борасида катта амалий ишлар қилинди. Хусусан, республика Амалий санъат музейи фаолиятида ҳам катта ўзгаришларга эришилди. Қисқа вақт ичида музей грант ҳисобига олинган замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Япония ҳукумати тарафидан 2002 йили тақдим қилинган бу жиҳозлар музей видео-электрон техник воситалари билан кузатув ва қўриқлаш имконини берди. Шунингдек, АҚШ, Италия, Германия каби давлатларда музейнинг кўчма кўргазмаларини ташкил этишга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги кўмагида музей илмий ходимлари музейнинг нодир экспонатлари тизимидан уч тилда – ўзбек, инглиз ва рус тилларидаги рангли альбомни нашрдан чиқарадилар. Ҳозирги вақтда музей захирасида сақланаётган жами ашёларнинг жамлама каталогини тузиш ниҳоясига етказилди.

Табиийки, ҳар қандай музей ўз захирасини янги топилма ва замонавий асарлар билан бойитиб боради. Шу маънода Амалий санъат музейида ҳам халқ санъати

асарларини йиғиш ва уларни музей захирасига қабул қилиш узлуксиз давом этмоқда. Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, аҳоли қўлида бўлган амалий санъатнинг ноёб намуналарини аниқлаш ва йиғиш учун жойларда илмий-амалий қидирув ишларини мунтазам олиб бориш зарур.

Амалий санъат музейи захирасини бойитишнинг яна бир ўзига хос жиҳати – бу замонавий, яъни ҳозирда яратилаётган амалий санъат асарларини музей захирасига йиғиш бўлиб, мазкур иш музейда фаолият кўрсатаётган илмий-бадиий кенгаш аъзоларидан алоҳида маъсулиятни талаб қилади. Сақлашга молик деб топилган ҳар бир амалий санъат асарини баҳолашда илмийлик ва холислик нуқтаи назаридан ёндашиш зарур. Зеро, барча ҳунармандлар ҳам юксак истеъдод эгаси бўлмаганидек, яратилган барча буюм ҳам амалий санъат асари ҳисобланавермаслиги маълум.

Санъатшунос олимларимизнинг маълумотларига қараганда, XX аср бошида Бухоронинг ўзида 400 дан зиёд заргар, 600 дан кўпроқ мисгар ишлаган. Шулардан 50 тасигина бадиий юксак ва бетакрор асарлар ярата олган, холос. Бадиий ижоднинг ноёб, киши қалбини ўзига ром қила оладиган кашфиёт даражасидаги намунасигина музей захирасига олиниши лозим. Шу маънода туман, вилоят ва қишлоқ музейларининг фаолиятини юксалтириш, уларга илмий-услубий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш давр талабидир.

Музейларда тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш лозим. Кандакорлик, каштачилик, заргарлик санъат тарихи, унинг тараққиёт босқичлари мавзуида кўп ишлар қилинган. Китоблар ёзилган. Аммо, шу билан бирга халқ кандакорлик ва каштачилик санъатини илмий фалсафий, этногенетик ва қиёсий жиҳатдан ўрганиш, унинг китобот борасида қилинажак ишлар кўп. Кандакорлик ва кашта нақшлари халқнинг фалсафий дунёқараши, урф-одатлари тарихи, этногенетикасини ўрганишда муҳим моддий манба ҳисобланади. Кандакорлик ва каштачилик санъатини қардош халқлар санъати билан қиёсий тадқиқ этиш ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга.

Музейларимизда сақланаётган амалий санъат асарлари илмий тадқиқотлар учун бебаҳо моддий манба эканлиги билан ҳам алоҳида илмий қиммат касб этади. Музейлараро қўшма кўргазмалар кўламини ҳар галгидан ҳам кенгайтириш зарур. Негаки, Бухоро, Хива, Сурхондарёдаги музей захираларида шундай асарлар борки, улар нафақат мамлакатмиздаги марказий музейларда, қўйингки, дунёнинг ҳеч бир музейида учрамайди. Музейлараро қўшма кўргазмаларнинг афзаллик томонларидан бири, аввало, минглаб музей ихлосмандларига қулай имконият яратилишидир. Қолаверса, музей ходимлари ўзаро тажриба алмашадилар ва илмий услубий ёрдам оладилар.

Ўзбекистон Республикаси Маънавият ва маърифат кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Музейлар бошқармаси, Республика “Ўзбекмузей” жамғармаси томонидан ташкил этилган махсус гуруҳ уюштирган “XXI асрда Ўзбекистон музейлари” мавзуидаги Республика семинар-кенгаши қатнашчилари вилоят ва туманлардаги музейлар фаолияти билан танишиб чиқиб, кўплаб фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Музей ишининг яна бир муҳим жиҳати-туризм билан боғлиқ муаммодир. Ҳозир музейларимизда аждодларимиздан қолган, халқнинг фахри ва кўрки бўлган, унинг маърифий ва маънавий даражасини белгиловчи улкан ва улуғвор тарихий меросларимизни дунё миқёсида намойиш этишнинг барча имкониятлари мавжуд. Музей-фақат тарихий мерос, санъат асарларини асраш ва сақлашгагина хизмат қилиб қолмай, тарбиянинг энг таъсирчан, омилкор воситаси ҳамдир. Зеро, буни тарбиянинг ҳеч бир усули билан қиёслаб бўлмайди.

Авлодларимизни узоқ ўтмиш маънавияти ва маданиятидан баҳраманд этиш, уларнинг қалбида Ватанга, шу азиз тупроққа меҳр руҳини сингдиришда музейларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Шундай экан, “Музей кўргазмалариаро саёҳат” номида болаларга мўлжалланган турли адабиётлар салмоғини ошириш ва савиясини кўтариш

лозим. Телевидениеда музейлар ҳақида кўрсатувлар кўламини кенгайтириш, унинг мазмундорлиги ва таъсирчанлигига эришиш ҳам даврнинг муҳим талабидир.

Аждодларимиз томонидан яратилган, давр суронларидан ўтиб, бизгача етиб келган-у ҳатто темирдан ясалган оддийгина игна бўлганда ҳам изсиз-самарасиз йўқолмаслиги, санъат асарлари руҳи бизлар билан доимо ёнма-ён юрмоғи лозим. Бу, энг аввало, ҳар бир музей ходимидан ўз ишига чексиз маъсулият билан ёндашувни талаб қилади.

Илмий жамлаш, фондларни сақлаш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш масалалари катта амалий аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Кўпинча тарихнинг жонли гувоҳлари деб аталадиган далиллар, ўтмишнинг бебаҳо хазиналарини сақлаш музей ашёларининг тўғри илмий ҳисоб-китобларига, уларнинг тўғри таснифланишига, илмий холислик, тарихийлик, замонавий-илмий ёндашувлар нуқтаи назаридан талқин этишга боғлиқ бўлади.

Бу ерда музейларнинг бугунги кундаги фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати ҳақида эслаб ўтиш зарур. Хусусан, Ўзбекистоннинг мустақил суверен, демократик ҳуқуққа эга бўлган давлат сифатида тикланиш ва ривожланиш жараёнида содир бўлаётган улкан тарихий ўзгаришлардан гувоҳлик берувчи тарихий ғалабаларга оид ёдгорликларни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш ҳақида қайғуриш ҳам керак.

Музей фондларини сақлашга турли гуруҳлардаги ҳарорат, намлик тартибини, ҳавони булғатувчи омиллардан ҳимоя қилишни, тўғри ёруғлик тартибини, биологик зараркунандаларга қарши курашни ва ниҳоят музей ашёларини механик зарарланишдан ҳимоя этишни, шу жумладан, фавқулодда ҳолатларда музей фондларини ҳимоя этишни ҳисобга олган ҳолда музей ашёларини сақлаш учун энг самарадор шароит яратишга эътиборни кучайтириш шу куннинг амалий жиҳатдан яна бир муҳим вазифаси ҳисобланади.

Музей экспозицияларини замонавий услубда хал этиш, уларни тубдан яхшилаш, асл маънодаги янги хом-ашёлар, замонавий музей жиҳозлари билан бойитиш музей тармоғи фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Янги экспозицияларни, уларнинг чуқур ўйлаб чиқилган мавзу лойиҳасини, улардаги турли экспозицион ашёларнинг кенг миқёсда уйғунлашувини ишлаб чиқиш зарур. Бунда асосий негизнинг ташкил этилиши, музей ашёлари – экспозицияларга алоҳида эътибор қаратиш керак. Зарур жойларда музей ашёлари ва музейлардан ташқари объектларни, илмий-кўмакчи экспозицион ашёлар, матнлар ва фотошарҳлардан тортиб, экспозициядаги мўлжални енгиллаштирувчи кўрсаткичларгача бўлган ҳамма нарсани қайта тиклаш талаб этилади. Илмий-кўмакчи ашёлардан фойдаланиш замонавий музей ишини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишда катта аҳамият касб этади. Моделлар ва макетлар, фотоёзувлар, хариталар, чизма ва режалар, замонавий техник жиҳозлар, аудио, видиотехника билан уйғунликда томошабиннинг музей экспозицияси ҳақида ҳикоя қилувчи воқеа-ҳодисаларни чуқурроқ, тўлароқ ва ёркинроқ ҳис этишига ёрдам беради.

Жуда катта, қудратли кучга эга бўлган маънавиятни тиклаш, ривожлантиришда, уни кишилар ижтимоий онгига сингдиришда тарихий-маданий ёдгорликлар, музейларнинг роли ва ўрни бениҳоядир. Бу борада айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисидаги 1999 йил 12 январдаги фармони жуда муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Фармонда кўтарилган масалалар ўз аҳамияти, қамрови жиҳатидан жуда муҳим бўлиб, улар Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар, миллатлар ўртасида барқарорликни таъминлашда, айниқса, ўзбек халқининг ўзлигини англашда алоҳида ўрин тутади. Айни пайтда, ушбу ҳужжатда музейлар фаолиятини такомиллаштиришнинг маданий иқтисодий томонлари, мазкур маданий-маърифий муассасаларнинг баркамол авлодни тарбиялашдаги муҳим аҳамияти масалалари ўзининг ёркин ифодасини топган. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ва ўзбек халқи жаҳон ҳамжамиятида ўзининг алоҳида ўрнига эга.

Ҳудудимиздаги тўрт мингдан ортиқ маданий тарихий ёдгорликлар эса бунга гувоҳдир. Ўзбекистонда жаҳон маданиятининг ноёб гавҳарлари кўп бўлган. "ЮНЕСКО" каби нуфузли ташкилот муҳофазасига олинган қадимий Бухоро ва Хива музей шаҳарларининг 2500 йиллиги кенг нишонланди.

Юқорида қайд этганимиздек, Ўзбекистон тарихий обидалар ва табаррук қадамжоларини санаб адоғига етиш қийин бўлган мамлакатдир. Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё тадқиқотлари институтининг ташкил этилишини ҳам Ўзбекистон ва ўзбек халқининг буюк ҳиссаси нуқтаи назаридан баҳолаш мумкин. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон республикаси маданий-тарихий ёдгорликлар фаолиятидаги ўзига хос жиҳатларга маънавияти, хусусан, маданий-маърифий, ахлоқий-мафкуравий қадриятларни тарғиб этишнинг муҳим усулларидан бири сифатида алоҳида эътибор бермоқда.

Музейлар тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва ташвиқ қилиш ишларини амалга оширувчи илмий-маърифий маскан бўлиб, ўзининг экспозицион ва кўргазмалари воситасида ташвиқот ва тарбиявий ишларни амалга оширади.

Мустақиллик йилларида Республикамизнинг турли шаҳарларида, жумладан, пойтахт Тошкентда 1996 йил "Темурийлар тарихи давлат музейи", 2002 йилда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи ҳамда Термизда "Археология музейи" ташкил топди. "Ўзбекистон тарихи Давлат музейи", "Ўзбекистон Давлат Санъат музейи" ва вилоятлардаги қатор музейлар қайта таъмирланди. Ҳозирги кунда республикамизда 1200 дан ортиқ турли йўналишдаги катта-кичик музейлар фаолият кўрсатмоқда.

"Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1998 йил 12 январдаги ПФ-1319-сонли Фармони музейшунослар кўпдан кутган ҳужжат бўлиб, музейшунослик фанининг равнақига кенг йўл очиб берди. Фармонда кўзланган мақсадлардан бири, республикамиздаги барча музейларни ягона бир тизимга бирлаштириш, яъни уларни маънавий бошқарувчи марказий раҳбар орган яратишдан иборат эди. Ўша Фармонга биноан янги ташкил топган "Ўзбекмузей" жамғармаси фаолиятининг биринчи кунлариданоқ ўзининг асосий йўналишларини белгилаб, амалга жорий этиш лозим бўлган вазифаларни аниқлади :

1. Республикамиз музейлари ўз йўналишларига қараб халқимиз бой маданий меросини, унинг тараққиёт босқичларидаги ўрнини ҳаққоний акс эттириб, замон талаблари асосида истиқлол руҳидаги экспозициялар яратилиши зарурлиги ;

2. Асрлар давомида яратилиб, четга чиқиб кетган меросимизни Ватанимизга қайтариш;

3. Музейларни маънавият ўчоғига айлантириб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбига давлатимиз тарихига, қадимда асос солинган аждодларимиз меросига нисбатан ғурур ва фахр туйғусини сингдириш;

4. Музейларимиздаги бой экспонатларни, ютуқларимизни жаҳон жамоатчилигига танитиш мақсадида тарғибот ишларини кучайтириш, вилоятлараро кўргазмалар ташкил этишга кўмаклашиш;

5. Халқаро туризмни ривожлантириб, Ўзбекистон музейларига чет эллик сайёҳларни жалб қилиб, уларга юксак маданий хизмат кўрсатиш;

6. Музейлар фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини тузиш ишларида замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш ҳамда ноёб экспонатлар акс этган откриткалар, буклетлар, йўл кўрсаткичлари, альбомлар, каталоглар чоп этиш;

7. Кадрлар тайёрлаш масаласига жиддий қараш мақсадида олий ўқув юртларига музейшунос олимларни жалб этиб, ўқитиш усулларини такомиллаштириш, ўқув машғулотларини амалий машғулотлар билан узвий боғлаб олиб бориш, республикадаги етакчи музейларда музей ходимларининг малакасини ошириш.

Шу кунларда музейшунос олимларимиз республикамиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш ниятида музейларни ривожлантиришнинг махсус илмий тамойилларини ишлаб чиқдилар. Мутахассислар фикрича, бу борада Ўзбекистон тарихи давлат музейи янги экспозициясининг илмий тамойиллари барча музейлар учун намуна бўла олади. Ҳозир тамойил ва тематик-экспозицион режалар кўпайтирилиб, республикамиздаги барча музейларга тарқатилди.

Кейинги йиллар давомида музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Республика "Ўзбекмузей" жамғармаси 2002 йил 16 майда "XXI асрда Ўзбекистон музейлари" мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Музейларни миллий истиқлол ғоясига асосланиб жиҳозланишнинг аҳволини ўрганиш ва бу борада уларга ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги 2002 йил 11 июндаги 07-105-282-сонли қарори республикамиздаги барча музейларнинг фаолиятини ўрганишга қаратилди.

Мазкур ҳужжатга биноан "Ўзбекмузей" жамғармаси томонидан бир гуруҳ етакчи мутахассис олимларни, музейшуносларни жалб этган ҳолда ишчи гуруҳи тузилди.

Музейлар ўзида маълум бир давр тарихи ва маълум бир экспонат ҳақида аниқ маълумот беришга мўлжалланган табаррук даргоҳдир.

Бухоро музей-қўриқхонасида янги "Очиқ хазина" компьютер маркази Интернет тармоғида ўз сайтини яратиб, музей фондида сақланаётган экспонатлар тизимини дунёнинг барча мамлакатларига етказиб бериш имкониятига эга. Бундай ҳолат, албатта, ушбу музейни жаҳон музейлари билан ҳамкорлигини ўрнатишга хизмат қилади.

Республикадаги барча музей раҳбарлари бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган илмий-услубий йўналишда ишлаб, миллий истиқлол ғоялари руҳида музей ишини янада такомиллаштирса, мавжуд муаммолар аста-секин бартараф бўлади, албатта. Ўзбекистон музейлари кенг халқ оммаси орасида маданият ва маърифат тарқатиш ишида самарали ишларни амалга оширадилар.

## 27. МАВЗУ: МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ.

**РЕЖА:**

1. Интернет тармоғи орқали маълумотлар тўплаш.
2. Ўзбекистон музейлари сайтларини яратиш.
3. Музей материалларини фундаментал тадқиқ этиш.
4. Музей залларида электрон тизимни яратиш.

Фан-техника тараққиёти илғор ютуқларининг бошқа барча соҳалари қатори музей ишига ҳам кириб келиши табиий ҳол бўлибгина қолмасдан, ҳаётий зарурат ҳамдир.

Хусусан, 90-йилларда ҳозирги тушунчамиздаги компьютерлар яратилиши билан музей соҳасида маълумот тизимини шакллантириш, ахборотни тўлақонли етказиш имкониятлари кенгайди. Айниқса, музей мутахассислари компьютерни эгаллаши ва ягона тармоқнинг вужудга келиши музей фондларини ҳужжатлаштиришда кўпгина қулайликларни яратди. Жумладан, экспонатларнинг тасвири рақамли фотокамера орқали бевосита компьютерга киритилмоқда. Уларнинг таҳлили ва бошқа маълумотлар эса илова қилиниб, зарурият туғилганида мутахассислар томонидан қўшимчалар ва тузатишлар киритилади. Бу музей ишида доимий ҳаракатда бўлган каталог ва картотеканинг сифати кескин яхшиланишини таъминлади.

Интернет тармоғининг кириб келиши мазкур жараённи халқаро миқёсда фаоллаштириб юборди. Ҳозир ундаги "Музейлар", "Маданият" бўлимларига кириб дунёнинг хоҳлаган музейи бўйлаб "сайр" қилиш, музейлар ҳақида умумий

маълумотлардан ташқари, фонд экспонатлари, янгиликлар, махсус тадбирлар ва илмий анжуманлар ҳақида, соҳа мутахассис-ходимлар манзили, уларнинг интернетдаги электорон почталари ва бошқа маълумотларни олиш мумкин. АҚШдаги АМИКО консорциуми тарқатган маълумотга қараганда, Интернет тармоғида икки ярим миллиондан ортиқ музей экспонатларининг суратлари акс эттирилган картотека тизими мавжуд.

Ўзбекистон музейлари ҳам интернетда ўзларининг сайтларини яратиш устида иш олиб бормоқдалар. Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонасида музей ходимларини шахсий компьютер техникаси билан таъминлаш масаласи аста-секин ижобий ҳал этилмоқда. Музейда Интернет тармоғига уланиш, сайт яратиш ва маълумотлар базасини барпо этиш устида айрим ишлар амалга оширилади. Илк қадам сифатида, музей фондидаги қўлёзмалар тўпламини электорон лазер дискига кўчириш ишлари бошлаб юборилди. Лекин, аслида республикамиз музейларида бу соҳадаги ишлар анча суст бормоқда.

Маълумки, музейнинг асосий вазифаси йиғиш, сақлаш ва намойиш этишдан иборат. Бугунги кунда музейлар замонавий ахборот технологияларини қўллаш орқали ўзларига тегишли экспонатларнинг сақланишини таъминлашлари мумкин. Чунки, аниқ ҳисобга олиш музей бойликларини бут сақлаш ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқини кафолатлайди.

Ҳозирги кунда тарихчи, санъатшунос, музейшунос тадқиқотчилар ва ижтимоий соҳанинг бошқа вакиллари музей бойликларини тўлақонли илмий ўрганишда айрим муаммоларга дуч келмоқдалар. Аввало, йирик музейларимизда жорий этилган тартиб - қоидалар четдан келган мутахассис-олим ва музей маъмурияти ўртасида аксар ҳолларда келишмовчилик ва баъзан қаршиликларга олиб келмоқда. Амалиётда шундай ҳодисалар кузатилмоқдаки, ўзи хизмат қилаётган илмий муассасанинг расмий йўлланма хати билан мурожаат қилган тадқиқотчига бўлимлардаги картотека билан танишишга рухсат берилади, холос; айрим музейлар эса пулли хизмат турини таклиф қилмоқдалар. Хориж мамлакатларидан келган тадқиқотчиларнинг тижорат нашрлари учун бундай хизмат тури мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Лекин республиканинг илмий муассасаларидаги ходимлар маданий бойликларимизни ҳеч қандай тўсиқсиз ўрганишларига шароит яратилиши лозим. Чунки, биринчидан, уларга бу каби изланишлар учун давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратилмайди. Иккинчидан, бундай тадқиқотлар республикамиз илмий, маънавий-маданий тараққиётини, жумладан, ўша музейлар манфаатини кўзлаб амалга оширилади.

Юқоридаги муаммо сабабли Ўзбекистондаги музейлар фонди экспонатларининг 70 фоизи ўзининг фундаментал тадқиқотини кутиб ётибди. Кутубхоналардаги мавжуд нашрлар эса кўпи билан уларнинг 10 фоизини ёритади, холос.

Ҳолбуки, ҳозирги пайтда дунёда музей иши жуда илгарилаб кетганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Жаҳондаги деярли барча забардаст музейлар интернет тармоғи орқали тинимсиз чиқишлар қилиб, ўз сайтларини мунтазам янги ахборотлар билан тўлдириб боришяпти. Биргина Россия амалиётини кузатадиган бўлсак, у ерда музейлар фаолияти билан шуғулланувчи қатор уюшма ва марказлар фаолият кўрсатмоқда. Интернетда “Музеи России” сервери, “Всероссийский реестр музеев” ва бошқа сайтларда музейлар ҳаётининг ҳамма жиҳатлари батафсил ёритиб борилмоқда. Давлат Тарих музейи (Москва) 1997 йилдан эътиборан экспонатларини Интернет тизими орқали намойиш этиб келяпти. Музейнинг уч мингдан зиёд экспонатлари Умумевропа “Музеум Онлайн” тармоғига киритилган. Давлат Эрмитаж музейи ҳам заҳирасидаги тўрт мингдан ортиқ асарларини шу йўл билан намойиш қилмоқда. Рибинский бадиий музейи ўз соҳасида илғорлик қилиб, 2000 йил 10 мартда Москва шаҳрида 45000 карточкадан иборат электрон сайти тақдимотини ўтказди.

Музейларда электрон тизимининг жорий этилиши унда намойиш қилинадиган сайтларнинг шакли, тартиби, кўринишлари, тузилиши ва соҳанинг бошқа масалаларига бағишлаб қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

Улар орасида АДИТ (Автоматизация деятельности музеев и информационная технология) уюшмаси нодавлат ташкилот ва идоралари билан ҳамкорликда музей соҳасига замонавий коммуникация тармоқларини олиб киришда кўпгина ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, уюшма ҳар йили Россиянинг турли шаҳарларида илмий анжуманлар ўтказиб келмоқда 2001 йил 28 май- 1 июнь кунлари Тула шаҳрида “Музейлар ва ахборот майдони: ахборотлаштириш муаммолари ва маданий мерос” мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда музей мутахассисларидан ташқари, кутубхона, архив университет, электрон нашриёт ва техника билан шуғулланувчи фирмалар, кўплаб хорижий ташкилотларнинг вакиллари ҳамда муаммога алоқадор бошқа соҳаларнинг мутахассислари қатнашадилар.

Анжуман ўз доирасида “АДИТ миссияси – музейи ҳужжатлари бўйича миллий Ассоциация сифатида”, “Информацион менежмент”, “Ҳисобга олиш ва сақлаш фаолиятини маълумотлаш”, “Музейларнинг илмий тадқиқот ва экспозиция-кўргазмалар фаолиятига автоматика тармоқларини олиб кириш”, “Томошабинлар билан ишлашда маълумот тарқатиш” мавзулари бўйича секция мажлислари ўтказилди. Шунингдек, музейлар учун СД-ZОМ электрон нашр ва Интернет-сайтлардан намуналар намойиш этилди.

Ҳозирги кунда бошқа илмий-тадқиқот муассасаларида бўлгани каби, республика музейларида айнан нашр масаласи катта молиявий муаммоларга дуч келмоқда. Европа ва Американинг музей, кутубхона ва архивлари мазкур муаммони яна ўша Интернет тармоғидан кенг фойдаланиш орқали ҳал қилишга интилмоқдалар. Масалан, немис мутахассислари 2001 йил 19-22 июнь кунлари Мюнхенда бўлиб ўтган IV Халқаро “Музей иши, комплектлаштириш, таъмирлаш ва кўргазмалар учун технология” мавзуидаги ихтисослашган кўргазма материалларини махсус сайтда эълон қилишди. Россия музейшунослари “Музеи будуҳего: информационнўе технологии и культурное наследие” номли мақолалар мажмуининг бир қисмини ва бошқа нашрларни Интернет тармоғида ёритдилар. Улардан айримлари рус тилида музейларимизнинг бошқа хорижий тилларни билмайдиган мутахассислари учун қулайлик яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, музейларни қўллаб-қувватлаш республика “Ўзбекмузей” жамғармаси қошида музейлар учун электрон дастурлар яратувчи мутахассислардан иборат махсус марказ ташкил этиш кун тартибидаги долзарб масала, деб ҳисоблаймиз. Чунки, айнан шундай марказ орқали Ўзбекистон музейларида маълумот тарқатиш ва сайтлар яратишнинг ягона тизимини жорий қилиш мумкин. Йирик музейларимиз хорижий сармояларни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар негизида электрон ахборот мажмуини яратишлари мумкин. Лекин бунда музейларда маълумотлар тўплашнинг турлича услуб ва кўринишлари ҳосил бўлиб, айрим чалкашликларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Шуни ҳисобга олган ҳолда республиканинг турли йўналишдаги 80 дан ортиқ музейда сайтлар, ҳисобга олиш ва картотеканинг ягона андозаси тайёрланса, бу кейинчалик республика музей фондининг ягона каталогини нашр қилишда жуда асқотган бўларди.

Хуллас, бошқа маданий муассасалар қаторида музейларимизнинг ҳам электрон нашрлари билан дунё маълумотлар оқимига қўйилишларини табиий ҳол ва замон талаби деб қабул қилмоғимиз лозим. Зеро маълумот тарқатиш билан музей ўзини жамиятда реклама қилиши, томошабинларни кўпайтириши ва ҳорижий ҳамкасблар билан тез ва қулай алоқа ўрнатиши мумкин. Электрон ахборот тарқатиш воситалари тизимини жорий этиш музейларимиз бойлигини кенг омма, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилишда ҳам ўзининг ижобий ролини ўйнайди.

Халқаро Тинчлик йили нишонланган 1986 йилда Самарқанд шаҳрида Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи очилган бўлиб, 1989 йили унга “Халқ музейи” номи

берилди. Ўзига хос ахборот – алоқа маркази вазифасини бажарувчи бу музей кўплаб таълимий дастурлар, халқаро лойиҳалар ва бадиий кўргазмалар ўтказиб туриш билан бирга доимий экспозициясига ҳам эга.

Музей бисотида барча қитъалардан келтирилган йигирма мингдан кўпроқ экспонат-плакатлар, расм, гобелен, байроқ, вимпел, китоб, нишонлар, видеофильм, аудиокассета, компакт-дисклар ва бошқа кўплаб ашёлар мавжуд. Улар орасига Нагасакида атом бомбаси портлаши натижасида эриб кетган уй томи черепицасининг парчаси, Сталинград жанггоҳлари, Освенцим, Хиросимадаги Тинчлик боғи тўпроғи солинган. капсулалар, Берлин девори бўлаги, йўқ қилинган “Першинг-2” Америка ядро ракеталарининг соати, астронавт Р.Фуррернинг “Челленжер” кемасида ўзи билан парвозга олиб чиққан совғаси қўйилган; туғма ногирон бўлган француз рассоми Денис Легрининг гўзаллик ва ҳаётга муҳаббат руҳи билан чизган расмлари ҳайратга солади, экспозицияда болаларнинг ҳам кўплаб тасвирий асарлари қўйилган.

Музей кўпгина халқаро ва миллий (ҳукуматлараро ҳамда нодавлат) ташкилотлар ҳамда барча қитъалардаги пок ниятли инсонлар билан кенг алоқа боғлаган. БМТ, ОБСЕ, Европа Кенгаши, Европа Иттифоқи Комиссияси, ЮНЕСКО, ИКОМ, НАТО, Халқаро ПЕН- клуб, Норвегия Нобель институти, Умумжаҳон Черковлар Кенгаши, Жаҳон Банки, Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг муассасалари музейга ўз нашрларини юбориб туради.

Женевадаги Халкаро тинчлик бюросига ва Жаҳон музейларининг умумжаҳон тармоғига аъзо бўлган музей фондидаги кўргазмалар Кипр, Франция, Голландия, Россия ва бошқа мамлакатларда намойиш қилинди. Унинг фаолияти кўплаб мақолаларда, телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар дастурларида акс эттирилган. Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, Халқаро музейлар кенгаши томонидан Парижда инглиз, француз, испан тилларида нашр этиладиган “ИКОМ Ньюс” журналининг 2000 йилдаги биринчи сони Самарқанддаги Халқаро тинчлик ва бирдамлик музейи фаолиятига бағишланган мақола билан очилган.

Музей фаолият кўрсатаётган даврда унинг муайян иш йўналишлари шаклланади. Бунга машҳур арбоблар, шоирлар, олимлар, мусиқачилар, санъаткорларнинг дастхатли сурат ва шахсий номларини қамраб олувчи “Тинчлик дасхати”, болалар ижодига бағишланган “Дунё ва мамлакатлар болалар нигоҳида” йўналишларини мисол келтириш мумкин. Истиқболда доимий амал қилувчи Болалар расмлари халқаро галерияси, “Уруш ўйин эмас. Ҳарбий ўйинчоқлар ўйнаш нимага керак? Тинчлик мендан бошланади” шиори остида “Тинчлик ва қуролсизланиш болалар фестивали”, Ўзбекистонда хорижлик рассомларнинг табиат фусункорлигини тасвирловчи “Гўзаллик дунёни асрайди” номли экспозицияларини ташкил этиш кўзда тутилган. Бу асарларнинг бир қисми музейнинг доимий экспозициясига киритилган. Келажакда Самарқандда “Гўзаллик дунёни асрайди”, “Дунё жисмоний имкониятлари чекланган болалар нигохида”, “Табассум олами”, “Эсперанто” байналмилал клуби номли бадиий галереяларни вужудга келтириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, музейда “Буюк Ипак йўли” галереяси ташкил этган ҳолда ўз воситалари ёрдамида қадимда шу йўл туфайли юзага келган анъаналарни қайта тиклаш, халқлар орасидаги маданий айирбошлаш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсади кўзда тутилган.

Ўтган давр мобайнида музей МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларида ўзига хос бетакрор музей сифатида истиқболли салоҳиятини кўрсата олди. Бироқ етарли моддий – техникавий шароитлар бўлмаганлиги сабабли унинг жуда катта имкониятлари тўлиқ ишга солинмаяпти. Музейнинг барча ишлари асосан унинг фаолларининг беғараз меҳнати ва дўстлари ёрдамида амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда музей ташаббусларини қўллаб -қуватловчи Музей дўстларининг жамияти ташкил топмоқда.

## 3-БЎЛИМ

# 28. МАВЗУ: ЖАҲОН САНЪАТИ НАМУНАЛАРИ ВА МУЗЕЙЛАРИ ҚАДИМГИ ДУНЁ САНЪАТИ ТАРИХИ ВА МУЗЕЙШУНОСЛИГИ

Санъатнинг жамиятдаги ўрни. Маънавий ва миллий қадриятларни тиклашда санъат асарларининг аҳамияти. Мустақиллик даврида санъатнинг ўзга хос ўрни. И.А.Каримовнинг “Тарихий хотирасих келажак йўқ” асарининг санъат тарихини ўрганишдаги аҳамияти. Санъат жанрларининг жамиятни тушунишдаги ўрни, унинг ўзига хос фалсафий ва матиқий мазмуни. Ёш авлодни тарбиялашда санъатнинг аҳамияти. Санъатнинг реализм услуби. Реализм услубининг тарихийлиги. Санъатнинг қадимий фантастик ва мифологик шакллари, Уйғониш ҳамда XVII-XIX асрларда бу шаклнинг инқирозга учраши.

Санъат турлари: меъморчилик, ҳайкалтарошлик, рассомчилик, графика, декаратив-амалий ва уларнинг бир-бирдан фарқи. Ҳар бир санъат турининг шаклланиш, рифожланиш ва пасайиш даврлари қонунияти, уларнинг жамият тараққиётига қараб ўзгариб туриши. Ҳар бир санъат турининг ўз майдони чегарсидан ва бадиий икониятларидан чиқиши сабаблари.

Меъморчилик иншоотлари ва биноларни қуриш санъати. Интерьер-меъморчиликнинг асосий ядроси. Меъморчилик бадиий образлари ва эстетик идеаллари жамиятнинг маънавий тараққиёт даражасини белгилайди. Меъморчилик типлари: истиқомат қилишга, ижтимоий-фуқаролик ва саноат корхоналарига мўлжалланган иншоотлар, уларнинг меъморий- бадиий ечимидаги талаб ва таклифларидаги фарқлар. Меъморчиликнинг бошқа санъат турлари билан уйғунлашиши тараққиёт мезонини кўрсатади. Мустақиллик даврида меъморчиликнинг тараққиёти. Унда миллий анъаналарнинг тикланиши ва бошқа анъаналар билан уйғунлашиши.

Ҳайкалтарошликда инсон қиёфаси, характери, психологияси ва хис-туйғуларини очиб бериш асосий мавзудир. Ҳайкалтарошлик материаллари ва уларни танлаш. Горельеф, Барельеф, монументал, дастгоҳ ва декоратив ҳайкалтарошлик. Рассомчилик ҳам тасвирий санъат турларидан ҳисобланади. Бунда асосан ранг бўёқлар катта роль ўйнайди. Мўйқалам усталари чизган расмларига турли ранглар бериш орқали воқеъликни таъсирчан ва изоҳларсиз тушунтириб берадилар. Унинг изоҳ ва тушунтиришларга бой адабиётдан фарқи шундаки, оний лаҳзаларда ана шу вазифани бажара олиш мумкин. Баъзи расмларда мураккаб ҳаёт қирралари яққол ифодалаб берилган. Унинг мозаика (деворга рангли тошлар ва  смальта – ойна синиқлари орқали расм солиш) ва фреска (нам ёки қуруқ штукатуркаланган деворга тасвирлар махсус хўл бўёқларда солинади). Тасвирий шакллари ҳам мавжуддир.

“Графика” сўзи- қадимги юнон тилидаги “графо”- ёзаман сўзидан келиб чиққан бўлиб, ёзаман деган маънони англатади.

Санъатнинг ушбу турида асосан оқ ва қора ранглар ишлатилади, баъзан турли ранглар ҳам ишлатилади. Графика қалам, перо, кўмир ва шунга ўхшаш воситалар ёрдамида дарахтга, тошга, металга ва бошқа предметларга ишланади. Графика ҳам дастгоҳ тури қўлланилади. Китоб, газета ва журналга чизиш ҳам гравюра санъатига мансубдир. У этикетка, почта маркалари, шрифтлари ҳам ишланиши мумкин. Графика орқали ишланган плакат ҳам монументал турга мансуб бўлиб, тарғибот- ташвиқот ишларини олиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Декоратив амалий санъат асарларига инсоннинг маиший турмушига зарур бўлган нарса буюмларга ишланган санъат асарлари киради. Масалан, уй, интерьер, жамоат бинолари, кўчалар, майдонлар, боғлардаги санъат даражасида ишланган буюмлар шулар жумласидандир. Мебель, гилам, мато, кийим, ваза, идиш, заргарлик буюлари, сопол, ёғоч буюмларга санъаткорона ишлов бериш декоратив амалий санъат турига киради.

Тасвирий санъат турлари қуйидагичадир: портрет, пейзаж, натюрморт (французча ўлик табиат деган маънони англатади), тарихий ва маиший жанр.

## МАВЗУ: ИБТИДОИЙ ЖАМОА ДАВРИ САНЪАТИ.

Сўнгги палеолит даврида санъатнинг шаклланиши. Қадимги ер ости галереялари, қоятош суратлари. Ориньяк даври Ла Ферраси (Франция) қоясидаги лойга ишланган ибтидоий расмлар. Ҳайвонлар тасвири. Ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва магия.

Палеолит санъатининг энг тараққий этган даври мил.ав. 20-10 минг йилликларга тўғри келади. Бу даврда аниқ ва лўнда тасвирланган асарлар ишланган. Бу даврга оид расмлар Франциянинг Фон де Гом ва Шимолий Испаниянинг Альтамир ғоридан топилган. Конкрет ҳаётий эпизодларни ифодалайдиган композицион суратлар мил.ав. 18 минг йилликка оид бўлиб, Франйиянинг Дордони вилоятидан топилган Ляско қоятош суратидир. Сўнгги палеолитда тош, суяк ва ёғочга расм ишлаш тараққий этган.

Мезолит (12-7 м.й.).

Ибтидоий жамоа даври санъати мезолит даврида янги босқични ўз бошидан кечирган. Музликлар чекингач, инсон томонидан катта кенгликлар эгаллаб олина бошланди, термачилик ва овчилик тараққий этди, ўқ-ёй кашф этилди. Бу давр қоятош суратлари, қизил ёки қора рангда ишланган. Санъат диний тасаввурлар билан уйғунлашган. Асосий мавзу ов манзаралари бўлиб қолса-да бу даврда биринчи марта инсон тасвирланган. Шунингдек, воқеанинг асл моҳияти ҳиссий ва драматик таъсири кўпинча кўп фигурали асарларда очиб борила бошланди. Бундай асарлар Шарқий Испания ва Шимолий Африка ҳудудларидан топилган.

Неолит (мил.ав. 6-4 м.й.).

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва ортиқча маҳсулотларнинг пайдо бўлиши санъатда ҳам катта бурилишларни ясаган. Бу даврда афсунгарликнинг роли ўсди, деҳқончиликнинг афсоналари, пайдо бўлди ва бу санъатда ўз ифодасини топди. Жанубий Европа Ўрта ер денгизи бўйларида неолит даврига оид ҳайкалтарошлик топилган. Унда тош устунларга думалоқ бошли ва қўлли “тош аёллар” тасвирланган. (киклад илоҳалари, мармар, м.а. 3-2 м.й. Афина, Миллий Археологик музей), Ўтирган аёл (Мальта ороли, м.а. 2 м.й., Мальта музейи).

Бронза даврида инсоният томонидан бронза метали кашф боис санъатнинг кўлами ўсди ва унинг янги-янги турлари пайдо бўлди. Хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши том маънода санъат соҳасида ҳам инқилоб ясади. Патриархат қарор топиб Нил, Икки дарё оралиғи Хитойда қадимги цивилизациялар шаклланди. Мегалит-йирик тошлар меъморчиликда кенг ишлатила бошланди. Сигарет шаклидаги йирик тош устунлар (меннерлар, 20 м.гача) дольменлар икки ёки тўртта кесилган тош устунга ва унга горизонтал равишда қўйилган тош тўсинлар меннерлар (вертикал тарзда қўйилган устунлар). Ушбу услубда кенг иштлатилди.

Энг мураккаб меголит қурилишга Жанубий Англияда Солсбери яқинида қурилган Стоунхендж Кромлехи мисол бўла олади.

Темир даврига келиб (м.а. 1 м.й. бошлари) меъмориликнинг янги типи юзага келди (қалъа қурилиши).

Ушбу ўзгаришлар ибтидоий жамоа тузуми инқирозини бошидан кечираётганлигини билдирар эди.

## ҚАДИМГИ ДУНЁ САНЪАТИ ТАРИХИ ВА МУЗЕЙШУНОСЛИГИ

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муносабатларнинг санъатга тасири. Санъат синтези. Афсунгарлик ва диний ақидаларнинг санъатга таъсири. Ҳунармандчилик ва санъатнинг уйғунлашуви. Диний қарашлардаги сифат ўзгаришлари (мифологик образ эмас кучли инсон қиёфасида яратилиши). Қадимги дунё санъатининг асосий мавзулари: худолар, афсонавий қаҳрамонлар, подшоҳлар, умумий меҳнат, ов, меҳмондорчилик (Миср), ҳарбий

тарихий воқеалар (Олд Осиё) ва бошқалар. Олд Осиё санъатида умумхалқ ва Мисрдаги якка шахсни ёритилишига интилиш. қадимги Шарқ ва антик (Юнон) маданияти.

Қадимги Греция ва Рим санъатида фуқаролар, уларнинг эркинликларининг тасвирланиши.

Мисрда мил. авв. 4 йил охири-3 м йил бошларида давлатларнинг пайдо бўлиши ва шу даврда меъморчилик, тасвирий санъатнинг тараққиёти. Қадимги Миср санъатида шахсларнинг илоҳийлаштирилиши. Қадимги Миср санъатининг секин тараққий этиши (темир қонунлар, урф-одатларга сўзсиз амал қилиш).

Қадимги Мисрнинг даврий чегараланиши:

4. Династиягача давр (мил. авв. 4 мингйиллик).
5. Қадимги подшолик (мил. авв. 30-23 асрлар).
6. Ўрта подшолик (мил. авв. 21-18 асрлар).
7. Янги подшолик (мил. авв. 16-11 асрлар).
8. Сўнгги подшолик (мил. авв. 11 асрдан 332 йилгача).

Династиягача бўлган давр. Худоларнинг ҳайвон шаклида аниқ тасвирланиши. Асарлардаги монументал аниқлик. Фиравн Нармер (м. а. 3000 минг йилликка яқин Қохира) юзини кескин тузилиши.

## ҚАДИМГИ ПОДШОЛИК.

Қадимги Миср подшолигининг гуллаб яшнаши (м. а. 3 м .й.). Фиравнлар ва қуллар. Фиравнларнинг илоҳийлаштирилиши. Қуёш худоси Ра ва фиравнлар. Меъморчилик. Пирамидалар. Саккорададаги Жосернинг зинасимон перамидаси (меъмор Имхотеб). Хуфу (Хеопс), Хафра (Хефрен), Гизадаги Менкаура пирамидаси. Хеопс перамидаси (меъмор Хемиун, 147 м, эни 233 м. 2,5 дан 30 тоннагача 2 млн, 300 минг тошдан қурилган). Гизадаги Сфинкс.

Ҳайкалтарошлик. Мирза Кам ( мил. авв. 3 мингйиллик ўрталари. Париж, Лувр), Каапер статуяси. Меъмор Нефермаатнинг Лидуидаги чизгилари (мил. авв. 27 аср, Қоҳира. Миср музейи). Ўрта подшолик. Ўзаро урушларнинг Миср подшолигини заифлаштирилиши. (мил. авв. 23 аср). Мисрни бирлаштириш учун кураш (мил авв. 21 йилдан). Ментухотеп I нинг Дейр-ул-Бахардаги (мил. авв. 21 аср).

Ҳайкалтарошликда индивидуал инсонни тасвирлашга интилиш. XII династия фиравнлари эҳромларда худолар тимсолида ўрнатилган. Сенусерт III боши портрети. Мисрдаги Сенби (мил. авв. 20 аср) суратидаги ов папирус йиғиш, ҳунармандчилик ишлари тасвирлари. Хнупхотеп II нинг Бени Ҳасандаги хилхонасидаги тасвирлар.

Янги подшолик даврида (мил авв. XVI-XI асрлар). Гигсослар ва уларнинг 16 асрда Мисрдан қувиб чиқарилиши. Карпак (меъмор-Инени) ва Луксордаги (меъмор-кичик Аменхотеп) Амон худосига атаб қурилган эҳромлар ва уларнинг тош шаҳар комплексларини ташкил этиши.

Малика Хатшепсут (мил. авв. 15 аср бошлари)нинг Фивадаги хилхона эҳроми. Ундаги тасвирий санъат асарлари. Амарна. Эҳнатон ислоҳотларининг санъатга таъсири. Эҳнатон ва унинг аёли Нифертити портрет ҳайкаллари. Ҳайкалтарош Тутлиснинг Эхнатон ҳайкали (14 асрнинг 1-чораги).

Нифертити портрети. Янги подшоҳликнинг 2-ярмидаги кенг кўламли қурилишлар (Миср, Нубия). Кармандаги қадимги дунёнинг энг йирик зали қурилиш (134 калоннали).

Абу Симбелдаги Рамзес Iнинг йирик эҳроми ва бошқа йирик қурилишлар. Сўнгги подшолик. Саис фравнлари томонидан (м. авв. 7 аср). Қадимги Мисрни бирлаштирилиши ва ўзига хос дағал шаклларнинг яратилиши.

Олд Осиё Иккидарё оралиғи маданияти. Шумер, Аккад, Бобил, Финикия, Оссурия, Хетт, Урарту ва бошқа давлатлар.

Олд Осиёда ҳам Мисрдаги каби монументал меъморчиликнинг катта роли.

Думалоқ ҳайкалтарошлик, релъеф, майда пластика, заргарлик санъатининг кенг тарқалиши. Урикдаги Оқ эҳром (4 минг йиллик охири). Шумер саройлари. Урук илоҳаси бош ҳайкали. Нарам-Син спелласи. Ур хилхонасидан топилган бадиий ҳунармандчилик буюмлари. Оссурия "Дур-Шаррукин"даги Саргон II саройи. Ашшурбонипалнинг (669-635) Ниневиядаги саройи.

Янги Бобил санъати. Декоротив ҳунармандчиликнинг янги Бобил меъморчилиги билан узвий боғланиши. Навуходоносор II даврида Бобил санъати. Бобилдаги 90 метрли зиккурат (Вавилонская Башня). Бобил осма боғлари. Эгей санъати. Шарқ ва Юнон маданиятини боғлаб турувчи Эгей маданиятининг шаклланиши. (Крит, Микена ва Тиринф, Троя), м.а. 2 м.й. гуркираган даври. Троя. Приама хазинаси (олтин ва кумуш буюмлар). Крит (м.а. 3-2 м.й., афсонавий шоҳ Минос). Кносс, Фест ва бошқалар. Кносс саройи (16 минг кв.м., лабиринт). Рассомчилик. Парижлик аёл, Аёллар кабутар билан). Тиринф. Микена. Акрополь. Дарвозалар. Микенадаги шер дарвозалар (м.а. 14-13 асрлар).

Қадимги Юнонистон санъатида демократизмга интилиш. Унинг қадимги диний афсоналар билан боғлиқ ҳолда ривожланиши. Улардаги фалсафа ва фан. Қадимги юнонликларнинг қаҳрамонликларга интилишлари. Қадимги Юнонистон мифологиясида худоларнинг инсон образида тасвирланиши (Аполлон, Афина ва бошқалар).

Қадимги юнон санъатининг тараққиёт босқичлари:

1. Гомер даври (м.а. 11-8 аср)
2. Архаика (м.а. 7-6 асрлар)
3. Классика (м.а. 5-4 асрлар)
   А) илк классика (м.а. 490-450 йиллар)

   Б) ривожланган классика (м.а. 450-410 йиллар)

   В) сўнгги классика (м.а. 5-4 асрлар)

## РИМ САНЪАТИ.

Эллин давлатларининг инқирози ва қадимги Рим санъатининг етакчи мавқеи. Қадимги Рим санъатининг шаклланиши (республика даври, м.а. 5 охирива 1 аср охирлари). Гуллаган даври (м.а. 1 аср охири ва милоднинг 5 асри). Қадимги Рим санъатининг қадимги юнон маданиятидан фарқи. Юнон санъатидаги озодликка интилиш ва рим санъатида унинг бўғилиши. Қадимги Рим санъатида меъморчиликнинг етакчи мавқеи. Республикадаги форум. Романизм. Амфитеатр, Терм. триумфал арклар ва бошқалар. Рим меъморчилиги Византия ва Европа меъморчилигининг асосий пойдевори.

Рим республикаси (м.а. 6 аср охири ва 1 аср охирлари). М.а. 2 асрда Римнинг кучайиши. Унинг мудофаа деворлари Капитолия, Палатин ва Квиринал тепалигидаги меъморий иншоотлар. Аппиева йўлининг қурилиши (м.а. 4-3 асрлар). Кўприклар. Рим санъатига юнон санъатининг таъсири. Рим эҳромлари ва декоратив суратлари. Ҳайкалтарошлик "Капитолия она бўриси" -Рим символи. Портрет. "Брут" портрети ва бошқа портретлар..

Рим империяси даври (м.а. 1 аср охиридан милоднинг 476 йилигача). Аристократик Рим республикасининг м.а. ! аср охирида империяга айланиши. Римнинг олтин асри (Август даври м.а. 7 йилдан- милоднинг 14 йилигача).

## 29-МАВЗУ: ЎРТА АСРЛАР САНЪАТИ

Ўрта асрлар санъати Европада Буюк Константин подшолик қилган даврдан (IV аср) бошланади. Унинг дастлабки инқирози XIII-XIV асрлардаги Италияда шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши билан тезлашди. Европадаги айрим мамлакатларда феодализм кечроқ бошланган.

Ўрта аср санъати ўз характери жиҳатидан оммавий санъат бўлиб, унинг яратувчиси халқдир. Гап шундаки, ўрта асрларда санъат кенг халқ оммасига қаратилди, мутлақ ҳуқуқсиз қулга нисбатан ўрта аср қарам деҳқони ўзи ишлаб чиқарган махсулотнинг қайсидир қисмини ўзида қолдириш ҳуқуқига эга эди. Тенглик тушунчаси шу туфайли санъатда баралла ифодалана бошланди. Натижада ўрта аср деҳқонлари ягона жамоа, шаҳарларда эса шаҳар коммуноси атрофида бирлашиб, феодалларга қарши чиқа бошладилар. Бу эса капиталистик тузумнинг элементларини шакллантира бошлади.

Бу даврда маданиятнинг кенг омма орасига сингиш даври бошланди. Омма ҳам шу маданиятни яратувчи кучга айланди. Шу даврдан бошлаб миллий, ўзига хос санъат шакллана бошланди. Халқ санъати, амалий декоратив санъат ривожланди, санъатда синтез масалалари ҳам равнақ топа борди, бироқ санъатда диний ғоя бош мавзу бўлиб қолаверди. Нафосат, гўзалликни яратувчи достонлар, халқ фантазияси билан яратилган эртак ва достонларда, тасвир ва ҳайкалларда инсоннинг олийжаноблик, инсонийлик, маънавий поклик тўғрисидаги тушунчалари, ўй-ҳаёллари, орзу-истаклари ўз ифодасини топган.

Ўрта аср санъатида бадиий тил муҳим ўрин тутган. Баъзан жисмоний гўзалликка эмас, инсон фалсафаси, дунёқараши ва характери очиб берила бошланди. Перспектив тасвир ўрнини шартли, декоротив пландаги композициялар эгаллайди. Жисмоний гўзал, маънавий баркамол инсон образи (антика классикаси идеали) изтироб чекаётган, жисмоний заиф, табиат олдида ожиз инсон қиёфаси билан алмашилди.

Антиканинг шакл реализми борасида эришган ютуқлари ўрнига, эндиликда мазаика реализми-инсон ҳис-туйғуларини ифодалаш реализми билан алмашди. Бунда ўрта аср санъатининг ҳам ютуғи, ҳам чекиниши сезилади. Ўрта асрлар рассоми биринчи бўлиб, оналик меҳрининг, табиатининг мураккаб ва зиддиятли кўринишини таъсирли ифода эта олди.

Ўрта асрлар монументал меъморчилик санъати даврнинг диний, фалсафий қарашларини акс эттирибгина қолмай, инсон ақл заковатининг қудратини улуғлайди.

Бу даврда қурилган Европадаги ибодатхоналар, мусулмон шарқидаги ҳашаматли мачитлар, буддизм ёдгорликлари ўрта аср тафаккурининг маҳсули, инсоният тарихининг ҳайкали сифатида ҳанузгача кишилар қалбини тўлқинлантиради.

### ВИЗАНТИЯ.

Византия Шарқий Рим империясида 395 йилда вужудга келган давлатдир. У 1453 йилгача ҳукм сурди. Варварлар ҳужумидан бир мунча четда бўлган бу давлат узоқ вақт антик ҳаёт ва маданият анъаналарини сақлаган ҳолда янги феодал тузумга қадам қўйди. Бу ерда антик санъат улуғланди, эъзозланди, шунингдек у янги тизим христиан ва феодализм ғояси билан бойитилди.

Византия санъатида идеал образга бўлган муносабат сақлаб қолинди. Инсон қиёфаси христиан худоси ва авлиёлар образида ўз ифодасини топди. Византияда илоҳий куч Исо образи мавҳум шахс эмас, балки реал инсон қиёфасида тасаввур қилишади. Шунинг учун ҳам у антик дунё билан боғланади. Византиялик рассом учун ташқи қиёфа эмас, балки ички ҳис-туйғу, маънавий-аҳлоқий мазмун етакчи ўринни эгаллайди. Исо образида шу ички мазмунни очиш унинг асосий мақсадини белгилайди.

Византия санъатининг ўзига хос томонлари IV асрда унинг майдонига христиан динининг кириб кела бошлаган давридан шакллана борди. Бу хусусият Византиянинг

дастлабки гуллаган даври VI-VII асрларда яққол намоён бўлди. Константинополь бу даврда катта Византия империясининг фақат сиёсий маркази эмас, балки маданият ўчоғига ҳам айланди. “Иккинчи Рим”деб ном олган бу шаҳарда монументал қурилиш санъати ривожланди. Бу ерда ҳашаматли монастир ва ибодатхоналар ансамбли қурилиб уларда антик дунёнинг қурилиш анъаналари сақланиб қолган. (антик марказий гумбазли ва чўзиқ базилика типидаги ибодатхоналар).

Бу бинолар ички интерьрининг фазовий кенглиги христиан ибодати талабида ечилган. Интерьер учун қимматбаҳо материаллардан сержило мармар, олтин ва бошқалар ишлатилган.

Нур ва соянинг хона ичидаги мослиги унга алоҳида сирли ва сеҳрли куч бахш этган. Илк Византия ибодатхонасининг наъмунаси-Равеннадаги уч нефли Сант-Аполлинаре Нуово базиликасида шу хусусият ўз ифодасини топган. Чўзиқ базилика типида ишланган бу ибодатхонанинг марказий кенг нефи тепадаги дарчадан тушаётган нурлар ҳисобига янада тантанаворлик кашф этади. Ён нефлар устунларнинг ритмини янада оширади. Асосий диққатни диний маросимлар ўтадиган майдонга йўналтиради.

Равеннадаги марказий қуббали Сан Витале черкови (521-547) нинг ички қисми девор ва поллари рангга бой мозаика билан безатилган, рангли мармар билан пардозланган.

Византия меъморчилиги услуби грек ва рим меъморчилиги традицияларининг уйғунлашишишидан вужудга келган. Жумладан, Константинопольдаги София ибодатхонаси ўз конструктив тузилиши жиҳатидан Пантеон ибодатхонаси конструкциясига ўхшаб кетади, лекин бу ўхшашлик бир мунча яширилган ҳолда талқин этилиши билан характерланади.

Византияликлар грек-рим арк-гумбаз тизимидан ҳам ўз мақсадларини ифодалаш учун фойдаланганлар. Византия меъморчилигида хона кенглигига алоҳида эътибор берилишини таъкидлаш лозим. Интерьер фазоси актив, таъсирчан, ҳаяжонли хона ичининг кенглиги чексиз ва улуғвор бўлиб, тус олиши, серҳашамлиги билан кишига психологик таъсир ўтказишга қаратилган.

Византия санъатида ранг тасвир етакчи ўринни эгаллайди. Бу ерда ҳайкалтарошлик биринчи бор ўзининг етакчилигини йўқотади. Шу ердан антик мавзудан янги христиан мавзусига ўтиш амалга оширила бошланди. Исо образининг иконографик тасвири, апостоллар, Биби Марьям ва авлиёлар тасвири иконографияси яратилиб, бошқа ерларга тарқатилди.

Византия ранг тасвирининг ёрқин наъмунаси XII аср биринчи ярмида константинополллик уста томонидан ишланган “Владимир Биби Марьям” иконаси ҳисобланади.

Византия санъати ва маданияти жаҳон санъати ва маданияти жаҳон халқлари санъати ва маданиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

## ҒАРБИЙ ЕВРОПА.

“Варварлар” ва антик санъат анъаналарининг ўзаро таъсирида Европа ўрта аср санъати бошланди. Варварлар қулдорлик тузумини ўз бошидан кечирмаганлар. Шу туфайли улар санъатида ибтидоий тузумга хос фольклор тушунчалар, тасаввурлар мавжуд эди. улар Рим империясини истило этиб, янги муносабатларга дуч келди ва Рим христиан дини таъсирида қолди. Ғарбий Европа ўрта аср санъати ўзида ижтимоий тузум ўзгаришларини ифодалади. Варварлар санъатининг кўп анъаналарини қабул қилди.

Византия санъати ўз характери жиҳатидан бир мунча аристократик хусусиятга эга эди. византиялик санъаткор ўз идеалини ҳар нарсага қодир, гармоник ривожланган, ҳукмдор Исо образида кўрса, варварлар эса Исони оддий дурадгор ўғли, душманлар томонидан бутга михланган ва оғир азоб-уқубатга дучор бўлган образ қиёфасида тасаввур қилади. Биби Марьям коинот онаси, мағрур аёл эмас, балки инсонлар ғамида яшайдиган, қайғурадиган инсон қиёфасида гавдаланади.

Византия санъати ўз характери жиҳатидан образ баркамоллигига интилса, аксинча варварлар эса, баъзан мажруҳ, майиб, жисмоний хунук образларни тасвирлашдан ҳам чўчимайди. Бу билан варварлар санъаткори санъатнинг эстетик имкониятларини янада кенгайтиради.

Ғарбий Европа санъаткори традицияларга қарама-қарши ҳолда жисмонан кам ривожланган, баъзида мажруҳ хўрланган инсон образларида ҳам маънавий олийжанобликни кўра олади.

V асрдан XIII асргача Ғарбий Европада варварлар санъатининг анъаналари муҳим ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам бу давр варварлар санъати даври деб аталади.

Варварлар меъморчилигига оид ёдгорликлар кам сақланган. Улар асосан ёғочдан ўймакорлик усулида ишланган эди.

қурилишда тош ва ғиштлардан ҳам фойдаланишга ўтилади. Шундай дастлабки ёдгорлик Равеннадаги қирол Теодорих мақбараси эди. 526-530 йилларда қурилган бу мақбара қўполроқ кўринсада, аммо соддалиги, салобати ва вазминлиги билан яхши таассурот қолдиради.

Варвар маданиятида хатто одам тасвири ҳам нақш элементи сифатида намоён бўлади. Нидерландияда Европа миниатюра мактаби ривожланган. Ўймакорлик ва амалий безак санъати Скандинавияда равнақ топган. Карл Буюк асос солган каролинглар династиясини гуллаган даври IX асрнинг биринчи ярми ва ўрталарига тўғри келади ва бу санъат “каролинглар санъати” деб аталади.

## 30-МАВЗУ: УЙҒОНИШ ДАВРИ САНЪАТИ.

Ўз тараққиётини XV-XVI асрларда кечирган бу янги маданият тарихда “уйғониш” даври деб ном олди. Бу иборани италиялик рассом ва санъатшунос Жорж Вазори Италияда санъат узоқ ўрта асрдан сўнг яна қайтадан “уйғонганлиги” сабабли ишлатган ва асосан, Жотто ижодига нисбатан қўлланган эди.

Уйғониш даври маданияти ва санъати ўз характерини Италияда тўлиқ намоён этиб, қатор тараққиёт босқичларини бошидан кечирди:

1. Уйғониш арафаси даври- проторенессанс (XIII-XIX асрлар).
2. Илк уйғониш даври- кватраченто (XV аср).
3. Юқори уйғониш даври- (XV асрнинг 90-йиллари XVI асрнинг 20-30 йиллари).
4. Сўнгги уйғониш даври (XVI асрнинг иккинчи ярми). (Сўнгги уйғониш даврида гуманистик санъат билан бирга, тушкун, инқирозий манъеризм оқими ҳам мавжуд бўлди).

Уйғониш даври тараққиёти ҳамма мамлакатларда бир хил бўлмади. Масалан, Германия сўнгги Уйғониш, Нидерландия эса юқори Уйғониш даври тараққиётини бошидан кечирмаган. Уйғониш даври кишилари инсоннинг ақл-идрокига, имкониятининг чексизлигига, маърифатнинг келажакдаги тантанасига ишондилар. Ўз изланишларининг марказига эса шу инсонни қўйдилар. Натижада улар чин маънода халқчил асарлар ярата олдилар, кенг халқ оммасининг орзу-идрок, ҳис-туйғуларини ифодаларб, илғор гуманистик ғояларини кўтариб чиқдилар. Шу боисдан ҳам бу давр “гуманизм асри” (лот. инсонпарвар) деб аталади.

Уйғониш даври маданияти антик дунё маданиятидан таъсирланди. Унинг ёдгорликларини қунт билан ўрганди (антик дунё ёдгорликларининг Италияда мўллиги бунга қўл келди). Лекин бу давр ижодкорлари унинг қулига айланмадилар. Аксинча, ундан ўз фикр, туйғу тушунчаларини таърифлашда фойдаландилар. Аниқ воқеиликка, гўзалликка қизиқиш давр тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ҳаёт аниқ ҳодиса деб тан олинди. Санъаткорлар воъқеликни аниқ тасвирлашда янги қонун- қоидаларни излай бошладилар.

Проторенессанс-Италиянинг Шарқ ва Ғарб орасидаги муҳим савдо йўлида жойлашиши унда капиталистик муносабтларнинг жуда эрта шаклланишига олиб келди. Савдо-сотиқнинг ривожланиши, ўзга юртлар билан алоқасининг интенсивлиги ҳунармандчиликнинг ривожланишига замин яратди. Феодал муносабатларнинг заифлиги эса бу ерда янги сиёсий тартибни –шаҳар республика тартибининг пайдо бўлишига ва Италиянинг Европада биринчи бўлиб капиталистик мамлакатга айланишига имкон берди. Ижтимоий ҳаётда содир бўлган бу хусусият санъат ва маданиятда ўз ифодасини топди. Бу ўзгариш савдо ва ишлаб чиқариш ривожланган Ўрта Италияда жойлашган Флоренция, Пиза, Сиенада ҳамда Шимолий қисмидаги Генуя, Милан, айниқса, савдогар ва банкирлар республикаси бўлган Венецияда жуда сезиларли бўлди.

Уйғониш даври санъаткорлар учун инсон ва уни ўраб олган муҳитнинг чексиз имкониятлари ва қизғин эҳтиросларини атрофлича акс эттириш муҳим ўрин тутади. Инсон ҳис-туйғулари янги шароитда ўрта аср зоҳидлик ҳаётига қарши кучли исён кўтаради. Уларнинг турмуш қувончлари аниқ талқин этилади. Ижобий қаҳрамонлари характерли беқиёс жасорат ва мардлик мужассамлашади. Шахс эркини ҳимоя қилган гуманистлар ўз куч-қувватига, ҳақ ишнинг тантана қилишига ишонган, адолат учун курашувчи, қалби пок, олижаноб образларни яратиш орқали Уйғониш даврининг ҳаётбахш руҳини акс эттирдилар. Тасвирий санъатда бу хусусият дастлаб Никола Пизано, рассомликда Чимабуэ (1250-1350), Дуччо ди Буонинсенья (1255-1319)лар ижодида кўрина бошлади.

Италия ҳайкалтарошлигининг ривожланишида муҳим роль ўйнади, унинг таъсирида қатор санъаткорлар камол топди. Шулар орасида Арнольфо ди Камбио, Жованни Пизано машҳурдир.

Уйғониш даврининг йирик рассоми, проторенессанс рангтасвир санъатининг буюк ислоҳотчиси Чимабуэнинг шогирди Жотто ди Бондоне (1266-1337) ҳисобланади. Жотто ўз ижоди билан Уйғониш даври реалистик рангтасвирининг асосий йўналишини бошлаб берди.

Францияда Уйғониш ҳаракати XV аср ўрталаридан бошлаб, готика меросининг аниқлик томонларини ривожлантириш билан бирга, аста-секин Италия ренессанси ўзлаштириш ва татбиқ этиш билан бирга намоён бўлди.

## XVII АСР САНЪАТИ.

XVII асрнинг ўзига хос хусусияти шунда эдики, унда янги даврнинг миллий маданияти пайдо бўлди. Бу даврда Италия, Фландрия, Испания, Голландия мамлакатларининг ҳар бирида бадиий санъат удумлари ўзига хос бадиий санъат, бадиий мактабларида локализация жараёни тугатилди. Бу эса санъат тарихида XVII асрда янги босқичнинг вужудга келишига замин яратди. Миллий, ўзига хослик умумий кўринишда ўзгармади, балки айрим тарафларигина ўзгарди. Уйғониш даврида кўпгина анъаналарни ривожлантирган ҳолда XVII аср рассомлари ўзларининг қизиқиш доираларини кенгайтирдилар ва санъат диапозонини чуқурроқ билишга интилди. Уйғониш даври билан солиштирганда XVII асрда бадиий шаклларнинг кўринишида мураккаблик ва қарама-

қаршиликни кўришимиз мумкин. Дунёни бутунлигича шоирона идрок этиш, Уйғониш даврига хос, инсон образи рассомнинг эътибори марказида сақланиб қолади.

XVII аср файласуфлари дунёвий қарашлари ва илмий назарияда намоён бўлади. Россомларнинг асарларида борлиқнинг тўла вачуқур идрок этилши номоён бўлади.

Шундай қилиб санъат синтези ҳақида янги тушунча пайдо бўлади. Санъатнинг алоҳида турлари асар туридек бир-бири билан бирлашишга интилади. Ҳайкалтарошлик динамикани бўлиб, у боғдорчилик ҳудудида ва архитектурага кириб келди. Манзаралар рассомчилик архитектурасидаги ҳудудий кўриниш эффектларини тўлдиради. Ҳақиқатни кенгроқ кўрсатишга интилиш XVII асрда жанрнинг турлича шаклланишига олиб келди. Тасвирий санъатда миллий мифологик ва библиявий жанрлар билан биргаликда маиший жанр пейзаж, портрет, натюрморт мустақил ўрин эгаллай бошлади. Социал кучларнинг мураккаб муносабатлари ва курашларида турли бадиий фикрлар оқими юзага келди. Тарихий даврларда бўлиб ўтган санъатнинг бир хил рамкада, бир хил усулда ривожланишдан фарқли ўлароқ XVII аср 2 та катта усул барокко ва классизм билан характерланиб, унинг элементлари санъат сентизмининг янгича тушунчасда ва архитектурасида ёрқин намоён бўлади. Барокко санъати ҳаракатдаги ҳаётнинг моҳияти ва ўзгарувчан, тасодифий, стихияли кучларнинг курашини очиб беради. Барокко санъатининг сўнгги кўринишлари истилосига дуч келиб томошабин ва ҳиссиётига драмматик диққатининг кучаяшига, шахснинг экспрециясига таъсир қилади. Воқеалар улкан планда талқин этилиб рассомлар азобланиш, қаҳрамонлик приуморлар жараёнини тасвирлашни афзал кўрадилар. Классизм санъатининг асосида рационал бошланиш ётади. Классизм луқмон назарияда йўлга қўйиш, яхши тушуниш, уйғунлик, чиройли, гўзал кўринади. Классизм қаҳрамонлари ўз ҳиссиётларини ақл билан бошқара оладиган, вазмин ва буюкдир. Классизм назарияси жанрнинг юқори ва қуйи қимларга бўлинишга асосланган. Классицизм санъатида бутунликнинг барча қисмларини қўшилиши аммо мустақил мазмунларини сақлаб қолиш йўли билан бирлик юзага келади. Барокко ва классицизм учун умумлашган етилиш характерлидир. Лекин барокко усталари мураккаб ва кенг динамикли массларга интилади. Гоҳида бу катта усулларнинг белгилари биринчи давлат санъатида, биринчи рассом асарида бирлашиб, ҳамда қарама-қаршиликни юзага келтиради.

Барокко классицизм билан биргаликда тасвирий санъатда ҳаётни реал акс эттирувчи, усул элементларидан холи йўналиш, Ғарбий Европа санъати эволюциясида аҳамиятга молик реалистик йўналиш юзага келди. Унинг юзага келиши худди турли миллий мактабларидек XVII аср баъзи усталари яъни буюк реалистлар Караводжо Велоске, Рембранд, Хальс Вермер Дельфстскийдек турли ва ёрқиндир. XVII аср санъатида юқори ижодий натижаларга эришган. Миллий мактаблар биринчи ўринга чиқди. Италия, испания, фландрия, Голландия, Франция тезда эътиборли бадиий марказга айланди. Бошқа Европа мамлакатлари Англия, Германия, Австрия, Чехия, Польша, Дания бадиий маданияти тарихий анъаналаридаги боғлиқлик ва маҳаллий хусусиятлари сақланиб қолган.

## XVIII АСР САНЪАТИ.

XVIII аср Ғарбий Европада феодалимзмдан капитализмга ўтиш даврининг сўнгги босқичидир. Аср ўртасида капитал тўплаш якунланди, революцион ҳолат етилиб бормоқда эди. кейинчалик бу нарса ривожланган капитализмнинг ҳукмронлигига олиб келди. Аср давомида арча давлат ва жамият қонунларининг барбод бўлиши, эски жамиятни баҳолаш тушунчаларининг ўзгариши кузатилади. Ривожланган жамоатчилик пайдо бўлди, матбуот пайдо бўлди, инсонни феодал-диний дунёқараш кишанларидан озод қилиш кураши бошланди.

Тасвирий санъатда ҳаётни реалистик тасвирлашнинг аҳамияти ортиб борарди. Санъатнинг кўлами кенгайди, бу озодликни ғояларини акс эттирувчи қуролга айлана бошлади, феодал тузумигина эмас балки энди пайдо бўлаётган буржуа жамиятининг ҳам иллатларини фош этарди. Санъат янги идел, ҳеч нарсадан қисилмаган инсон шахсини олдинга чиқарди. Санъат умуммиллий бўлў бошлади, у фақат нозик дидли санъат иҳлосмандларига эмас, кенг демократик жамиятга мурожаат қилди. Ғарбий Европа ғоявий ва социал ривожланиши XVIII асрда ҳар хил давлатларда ҳар хил кечарди. Агарда Англиядаги XVIII асрнинг ўртасида бўлиб ўтган саноат тўнтариши буржуазия ва дворянларни бирлаштирган бўлса, Франция феодал тузумга қарши ҳаракат буржуа инқилобини тайёрлаётган эди. барча давлатлар учун умумий бўлган ҳолат-бу феодализмнинг инқирозга учраши, унинг ғоялари инқирози, кенг ҳаракат пайдо бўлиши.

XVIII аср-ақл асри, файласуфлар, иқтисодчилар асри. География, археология, тарих, материалистик фалсафа ривожланди. Илмий билимлар санъат учун ҳам пойдевор яратдилар. Санъатнинг мақсади табиатга тақлид қилиш, деб Дидро, Поп эълон қилишди. Улар ҳис-туйғунинг ҳаётда ва санъатда катта аҳамиятга эга эканини, ҳис инсоннинг табиий, асл қиёфасини қайта бунёд этишга қодир эканини таъкидлашди. (Дэфо, Руссо, Мерсье).

Руссонинг “Инсон фақат ўзининг ҳис-туйғулари билан буюк” деган сўзлари XVIII аср жамият ҳаётини ифодалайди. Шу даврда нозик, чуқур психологик анализ-реалистик портрет, лирик пейзаж, лирик романларнинг пайдо бўлиши билан бирга, музика соҳасида ҳам энг юқори ифодасини топади (Бах, Моцарт, Гайди, Гандель). Адабиёт ва театр, графика ва тасвирий санъат асарларининг XVIII аср қаҳрамонлари бир тарафдан оддий кишилар, ҳеч қандай мансаб ёки бойликдан талтайиб кетмаган, кичик Бах билан қаноат қиладиган инсонлар бўлса, иккинчи тарафдан, диққат марказида-интеллектуал, ривожланган инсон, унинг индивидуал психологиясининг анализи, руҳий ҳолатларининг турли қарама-қаршиликлари анализи туради. XVIII аср бадиий жанрларининг ҳаммасига фикрнинг нозиклиги, ўткир кузатувчанлик хосдир. Архитектурада ҳам янги муаммолар таклиф қилинди. Черков қурилишлари аҳамияти камайди, содда, янгиланган архитектуранинг ўрни ошди. Баъзи мамлакатларда (Франция, Россия, Германия) келажак шаҳарларининг режалари тузила бошлади. Хусусий уйлар, жамоат биноларининг архитектуралари пайдо бўла бошлади. Аввалги монументал тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликнинг архитектура билан бўлган боғлиқлиги бузилди.

XVIII аср санъати икки босқични ўтади. Биринчи, 1740-1760 йилгача давом этди. Бу санъат нозик бўлиб, ҳис ва кайфиятни таҳлил қилади. Иккинчи босқич ғоявий қарама-қаршиликлар билан буржуазиянинг сиёсий фаоллиги билан боғлиқ. 1760-1770 й. Франциядаги қирол академияси Рококо санъатига қарши чиқди. Табиий соддаликни Рококо санъатига қарши қўйган классицизм пайдо бўлди. Классицизм билан бир қаторда реалистик йўналиш яшашни давом эттирарди.

## 31-МАВЗУ: ҒАРБИЙ ЕВРОПА ВА АМЕРИКАНИНГ 1917-ЙИЛДАН КЕЙИНГИ САНЪАТИ.

1917 йилги жаҳон сиёсий саҳнасида рўй берган ўзгаришлар санъат соҳасига ҳам катта таъсир кўрсатди ва санъат ҳам жаҳон ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини янада мукаммаллаштиришга, гўзаллаштиришга хизмат қилди.

Европа рассмларининг ижоди 1920-йилларда айниқса кеийнги ўн йилликларда янада юқорироқ поғонога кўтарилди.

Оғир изланиш ва иккиланишлар даврига ўтиш даврида Европанинг кўплаб маданият арбоблари ҳаётга оптимистик ишонч билан қарадилар (А.Барбюс, А.Франс, Р.Роллан, Ф.Мазарель).

Амалий ривожланиш босқичида фақатгина анархик-индивидуалистик оқими эмас, балки фашистлар диктатураси тарафдорлари ҳам турли оқимларни ташкил этди (Италия ва Германияда 1920-1930-йиллар).

Рассомлар, санъаткорлар ўша давр расмий қоидаларигга аксарият ҳолларда амал қилишган. Бу эса уларнинг хавфсизлигини таъминлаган. Расмий санъатнинг устунлиги айниқса, 1930-1950-йилларда сақланиб қолди. Босиб олинган давлатларнинг қаршилик кўрсатиши янги ўстб бораётган авлодни (фашизм билан бўлган жангда ўзининг санъати ва ғайрати билан қатнашган) маданият арбоблари даражасида тарбиялади. Ўсиб бораётган маданият учун жанг ҳар хил санъат зиёлиларини бирлаштирди. Санъаткорларнинг бирлашмалари ассоциациялари ва бошқа якдил ҳаракатлари бошланди.

Маданият арбобларининг ўзаро алоқалари мустаҳкамланди. Куч жиҳатдан бирлаштирган ғоя зиёлиларни ҳам кенг доирада маданият тақдирига бўлган жавобгарлик ҳиссини мустаҳкамлади. Расмлар доираси кенгайди. Улар тинчлик учун фаол курашувчи бўлиб, майдонга чиқдилар ва уларнинг кўпчилиги реализм йўлидан борди (Манцу, Кент ва бошқалар). Улар санъат инсонпарварликни тарғиб қилмоғи, ёвузликка қарши курашмоғи лозим деб тушундилар. Ёзувчи ва шоирлар ижодида реализм ривожланди. Унинг хос жиҳатлари Эффел графиги ва Гуттузонинг жонли суратларида намоён бўлади. Амалийлик Мексика ва Лоти Америкасининг бошқа давлатларида ривожлана борди. Бирламчи, бу давлатларда олиднги шароити сақаланиб расмиятчиларнинг таъсир оқимига қарши турган.

XX асрнинг 20-30 йилларида Ғарбда ва Америкада меъморчилик сезиларли даражада муваффақиятларга эришди. Шаҳарларнинг кенг миқёсда ўсиши эски шаҳарлардаги қурилиш, таъмирлаш ишлари, янги режавий ва илмий талаблар асосида амалга оширилда ва ҳатто кўплаб гўзал, кенг ва узун кўчалар қурилди.

Жаҳон архитектурасида конструктивизм бошлиғи саналадиган Ле Корбюзье (ҳақиқий исми Шарл-Эдуард Жаннери 1887-1963) жаҳон меъморчилик санъатига муносиб ҳисса қўшган.

1883-1959-йилларда Германиянинг Баухауз шаҳрида меъмор В.Гропиус ўзининг меъморчилик соҳасидаги санъатини илмий асосда ривожлантирди ва янги меъморчилик услубларини яратди. 1-муҳандислик чизмачилик ноёб ишларини Баухауза шаҳри меъморчилик биносида 1925-1926-йилларда давом эттирди.

I Жаҳон уруши, империалистик дунёда ривожланиб бораётган тасвирий санъатни вақтинча парокандаликка учрашига сабаб бўлди. Кейинги йилларда эса тасвирий санъат санъатшунослар ташаббусида бирмунча ривожланди.

Бўёқсиз санъат мактабини яратилишини, кейинги даврларда эса уларнинг ҳар хил рангдаги бўёқлар билан безалиши ҳайкалтарошлик санъатига ҳам бир мунча таъсир кўрсатди. жаҳон ҳайкалтарошлик санъатида тасвирий санъатни қўллаш услубларини биринчи марта 1894-1966-йилларда Скандинавия ва Финляндияда Вяйнё Аатонено яратди. У ўзининг кўргазмали музейларида, алоҳида дам олиш манзилгоҳларида, истироҳат боғларида ёдгорликларни яратилишида ҳайкалтарошликни аниқ меъморий услубини иҳлаб чиқарди. 1912-йилларда бу соҳада Херлуфа Бидиструпа номи билан машҳур бўлган танқидшунос ҳайкалтарошлар ҳам бу соҳага кириб келдилар. Бу соҳадаги санъатлар Осиё, Африка, Ҳиндистон, Индонезия, Цейлон, Бирма ва бошқа давлатларда ҳам 1950-йилларда кенг қулоч ёйди. Халқ санъати маданияти, миллий маданият, ҳайкалтарошлик, рассомчилик ва тасвирий санъат соҳаларини демократик тузум ривожланиши билан бирга одимлади ва ривожланди. Мамлакатларда бу соҳа бўйича

бирмунча эҳтиёж туғилганлиги сабабли устахоналар, илмий-тажрибавий билим масканлари яратилди.

## 32-МАВЗУ: ЖАҲОН МУЗЕЙЛАРИ ТАРИХ КЎЗГУСИ
## (ДУНЁДАГИ ЭНГ ИЛҒОР МУЗЕЙЛАР)

Ҳар қандай давлат тараққиёт сари интилар экан, доимо тарихга назар ташлаб, мавжуд урф-одатлар, анъаналар ва қадимий ёдгорликларни ўрганишга ва сақлашга интилиши табиий. Айниқса бу борада музейларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки музейлар ўтмишдан келган тарихий маданият, маърифат, табиат ёдгорликларининг яхлит тизимига солинган йиғиндиси бўлиб амалдаги қонун-қоидаги мувофиқ равишда сақланади ва намойиш қилинади.

Музейлар дастлаб бадиий асарлар мажмуига кейин эса моддий ва маънавий маърифий ёдгорликларни йиғувчи ва сақловчи муассасага айланган. Ўзининг улкан тарихий обидалари билан нафақат Европа ва Осиёда, балки бутун дунёга машҳур бўлган Италия давлатида ҳам XV асрга келиб, мавжуд ёдгорликларни мунтазам равишда тўплаш ишлари авжига чиққан.

XIX асрга келиб, энг катта музейлар АҚШ, Англия, Швеция, Япония, Ҳиндистон ва Россияда барпо этилди. Шулар қаторида 1852 йили Эрмитаж, 1873 йили Москвадаги Тарих музейи, 1892 йили Третьяков галереясининг ташкил этилгани сўзимиз далилидир.

## ДАВЛАТ ЭРМИТАЖ МУЗЕЙИ

Ленинград шаҳридаги Давлат **эрмитажи** дунёдаги энг йирик музейлардан биридир. Эрмитаж илмий-маданий дунё тарихи маданиятини ўрганиш маркази бўлиши билан бирга унинг 353 та залида йил давомида 20 дан ортиқ вақтинчалик кўргазмалар ўтказилиб туради. Илмий-маданий ишлар заҳиралари 6 бўлимдан иборат бўлиб. Уларда кўплаб асарлар, илмий материаллар сақланади.

Тарихий ва маданий бўлимда археологик коллекциялар сақланади. У ерда тош давридан бронза ва темир давригача бўлган Скиф қўрғони (эр. авв.VII-III асрлар) Олтайдан топилган (эр. авв. VI - IVасрлар) археологик буюмлар сақланади.

Антик дунё бўлимида қадимги Грек ва Рим санъат обидалари, ҳайкалтарошлик, асарлари, турли хилдаги вазалар, жумладан, Петр – I томонидан Римдан келтирилган Венера ҳайкали ҳамда Антик, қора денгиз бўйларидаги шаҳарлардан келтирилган ва қазиб олинган намуналар сақланади.

1929 йилда ташкил этилган шарқ бўлимида Шарқ мамлакатларининг дунё маданиятига ҳисса қўшган асар намуналари сақланади. Жумладан, Миср, Месопотамия, Византия ва Эрон каби мамлакатлардан келтирилган коллекциялар, машҳур санъат асарлари катта аҳамиятга эга.

Бўлимда Ўрта Осиё халқлари (Ўрта Осиё ва Кавказ) дан келтирилган асарлар алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳиндистон, Хитой, Туркия мамлакатларидан келтирилган қадимги ва Ўрта асрлардаги маданият асарлари ҳам алоҳида ўрин тутади.

1941 йилда рус маданияти бўлими ташкил этилган бўлиб, унда қадимги рус тарихидан ҳозирги кунгача бўлган рус маданияти XVIII-XIX асрларгача бўлган рус маданияти ва тарихи санъат асарлари сақланади. Эрмитажда рус рангтасвирчи рассомларининг асарлари қисман сақланади. Сабаби асосий рус санъати намуналари Ленинграддаги рус Давлат музейида ҳамда Москвадаги Третьяков галереясида кўпроқ сақланади.

Ғарбий Европа санъати бўлими эрмитажнинг энг катта бўлими ҳисобланиб, унда XIX-XX асрларда яратилган ҳайкалтарошлик, рангтасвир, қаламтасвир, амалий санъат

асарлари ўрин олган. Эрмитажда асарлар галереяси катта шухратга эга бўлиб, у эрмитажнинг асосини ташкил этади. Бунда Италиялик (Беато Анджелико, Рафаэля, Леонардо да Винчи, Тициана), Испаниялик (Веласкеса, Мурильо, Гойи), Фломандиялик (Рубенса, Ван Дейка), Голландиялик (Рембрандта, Халса), Франциялик (Пуссена, Лорена, Ватто, Ренуара, Матисса, Пикассо), Англиялик (Рейнолдса, Лоуренса, Гейнсборо) каби буюк рассомларнинг асарлари ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Ҳайкалтарошлик бўлимида сақланаётган Микеланджело, Гудон, Родена каби хайкалтарошлар томонидан бажарилган ҳайкалтарошлик асарлари ҳам кенг омма орасида шухрат қозонган.

Нумизматика бўлимида дунёдаги барча мамлакатлардан келтирилган қадимги ва ҳозирги вақтдаги тангалар, ҳамда орден ва медаллар йиғилган.

1925 йилдан Эрмитажда махсус бўлим ташкил этилган бўлиб, унда ёшлар ва катталар учун экскурсиялар, маърузалар, тўгараклар, ташкил этилган бўлиб нафақат музей биноси ичида балки ташқарида ҳам илмий-маданий ишларни юритиб бориш назарда тутилган. Эрмитаж сарой асарлар тўпламидан халқ музейига айлангунга қадар катта ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

1764 йилда қишки саройга Германиядан 225 дона асар келтирилди. Бу асарлар қишки саройдаги французча “Эрмитаж”деб (йиғиш бурчаги) номланадиган хоналарни бирига жойлаштирилади ва кейинчалик бу хона Эрмитаж номи билан атала бошланади. Бу асарлар галереяси тез ривожлана боришига французлардан Вольтер, Дидро, Гримм ўз хиссаларини қўшдилар.

1774 йил, 10 йилдан сўнг бу галереяда 2080 та асар йиғилди. Эрмитаждаги асарлар сонини кўпайиб бориш хисобига янги-янги хоналар қўшиб борилишини тақазо эта бошлади. Ўз навбатида бу хоналарда буюк меъморчилик ҳайкалтарошлик ва санъат асарлари сақланадиган хоналарга айлана бошлади. XIX аср бошларига келиб гина эрмитажга музей мақоми берилди.

1851 йилда эрмитажнинг янги биноси очилди, (ҳозирги вақтда эрмитажда 5 та бино мавжуд) ва 48 та хонада, Эрмитаждаги асосий асарлар сақланиб келинган. Шу давргача бу хоналарда экскурсия ўтказиш чегараланган эди.

1913-14 йиллардан эрмитаждаги ишчи касаба уюшмаларининг экскурсиялари “Правда” газетасининг музей ҳақидаги уқув қўлланмалари нашр этила бошланди. 1917 йилдан кейингина эрмитажда катта ўзгаришлар содир бўлиб у халқ музейига айлантирилди. 1921 йилда эрмитаждан Москва шаҳрига олиб кетилган асарлари қайтариб келтирилгандан сўнг, 30чи йилларга келиб унинг йўналиши ва вазифаси тизимида ўзгартиришлар киритилди.

Третьяков галерияси нафақат Россия музейлар балки бутун дунёга машҳур музейлардан бири бўлиб, бу музейда 10 мингдан ортиқ рус рангтасвири, графиклар, ҳайкалтарошлик асарлари сақланиб келинмоқда.

Ака-ука Третьяковлар Павел Михайлович ва Сергей Михайлович жуда катта савдогар бўлиб Костромеда тикув фабрикалари бўлган ва бу музейга 100 йил аввал асос солинган. Болалаик йиллари Павел ва Сергейнинг илм санъатга бўлган қизиқишлари ортиб борган. Турли хилдаги расмларни коллекция қилиш ўша давр учун тасодифий ҳол бўлиб, улар томонидан ишлатилган асарлар кенг оммага маълум ва машҳур эди.

Ака – укаларни кичиги Сергей Михайлович (1834-1892) асосан чет эл рассомлари асарларини ишлатиш билан йиғиш билан шуғулланган. Павел Михайлович эса (1832-1898) фақат рус рассомлари асарларини йиғиш билан чекланиб қолган эди. Павел Михайлович Ушбу йиғилган санъат асарларини сақлаш ва оммага етказиш борасида жуда ката меҳнат қилиш билан биргаликда бадиий критик В.В. Стасов билан ҳамкорликда иш олиб борди. Бу галерия жамоатчилик ўртасида жуда ката шухратга эга бўла бошлади. 1892 йил Сергей Михайлович бевақт ўлими туфайли ушбу асарлар галереясини ўзи яшаб ўтган она шаҳрига қолдиришни васият қилган ва шу йили Павел

Михайлович ўз асарлар коллекциясини Москвага ҳадя этган эди. Ўша даврнинг ўзида Павел Михайлович йиғган коллекциядаги асарлар сони 2000 минг донадан ортиқ эди.

1893 йили 16 майда Москвада галереяни тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. П.М.Третьяков томонидан йиғилган коллекция Москва шаҳрига, ва рус халқига ҳадя этиши унинг буюк жасорати деб қаралди ва унинг хотирасига 1818 йилда галереяга унинг номи берилди.

Третьяков галереясида ҳозирги кунгача Боровиков, Кипренский, Брюллова асарлари А.Ивановнинг "Явление Христа народу" асари, Шишкин ва Левитаннинг манзаралари, Васнецовнинг тарихий "Уч ботир" асари, Сурико, Крамского, Федотов, Репин, Вереҳагин, Серов, Врубеля ва Коровинлар асарлари сақланмоқда.

1977 й.да Москвада бўлиб ўтган 11-Халқаро музейлар конференсиясида 18-май музей куни деб белгиланди. Бу кунда махсус кўргазмалар ва музейшунослар билан учрашувлар бўлар эди. Ҳозир биз буюк усталарнинг ўлмас нодир санътларини кўриш учун залга кирдик. Бу кўргазмада қадимги ва нодир тангалар почта маркалари ва китоб белгилари бизга кўрсатилаяпти. Биз музей экспонатларидан хайратда эдик. Бизнинг миллий ғуруримиз бўлган бу усталар ҳақида кам ўйлаймиз. Қадимги машҳур одамлар коллексионер бўлишган. Ўша коллексияларнинг барчаси музейда сақланади. Биз китобимизда ўшалар ҳақида гаплашмоқчимиз. Кооллексионерлаш тушунчсини фанга қадимги Рим оратори Цицерон киритган.

Қадимги манзилгоҳларни археологлар қазиганда ҳайвон суяклари коллексийслари топилган. Бир неча йиллар олдин Полша ва Чехословакиядан қадимги одамларга тегишли ғор манзилгоҳлар топилган. Таричларнинг фикрича 1-коллексионерчилар Пергам қироллигига тегишли бўлиб, улар минг йиллар олдин яшаган.

Қадимги дунёда музей бўлмаган. 1-тасвирий музей француз рассоми Ж.Л.Давид томонидан ташкил этилди. Шу даврдан бошлаб музейлар турли хилда ташкил этилган. М; кувайтдаги музейда биологуя, зоология ва астрономия дарслари ўтилади. Фақат кечки пайт одамлар учун очиқ бўлади. 1930 й.да Германиянинг Дрезден шаҳрида гигиена музейи очилди. Бу музей уруш даврида бузилиб кетган эди, кейинчалик қайта қурилди. ҳар бир музейларнинг нодир асарларига биттадан китоб ёзса бўлади. Бизнинг қисса миз Александирия музейидан бошланади.

Париждаги импрессионизмик музей.

1874-й. Баҳорида ўша пайт унча машҳур бўлмаган 7 та рассомлар ўзларининг тасвирий санъатларини Париж марказида кўргазмага қуйишди. Уларнинг фикрлари ҳар-кҳил эди. Бу асарларда узоқ йиллик меҳнат ётар эди. Уларнинг барчаси камбағал эди. Уларда ҳаттоки кўргазма учун пул йўқ эди. Уларга Надар исмли фотограф ёрдамга келди. Ўша пайтда одамлар уларнинг расмлари устидан кулишарди. Ҳозирги кунда уларнинг номларини бутун дунё билади. Булар: Клод Моне, Агюст Ренуар, Эдгор Диего, Алфред Сисней, Кемил Писарро, Пол Сезин, Берта Моризо, биз буларни импрессионалчилар деймиз. Импрессионалчилар музейи икки қаватли иншооатда бўлиб, бу Парижнинг марказида яни тюселери паркида эди. Шаҳардан ташқари бўлиб бу ерда жимжитлик ҳукм сурарди. Бу ерларни даракхт қоплаган. Унинг номи ҳам ажабтовур."Зал тўп ўйини учун ". Бу иншоат иккинчи император даврида қурилган. Бу залда ХИХ-асрда теннис уйналган. ИИ-жаҳон уруши даврида бу ер натсисларнинг кантораси бўлган.

1947-йилда империссеонизмик музейи очилади.музейнинг 1-етажида Э.Моне асарлари жойлашган. Унинг "ўтлоқдаги нонушта" ва "олимпия"асарлари мавжуд. Биринчи асари "воленсиялик лола". ўша даврда Парижда мадрид қироллигидаги баллит труппаси асосан балирина лола яхши таасурот қолдирган эди. З. Астрюп унга атаб роман ёзган. У портрет ғайри табиийдир, чунки рассом лолани саҳна ортида турган жойда чизган.

Бу портретда асосан ранглар жилоси катта рол ўйнайди. У бу ранглар билан балириначини ҳамма маҳлиё қилган. Бу портретни бошида “чўмилиш“ номини қўйди. Унинг яна бир асари “олимпия“ бўлиб бу асар кўп қаршиликка учради. Бу портретда ёлонғоч аёл тасвири берилган. Париж музейларида бундай портретлар кўп эди, лекин Моненики замонавийроқ эди. Ўша давр одамлари бу портертга қарши чиқишган бўлса, ҳозирги кунда тасанно айтишади.

Музейнинг 1-етажида О. Ренуарнинг асарлари жойлашган эди. У қуёшни яхши кўрарди. Луначарский айтгандай: унинг хаёлида ёмонлик йўқ эди, у гулни, болаларни, қуёшни, чиройли аёлларни ёқтирарди ва хаётдан хурсанд холда яшар эди. Бу хақида сиз унинг „йўлдаги ўтлоқи ва „қушдаги табиатшуноси асарларида кўришимиз мумкин. Музейнинг 2-етажида 6 та рассомнинг асарлари ҳам мавжуд. Бу портретлар ичида энг нодири К. Моненинг „таассуроти асари хисобланади. Моненинг акаси бу номга яна 2 та сўз қўшди: „қуёшнинг чиқиши ва шу ном билан қолди. Музейда моненинг 25 асаридан 5таси қуйилган. Моненинг асарларида рамка қуйилмаган. Эдгар дега рассомчилик деб, юридик мактабни ташлайди. У хеч қачон табиат хақида сурат ятмаган, у фақат одамларни кузатиб уларни чизган. У рассомчиликда балетга катта эътибор берган. Унинг „кўк раққоси ва „ рақс синфии буларга далолатдир. Яна у рассомчиликдан ташқари хайкалтарошлик блан хам шуғулланган. Унинг „ раққоси ва „ ёлонғоч қиз от устида турагани хайкалари машхур. Бу рассомлар ичида банкирнинг ўғли пол сезанн хам бор эди, лекин сезанн уларнинг орасидан чиқиб кетади. Унинг асарларида дунёни ўраб турган ранглар фойдаланилган. Унинг асарлари: натюморт, „карта уйновчи”, „карта ушлаб турган аёл” лардан иборат. Бу рассомчиларнинг умри мехнат билан ўтган. Уларнинг мавзуси асосан табиат бўлиб қолган.

## РОССИЯ ОЛМОС ФОНДИ.

Бу коллексия Пиотр И давридан бошлаб унинг фармони билан йигила бошланган бўлиб, фақатгина романовлар сулоласи эмас бутун россия давлати манфаатларига тегишли бўлган. Давлатнинг камдан кам топиладиган қимматбаҳо буюмларини сақлаш учун “комер коллегияси” тузилган барча қимматбаҳо буюмлар маҳсус бино рентерида учта калит билан қулифланадиган хонада сақланган бу эшикни калитлари камер президенти ва маслаҳатчисида бълган 1914 йилда немислар босқини ҳавфи остида тож брилиянтлари ҳаммаси Москванинг курол-яроқ сақлайдиган бино эртўласига яширилган ва бу жойда 1922 йилга қадар сақланган улар бу жойда жуда кўп яшикларда сақланган кумуш олтин ҳрустал ёнида сақланган 1922 йилнинг апрел ойида бу яшиклардан 5 таси очилди.

XVIII асирнинг биринчи ярмидан қимматбаҳо буюмлар сезиларли даражада камаяди чунки Аанна Иёновна Екатерина И билан чиқиша олмаган ва ундан қолган буюмларни йўқота бошлаган.

Анна Леопловна ҳам ҳудди шундай қилган сабаби у ҳамма қимматбаҳо нарсаларни янгидан қилмоқчи бўлган. XVIII асирнинг 2- ярмида қимматбаъҳо буюмлар давлат ҳимоясига ўтди. Ва император ҳокимияти рамзи бўлиб қолди шулардан бири тож. Катта император тожи 1762 йил Экатирина ИИ буйругига къора сарой устаси Позе томонидан ясалган бу тожга 5 мингдан ортиқ бирилянт 75 та катта марварид тепа қисмига энг катта рубин ишлатилган. Бу рубин Пекиндан Алексей Меҳаелович даврида сотиб олинган.

Держава – бу катта олтин шар. Брилиянт ҳож қистирилган олд қисмига катта Ҳинд олмоси ўрнатилган. Яшикларда сақланаётган йигилган буюмлар “РСФСР ОЛМОС ФОНДИ” деб атала бошлаган 1924 йил Мосаквада олмос фондларининг кўргазмаси очилди. Бу фақат чет элликлар учун эди.

1930 йилларда қимматбаҳо буюмларнинг бир қисми сотувга қўйилган ва ҳазинанинг бир қисми ҳалқаро оуксионга қўйилган. лекин коллексиянинг асосий қисми сақлаб қолинган. Олмос фондини кўздан кечирганимизда машҳур олмос “ГОРЛОВ “ кўзга ташланади. Бу тош оқ, сал кўкимтир ва яшил бўлиб жилваланади. Бу тош тўгрисида турли ҳил афсоналар мавжуд. ХВИИ асирда топилган ҳинд нушаси бошида 400 карат бўлган бу тошни Г. Горлов Экатирина ИИ номидаги кунда 1773 йил 24-ноябр куни унга совга қилган. Бу тжш 1865 йил 2399410 кумуш рубилга баҳоланган. Бугунги кунда Россия ҳудудларидан топилган 4 та 20 каратдан ортиқ бўлган бирилиянтлар анъанага кўра маҳсус ном берилиб олмос фонбидан жой олади бу эрда кўплаб сўнги йилларда топилган олмослар сақланади. Мисол тариқасида “ВОШОД”,”Юрий Гагарин”,”Валетина Терешкўва”, каби олмосларини кўрсатиш мумкин. Кремл олмос фондида 1974 йилда топилган “звезда якутий” олмози жой олган ва кўп вақт олмослар орасида чемпион бўлган. Катталиги лимондек бўлган 232,5 карат вазинга эга бўлган.

1991 йил 18- декабрда ИЗРОИЛ ювилир қироли Сви Эгудой томонидан Рассияга совға қилинган қора бирилиянтнинг топшиорилиш маросими отказилди. Ҳозир бу олмос Кремл олмос фўндидаги 2- қора олмосдир. Бу бирилиянт 21,18 карат вазинга эга.

Кремл олмоси фўндида олтин ва платина самародкалар каллексиясда сақланади умумий оғирлиги 300 кг. дан ортиқ. Умуман тарихда олтин бўлган 100000 дан ортиқ самародка шар топилган сақланаётган энг катта самародка 1842 йил уралдан топилган. Шуткин томонидан. Миас дарёси водийсидан топилган. У катта уч бурчак номини олган 36 кг.дан ортиқроқ бўлиб, 1842 йил 28146 рублга баҳоланган. Ҳозир у бебаҳо ҳисобланади.йиллар ўтгандан кейин уралдан яна бир “СИРКОВ ЛОГ” номли платиба самародка топилди. 9635 гр. вазинга эга, лекин у сақланиб қолмаган. У уралдан топилган плитина самародаси бўлган. 1904 йил уралдан ҳазина изловчилар яна бир платина самародок топишади. Унинг оғирлиги 8395 гр бўлган. Ҳозирги кунда дунёда энг каттаси ҳисобланади.

1967 йил масквада олмос фўндининг 120 дан ортиқ олтин ва платина ва самародкалари намойиш этилди. Умумий оғирлиги 300 кг дан ортиқ бўлган. Бу эрда “ЛОШОДИНА ГОЛОВА” номли оғирлиги 14 кг бўлган олтин самародкани “верблюд” номлиси эса 9,3 кг “Заяча уши” 3,34 кг ва машъҳур МЕФИСТОПЕЛни кўришимиз мумкин.

## АЛЕКСАНДР МУЗЕЙЛАРИ

Эрамиздан аввалги 356-323 йилларда яшаб ўтган ўз вақтида шарққа юриши даврида Мисрда шаҳар бунёд этган ва уни унинг номи билан Александрия деб аталган.Қадимги даврнинг буюк лашкарбошиси Александр Македонскийдир. Шаҳар жуда ҳам тез ривожланади. Буюк Александр тўсатдан вафот этганида, македониялик лашкарбошиси Птоломей Мисрни босиб олади ва бирданига Александрияни ўзининг қароргоҳига айлантиради. Йилдан-йилга бу шаҳар Александрия – антис маданиятнинг илм-фан маркази бўлиб, ўсиб ривожланади.Бу маданиятнинг ривожланиши 3та Птоломейлар даврларига тўғри келиб, унинг энг бошланиш даври эса Афинадан сургун қилиниб, Александрияга келиб қолган файласуф Деметрий Фалерский билан боғлиқ. Айнан Деметрий Птоломейга Александрияда маданият ва санъат марказини тузишни таклиф этади, ҳамда юнонча одатдаги каби мусеён деб аташни ва унда кўплаб қимматбаҳо ёзма манбаларни тўплаб, сақлашни, турли олимларни таклиф қилиб, айнанулар ушбу манбаларни сақлашарди, кўчириб олишарди ва уларни ўрганишарди, дея таклиф қилади. Птоломейга бу фикр маъқул келиб, эрамиздан авваги 307-йилдаёқ Мусеён тантанали очиқ деб эълон қлинади.

Мусеён йиллар давомида чанг босган қимматсиз китоблар сақланаётган қироллик кутубхонасига айланмади балки қадимги дунёнинг интеллектуал бир марказига айланди.

Деметрий Фалерскийнинг ўзи эса оилй маълумотли, ажойиб оратор ва услубшунос бўлган ва антис манбалар қизиқтириб, ўзи эса қадимги муаллифларнинг жиддий билимдони ҳисобланган. Д.Фалерский диний Серапис маъбудасини юксалишида қайта рол ўйнаб, айнан шу маъбуд билан, кейинчалик Мусеённинг ҳаёт ва тақдири боғлиқ бўлади.

Диоген Лаертскийнинг айтишича, Деметрий худди Александрияда бўла туриб кўзи ожиз бўлиб қолади, кейинчалик эса Сераписнинг хиҳиши билан у яна кўра бошлайди.Айнан шу худога бағишлаб Деметрий ўзининг мадҳияларини ёзади ва улар эрамиздан аввалги 2-3 асригача ибодатхоналарда айтилиб келинади.

Мусеён айниқса Птоломей ИИИ Эвергет ҳукмронлиги даврида гуллаб, ҳаттоки шоҳни мусикататос деб аташиб, бу дегани ажойиб санъатнинг мухлисидир.Бу шоҳнинг 2та севган машғулоти бўлган.: бири филларнинг ови бўлса, иккинчиси ёзма манбаларни тўплаш эди. Масалан, У бир марта афиналиклаедан Эсхил, Софокл ва Еврипидларнинг трагедия жанридаги мураккаб текстларини худди эгземпляр қилиш учун олиб, ҳатто уларнинг ижарасига 15 талант қолдиради.Аммо у афиналикларни алдаб,уларга қимматбаҳо текстларни қайтариб бермайди.Шундай қилиб ПтоломейИИИ Мусеён учун 2000 дан ортиқ манбаларни йиғиб беради.

Птоломей II эса Афиниянинг таъкидича, Аристотелнинг кутубхонасини сотиб олишга муваффақ бўлади. Птоломейлар авлодлари ҳали бу ишларни давом эттиришиб, ва 200 йилдан сўнг бу ерда энди 7000 мингдан ортиқ китоблар санаб ўтилади. Қадимги даврларнинг китоблари ўзига хос бўлиб, ҳозирги замон китобларидан фарқ қилган. Китоблар махсус футлярларда туриб, улар устига эса ушбу китобнинг номи ҳам ёзиб қўйилган эди. Александрия кутубхонасида қадимги юнон Апей, алкман, пиндара, ибик, стесихор каби лирикларининг асарлари мавжуддир. Бундан ташқари, шоиралар Эринна, Миртида, Коринна кабиларнинг ҳам, ҳамда 5 марта ғолиб бўлган Пиндаранинг машҳур асарлари ушбу жой олган.Албатта бу ерда кўчирма нусхалардан ташқари, дубликатларнинг ўзи ҳам бўлган. Бу кутубхонада ишловчиларнинг аксар иши ушбу асарларни бутун дунёга тарқатиш мақсадида нусхаларни кўчириб, ёзишдан иборат эди. Қачон бу кутубхона ёндирилганда айнан ушбу нусхалар орқали биз кўпчилик қадимги юнон адабиётидан воқиф бўлдик. Бир вақтлар Мусеённинг кутубхоначиси Киренлик Эратосфен бўлиб, уни бу лавозимга Эвергет III тайинлайди. Шу кундан бошлаб, олим кутубхонадаа ўтириб, ушбу китобларни сақлаб, авайламоғИ лозим эди. Аммо бу иш уни зериктирмай, у бутун қадимги манбаларни саёҳатлар ва мисли кўрилмаган кашфиётлар ҳақида ўқишни лозим топиб, кейинчалик эса шулар орқали бутун бир географик-илмий манбани тузмоқчи бўлади.Ератосфен буни “Ерни тасвирлаш” деб атаб, бу манбани ёзиш унинг кўп вақтини олиб қўяр эди. Лекин баъзида эратосфен хонасини ташлаб, қуёш нурини кўриш учунҳам кўчага чиқар эди. У кўпроқ Александрия бозорига шошилар эди. У буерга келган савдогарлар билан суҳбатлашишни ёқтирар эди.масалан:битта Сиенадан келган савдогарнинг ҳикояси уни жуда қизиқтириб қўйди, яни унинг айтишича у ер энг иссиқ жой бўлиб, ҳамда йилда 1 марта кун бўлишини ва ҳеч қачон соя бўлмаслигини гапириб берди. Эратосфен ҳайратда қолиб: наҳотки шунақаси ҳам бўлиши мумкин? Бу ҳикояни у доимо ўйлаб юрар ва бунинг исботини топиш учун тинмай китоб ўқир эди.Бу саволга жавобни унга Аристотелнинг меҳнатлардан бўлган асарлари берди.Ажойиб файласуф таъкдлар эди: ер – бу коптокдир. Шунинг учун қуёшнинг айланма нурлари унинг юқори ва турли бурчакларига тушади. Икки хил бурчакдаги нурларнинг тушиш нуқтасини била туриб, у орасидаги масофани билса бўлади. Балки бу усул билан бутун ер шарини ўлчаса бўлар. Эратосфен саёҳат қилмай кутубхонада ўтирган ҳолда, бутун ер шарини ўлчамоқчи бўлади. Олим ёнғоққа ўхшаш идишни ясаб, шунда у бу идишни кутубхона ҳовлисида қолдириб, йилнинг энг узун кунини кута бошлади. 22-июн куни қуёш энг юқори нуқтасига кўтарилади.Шу вақтда сояни топиб бўлмасди. Шу вақт Эратосфен соянинг узунлигини ўлчайди. Сиена шаҳрида эса худди шу вақтда сояни топиб бўлмасди. Чунки қуёш нури бу ерга вертикал тарзда тушар экан.Кўплаб хулосаларни ясаган олим кейинчалик ер шарининг радиусини 6311 км га тенг эканлигини исботлайди.

Ҳозирда эса биз буни 6371 км га тенг эканлигини биламиз.Кейинчалик олимлар кўп маротаба ер шарини ўлчашга уриниб кўрдилар ва кўпчилиги Эратосфен ясаган хулосалар билан тўғри келган. Демак , 2200 йил илгари Александрия кутубхоначиси Эратосфен ер шарини тўғри ўлчашга муваффақ бўлди. Аммо Мусеёнда нафақат машҳур кутубхона, балки ботаника ва зоология боғлари ҳам бўлган ҳамда механик устахоналар ҳам мавжуд эди. Бу ерда кўплаб илмлар ўргатилиб, Эвклид каби олимлар бу ерда яшаганлар.Худди шу ерда олим ўзининг "математика унсурлари"ни ёзади. Герой эса қўғирчоқ театрини тузиб, бу ерда қўғирчоқлар ўзлари механик тарзда чиқиб, ролларни ўйнаб, чиқиб кетишар эди. Александрияда сувни чиқарадиган машинани яратган Ктесивий (ер. авв. II-I асрлар) яшаб, кейинчалик тасдиқланишича, бу мослама ҳозирда ўт ўчиргич машинасидагидек унсурлари мавжуд эканлиги тасдиқланган. Ктесибийнинг бу кашфиёти 1518 йилгача унитилиб, кейинчалик немис устаси Антон Платнер худди шунга ўхшаш ҳозирги ўт ўчиргич насосини яратади. Деметрий Фалерскийдан сўнг, Мусеённинг бошлиҒИ этиб, Каллимах тайинланади. У бутун эллинистик дунёда машҳур ҳисобланган. Унинг қаламига кўплаб асарлар тегишли бўлиб, бундан ташқари, у буюк олим ҳам бўлган. Ўзининг иши давомида Каллимах 120 томли "Александрия кутубхонасининг каталоги" номли тарихий-бадиий энсиклоедияни яратади. Қисқа жадваллар тарзида у барча унга таниш болган олим ва шоирларнинг номларини ёзиб, уларнинг асарларини ва улар ҳақида қисқача маълумотлар бериб ўтади.

Александрия кутубхонасининг тақдири жуда ҳам ёмон тугайди. Эрамиздан аввалги 47-йилда Юлий Сезар аскарлари унинг бир қисмини ёндириб юборишади, 2- қисмини эса эрамизнинг 393-йилида ёқиб юборишади. Қолган ҳаммаси эса араблар томонидан, Александрияни босиб олган пайтларида йўқ қилишади. Ҳамма қимматбаҳо манбалар худди умуман йўқ қилишгандай туюлади, аммо Фаластин олимларининг таъкидлашича, Мусеён ҳамма бойликлариҳам йўқ қилинмаган.Клеопатра ва унинг акаси Дионис Птоломей тахт учун кураш олиб боришаётган даврда, қимматбаҳо асарларнинг кўпчилиги кутубхоначиларнинг бирига сақлашга топширикган. Александрия кутубхоначиси бўлган Феодас бойликларнинг кўпчилиги сақланиб қолинганлигини таъкидлаб, юнон, лотин ва халдей тилларидаги китоблар тарихини сўзлаб беради. Манбаларнинг таъкидича, феодаснинг бу манбаси ибодатхонада сақланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда Мисрда Александрия кутубхонасини яратилиш проектлари тузилиб, 1400 га яқин мамлакат олимларининг режалари кўрсатилган. Булар ичидан комиссия аъзолари томонидан Норвегия проекти танланди.13388 йилда Александрия кутубхонасига илк тош қўйилди.Янги кутубхона 60 метрли бино бўлиб, денгиз тарафга қаратиб қурилмоқда. Бу бино Миср худоси – қуёшни тасвирлайди.

## ВАТИКАН МУЗЕЙЛАРИ

Ўзининг ҳудуди кичкиналигига қарамасдан Ватикан давлати беҳисоб бойликларга эга. Бу эрдаги музейларда санъатнинг бебаҳо асарлари, рассом ва ҳайкалтарошларни ижод маҳсули сақланади. Ушбу музей таркибида Берджиа апартаментлари, Никкалини капеллалари, кутубхона, панатека, Сикстин капелласи, Миср ва Этруск музейлари, Рафаел стан салари, габелан галереяси ва географик хариталар гале-реялари мавжуд.

Ушбу афсонавий хазина йиллар давомида ундан лаззатланиш ва баҳраманд булиш мақсадида йиғилган. Ўзининг Рим бўйлаб саёҳати давимида машҳур Фаранг ёзувчиси Спендал шундай дейди: "Афсонавий шахслар томонидан яратилган юксак санъат асарлари олдидан утар эканмиз, уларнинг саноғидан ҳайратланиб, Ватикандан тезроқ жифтакни ростлаш ҳаракатига тушамиз. Улардан олган таасуротларимиз ўта жиддийлиги боис.

Ватикан хазинаси доимий равишда тўлдириб борилган-ки, оқибатда улар музейга сиғмай қолган ҳамда янги иншоат қуриш масаласи кундаланг булади. Шу

мақсадда папа Клиемент XIV ва кардинал Баски (бўлажак папа Пий VI) эски иморатни бузишга янгисини қуришга келишиб олишади. Кейин эса 15 йил давом этган қурилиш ишларига ўша машҳур архитекторлар Смокетти ва Компортсилар бошчилик қилишади. Қадимий антиквар ҳайкалларга мўлжалланган, уларга мослаб 8 бурчакли махсус жой қилинган ва улар музейдаги залларга жойлаштирилган Янги музейга Пио Клементино номи берилади.

Пио Клементино музейида Музалар зали Ротонда, Ёввойилар зали, ҳайкаллар галереяси, масаклар боги ва бошқа бир қатор асори – атиқалар қайсики бир қатор халқларнинг қиёси йўқ қадимий санъат асарлари булган ашё – буюмлар ўрин олган. Масалан, Музалар зали ёнидан ёввойилар зали жойлашган. Унда оқ ва рангли мармардан ишланган турли жониворларнинг тасвири акс эттирилган ҳайкаллар мавжудки, уларни сўз билан таърифлаш қийин. Улар орасида эр. аввалги ИВ асрларда яшаган буюк Скопасаннинг юнонча аслидан нусха олинган “Мелеагра” рим варианти ҳам бор. Бу албатта музейнинг қанчалик машҳур эканлигини кўрсатади.

Грек хочи залида эса эрамизгача бўлган ИИИ–ИИ асрларга оид ажойиб мазаикалар ва ИВ асрнинг ноёб иккита Саркофачаси жойлаштирилган. Уларнинг бирида христиан дини онаси Элина ва бошқасида унинг қизи тасвирлари акс эттирилган.

Музейнинг барпо бўлиши билан баробарида Пинокатекаларҳам вужудга келди. Турли папалар қасридан келтирилган санъат асарлари музейнинг алоҳида залига жойлаштирилган.

Музей ташкил этилгандан кейин илк маратоба Жованни Батиста Висканти бошчилигида Ватиканда сақланадиган санъат асарларини илмий тартибга солинган. Яна унинг раҳбарлигида 7 томдан иборат музей като-логи ҳам чоп этилди.

Папа ВИ нинг французлар билан 1757 йилдаги битими билан музей ўзининг каттақисмини йўқотди. Ватикандан Франсияга шох асарлар олиб чиқиб кетилди. Фақатгина кейинги папа Пей ВИИ йўқотилган асарлар ўрнини тўлдириш мақсадида ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаёқ антик давр асарларини тўплашга киришди. Ҳаракатлар зое кетмади, тез орада катта миқдордаги санат асарлари тўпланади ҳамда архитектор Штерк режаси асосида янги бино қурилади. Унга эса “Браччо Нуово” номи берилди.

Катта ёруғ зал мармар билан ажратилиб ҳайкалларга мўлжалланади. Улар асосида айниқса Полиевктнинг бронза ҳайкалидан қилинга Демосфен ҳайкалидан олинган нуша, яни Пумала Портдан келтирилган Август ҳайкали ажралиб туради. Шунигдек, музейга келган сайёҳлар диққатини Искандар мактабига оид асли олинган Рим нусхаси бўлган Нила ҳайкали ҳамда, “Селин ва Дионис” нинг мармардан қилинган Лисеппа аслидан олинган нусхаси тортиши турган гап.

Француздар томонидан қилинган талончилик 1816 йили Вена конгреси қарори билангина яна Ватиканга қайтарилади. Улар орасида Портжиа қароргоҳида тўпланган 73 та санат асарлари ҳам бўлган. Шу ўринда Рафаелнинг икки асарини “Фалко Мадонна” си (санатнинг гуллаган даврида яратилган) эслатиб ўтмаслик мумкин эмас.

Рафаел залида унинг асарлари асосида яратилган 10 та Гобеллонлар мавжуд. Булар ватикан музейларидаги энг машҳур гобеллалар ҳисобланади. Улар папа X буюртмаси асосида Сикстен капеллаларини безаш учун, 1516 йилда Брусселда қилинган.

1837-йили папа Григорий ХВИ чи даврида Этруск музейи очилади. Унинг таҳкил қилинишига Черветерида олиб борилган тадқиқотларда (1828-1836) топилган асор – атиқалар асос бўлган.

Етрусклар қадимги дунёнинг энг сирли халқлари сирасига мансуб бўлиб, уларнинг келиб чиқиши ҳақидаги савол олимлар орасида ҳанузгача баҳси бўлиб қолмоқда. Антик давр муаррихларининг такидлашича, этрусклар жасур денгизчи, шафқатсиз қароқчи ва шу билан бирга уста ҳунарманд сифатида танилган. Этруск маданиятининг гуллаб – яшнаган даври эрамизадн олдинги VIII –V асрларга тўғри келган. Этрусжиядаги иморатлар ёғочдан

қурилганлиги боис сақланиб қолмаган. Иморатларни безаш учун релф ва ҳайкалтарошлик маҳсуларидан фойдаланилган. Афсуски, улар ҳам тўлалигича сақланиб қолмаган, фақатгина бўлакчаларидан бошқа.

Археологик тадқиқотлар давомида топилган топилмалар Итруск музейидаги 9 та залга жойлаштирилган. У ерда археологик топилмалар, 4 та саркофага (ерамизадан аввалги V-I аср) олтин ва кумушдан ясалган бир қатор буюмлар – бакаллар, кўзгу ва бошқа буюмлар ўрин олган. 1937 йил Маркес Гулеголма ташаббуси билан музей итруск маданиятига доир асарлар коллексиясига эга бўлади.

Итруск музейи очилгандан икки йил кейин, мазкур музейнинг пастки қаватида Миср музейи очилади. Унда қадимий мисрнинг буюк сивилизасиясига оид ашёлар ўрин олган. Лекин музейда қадимги миср рохиблари томонидан ёзилган скарабевлар коллексияси, улар тилла ва кумушдан ясалган. Улар қадимги Мисрдаги давлат ва ҳалқ ҳаётида муҳим ўрин тутган. Ҳайкалтарошлик буюмлари орасида айниқса Ментуҳатиб Фиравн бош тасвири бебаҳо ҳисобланади. Ушбу асар қадимги Мисрда маданиятнинг гуллаб яшнаганлиги ўрта подшолик даврига оиддир. Ушбу ном юқори миср пойтахтининг асосчиси сифатида танилган қадимги миср ҳудоси, Менту номи билан боғлиқ.

## СИРЛИ СФИНИКС

Хефрен прамидаси ёнида шарққа қараб ўйланиб турган тошли Сфиникс мавжуд. Унинг танаси шер, боши эса одамники бўган бу ҳайкал одамларни ҳозиргача ҳайратга солади. Унинг баландлиги тахминан 20 метр, узунлиги эса 57 метрдир.Агарда у тўлалигича тозаланса, у ҳозирги замонавий 5 қавктли уйлар билан тенглаша олади.

Мисрликларнинг эътиқодларига кора у қабристон ичида гўёки тирикликрамзи ҳисобланган. Сфиникснинг юзи атайин мусулмонлар томонидан бузиб ташланган, чунки ислом динида инсон юзини тасвирлаш таъқиқланган.Лекин шундай бўлсада унинг юзидаги маънони тушуниш мумкин. Ҳозиргача унинг юзлари узоққа термулган ,ҳатто юзидаги майин табассумни ҳам илғаш мумкин.Бу ёдгорликнинг ярми эса тошдан иборат.

Узоқ вақтлар мобайнида олимлар бу ҳайкални фиръавн Тутмос IV (VIII сулола) портрети сифатида қараб келган,ҳозирги кунда эса Сфиникс бу-ботаётган қуёш рамзи,худо Хорус эканлигини аниқлашган. Сфиникс олимларнинг фикрига кўра, Хеопс (ллл сулола)дан олдин ҳам бўлган. Сфиникснинг қурилиш тарихи минг-минглаб тарихй йилларга тенг,аммо унинг қурилиш тарихи ҳақида қадимий миср ёзувларида ҳам бирор нарса дейилмаган. Сфиникс қурувчилари ҳақида бирорта ҳам маълумот ҳозирги кунгача йўқ.

"Тарих отаси" Геродот милоддан аввалги 445йили Миср пирамидалари қурилишида қанча қулларнинг жалб этилганлиги ва уларнинг озиқ-овқатларининг қанча кунга тақсимланганлиги ҳақида Мисрда нима кўрган ёки эшитганларини ёзган,лекин Сфиникс ҳақида бирор нарса ҳам демаган. Наҳотки Геродот шунча пирамидалар ёнида турган улкан ҳайкални-Сфиниксни кўрмаган бўлса?

Ҳаттоки Генатей Милетский ва Генатей Абдерскийлар ҳамда машҳур сайёҳ ва географ Страбоннинг "География"сида ҳам Сфиникс ҳақида бирор бир маълумот берилмаган. Миср сарой ҳодимлари пирамидага кетган маблағлар, йўл ҳисоблари, чиқимлар ҳақида аниқ маълумот ёзиб қолдирганлар, лекин улкан ҳайкал ҳақида ҳеч қандай бирорта жумла ёзиб қолдирмаганлар.

Фақатгина римлик таихчи Плиней ўзининг "Аниқ тарих" номли китобида унинг даврида Сфиникс қумдан тозаланганлиги ҳақида маълумот бериб ўтган. Демак Геродот,Страбон,Генатейлар даврида Сфиникс қумга кўмилиб қолган шунинг учун

улар бу ҳайкални кўра олмаганлар. Эски афсоналарга кўра Сфиникс тирик ҳисобланган ярим худо ватинчлик ҳомийси сифатида қадрланган.

Агар унга кимнингдир қилган ҳаракати ёқмаса у ҳолда у Ливия қумликларига кетиб қолади,деган қараш мавжуд эди.ХИХ асрбошида Италиялик Кавингли Сфиникс атрофини қазиганда унинг ичига олиб кирадиган зинани топади ва у ерда Троян даври ибодатхонаси борлиги аниқланади. Бу ибодатхонада шер ҳайкалини топади. Шунингдек у 3 та расмлар тахтачасини топади.Бу тахтачада тасвирланган расмларда айрим фиръавнлар (Тутмос IV ва Буюк Рамзес) Сфиниксга сифатида талпинаётганлиги тасвирланган.

Шунингдек Кавингли Сфиникс оёқларининг биридан юнон ёзувидаги шеърга дуч келади. Унинг муаллифи Арриан Сфиниксни Латона хизматкори эканлигини айтиб ўган.Ҳайкалоёқлари остидан эса катта тош соқол қолдиқлари топилқди.

Сфиникснинг орқа томонидан ҳам яна бир ибодатхона топилган. Ибодатхона ХИХ асрнинг 50-йилларида археолог Мариет томонидан ўрганилган. Ибодатхона улкан сиена геанитларидан қурилган. Фиръавн Хеопс даври ёзувларидамаълум бўлишича бу ибодатхона И сулоладаврида қурилган. Хеопс уни бехосдан қумлик бағридан топиб олади. Ҳозирги кунгача сирли бўлиб келаётган бу Сфиникс мисрликларнинг фахри ҳисобланади

## АЛЬГАМРА-ЛУВР ДУРУ-ГАВХАРИ

Сабика тоғ этагида Гранада номли қадимий шаҳар жойлашган.

Қадимий ривоятларда айтилишича, тепаликлар амфитеатр каби жойлашганлиги учун,бу шаҳарга шундай ном берилган. Шу тоғнинг қоясида султон Муҳаммад ал-Ғолиб ибн ал-Ахнар (Насридийлар авлодининг асосчиси) 1239-йилда шу эрга ўзининг янги резиденсиясини кўришни ҳам қилди. Энг баланд "кирил" деб номланган 9-асрдан буён эскиситадел бўлган.

Сўнгра ш эрда сарой,боғ ва минораси билан янги қаср пайдо бўлди.Унга "Альгамра" деб ном берилган. (араб тилида "алъ-хамра"қояли деганидир) Лекин қадимий афсонада айтилишича бу номга шоирона талқин қилинади. Бу эрда ишлаган қурувчилар эртаю кеч ишлаганларидан уларнинг ёққан гулханларининг шуълаларининг қизил ранглари қаср минора деворларига тус берган. Альгамра жуда кўп вақтгача қурилган. Насридпарнинг хохишига кўра,бу қаср, сарой бутун шаҳрни ташкил этиб, Кардоба халифалигининг шаҳар четидаги резиденсияси ҳисобланган. Ҳарбий томондан кучсизланиб бораётган гранадаликлар Альгамрада ҳақиқий шарқона безакнижилови билан дунёни қаратиш, ёвуз қўшниларининг эътиборини қаратиш эди. 13-асрда Гранадани" шаҳарларнинг маликаси", "Ғарбий Дамашқ" деб таърифлашган. Биринчи бино, Карл ИИ қирол саройидир. Бу бино қурилиши 15-7-йил меъмор Педро Маука бошлаган, уни Альгамра ............. боғларини қараб юрарди. Бу меъмор буюк Микекеланджело шогиди бўлган, шуning учун бу ерда "Уйғониш" даврига хос бўлган буюк бинони кўришини фикрлади. Саройнинг ҳозирда 1-қавати Миллий музейга испан-мусулмон санъатига бағишланган. Ҳозирги кунда Альгамбрага келадиганлар Вино дарвозаси орқали тўғри сув ҳавзаси майдонига ўтадилар. Бу эрнинг энг машҳур экспонати машҳур Вазадир, бу Ваза кўпгина манбаларда вамиллий китобларда қайд қилиниб ўтилган. Қасрнинг 2-қавати эса машҳур Гранадамаданиятига хосбўлган ёдгорликлар билан безатилган. Шунингдек бу қаватда Археологик музей ҳам ўрин олган. Испан қиролининг қасри қурилиш усули ва безатиш санъти геометрик шакллари билан Шарқ архитектурасига жуда ўхшаш. Ҳатто машҳур Америкалик ёзувчи Вашингтон Ирвингбу қасрно киборли ва тажанг меҳмон билан таққослайди. Қасрда яна машварат-мажлислар зали бор эди. Шунингдек бошқа сарой вабаъзан квартал шаҳарлариҳам шундай деб юритилга. Яъни қаерларда давлат аҳмиятига молик ишлар,суд

жараёнларибўладиган масканлар машварат зали деб юритилади. 1629-йилда испан қироли Филлип ИВ машварат залини ўзиники қилиб олади. Ҳовлининг шимолий қисми орқали туристлар "қайиқлар залига" ўтишади. Бу қайиқлар залил ҳақида испан ёзувчиси Карлос Поскуал гапириб ўтган. Альгамбра қасри тарихдан ҳозирги кунга қадар ўрганилиб келмоқда. бу қаср тарихчилар учун ҳам бир қанча изланувчан,манбашнослар учун ҳам сирли вамавҳумлигича қолмода. Яна бу қасрни сирли ва ўзига хос сеҳрли эканлиги шарқ эртакларидан "минг бир кеча"ретаги орқали ҳам ҳам билиб олиши мумкин.

## МОСКВА ТАРИХ МУЗЕЙИ

Москва марказида, замонавий ҳаёт қайнаган жойда, биздан узоқ даврлар ҳаётини эслатувчи Тарихий музей жойлашган. Бу ерда биз узоқ ўтмиш асрларга саёҳат қилиб, бизнинг ҳаётимизга ўхшамаган ҳаёт билан танишишимиз мумкин. Тарихий музей анча олдин вужудга келган. Бу музейни ташкил қилиш ташаббуси Буюк Пётр таваллудининг минг йиллигига бағишлаб Кремл остонаси яқинидаги Александр боғида ўтказилган Политехника кўргазмасининг тарихий ва Севастопол бўлимиларига тегишлидир. Бу кўргазмада тарихий экспанонтларнинг ҳам борлиги доимий ва систематик равишда рус тарихини акс эттирувчи Тарихий музей ташкил қилиш фикрини уйғатди. Бунинг учун эса тарихий музей ташкил қилиш талаб этиларди.

Тарихий музейнинг вазифаси қуйидагилардан иборат деб белгиланган. “Рус халқининг ҳамда рус империяси худудида яшаган халқларнинг ўтмиш ҳаётини акс эттирувчи турли расм, фотография, хайкаллар ва маиший ҳаёт буюмларини йиғиш ва сақлаш” тарих музейига биринчиғишт 1874 йилда М.В.Ломоносов тамонидан 1755 йилда асос солинган Москва университетининг аудиториялари жойлашган Земство биноси ўрнига бўлиб ўтди. Музей қурилиши учун маблағ кам ажратилгани учун курилиш кўп йилларга чўзилди. Москва, Санкт Петербургга ва Рассиянинг бошқа губернияларидан ҳайриялар йиғилди. Москванинг катта савдо ахиллари катта маблағлар ажратишди.

Музей қурилиши инженер А.Л.Семёновнинг плани ва назорати остида, фасад ва академик В.О.Шервуд чизмаси асосида олиб борилди.

Музей айрим шахсларнинг ташаббуси ва маблағи ҳисобига қурилаётган бўлса ҳам, кейин у шахзода Александр Александровичнинг ҳимоясига ўтди. У тахтга ўтиргандан сўнг қурилишни молиялаш давлатғазнаси ихтиёрига ўтди. Музей биноси беш йилдан кейин тугалланган бўлса ҳам музей қурилишини бошқариш граф А.С.Уворовнинг ихтиёрига ўтгунча бир неча йил қурилиш чалалигича қолди.

Граф музейнинг ички тузилиш планини ишлаб чиқди, унга кўра музей 11 та золдан иборат бўлиб, уларни граф баъзи бир тарихий экспанатлар билан тўлдирди.

1883 йил 8 июнда Москвадаги тарихий музей расман очилди. Тарихий музей экспанатлари биринчи залда жойлашган палеолит даври билан бошланди. Лекин иккинчи залда жойлашган неолит даври биринчи залга нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Бу зал деворлари ранги сарғиш скулптура лойини эслатса, тасвирий расм рамкалари, ойна ва эшик ромлари куйдирилган лой рангини эслатади. Бу зални безаган энг яхши асар рус рассоми В.М.Васнецов тамонидан ишланган тасвирий асар ҳисобланади. Бу асар икки кисмга бўлинган. Биринчиси энг узун бўлиб, унда тош асри одамларининг маиший ҳаётлари акс эттирилган. Асарнинг чап бурчагида аёлларнинг бола боқиш ва хайвон терисидан кийим тикишлари тасвирланган. Кейин рассом ов вақти ва овчиларнинг овдан қайтишини тасвирлаган, чунки бу уларнинг асосий озуқа тапиш воситаси бўлган. Бу тасвир олдида эса бир гурух ёвоийларнинг тош қуролларини тайёрлаш жароёни тасвирланган. Буларнинг орасида қабила бошлиғнинг йирик гавдаси тасвирланган бўлиб, у қўлида найза ва болта билан жангга шайланиб турибди. Бу даврга келиб йиғилган илмий материалларга асосланиб В.М.Васнецов неолит даври одамларининг яшаш жойларининг тасвирини чизган. Бу ерда маиший идиш тайёрлаш олов хосил қилиш, мамонт ови ва бошқалар тасвири бор. Бу асар жуда мохирлик билан ишланганлиги учун

музей экспанатларига ҳаётий рух бахш этади. “Мана қари чол қури ёғочни қурик чўпка ишқалаяпди. Бола диққат билан бир қисм қуруқ ўтни ушлаб учқун чиқишини пойлаб турибди. Уларнинг ёнида эса сочлари ёйилган қари кампир олов хосил бўлишини кутаяпти”

Тарихий музейда бир миллиондан ортиқ кенг археологик топилмалар йиғилган. Уларнинг орасида тилла билан зеб берилган. Кумуш найзалар, ханжарлар, нефритдан ишланган болталар иборат бўлган. Бойсари бия хазинаси бутун дунёга машҳур. Бу буюмлар ҳаммаси эрамизгача бўлган 2-минг йилликка мансубдир. Тарихий музей кутубхонасида Н.В.Шоламитовнинг ташаббуси ва ҳаракати билан А.С.Грибастовга тегишли бўлган тарихий материаллар йиғилган, алоҳида бўлиб очилган.

Бу ерда Грибастовнинг ўз дастхати билан ёзилган “Ақллилик балоси” комедиясининг асл нусхаси сақланади. Бу қўлёзма А.С.Грибастовнинг яқин дўсти М.С.Бешчеванинг шахсий буюми бўлган ва уларнинг номларидан бу комедия яратилган. Бу вақтда асар автори уни ҳеч кимга кўрсатмай ёқиб юборишни буюрган, лекин у сақлаб қолинган. Сўнгра асар бу тарихий музейга топширилган. Тарихий музейга боғлиқ одамлар орасида катта санъатчи бой, коллекционер Пёьтр Иванович Шукиннинг номи алоҳида ўрин эгаллайди. Бу машҳур бўлиб савдогар ва ишбилармон оиладан бўлган ва ўзи санъатга қизиққан. У Франциянинг Лион шаҳрида савдо соҳасида билим олаётган даврида тарихий буюмлар ва санъат асарларини йиғишга қизиққан. Дастлаб билими озлиги сабабли камёб санъат асарларини йиғишга ҳаракат қилади, масалан, у машҳур немис санъаткори Даниел Хадовецкийнинг гравюраларини ёки Гаварнининг тош босма асарларини йиғади.у Париж, Марсел, Швейцарияга савдо ишлари билан борганда турли китоблар ва гравюра асарларини сотиб олади. Россияга қайтгандан кейин Пёьтр Шукин кўпинча иш машрутларини ўзгартириб, турли шаҳарларда дастлаб маҳаллий антикварларни қидириб топар ва ноёб буюмлар сотиб оларди. Фирма ишлари билан у ҳар йили Нехегород ярмаркасида қатнашиб, доим бирор янги ноёб тарихий буюм олиб қайтарди. Лекин кўп нарсаларни асосан Москвадан машҳур Сухоревка бозоридан сотиб олар, бу ерда у ҳурматли харидорлардан ҳисобланарди. Сухарикага ўзи кўп бормаса ҳам, буюмларни сотувчилар ўзларининг унинг уйига олиб келиб беришарди.

Шукиннинг уйи, унинг омбори доим антикварлар учун очиқ бўларди. Омборга олиб келинган қоп-қоп эски буюмлар очилган сўнг Пётр Иванович Шутин чанг буюмлар орасига кириб кетиб, турли ноёб буюмларни топар ва сотиб оларди, қолган буюмлар яна Сухаровга бозорга қайтариларди.

Шукин коллекциясида дастлаб нималар йўқ эди дейсиз? Француз, Немис ва рус эски китоблари, тош босма асарлар, қадимги рус икопалари, тангалар, рус ва чет Эл кумушлари, француз импрационист рассомлар асарлари ва хаттоки ёзувчи ва актрисалар фотографиясигача. Кейин Пёьтр Ивановичда шарқ халқлари – форс, хиндистон, Япония санатига алоҳида қизиқиш уйғонди. Кейин у шарқ санъатининг рус санъатига таъсирини акс эттирувчи материаллар қидирди ва оқибатда рус тарихий буюмларини йиғиш билан шуғуллана бошлади. Янги коллекциясининг асоси бўлиб, қиролича Элизабетта Петровнанинг Яйцк аскарлари атамани Фёьдр Андреевич Барадинга совға қилган кумуш чўмич шаклида буюми ҳисобланади. Шукин коллекциясида жуда ажойиб, айрим ҳолларда ягона буюмлар сақланади. Уларнинг орасида ҳақиқий дурдона сарлар бор. Масалан, унга Кушково жанги қаҳрамонлари Дмитрий Данский билан Владимир Храбрийнинг тантанали учрашувини акс эттирувчи кашта билан ишланган асардир. Бу асар 1389 йил Твер Князи Александр Михаиловичнинг қизи ва Москванинг буюк князи Симён Гардининг рафиқаси Марянинг буюртмасига кўра тайёрланган.

Шукин коллекциясида қуроллар, қадимий маҳаллий чиннилар, тақимчоқлар, бадиий қуйма асарлар, ёғоч ўймакорлиги билан ишланган Кристин ҳаёти буюмлари – шкатулка, турли идишлар ва беланчаклар бор.

1905 йилда П.И.Шукин бутун ўзининг йиғган коллексиясини, уйи кутубхонасини ва расмлар галерияси билан тарих музейига совға қилди. Бу коллекциядаги буюмлар сони 23911 та эди.

Бу совғалар орасида музейга 101 буюмдан иборат Шукиннинг Массонлар коллекцияси ҳам топширилди. Улар орасида запонкалар, тамакидонлар, турли маросим буюмлари бўлиб, улар тарихий музейнинг масон бўлими экспонентларини 2 баробар кўпайтирди.

Массон хазиналари асосан совға қилинган ва қисман сотиб олинган буюмлардан иборат. 1892 йилда В.П.Соловёв музейга 3 та масон белгиси ва турли қоғозлар совға қилган бўлиб, улар Массон бўлимига асос солди.

Ҳозир тарих музейи иштирокчилари ҳаво – ранг мирамрдан ишланган, устига 4 қиррали крест ўрнатилган тобутни кўришлари мумкин. У маънавий руҳни тозалаш, турли маросимлар учун хизмат қилади. Бундан ташқари у ўлим сирини тушуниш (бу масон таълимотининг асоси) учун хизмат қилади. Хулоса қилиб айтга мирамр тобутча – инсоннинг кўпол танасининг ўлиши ва руҳий юксалишининг тисоли ҳисобланади. Коллекцияда рус масонларининг белгилари ҳам ўрин олган. Белгилари деганда масон экспонантидаги барча буюмларни тушунса бўлади. Бу буюмларнинг ҳар бири инсон томнидан қабул қилинадиган учбурчак, крест ёки юлдуз шаклида қабул қилинадиган олий ҳиссиётни тасвирлаб беради.

Массон тўпламида эмблемалар, кўплаб намойиш этилган, улар рамзий маънони англатишдан ташқари, амалий аҳамиятга ҳам эга. Улар шу одамнинг ўрни, амали ва қандай даражага эришганини ҳам билдиради. Масалан, Санк-Петербургда 1802 йилда ташкил этилган (Бирлашган дўстлар) масон ташкилоти белгиси тили қўшилган бронзоғадан ишланган учбурчак бўлиб, ўртасида дўстона бир-бирини сиқиб турган иккита қўл тасвирланган. Учбурчакда унинг ўрни ва жойи ёзилган. Бу белги худо рамзи бўлиб, - авлиё учликни (Святол Троитца) дунёни яратганнинг 3 хусусияти – донолик, севги ва яратувчанлик ҳамда инсон ва табиатдаги учлик хусусиятини намойиш этади. Бундан ташқари бу эмблема инсонни доим ўзини мукаммаллаштиришга интилишини ифода этади.

Ҳозирги вақтда қизил майдонда жойлашган Давлат тарих музийи ўзининг бош биносидан ташқари яна 7 та филиалига эга, улар революциядан аввал унинг таркибига кирмас эди. Булар орасида асосийлари “Василий Блажиний ибодатхонаси”, “Новодевичний моностири” тарихий архитектура ансамбли, “Коломенск”, “Усадьба” музейлари ва бошқалар.

## РИМ МИЛЛИЙ ГАЛЕРЕЯСИ

Рим миллий галереяси Римни қадимий ва мангу шаҳар деб аташади. Унинг минг йиллик ёдгорликлари адолатли равишда бутун инсониятнинг бойлиги ҳисобланади. Уларни томоша қилиш мақсадида Римга сайёранинг турли нуқталаридан ҳар йили миллионлаб одамлар келишади. Шунингдек, унинг бой музейларида тўпланган машҳур санъат асарларини кўриш учун ҳам кўплаб одамлар келишади. Улардан бири Рим миллий галереясидир.

Галерея икки бинони бирлаштириб туради. Улардан бири Барберини қасридир. 1625 йил Рим папаси Урбан V (Берберини оиласидан) ўз жиянлари учун Сфорц герцогидан саройни сотиб олади ва пиёда у ерда қайта қуришни бошлаб юборади. Бинонинг эски плани сақланиб қолди, менинг янги қурилиш учун бузилган Коллезейнинг мармар ва тошларидан фойдаланишди.

Саройнинг ички қисмида ўз асарлари билан машҳур рассом Пьетро да Картона катта хизмат кўрсатди. Ҳозиргача Берберини саройининг асосий зали плафонида (шифтида) унинг машҳур расми сақланиб қолган. Асарда мураккаб ва тийиқсиз фантазия

христиан ва мифологик аллегорияни қориштириб юборган. Саройнинг бошқа залларидан шифтлар ҳам безаклар билан қопланган, деворлари эса гобеленлар (деворга осиб қўйиладиган суратли гилан) билан безатилган.

Ушбу гобеллар қўшни бинода жойлашган ва 1635 йил папанинг жиянларидан бири бўлмий Кардинал Франческо Барберини томонидан ишлаб чиқарилган. Айнан шу одам ўша давр ва ундан олдинги даврдаги кўзга кўринган одамларнинг бебаҳо хатларини қимматбаҳо қўлёзма ва манускриптлар орасида сақланган кутубхонани йиғиб чиққан эди. 1302 йил бу кутубхона Ватиканга бериб юборди, сарой эса 1330 йил Италия давлати ўзига қаратиб олди. Тез орада саройнинг иккинчи этажи Пьетро да Картоннинг машҳур расмлари билан Миллий галереяга бериб юборилди.

Галереянинг баддий тўплами бир қанча йирик хусусий коллекцияларнинг бирикиши билан вужудга келди. Унинг тамал тоши ҳисобланиши Рим миллий галереясининг иккинчи қисми - қадимий саройга XVIII асрдаёқ кардинал Неро Корсини асос солган. Кардинал ўзининг саройини 1737 йил сотиб олади ва машҳур архитектор Фердинанд Фугага уни қайта таъмирлаш учун беради. Кардиналнинг буйруғи билан янги саройнинг хона ва залларини безашга амалий, ҳамда тасвирий санъат асарлари жалб қилинди ва 1740 йилдаёқ Корсинининг коллекциясининг сони 600 та полатнога (расмга) етди.

Деярли 150 йилдан сўнг князлар Томмазо ва Андрея Корсинилар ўз саройларини давлатга сотиб юбордилар, қадрли расмлар коллекциясини эса совға қилиб юбордилар. Саройдан де Линченинг Академияси ва рассомлик санъати ва скулптура асарларининг коллекцияси жой олди. Кейинроқ бу коллекция герцог Ж. Торланининг тўпламлари ҳисобига тўлдирилди, кейинроқ эса яна шу ерга дель Монте ди Пит галереясини 187 та расм олиб келинди. Шу йўл билан Корсини қасрида бир қанча катта коллекциялар йиғилгандан сўнг, уларнинг битта мажмуага бирлашиши тўғрисидаги масала кўндаланг қўйилди. 1895 йилдаёқ хусусий шахолардан юборилаётган совға-саломлар ҳисобига тўлдирилаётган Қадимий санъат Миллий галереяси ташкил топди.

Ҳозир Барберини қасрида XVII асргача бўлган расмлар мажмуаси жойлашган, Корсини қасрида эса ундан кейинги даврдаги рассомлик санъати намуналари кўргазмага қўйилган. Корсини қасрида кўпгина қайта ишлашлар амалга оширилишига қарамасдан аксарият расмларни томоша қилиш, ажратиш ва улардан завқ олиш қийин, чунки улар бошни айлантирадиган баландликда жойлашган. Караваждо мактаби рассомларининг ижодига бағишланган залда расмлар асосан шифтлардан жой олган. Бундай жойлашувлар ўз асарларини ярата туриб, рассомлар орзу қилган ёруғлик бурчаги остида музей иштирокчиларига расмларнинг кўринишига халақит беради.

Яна Миллий Галерея ўз иштирокчиларига шундай хазиналарни кўрсатадики, ҳар қандан кичик ноқулайликлар ҳисобга олинмайди. Бу каби дурдоналардан бири 1554 йил қирол Каре Vнинг буйруҳи билан яратилган Тицианнинг машҳур “Венера ва Адонис” картинасидир. Картина шундай ҳайротомуз муваффақиятларга эга бўлдики, рассом бу санъатни унча кўп бўлмаган нусхаларда бир неча маротаба қайта чизди. Рим галереясида айнан шундай нусхалардан бири сақланади.

Тициан ўз асарлари учун сюжетни қадимги мифологиялардан олган. Венера ва Адонис муҳаббатлари мавзусига мурожаат қила туриб Тициан бу мотивни ўзича яратади, буюк мастернинг охирги ижодлари учун характерли бўлган кечинмаларнинг драматик мотивини расмга киритди. Венера бу ерда овчи бурғусунинг чақириғига интилаётган Адонисни қучоғида ушлаб туришга ҳаракат қилаётган ҳолда тасвирланган. Худонинг бирдан ҳаракатланиши билан олтин идиш ағдарилди, унинг сочларидан қимматбаҳо маржон шодаси тўкилди.

Қорамтир дарахтлар хасратли аниқ кўринмайдиган тепалик (хира) ҳамда орасидан зўрға нотекис қуёш нурлари таралаётган оғир булутлар билан қопланган осмон тасвири туширилган изтиробли пейзаж картинанинг қайғули кайфияти билан уйғунлашиб кетган.

Картина швед қироличаси Кристинанинг тўпламига мансул. Унинг ўлимидан сўнг 1689 йил картина бин қанча коллекциялар орасига кирган, кейин эса уни герцог Торлони сотиб олган ва давлатга тортиқ қилган.

Тинторетто Миллий галереяга ташвишли ҳолат билан суғорилган "Исо Масиҳ ва гуноҳкор аёл" асарларини намоён этди. Асарда аёлларнинг гуноҳкорликда айбланишига жавобан уларга нисбатан тош отиш таклифи Исо пайғамбар томонидан билдирилиши ҳолати тасвирланган.

Инжилга оид сюжетни тасвирлаб туриб, Тинторитто нафақат вофеанинг ўзи биан қизиқди, балки уни Исо Масиҳ сўзларидан кейин чулғаб олган одамлар уюрининг ҳолати ҳам қизиқтиради. Одамларни қуршаб олган ваҳима табиатни ҳам ўз домига тортади. Ҳодиса баҳайбат пешайвон (портик) остида ағдар-тўнтар ҳолатдалигига қарамасдан томошабинларнинг тасаввурида шундай нарса уйғонадики, худи буларнинг ҳаммаси бепоён борлиқда рўй бераётгандек. Бугга қора булутлар сузиб юрган осмон кенглик билан қоришиб, туташиб кетган улкан азоқ денгизи ёрдам беради. Таъсирчанликни ошириш мақсадида Тинторетто Маньверилга хос бўлган одам фигураларини узайтириш усулидан фойдаланди.

Худди шу усулдан ўз асарларида Дль Греко ҳам фойдаланди. Келиб чиқиши грек бўлган, у Критда туғилиб шу ернинг ўзида маҳаллий иконанавислар қўлида таълим олди. 1560 йилдан кейин у Венецияга кетди кейин Испанияга ўтиб кетди. У ерда у дастлаб қирол Филипп II саройида тўхтайди, лекин қирол ва унинг сарой аҳли томонидан тан олинмаган Эль Греко Испаниянинг қадимий пойтахти Толедога равона бўлади.1596 йил Эль Греко Мадридда августин-Мария Араганенистднинг донлари таълим берадилар алтар мактаблари учун учта катта асарлар "Эзгулик ишораси", "Чўпонлар таъзими" ва "Исоннинг чўқинтирилиши" буюртмаларини олди. Охир оқибатда учала картина турли музейларга тарқалиб кетди, ҳатто Рим миллий галереясидан ҳозир ҳам улардан иккитаси "Чўпонлар таъзими" ва "Исонинг чўқинтирииши" жой олган.

Бир қатор санъатшуносларнинг башоратига кўра, улар алтар кариналарини такрори ёки уларга эскиз ҳисобланади.

"Чўпонлар таъзими" асаридаги инжилга оид сюжет воқеа-ҳодисалари маҳаллийчилик Фонидаги фантастик харобалар билан ривожланади. Вайрон бўлган бинолар мажмуи худди шамолда тебраниб тургандек силкиниб турибди, ҳамда харобалардаги девор тешикларида қорамтир осмон йироқдаги чақмоқнинг ёниб ўчиши билан тасвирлангандек туюлади. Ҳолатнинг ўзи эса - гўдак исога чўпонларнинг таъзими - асарнинг олдинги планида намоён бўлади. Эль Грекониг асосий моҳияти ранг-тус беришдир. Мадонна - кўйлагининг ярқироқ пушти ранги ёнида турган чўпон кўйлагининг лимонли сарий ранги билан уйғунлашуви, фаришта кийимининг ҳаворангдагилиги ва бошқа чўпоннинг совуқ рангдаги яшил кўйлаги нозик фарқли рангларнингғайри оддий гаммасини яратади. Бўёқлар дам ўчади, дам ярқироқ рангда товланади ва илоҳий гўдак етган ҳамда атрофидан кумуш шуълалар нур таратиб турган чойшабдаги нур таратишнинг энг юқори интенсивлигига эришган.

"Исоонинг чўқинтирилиши" асаридаги ҳодисалар гўёки нариги дунёда содир бўлади. Юқорида Фаришталар қуршовида қуёш нурларининг ёрқин оқими қуршовида Худо савлат тўкиб ўтирибди, олдинги планда эса асарнинг қуйи қисмида чўқинтириш маросими ўтказилмоқда. Тиз чўкиб сажда қилаётган Исонинг ёнида кийимлар халоскорини боши устидан қўллаб турувчи номутаносиб равишда фариштанинг кичик қомати тасвирланган.

Бу ерда Эль Греко ўзи ёқтирган турли масштабдаги фигуралар уйғунлиги усулига мурожаат қилади. Асарнинг бтун образли қурилмасиғёрқин ифодаланган ва тез деформацияли одам фигуралари ҳамда гайриоддий тиниқлик билан ёрқин, товланувчи бўёқларни расмда ўзининг бениҳоя ифодаланишига эришган.

## ЛОНДОН МИЛЛИЙ ГАЛЕРЕЯСИ

Лондон миллий галереяси Трафалгар хиёбонида жойлашган булиб, 1839 йил 9-апрелда уз эшикларини очган. Лекин тарихчи-санъатшунос олимлар уни очилишини 1834 йилга боглашади. Унга асос сифатида улар уша йили инглиз хукумати давлат учун машхур банкир ва меценат Ангерстейндан улимидан сал олдин 38 та картина олишни курсатишади. Галерея Европадаги йирик музейларга Караганда энг ёш музейлардан булиб, Франциядаги Лувр, Испаниядаги Прода. Венадаги бадиий музей Дрезден галереялари роппа-роса ундан 100 йил олдин ташкил топган. Ангерстейннинг расмлар коллекцияси кейинчалик булажак коллекцияларга асос солади. Лекин уларнинг экспозицияси учун кулай жой булмаганлиги учун расмлар 10 йил давомида банкирнинг Пелл-Мелл кучасида жойлашган махсус уйда, кейинчалик эса канчадир вакт давомида уша кучада жойлашган №105 ракамли уйда намойишга куйилган. Унинг уйидаги расмларига назоратни реставратор ва санъатсевар жаноб Сегье амалга оширган. Олинган расмлар ичида Рубенснинг “Собяннинг угирланиши” , Рембранднинг “Исо ва гунохкор аёл” ва бошка шу каби картиналар бор эди. Бу расмлар банкирлар йигилишида ва инглиз миллий мастерларининг ижодида, Чунончи Хогарднинг машхур “Замонавий никох”, шунингдек, “Автопортрет” ва Рейнолдснинг “Лорд Хидфилднинг портрети” куйилган. Хогарднинг “Замонавий никох” туплами унинг ижодида марказий урин эгаллайди. Бу расм никохнинг хисоблилигини, эр-хотиннинг бир-бирига узаро ишонганлигини ва уларнинг улимини акс эттиради. Инглиз хукумати бу расм тупламини сотиб олган булса хам, лекин бошидан уни тулдириш хакида кайгурмади ва 20 йил ичида коллекция факат хайр-эхсон эвазига усди. Галереянинг пайдо булишига рассом ва коллекционер сэр Жордж Бомон ката хисса кушди. У уз даврида Англия хукуматининг Ангерстейннинг расмларига эга булиш учун куп харакат килди.

1840 йилнинг бошларида галереяга тезда хадя сифатида бериладиган асарлар бирданига кискарди. Бунга сабаб эса жахон бозорида бундай санъат асарининг кимматлашуви билан боглик эди. Расмларнинг музейга хадя сифатида колдиришдан кура, узларининг авлодларига колдиришга афзал билдилар. Худи уша дамда Англия хам хал килувчи ролни уйнаб, галерея ва бошка музейларнинг расмлар билан тулдиришни уз кулига олди. Унинг саъй-харакатлари эвазига Лондон галереяси хазинани йигди ва бунинг асосини 15-16 асрлардаги Италиялик рассомларнинг асарлари ташкил этади. Сотиб олинган 130 асар ичида Пьетро дела Франческонинг “Исонинг чукинтирилиши”, Сандро Боттичеллининг “ Волхвнинг таъзими ва успирин йигит портрети”, Рембрантнинг 2 та автопортрет ива бошка куплаб асарлар бор эди. Шундан кейин Испан мактабининг буюк рассомларининг вакти келди. Дастлаб Веласкеснинг “Филипп II” портрети сотиб олинди. 1883 йилда эса галерея хадя сифатида Веласкеснинг “Улугвор Исо колоннада” асарини олди. 10 йилдан сунг эса яна бир шахсий совга сифатида унинг яна бир асари “Исо, Мария ва Марфилкида” асарига эга булди.

Лондон миллий галереяси бутун Европада машхур булган Янван Эйканинг “ Чет Арнольфинни портрети” шох асари хам сакланади. Рассом биринчи булиб инсонлар кунда дуч кедадиган вазиятларни тасвирлайди. Расм сюжети уша давр бадиий асарлари учун хос булган. Диний мазмунда ёки Библиядаги образлардан холи эди. Расмда ихчам хонада италиялик харидор Жованни Арнольфинни уз хотини билан тасвирланган. Уларнинг юзлари байрамона тасвирланган. Янван Эйк томонидан тасвирланган жиддий бюргер шароити ва оддий одамлар тасвири Нидерланд ва Голланд санъатининг кейинги тараккиёти учун йул очди. Галереяда пайдо булишига кадар расм жуда куп даврни босиб утган булсада, расм жуда яхши сакланган. 16 аср бошида “Чарлз Арнольфинни портрети” Нидерландиялик махаллий аёл Маргарита Парискка тегишли булган. Кейинчалик портрет Испанияда пайдо булади ва 18 асрдан бошлаб кирол коллекциясига киритилади. Наполеон боскини даврида бу асарни француз генерали Брюсселга олиб борди ва уша ерда 1815 йилда генерал-майор Геем томонидан сотиб олинган. Асарни Англияга олиб келишди. Факатгина 1840 йилга келиб асарнинг галереяга совга килинди. 1992 йил Англия киролычаси Елизавета II галереянинг гарбий кисми Сейнсберн канотида тантанали

равишда  ката курилишни бошлаб юборди. Сейнсберн деб номлаиншининг сабаби курилишга кетган харажатлар  Лорд Сейнсбергнинг ва унинг икки укаси томонидан сарф килинганлигида эди. Бу канот лойихаси Американлик архитектор Вентурн томонидан чизилган булиб, замонавий талабларга жавоб беради. Кургазмали зал ва вактинчалик кургазмалар учун, шунингдек унда купрок маъруза зали, кенгаш кино заллари аудиовизуал жихозлар, ресторан савдо хизматлари назарда тутилган эди. Янги канотнинг хоналари турли хил эди. Лондон миллий галереясининг асл бойили кичкина микро галерея ва унинг автоматлаштирилган информацион кидирув тизими хисодланади. Биргина тугмани босиш билан мониторда инсонларнинг рангли куринишидаги тасвири пайдо булади. Шунингдек рассом хакида, унинг биографияси хакида маълумот, унинг ижод кирралари ва асарнинг яратилиши тарихи чикади. Ташриф буюрувчи узи кизиккан расмнинг планини текин олиши мумкин. Умуман олганда Лондон миллий галереяси бутун жахон музейлари ичида энг буюк  ва нодир асарларга эга булган музейлардан бири хисобланади.

## ДРЕЗДЕН ГАЛЕРЕЯСИ

1945 йил 13 феврал Дрезден кутилмаган фожеа билан тарих соҳасида намоён бўлади. Бу куни ингилиз ва Америка авеациясининг ёпирилиб хужум қилиши, шахарнинг инглиз ва америка самолётлари  томонидан бомбардиомн килиниши содир бўлди. (Кенйинчалик тарихчиларнинг таъкидлаши бўйича бу ходисага хеч кқандай харбий зарурият бўлмаган ва бомбалар тинч ахоли хаётига зомин бўлган. Вашингтонда Дрезден шахри Америка атом бомбалари синалиши керак бўлган шахарлар рўйхатига киритилганди.  Фақат совет армиясининг  тезкор хужуми Дрезденнинг Хиросима ва Нагасаки  тақдиридан қутқариб қолди. Лекин барибир хужумлари вақтида тахминан 8000 портловчи, 500000 ёндирувчи, 5000 ўтсочар бомбалар Дрезденнинг оловли машъали қарида қолиб кетишига сабаб бўлди. 35000 ахолини ёстиғи қуриди. Шахарнинг 85% биноси йуқ қилинди, шахар буткул харобага айланди. Деярли хамма тарихий ёдгорликлар яксон қилинди. Фрауенкирхен (аёллар черкови) ва Госркирхен (сарой черкови) харобага айланди. Олов қурбонига айланган опера хам XIX асрда Гордфридзентер томонидан қурилган ажойиб иншоот эди.

Машхур архитектура ансамбли Цвингер хам машъум тақдирдан қочиб қутилолмаган, кейинчалик бу бутун дунёга Дрезден галереяси номи билан шухрат қозонди.

Машхур Цвингер ўрнида хароба пайдо бўлди. Галерея ўрнида фақатгина кўмирга айланган девор қовурғасигина қолганди.

Галерея XVI асрда сакслар курфюрсти Фридрих Донно томонидан ташкиллаштирилган бўлиб, бу ўз даври одати бўйича рассомларга хомийлик қилиш мақсадида  амалга оширилган эди. У саройга Лукас Кранахни таклиф қилди  ва Альбрехт Дюрерни буюртма берди ва бу хозиргача Дрезден галереясини безаги хисобланади. Шундай бўлсада галереянинг асосчиси сифатида  асори атиқаларни йиғишни бошлаган шахс  Кюрфюрст Августа 1 хисобланади. Бу 1560 йили  ўзининг Дрезден хазинасида Кюрсткамера ташкил этди – яъни  хар турли тарихий ва этнографик буюмларни йиққан. Унинг коллекциясида  тангалар, гравюралар ва бир нечтагина картиналар бор эди ва улар кўргазмага қўйтлмасдан, деворни безатилиши учун ишлатилди. Саксония Курфюрстлари картиналарни XVII асрга оидларини ҳам сотиб олишди, лекин бу шахсий алохида харид бўлиб хеч қандай ахамият касб этмас эди. Саксония Курфюрст ива поляк қироли Август II Баходир даврига келиб голиреянинг тўлдирилиши, бойиши даври босланди. Бир неча ўн йил давомида голирея ривожлиниб борди. Натижада Дрезден хазинаси хамма коллекцияни сақлашга торлик қилиб қолди. Расм голиреяси махсус ажратилган “Конюшен”  биносига кўчириб келинди ва шу билан Дрезден голереясининг қурилиши нихоясига етди.

Унинг ўғли ва вориси Август III XVIII-асрнинг ўрталарида Европа рассомчилик намуналари хазиналарини йиғиш тўғрисида сарой йиғилишини ташкил этди.

Ушбу мақсад йўлида ва қизиқишининг кучлилиги сабаб деярли давлат ишларини унутиб қўйди, картиналар сотиб олди ва бу йўлда у хеч нарсани аямади. Август III агентлик тармоғини ишлаб чиқди ва бунда у Париж, Винеция, Антверпен аукционларида сотилаётган ва иштирок этилаётган ижод намуналаридан хабардор бўлиш имкониятига эга бўлди. Бу ерда энди фақат алохида асарлар эмас, балки бутун бир коллекция сотиб олиш имкони мавжуд эди.

1741 йил Дрезденга камбағаллашиб қолган герцек Валленштаеннинг йирик коллекциясини келтиришди. 1745 йилда эса ўз таркибида Тацианнинг "Динарий Кесария" шедеврини жойлаган Моден герциги Франческо III д'Эстеннинг машхур жамланмаси сотиб олинди.

Гитлер Германияси барбод бўлиш арафасида Гитлерчилар шведларни ўзларининг нам, зах шахарларидан бири машхур голиреясига беркитишда ва улар бу бойлик руслар қўлига тушмаслиги учун йўқ қилиб юборишга хам тайёр эдилар.

Бироқ биринчи украин фронти солдатлари буйруққа биноан 20 йил мобайнида Дрезден голереясини шведларини излашди. Булар билан биргаликда қидирувда рассомлар, ресторвраторлар ва музей ходимлари иштирок этишди. Хама жойни қидиришди ва нихоят Чехославакия чегарасида Покао-Ленгельфельд шахтасининг қазилмаларининг бирида жуда кўп йирик тасвирий санъат намуналари яширинган жойидан топилади.

Томдан ва девордан захлик оқибатида чакка ўтарди, намлик ўта дахшатли холд эди. Шахтанинг бўлмаларидан бирида омборча бўлиб кортиналар ўралмаган холда шундоқ ерга тираб қўйилган эди. Расмлар намликдар ёпишқоқ холга келган бўлиб айрим расмлар умуман ўчиб кетган эди. Яна икки хафта шу ахволда таранда шундоқ хам қайта тикланмас даражага келиб қолар эди.

Совет харбийлари кортиналарни юқорига таший бошлади. Омбордан бир немис шахтёри жахон тасвирий санъати дурдонаси хисобланган Рубенснинг "Вирсавия"ни қўлига олди. Асар намланиб, моғорлаб, бокиб қолганди ва у уқаланиб тўкилиб тушар эди.

Визанштейн саройида катта коллекция қўлга киритилган эди. Унда Ренбрандт, Коррето, Греза ва бошқа рассом асарлари ўрин олган эди. Расмлар ичида Веласкиснинг 3та портрети, Ренбрантнинг "Гули портрети", Ен. Пуссен, Э.Мане, Дега ва бошқа буюк рассомлар расми ўрин олган.

Излаб топилган ва ёруғликки олиб чиқилган буюк асарлар, одамлар кўз ўнгида ўзини нафис гўзаллиги билан Жоршоннинг "Ухлаётган Венера" номоён бўлди. Ундан кейин Рембратннинг "Саскин автопортрети" ва мўжазгина кумушдан ваттоннинг "Байрами", Тацианнинг оқ кийимдаги аёл портрети намоён бўлади.

Рафаелнинг буюк Сикстин мадоннаси қути ичидан тортилди. Қути ихчам ва мустаҳкам қилиб ясатилган қути остида қалин картон ўрасигиа эса гигиздан картинани қути ичида тинч туруши учун фойдаланилган лекин уруш вақтида қути халокатли холатда эди.Чунки у ҳар қандай вазиятда ёниб кетиши мумкин оқибатда жаҳон бу гавхардан айрилиб қолиши мумкин эди.Қутини очишганда совет ҳарбийлари бош кийимлари ва фурашкаларини ечишди.Улар қаршисида булутлар орасида бар хурлиқо аёл тенгсиз гузаллик ила илохий бир қиёфада қўлида чақалоғини кўтариб турар эди.Саксония курфюрстлари бу картинани 1954 йилда ихчам италян монастиридан 20 минг цихенага сотиб олган.

"Мадонна" Поячинцедаги Санцисто монастири мехроби учун Рафаел яратган эди бу картина композициясига қисман алоқадорлиги бор.Пардани тортиб қўяди ва кўз ўнгида мўъжиза юз беради.Атрофида фариштадар ўраб олган холда оёқ яланг ёш аёл қўлида чақалоғи осмондан одамлар томонга кетаяпти.Тошдан ясалган нақшинкор панжара ортидан 2 фаришта осмон ва ерли хаётни бирлаштириб турибди.Муқаддас сикст Мадоннага йўл кўрсатаяпти,диёнат Билан кўзини қуйи солиб тизза билан чўккалаган ҳолда қўлини Варвара кўксига босди.Кучли шамол Мадоннанинг кийимини ҳилпиратиб турибди.Ёш христоснинг сочлари ҳам ҳилпираяпти Мадонна кўзларини катта очган ҳолда ўғлини ҳимоя қиларди ва уни одамларга бериб юборди.Дризден голериясида Д Жулио

Гомано мўй қаламига мансуб”Мадонна делла-Кутина”картинаси ҳам ўрин олган.Бу рассом Рафаелнинг энг иқтидорли шогирдларидан бири эди.Кумуш ранг тоғорада ёш христос онаси ушлаган холда тик оёқда туради.Ёш Иоанн кулган қувачадан сув қуярди , 2 планда эса ўнг томонда муқаддас Иосиф чап томонда муқаддас Елизаветта намоён бўлади, унинг қўлида артиниши учун сочиқ ушланган холда эди.Тадқиқотчиларнинг фикрича бу расм Джулио романонинг илк иши бўлиб, бу Рафаелнинг ўлимидан кўп ўтмай ишланган.

Дризден голериясининг хазиналаридан бири Тацианнинг”Мадонна чақалоғи ва 4 фаришта”асари ҳам диққатга сазовордир унинг ушбу илк асари 1512 йилда яратилган бўлиб, тахминан дўсти ва устози Жоршоннинг ўлимидан 4 йил ўтган эди. Тациан бу вақтда 20 ёш атрофида бўлган.

Картина мавзуси венеция рассомчилик анъанасига биноан “муқааддас оила” сифатида акс эттирилган, яъни она худо, атрофида авлиёлар картина буюртмачиси хохишига биноан танланган. Тациан асарида қаршимизда Иоанн Креститель (чўқинтирувчи), Мария Магдалена, авлиё Павел ва Авлиё Иероним акс эттирилган. Мадоннанинг рахимдил ва гўзаллиги акс эттириб улуғворлик тараннум этилади, унинг олдида Тацион ҳар хил авлодга мансуб авлиёлар ва одамларни кўрсатади, она бахтининг нафис кучи ва маънавий бирлик тасвирланади.

Маря Магдаленани ўзига хос хусусиятидан билиб олиш мумкин. Ўнг қўлида идиш ушлаб олган. Тавба қилаётган гунохкор аёл, ўртада қалтис чизиқ тортилган бўлиб иккинчи план шакллари соясига ботиб кетганди. Мадонна қаршисида бошини қуйи солиб туради. Мадонна эса унга ҳамдардлик, меҳр тўла кўзлари билан боўмоўда. Мадонна гуноҳкорга хушмуомала муносабатда бўлмоқда. Магдолина орқасида эса апоста Павел ва қария Иероним турарди.

Яшил парда тилларанг хошия ва архитектуравий фан расмга улуғворлик ва гўзал холатини кучайтиришда муҳим ахамият касб этади. Қуёш шуъласи ва бетакрор осмон жилваси бутун бир асарни сокинлик, шодлик, байрамона кайфият хосил қилади. Ушбу маъновий гўзлаллик тасвири бетакрор асарда бўёқларни танланиши ва бўёқларнинг жилвакорлиги эвазига хосил бўлган. Дрездент тасвирий санъат галереяси ташкил топиши расмий жихатдан 1772 йил деб белгиланган. Унга қадар “яшил гумбаз” номи билан аталиб унда 1730 йил юошларига қадар Курфюрстларнинг қимматбаҳо ҳазиналари, ўтган асрнинг бой безаклари тилла буюмлар тўпланган эди.

1724 йилда фил суягидан ясалган нодир асарлар тақдим этилган. Унда Нептуннинг ажойиб тасвири келтирилган. У 1620 йилда Дрездент ўймакори Якобо Целлер томонидан фил суягидан ясалган. Бу унинг энг яхши асари хисобланади. У ер шарида тахтда ўтирарди ва бошида катта фрегатни тутиб турарди.

“Яшил гумбазча” ва яна кўпгина хазиналар келтирилган. Халқни кириши мумкин бўлмаган. Бу Курфюстларнинг қимматбаҳо хазинаси бўлиб, кейинчалик музейга айлантирилган.

Курфюурст меҳмонларидан ташқари бу ерга билимдонлар ташриф буюришган. Бу ерга фақат маълумотли тоифа кириши мумкин бўлиб, унда ҳам гиднинг кузатуви остида юрган ва бундан гид яхшигина чой пули олган. Шундай давом этарди. 19 асрда 1831 йил инқилобий вазиятга қарамай уларнинг демократик конституцияси қабул қилинди.

“Яшил гумбаз”да Мельхиоро Динглинглернинг “Деҳлидаги буюк Аврангзеб саройи ва унинг туғилган куни” деб аталадиган йирик иш намойиш эитлди. Бу рассом 16 асрнинг энг машхур усталаридан эди. Аср қимматбаҳо тошлар билан безатилган бўлиб, ундан ташқари олтин ва кумуш ҳам мавжуд эди.

Бу аср 1 кв метрни эгаллаган кўпгина майда эмаль билан қопланган қўғирчоқ шакллардан иборат. М.Динглинглер бу иш устида ўзининг икки акаси ва 14 та ёрдамчиси ёрдамида 7 йил давомида бош қотирган. 1709 йилнинг мартида Август Баҳодирга 60 минг таллер баҳосида сотилган.

Сарой 3 та алохида алохида саройдан иборат. Биринчи икчки сарой кумуш билан безатилган. Иккинчиси олтин билан, учинчисида эса буюк Аврангзеб тахти тасвирланган.

Атрофида мулозимлар жойлашган. Бой безаклар билан безатилган тахтиравонга князлар ва мулозимлар яқинлашмоқда.

Бу асарни яратишда Винглинглерга қимматбаҳо материаллар кетган, катта миқдорда олтин ва кумуш ва кўпгина қимматбаҳо тошлар кетган. Шунинг учун ҳам 60 минг толлера у қадар юқори баҳо хисобланмайди. М.Динглинглернинг бу улкан иши “яшил гумбаз” ва Дрезден галереясининг бошқа хазиналари сингари қандайдир. Қандайдир баҳо мантиққа тўғри келмайди. Чунки, галереянинг ҳар бир дурдонаси бебаҳодир.

## ЭРМИТАЖ – БЎШ БУРЧАК.

1718 йил Рим шаҳри атрофида ўтказилган илми изланишлар натижасида гўзаллик ва мухаббат маъбудаси Венеранинг мармар хайкали топилди. Буни бир пайтлар Италияга Рус расомларини кузатиш учн жўнатилган Юрий Кологривов сотиб олди. Бир куни Рим папаси малмакатдаги кўҳна ҳунармандчилик ашёларини хорижликлар олиб чиқиб кетишини таъқиқлайдиган қонун қабул қилади. Шундан сўнг эса Италияга дипломатик шартнома тузиш учун Рус дипломати Савва Рагузенский жўнатмилади Аммо шартноманинг дастлабки босқичлари ҳеч қандай натижа бермади. Тез орада Пётр I нинг элчиси católog черковига маъбуданинг ҳайкалини илоҳий Биргитталарга алмаштириш учун ташриф буюради. Шундан сўнг Рим папаси ҳеч қандай иложсиз қолади, Пётр I эса католиклар билан муносабатни яхшилаш учун Венера ҳайкалини совға қилади.

1720 йил дарё ва қуруқликдаги узоқ саёҳатдан сўнг махсус буюртма билан Венера ҳайкали Петербургга келтирилади. Пётр I бу воқеа содир бўлган ёзги майдонга байрам ўтказилишига ва ҳайкал атрофига уни қўриқлаш учун гренадрлар ўрнатишни буюради.

Ёшликдагидек абадий гўзал бўлган маъбуданинг мармар ҳайкали охир оқибат Тавречиский боғидан ўрин олган ва бу жой Венера Тавречиский деб ном олди. У ягона ва биринчи экспонат бўлиб, шундан сўнг коллекциялар тўплан бошланди. Бу коллекциялар ҳозирда Эрмитаж номини олган.

Эрмитаж – французча сўз бўлиб, у чўл, саҳро, ҳилва бурчак деган маъноларни билдиради. Эрмитаж (Версол каби) XVIII асрда боғлар, парк ва саройга эга эди. Бошида булар алоҳида сирли давраларга дам олиш ва ҳилват жой вазифасини ўтаган. Эрмитажнинг махсус қишки саройида Екатерина II кенгашлар ўтказган.

Айтишларича, бир куни Импратрисса қишки саройнинг ҳилват залига келиб таъсодифан Робинзонинг “снятий с криста” асарини кўриб қолди. У унга узоқ тикилиб турди ва шу ерда галерия ташкил этишни ўйлади. Ўша вақтдан Екатерина II ўз озусини рўёбга чиқаришни интила бошлади. Импратрисса кўплаб буюк рассомларнинг машхур асарларини йиғишга буйруқ беради. Шу билан бирга Европанинг йирик шахарларига махсус одамлар юборади. Уларга архиологик санъат асарл арлари ва бошка машхур иарсаларни топтш буюртлади. Екатерина II саройдаги давлат ишларидан бушагач хукумат ташвишларидан дам олиш учун “хилват залига”ташриф буюради. Бу ердаги 12 15 одамдан иборат булган чегараланган одамлар даврасидаги бу жозибали киска кеча унга жуда екади. Бу ерда Импратрисса дустларидан узларининг буюкликларини унутиўни буюради. Бу даврадаги одамларга уз иззатларини саклашларига рухсат берилади лекин хатто ташкаридан кимдир чакириб келса хам уларга чикишга рухсат берилмайди. ”Эрмитаж “даги конун коидалар Екатерина нимани тугридеб топса уша асосида тузилган булиб булар келувчилар утирадиган “Эрмитажнинг олд хонасига езилган эди.

Россиянинг янги пойтахтида XVIII асрнингш бошларидан бошлаб гарбдаги рассомлик устахоналари кириб кела бошлайди. Бларнинг асосийси Голландиядан келади яъни буларни Пётр I ектирар эди. Качонки у Амстердамга ташриф буюрган пайтда бундай ус тахоналарда булган ва буларнинг бари унинг хает сахнасидан уз урнини эгаллаган.

Петрбургга Гарбий Европа рассомлари асарларининг биринчи партияси келтирилган 1764 йил “Эрмитаж “га асос солинган йил хисобланади.Бу берлинлик савдогар Гоцковскийнинг 225 та расмдан иборат коллексияси эди. Гоцковский расмларни

